




ИСЛОМ КАРИМОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН
ЮТУҚ ВА МАРРАЛАР –
БИЗ ТАНЛАГАН ИСЛОҲОТЛАР
ЙЎЛИНИНГ ТАСДИФИДИР**

22

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
2014






УЎК: 323(575.1)
КБК 66.3(5Ў)
К 25

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов асарларининг 22-жилдидан давлатимиз раҳбарининг 2013–2014 йилларда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда, турли халқаро анжуманларда, маросимларда сўзлаган нутқлари ва маърузалари ҳамда табриклари ўрин олган.

ISBN 978-9943-28-145-5



ISBN 978-9943-28-145-5



© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2014

38548/22
10 291

**«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ТЎҚҚИЗИНЧИ
ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ
ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ
МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ**

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Қадрли меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, дунёнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлмиш Самарқанд шаҳрида, мана шу муҳташам Регистон майдонида тўпланиб турган сиз, азиз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали иштирокчиларини кутлашга, барча-барчангизга ўзимнинг самимий хурмат-эҳтиромимни билдиришга рухсат бергайсиз.

Бугунги мусиқа ва санъат форумида қатнашаётган юксак мартабали меҳмонларимизга — ЮНЕСКО Бош директори Ирина Бокова хонимга, Халқаро маданият ва санъат уюшмаси бош котиби Куо Ли Мин хонимга, Халқаро фольклор ижодиёти ташкилоти бош котиби жаноб Мун Хюнг Сукка, Осиё халқаро санъат фестиваллари уюшмаси раиси жаноб Чен Шенглайга, Корея Республикаси Президентининг маданият ва санъат сиёсати масалалари бўйича маслаҳатчиси жаноб Хюнг Ван Ли ва бошқа қадрли дўстларимизга ўзимнинг чуқур хурмат ва ташаккуримни изҳор этаман.

Фестивалимизда халқаро миқёсда кенг танилган машҳур мусиқа арбоблари – Марокашдаги «Тимитар» халқаро мусиқа фестивали раҳбари жаноб Брахим Эл Мазнед, Япон мусиқа ассоциацияси президенти жаноб Кавасе Тадасуке, шунингдек, Афғонистон ахборот ва маданият вазири жаноб доктор Саид Махдум Рахин, Куала-Лумпур шаҳри мэри жаноб Датук Аҳмад Фейсал Толиб қатнашаётгани бизнинг анжуманимизга алоҳида эътироф ва нуфуз бағишлайди.

Халқаро фестивалимизда яна бир ҳурматли меҳмонимиз – Америка Қўшма Штатлари Конгрессининг аъзоси, таниқли сиёсатчи жаноб Жеймс Патрик Мораннинг иштирок этаётгани барчамизга катта мамнуният етказди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун мусиқа байрамимизда ҳозир бўлган хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги мухтарам элчилари ва вакиллари-ни қутлашни истардим.

Бугун биз жаҳоннинг 52 та давлатидан келган сиз, азиз меҳмонларимизни шарқона эҳтиром билан «Хуш келибсиз азим Самарқанд заминига, хуш келибсиз меҳмондўст Ўзбекистонимизга!» деб кутиб оламиз.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун биз «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалини юртимизда тўққизинчи бор ўтказмоқдамиз. Ҳар сафар навбатдаги фестивал-

ни ўтказар эканмиз, мазкур анжуманни дунёнинг энг кўҳна шаҳарларидан бири бўлган Самарқандда ўтказиш ҳақида ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланган қароримиз нақадар тўғри бўлганига такрор ва такрор ишонч ҳосил қиламиз.

Асрлар давомида умумбашарий маданият ва цивилизация марказларидан бири бўлиб келаётган, афсонавий Шарқ тимсоли, ўзининг етти иқлимга машҳур меъморий обидалари, буюк салоҳияти, гўзал ва сўлим табиати билан ҳар қандай одамни ўзига мафтун этадиган бу тарихий шаҳар энг юксак халқаро анжуманларни ўзида қабул қилишга ҳар томонлама муносибдир.

Бундай улуғвор ва табаррук шаҳарнинг юраги бўлмиш, Регистон деб ном олган, дунёда кам учрайдиган бу мухташам сахна, ҳеч шубҳасиз, миллий мумтоз тароналарга янгича, бетакрор гўзаллик ва нафосат бахш этади, минг-минглаб санъат мухлислари хотирасида ўчмас из қолдиради.

Айнан Самарқанд заминида пойдевор қўйилган «Шарқ тароналари» фестивалининг ўз олдига қўйган ғоя ва мақсадларини қисқача ифода қиладиган бўлсак, улар авваламбор мусиқа санъатини улуғлашга, унинг одамларга бўлган таъсирини ошириш, эзгу орзу-умидларни мусиқа орқали тараннум этишга ва шу асосда дунёдаги турли миллат ва элатларнинг вакилларини ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлаш,

дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга қаратилгани билан, айниқса, эътиборлидир.

Муҳтарам фестиваль қатнашчилари!

Биз барчамиз сизларнинг тимсолингизда ана шундай буюк ва бебаҳо маънавий бойликни асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида беғараз хизмат қилаётган, Шарқнинг мумтоз санъатини янги-янги ёш авлодларга безавол етказиб келаётган фидойи инсонларни, моҳир санъат усталари ва устозларини кўрамиз.

Шу маънода, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва ўта мураккаб бир замонда халқларни бир-бирига ўзаро яқинлаштириш, муштарак илдишларни бир-бирига пайванд этишда, минтақа ва бутун дунёда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш йўлида мусиқа санъатининг беқиёс кучи ва таъсирини намоён этишда «Шарқ тароналари» каби фестивалларнинг аҳамиятини ўлчаш ва қиёслаш қийин, десам, ҳақиқатни айтган бўламан.

Айни мана шундай олижаноб мақсадларни ўз зиммасига олган, турли-турли минтақа ва мамлакатлардан келган сиз, ҳурматли маданият вакиллари азиз меҳмонларимиз сифатида қабул қиламиз, сизга берилган истеъдод ва талант олдида таъзим қиламиз.

Азиз фестиваль иштирокчилари!

Тобора улкан обрў ва эътибор топиб бораётган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа анжуманини юксак даражада ўтказиш учун пухта тайёргарлик

кўриш ва керакли имкониятларни туғдириш албатта ташкилотчилардан, аввало Самарқанд аҳлидан катта масъулият талаб этишини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бугун ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айни шундай тайёргарлик ишларида жонбозлик кўрсатган, ўзининг меҳмондўстлиги, ажойиб фазилатлари билан дунёда ном қозонган Самарқанд аҳлига барчангизнинг номингиздан, шахсан ўз номимдан самимий миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, шу азим шаҳарда туғилиб ўсган, вояга етган инсон сифатида мен учун доимо азиз ва қадрдон бўлган Самарқанд халқига, кексаю ёш барча ҳурматли ҳамюртларимга фарзандлик меҳрим ва садоқатимни яна бир бор изҳор этиш менга чексиз хурсандчилик ва баланд рух бағишлайди.

Азиз юртдошларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Барчангизни бағримга босиб, бугунги гўзал байрам билан – «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиши билан яна бир бор табриклайман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, анжуман ишига муваффақият тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2013 йил 27 август

МУСТАҚИЛЛИК – БАРЧА ЭЗГУ РЕЖА ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ МЕЗОНИДИР

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Бугун мамлакатимиз, бутун халқимиз асрлар давомида орзиқиб, интилиб кутган, ҳаётимизнинг маъно-мазмуни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган Мустақиллик кунининг йигирма икки йиллигини баланд руҳ ва шоду хуррамлик билан нишонламоқда.

Ана шу буюк айём билан, ҳақиқатан ҳам барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам билан сиз, кадрли юртдошларимни, сизларнинг тимсолин-гизда бутун халқимизни чин қалбимдан табрик-лашдан бахтиёрман.

Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш – бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуғ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, кадриятларимизни,

дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Мустақиллик – бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Шу билан бирга, эртанги кунимизни янада юксалтиришга мустаҳкам замин яратиш, биз бошлаган буюк ишларни давом эттиришга қурби-қудрати етадиган, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук ва баркамол, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш демакдир.

Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар – миллий демократик давлат куриш, иқтисодиётимизни янги аснода ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг кўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, кадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинмиди?

Бунга жавоб битта: йўқ ва асло йўқ.

Фақатгина мустақиллик ва яна бир бор мустақиллик бу йўлда тоғдек мустаҳкам асос ва кудратли замин бўлди.

Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда табиий бир савол, ўйлайманки, ўринли бўлади: **яъни, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?**

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келгани, ўйлайманки, ҳали-бери кўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас.

Мамлакатимизнинг тарихан қисқа даврда ўзини ўзи боқишга қурби етмаган ночор ўлкадан ўз кучи ва салоҳиятига таянган, сарҳадларини, ўзининг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун изчил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил, суверен давлатга айлангани барчамизга ғурур-ифтихор бағишламоқда ва аксарият халқаро кузатувчиларнинг ҳавасини тортмоқда.

Эл-юртимиз қандай катта ютуқ ва марраларга эришганининг тасдиғини англаш учун охир-

ги йиллар давомида биз кўлга киритган натижаларни, Ватанимизнинг бугунги салоҳияти ва ўсиш суръатларини ўзида яққол ифода этадиган кўрсаткичларга эътибор қаратишни ўринли деб биламан.

Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти – шунга эътибор беринг, азиз дўстларим, биродарларим – 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охири олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келётгани – буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар, десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан.

Истиқлол йилларида ёқилғи-энергетика, ғалла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз, энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради.

Вақт ўтиши билан биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислохотлар, дунёда «ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқроқ бўлмоқдамиз.

Биз эришган ютуқ ва марраларнинг асосий омили ҳақида гапирганда, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин – биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабатимиз билан кечаги, яъни 90-йиллардаги одамлар эмасмиз.

Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз.

Биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйдик ва сизнинг номингиздан ишонтириб айтмоқчиман – **бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди.**

Ҳурматли юртдошларим!

Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик, қонли тўқна-

шувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб қилмоқда.

Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз.

Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган «Бизга тинчлик ва омонлик керак» деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлишини истардим.

Айни шундай тилак билан ҳар қайси ўзбек хонадонимизда, қандай ўтириш, меҳмон кутиш бўлмасин, қўлимизни фотиҳага тортиб, Яратганимиздан тинчлик-омонликни бер, деб сўраймиз, илтижо қиламиз.

Бундай қараш, бундай интилиш эл-юртимиз асрлар давомида эъзозлаб, амал қилиб келаётган улуғ қадрият бўлиб, биз ундан ҳеч қачон воз кечмаймиз. «Қўшнинг тинч – сен тинч» деган чуқур маъноли ҳикматга доимо амал қилиб яшаймиз ва бошқаларни ҳам шунга даъват этамиз.

Муҳтарам дўстлар!

Шу фурсатдан фойдаланиб, бугун бизнинг байрам қувончимизга шерик бўлаётган юртимиздаги хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, барча ҳурматли меҳмонларимизга самимий ва эзгу тилакларимизни изҳор этишга, уларнинг ҳаммасига сиҳат-саломатлик ва ишларида янги омадлар тилашга ижозат бергайсиз.

Мана шу унутилмас дамларда кўпни кўрган, не-не синов ва қийинчиликларда тобланган, кўп асрлик тарихимизда ўчмас из қолдириб, Ўзбекистонимизнинг бугунги ва эртанги кунини бунёд этишда фидойилик кўрсатиб келаётган меҳнаткаш ва бағрикенг халқимизга беқиёс ҳурматимни билдириб, бош эгиб таъзим қилишни ўзимнинг бурчим деб биламан.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат қуришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман.

Мен ҳар доим – қаерда, қандай йиғилиш, қандай анжуман бўлмасин, сиз, навқирон ёшларимизнинг вакиллари билан учрашганда, сизларнинг ёниб турган кўзларингизни, куч-ғайратга тўлган қадди-қоматингизни кўрганда, қалбимда беихтиёр катта ғурур ва ифтихор туйғуси пайдо бўлади. Мен сизларнинг барчангизни ҳақиқатан ҳам яхши кўраман, сизлар учун, сизларнинг бахту саодатингиз учун бутун борлигимни бағишлашга тайёрман.

Маррани доимо баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим, давр бизники, марра бизники!

Мухтарам ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу мунаввар оқшомда ҳаммангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Ватанимизни, халқимизни Яратганнинг ўзи ёмон кўзлардан, ёмон ниятлардан асрасин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг

22 йиллигига бағишланган тантанали

маросимдаги табрик сўзи.

2013 йил 31 август

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Авваламбор, барчангизни соғ-омон кўриб, сизларга, сизлар орқали бутун Қашқадарё аҳлига ўзимнинг чуқур ҳурматимни билдиришдан хурсандман.

Ҳаммангизга яхши маълум: Қашқадарё менинг ҳаётимда, менинг таассуротимда алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам Қашқадарё аҳли ва фаоллари билан кўп вақт учрашмасам, сизларни соғиниб қолганимни сезиб тураман.

Бугун мана шу залда сиз, азизлар билан учрашувда мен худдики ўз яқин дўстларимни кўргандек бўламан. Минг афсуски, турли-турли ташвишлар Қашқадарёга кўпроқ келишга, сизлар билан учрашиб, жайдари қилиб айтганда, бемалол гурунг қилишга имкон бермайди.

Орадан қанча вақт ўтмасин, мен айна шу заминда сизлар билан яхши-ёмон кунларда бирга бўлганим, нон-тузингизни татиганим – буларнинг барчаси ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.


Қашқадарё, ҳақиқатан ҳам, бағри дарё, беқиёс ўлка. Бу воҳа одамлари билан бирга ишлаш насиб этгани, ҳаётимнинг энг жўшқин, энг ҳаракатчан даврида мард ва танти Қашқадарё аҳли билан бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилганим, менга шундай ҳаёт мактабини ўташ бахтини бергани учун тақдирдан миннатдорман.

Бугунги мажлисимиз, бугунги учрашувимизнинг асосий мақсади авваламбор Қашқадарё воҳасидаги аҳвол, аҳолининг кайфияти, дарди, амалдаги ўзгаришлар ва ечимини кутаётган муаммолар, эришилаётган марралар, олдимизда турган вазифаларни муҳокама қилиш, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Халқимизнинг фидойи меҳнати билан қўлга киритган ютуқларимиз билан бирга, йўл қўйилган хато ва камчиликлар ҳақида холисона ва атрофлича фикр юритиб, тегишли хулосалар чиқариш зарурати борлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз сезиб турибмиз.

Энг муҳими – бугун ҳаётимизнинг устувор ва ҳал қилувчи йўналишлари бўлмиш иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳалар ривожини таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни ечиш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олсак, ҳар қайсимиз ўз ўрнимизда бизга юкланган вазифаларни аниқлаб олсак, айна муддао бўлар эди.

Қашқадарё охириги йиллар давомида тараққиёт йўлида эришаётган ютуқ ва марралар ҳақида га-



пирганда, қуйидаги рақам ва далилларни олиб келиш мумкин.

Аввало, 2012 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 4,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7,3 фоизга, чакана савдо 19,7 фоизга, қурилиш ишлари 12 фоизга, пуллик хизматлар 18,6 фоизга ўсгани ва бошқа кўрсаткичларни таъкидлаш зарур. Жорий йилда ҳам бундай ўсиш суръатлари давом этмоқда.

Эътиборли томони шундаки, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши 39 фоизни ташкил қилади. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 11 фоизи айнан Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқарилмоқда.

Бундай натижаларга эришишда вилоятда фаолият кўрсатаётган, мамлакатимиз иқтисодиётининг фахри бўлган йирик замонавий корхоналар катта ҳисса қўшаётганини эътироф этиш лозим. Йилига 125 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган Шўртан газ-кимё комплекси негизида иқтисодиётимизда мутлақо янги тармоқ – газни чуқур қайта ишлаш тармоғи вужудга келганини, ушбу корхона янги-янги замонавий индустриал мажмуаларни барпо этишда асосий таянч вазифасини бажараётганини алоҳида таъкидлаш керак. Юртимизда шу соҳага мансуб, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик лойиҳаларни амалга ошириш,

жумладан, Қашқадарёда энг юксак технологияларга асосланган Шўртан синтетик ёқилғи ишлаб чиқариш мажмуаси, Муборак газ-кимё комплекси каби замонавий саноат корхоналари шулар қаторига киради.

Йирик инвестиция лойиҳаси асосида Таллимаржон иссиқлик электр станциясида йилига 900 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган иккита буғ-газ қурилмасини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Яқин ўтмишимизда тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган, ҳақиқатан ҳам энг замонавий технологияларга асосланган бундай лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган режаларимиз барчамизни қувонтиради. Шу билан бирга, вилоят иқтисодиётида кўзга ташланаётган, ҳаммамизда ташвиш уйғотадиган салбий ҳолатлар ҳам бугун кам эмас.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш негизида юқори қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича вилоят мамлакатимиз эришган марралардан орқада қолаётганини афсус билан айтишга тўғри келади. Масалан, республика-миз миқёсидаги кўрсаткичларга нисбатан вилоят саноати таркибида енгил саноатнинг улуши 1,7 баробар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 3,3 баробар, қурилиш мате-

риаллари саноатининг улуши эса 3,6 баробар паст экани шундан далолат беради.

Вилоятда саноат корхоналарининг жойлашувида номутаносиблик ҳолатлари мавжуд. Асосий ишлаб чиқариш қувватлари Қарши шаҳри, Муборак, Ғузор ва Дехқонобод туманларида жойлашган бўлиб, бошқа туманларнинг бу борадаги ҳиссаси орқада қолаётганини қайд этиш зарур.

Ҳозирги вақтда вилоят бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги 55 та корхона рўйхатга олинган, лекин улардан 7 таси турли сабаблар билан фаолият кўрсатмаяпти.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида яратилган имтиёз ва имкониятларга қарамасдан, вилоятда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш жиддий оқсоқликка юз тутмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай маҳсулотларнинг саноат таркибидаги улуши 0,2 фоизни ташкил этмоқда. Айтинглари, бундай мутлақо қониқарсиз аҳволни қандай изоҳлаш мумкин? Ваҳоланки, бу ерда саноатни ривожлантириш бўйича қандай қулай шарт-шароитлар, жумладан, табиий газ, нефть, калий, мрамор, марганец, литий, сланец, кўрғошин, рух, қурилиш материаллари хомашёси ва бошқа кўплаб ноёб қазилма бойликларнинг захиралари мавжуд экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Қашқадарё воҳаси қадимдан катта савдо йўллари чорраҳасида жойлашган, турли ўлка ва

минтақаларни ўзаро боғлайдиган муҳим стратегик ҳудуд бўлиб келгани ҳаммамизга маълум. Бугунги тил билан айтганда, Қашқадарё айнан йўл-коммуникация, транзит масаласида доим катта салоҳият ва имкониятга эга бўлиб келмоқда.

Вилоятда автомобиль йўллари, темир йўл, ҳаво йўлларининг кенг тармоқлари ва тегишли инфра-тузилма шаклланган. Лекин, транзит масаласи Қашқадарё учун энг муҳим, катта истиқболга эга масала бўлса-да, ана шундай улкан имкониятдан оқилона фойдаланиш, мавжуд транспорт-коммуникация тармоқларининг бугунги ҳолати, уларнинг самарадорлигини ошириш масаласи бирон марта жиддий муҳокама қилинмаганини афсус билан қайд этиш лозим.

Эсингиздами, бир пайтлар, Қашқадарё воҳасида собиқ марказдан келган «десантчи»лар ҳукм сурган оғир дамларда, қандай қийин бўлмасин, сизлар билан бирга қанча ишларни амалга оширган эдик.

Қандай янги қурилишлар, қанча янги йўллар барпо қилган эдик. Мана шу Қарши шахрининг ўзида 100 километрдан зиёд йўл қурдик. Шуларни эсласам, мен ҳозир ҳам беихтиёр тўлқинланиб, руҳланиб кетаман.

Қани, айтинглар, ўша вақтда бизга четдан келиб биров ёрдам берганмиди? Йўқ. Аввало, Қашқадарёга, унинг халқига раҳмат, у ўзининг ташаббуси, куч-ғайрати, азму шижоати билан шундай катта ишларни амалга оширишга қодир бўлди.

Мен Қашқадарё вилоятига раҳбар бўлиб келганимда, бу ерда «пахта иши» билан айбланиб, бир ярим минг одам қамалган эди. Уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғларини ҳисобга олганда, 150 минг одам совет тузумидан жабр кўрган эди. Ана шу одамларнинг кайфиятини кўтариш, уларни ишга руҳлантириш осонмиди? Ўша пайтда яшаш шароитимиз ҳам қандай бўлгани маълум: кўп нарсани четдан олиб келар эдик, қийинчилик, етишмовчилик кўп эди. Лекин, шунга қарамасдан, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, ҳурмат кучли эди. Ана шундай фазилатларни биз доимо асраб-авайлашимиз, мустаҳкамлашимиз керак. Чунки бундай хусусият ва аломатлар бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам ўткир аҳамият касб этмоқда.

Мен ана шундай фазилатларини сақлаб, ўз-лигини доимо улуғлаб келаётган, ғурури баланд, ориятли Қашқадарё халқининг фидокорона меҳнати билан бу замин, унинг барча қишлоқ ва шаҳарлари обод ва фаровон бўлишига ишонаман.

Ҳурматли депутатлар!

Мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вилоятда изчил ривожланмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида бу соҳанинг улуши 52,4 фоизни ташкил этаётгани, иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан зиёди ушбу секторда меҳнат қилаётгани,

аҳоли даромадларининг ярмидан кўпи мазкур тармоқ ҳисобидан шаклланаётгани айни шу соҳа бугунги ва эртанги кунимизни ҳал қилувчи тармоққа айланиб бораётганининг яққол исботидир.

Ана шундай муҳим натижаларни эътироф этган ҳолда, бу соҳада айрим муаммолар борлигини ҳам очиқ айтишга мажбурмиз. Масалан, вилоятда рўйхатга олинган 47 минг 400 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектидан 3 минг 450 га яқини амалда фаолият кўрсатмаяпти.

Кичик бизнес субъектлари ўз ишини ташкил этиши учун уларга бинолар, ер участкалари ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш масалаларида турли тўсиқлар ҳали-бери учраб турибди.

Энг ёмони, турли назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. 2013 йилнинг биринчи ярмида назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан 14 та ноқонуний текшириш ўтказилгани аниқланган. Шунингдек, бир қатор туманлардаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари фаолиятида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш ҳолатлари қайд этилган.

Шу муносабат билан яна ва яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: ўз хусусий ишимни очиб,

нафақат ўзимни, оиламни боқаман, эл-юртга ҳам наф етказаман, деб ҳаракат қилаётган одамларнинг йўлига, тадбиркорлик йўлига ғов бўлиш – бу давлат сиёсатига, Президентнинг сиёсатига қарши чиқиш, деб баҳоланиши керак. Буни барча амалдор шахслар қулоғига кўрғошиндек қуйиб олсин.

Бу дунёда ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш, ҳасад, кўролмаслик деган иллатлардан жудо бўлиш керак. Агар ҳар қайси инсон – у фермер бўладими, тадбиркор бўладими – ўзининг ҳалол меҳнати билан даромад топаётган, бойлик орттираётган бўлса, қандини урсин!

Қашқадарёнинг саховатли замини, бу ерда яшаётган деҳқон ва фермерларнинг машаққатли меҳнати, ўз ери, ўз касбига садоқати ҳақида ҳар қанча ҳурмат ва миннатдорлик билан гапирсак арзийди.

Ҳозирги вақтда юртимизда дон ва пахта маҳсулотларининг энг катта қисмини – 12 фоиздан зиёдини айнан Қашқадарё вилояти етказиб бермоқда. Жорий йилда вилоят ғаллакорлари 1 миллион тоннадан ортиқ дон тайёрлаб, мамлакатимиз ғалла хирмониغا улкан ҳисса қўшдилар.

Юртимизда пахта терими қизгин паллага кирган шу кунларда қашқадарёлик омилкор деҳқонлар 420 минг тонналик юксак маррани эгаллаш учун қаттиқ бел боғлаб меҳнат қилмоқдалар.

Қашқадарёнинг мард, миришкор деҳқонларини, уларнинг нималарга қодир эканини мен яхши биламан ва уларнинг фидойилиги билан доимо фахрланаман ва шу фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг барча деҳқон ва фермерларига катта куч-ғайрат, бахт ва омад тилашни, уларнинг олижаноб меҳнати учун самимий миннатдорлик билдиришни бугун ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз – бундай мўл ҳосил етиштириш учун, аввало, тупроқ унумдорлигини, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилади. Шу борада қабул қилинган давлат дастури доирасида Қашқадарё вилоятида кейинги беш йил мобайнида 71 миллиард сўм ҳажмидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида бу мақсадлар учун 14 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Сўнгги йилларда сув хўжалиги ташкилотларига лизинг асосида жами 14 миллиард 200 миллион сўмлик 130 та замонавий техника етказиб берилгани ирригация-мелиорация ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ана шундай тадбирлар натижасида вилоят бўйича 81 минг гектар суғориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ўртача ва кучли шўрланган майдонлар ҳажми 8,5 минг гектарга камайди.

Вилоятда катта-катта майдонларда интенсив мевали боғлар, токзорлар, енгил конструкцияли иссиқхоналар барпо этилаётгани, чорвачилик, паррандачилик соҳалари барқарор ривожланиб, гўшт, сут ва тухум етиштириш ҳажми сезиларли равишда ортиб бораётганини қайд этиш ўринлидир.

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида кўпгина масалалар ўз ечимини кутиб турибди. Жумладан, пахтачилик тармоғида энергия ва сув ресурсларини тежайдиган, замонавий технологияларни жорий этиш, айнан Қашқадарё заминига мос бўлган тезпишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил ғўза навларини кўпайтириш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш ва улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар бозорини ташкил этиш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришда уларга керакли ёрдам ва кўмак бериш каби муҳим вазифалар эътиборимиз марказида туриши лозим.

Биз фермерларни қўллаб-қувватлаш ҳақида кўп гапирамиз. Бугунги кунда фермерларимизнинг ўзига хос муаммолари борки, улар ҳақида ҳам жиддий бош қотиришимиз керак. Ҳозирги вақтда кўп тармоқли фермер хўжаликларини тузиш, ривожлантиришни тавсия қиляпмиз. Тавсия бериш осон, лекин бу ишни ташкил қилиш қийин.

Ўзингиз айтинг, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг фаолиятини йўлга қўйиш учун фақат фермерларнинг кучи етадими?

Бу борада энг оғир масала шуки, фермер ўзи етиштирадиган, ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни кимга ва қандай сотади? Шунинг учун аввало бундай маҳсулотларнинг бозорини ташкил қилиш ҳақида ўйлаш зарур.

Бу масалада, биринчи навбатда, давлат, маҳаллий ҳокимликлар ёрдам бериши лозим. Таъбир жоиз бўлса, фермернинг дардини давлатнинг дарди сифатида кўришимиз керак.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Биз мана шундай мажлисларда қандай муҳим масалаларни муҳокама қилмайлик, биринчи навбатда улар одамларимизнинг кундалик ҳаётига қандай таъсир кўрсатиши, инсон манфаатларига қанчалик жавоб беришини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 2 миллион 830 минг аҳоли яшамоқда. Уларнинг 17,5 фоизини мактаб ёшидаги болалар, 27 фоиздан ортиғини ёшлар, қарийб 50 фоизини эса аёллар ташкил этади. Кейинги 10 йилда вилоят аҳолисининг сони 1,2 баробар ўсди.

Табиийки, ҳаёт ўзгаришлари билан бирга инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари, орзу-ниятлари, керак бўлса, ташвиш-муаммолари ҳам ўсиб

боради. Бу эса биз – раҳбар ва етакчилардан ўз ишимизни танқидий баҳолаб, узоқни ўйлаб, янада фаол ва самарали иш олиб боришни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, вилоятда аҳолининг реал даромадлари 2000 йилга нисбатан жон бошига 9,7 баробар кўпайгани, шу даврда ўртача ойлик иш ҳақи 23 марта, пенсия ва ижтимоий нафақалар 12,7 марта ортгани барчамизни қувонтиради.

Охирги ўн икки йилда вилоятда 320 та умумтаълим мактаби, 89 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 132 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 98 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилгани нафақат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини, балки одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга муносабатини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда, уларнинг эртанги кунга ишончини кучайтирмоқда.

Айни пайтда вилоятда ижтимоий соҳа объектларини қуриш учун бюджетдан ажратилган маблағларни ўзлаштиришда баъзан оқсоқлик ҳолатларига йўл қўйилаётганини, масалан, 2013 йили 2 та касб-ҳунар коллежи, 11 та мактаб белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаганини айтиш лозим.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган яна бир масала – қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қуриш дастури дои-

расида Қашқадарё вилоятида кейинги тўрт йилда 2 минг 510 та янги, шинам уй-жой ва инфратузилма объектлари барпо этилди.

«Обод турмуш йили» деб ном олган жорий йилда эса яна 1 минг 50 та уй-жой, 32 километр ичимлик суви, 28 километрдан зиёд электр тармоқлари, 40 километрдан ортиқ табиий газ тармоқлари ва 24 километрдан зиёд йўл қуриш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Лекин, афсус билан айтиш керакки, айрим туманларда пудрат ташкилотларини сафарбар этиш, тегишли моддий-техник ресурслар билан узлуксиз таъминлаш, муҳандислик коммуникацияларини олдиндан барпо этиш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Бундай ҳолат бугунги кунда белгилаб олган режаларимизни амалга оширишда энг катта тўсик бўлиб қолмоқда.

Қурилиш соҳасида пудратчи ташкилотларга алоҳида эътибор бериш, уларнинг муаммоларини ечиш керак. Чунки бундай катта қурилишларни амалга оширишда охириги натижани биринчи навбатда биз кимдан сўраймиз? Пудратчилардан сўраймиз.

Мана, ҳаммангиз хабардорсиз, Шўртан газ-кимё мажмуасини барпо этдик. Бундай ноёб ва улкан саноат комплексини четдан келиб биров қуриб бергани йўқ, ўзимизнинг мутахассисларимиз, қурувчиларимиз бу ишни амалга оширди.

Шу маънода, биз қишлоқларимизда намунавий уй-жойлар қуриш лойиҳасини шундай юксак талаблар даражасида бажаришимиз керакки, токи шаҳарда яшаётган одамлар ҳам қишлоққа келиб, шундай уйларни олишга талабгор бўлсин.

Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласи ҳозирги вақтда энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлиб, бу борада катта ишлар қилинмоқда. Бирок, Қашқадарё вилоятида бу масаланинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканини чуқур тушуниб етмаслик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Масалан, 2012–2013 ўқув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 12 фоизи коллеж ва корхона ҳамкорлик тизими бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар доирасида иш билан ҳанузгача таъминланмаган.

Такрор айтишга тўғри келади: бу масалага жавобгар ва масъул бўлган туман ва шаҳар ҳокимлари, қолаверса, шахсан вилоят раҳбарларининг бундай ҳолатларга йўл қўйишга ҳаққи йўқ.

Агарки биз инсон тақдири, унинг ҳаётий манфаатларини асосий ўринга қўймасак, ёшларимизни иш билан таъминламасак, фарзандларимиз, келажакимиз олдида хиёнат қилган бўламиз.

Демокчиманки, агар ёшларни замонавий иш ўринлари билан таъминлаш вазифасини ҳал қилишга ҳам қатъий киришадиган бўлсак, мен амин-

ман, бу борада биз жуда катта имкониятларга эгамиз. Албатта, бу масалада, биринчи навбатда, иқтисодий замин яратиш керак, акс ҳолда курук даъватлар билан одамларни улуғ ишларга сафарбар этиб бўлмайди.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Мана, масалан, биз 1997 йилда қабул қилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини олайлик. Ўша даврда бу дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги дастлабки қадамлар қандай қийин бўлганини, аввало, мутасаддилар, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига келажагимизни ҳал этадиган бундай буюк ишнинг аҳамиятини тушунтириш, уларни шунга ишонтириш осон бўлмаганини мен яхши эслайман.

Бугунги кунда, ўзингиз кўряпсиз, ана шу миллий дастуримизни, унинг асосида амалга оширилган улкан ишларимизни дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

Ҳар қайси ҳудуд ва минтақада одамларнинг кайфияти, маънавий муҳит ва ижтимоий вазият, авваламбор, қонун ва адолат устуворлигини таъминлашга боғлиқ экани ҳақида кўп гапиришнинг зарурати йўқ, албатта.

Шу кўз билан қараганда, Қашқадарё вилоятида кейинги пайтда ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам айрим камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганини айтиш керак. Буни 2012 йилда вилоят бўйича

умумий жинойтлар сонининг ошгани, жумладан, қасддан одам ўлдириш 33 фоиздан зиёд, товламачилик 83 фоиз, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари 8 фоиз, безорилик 6 фоиздан зиёд кўпайгани ҳам кўрсатмоқда.

Энг ёмони, ҳуқуқ-тартибот идораларининг баъзи ходимлари ўртасида қонунга хилоф хатти-ҳаракатлар содир этиш, ўз вазифасини суиистеъмом қилиш ҳолатлари учраб турибди. Масалан, кейинги бир ярим йил давомида ички ишлар идоралари ходимларидан 10 нафари жинойй жавобгарликка тортилган. Ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйгани учун вилоят прокурори Х. Турдибоев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи С. Ҳайдаров, Миришкор тумани прокурори А. Журалов, Яккабоғ тумани прокурори С. Юлдошев, Чироқчи тумани ички ишлар бўлими бошлиғи И. Ишмуродов, Миришкор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Ш. Айизов эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Буларнинг барчаси вилоятда қонунчиликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, аввало, ёшлар билан ишлаш бўйича мутасадди бўлган ходимларнинг етарлича иш олиб бормаётгани билан боғлиқ. Бундай камчиликларга барҳам бериш, вилоятда ҳуқуқ-тартибот ишларини самарали йўлга қўйиш юзасидан тегишли идоралар томонидан тез кунларда аниқ чора-тадбирлар кўриш зарур.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Қашқадарё воҳасининг бугунги ва эртанги кунни, келажаги ҳақида сўз юритар эканмиз, бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Агарки ўзимиз йўл қўйган камчилик ва хатоларга, аввало, ўзимиз холисона баҳо бериб, уларни бартавраф этмасак, ҳеч ким четдан келиб бизнинг ишимизни қилиб бермайди. Бу – ҳаммамизга аён ҳақиқат.

Бугун замон, ҳаётимизнинг ўзи талаб қилаётган тадбир ва режаларимизни амалга оширишда, биринчи навбатда, кўпдан бери ечилмасдан, йўлимизни тўсиб турган муаммоларни ҳал қилиш, лўнда қилиб айтганда, вилоятни ҳар томонлама раванқ топтириш билан боғлиқ устувор вазифалар ҳақида авваламбор бош қотиришимиз керак.

Айни шундай кўз билан қараб, Қашқадарё вилоятининг тараққиёт суръатларини тезлаштириш, бугунги кунда ривож топаётган тармоқлар билан бирга, замонавий технологиялар билан қуроолланган, қўшимча қийматга эга бўлган, дунё бозоридаги талабга жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар чиқарадиган лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

Қисқача айтганда, вилоятда орқада қолаётган енгил, озиқ-овқат, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, информация ва коммуникация соҳаларининг йўлини очиб бериш, шу билан бирга, қурилиш ишлари соҳасига янги куч-қувват

бериш масалалари бугун эътиборимиз марказига кўйилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон ҳукуматининг Қашқадарё вилояти бўйича мана шундай режаларни ўзида мужассам этган 3 та қарори яқинда қабул қилингани олдимизга, аввало, Қашқадарё вилояти фаоллари олдига оғир бўлса ҳам, лекин шарафли вазифалар кўймоқда.

Айниқса, саноат соҳасининг янги турларини ривожлантириш мақсадида келгуси тўрт йилда умумий қиймати – шунга эътибор беринг – 2 миллиард 98 миллион долларга тенг бўлган 555 та лойиҳани амалга ошириш, энг муҳими, 13 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилаётганининг ўзи, ўйлайманки, бу ишларнинг кўлами ва миқёсидан яққол далолат беради. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида вилоятда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,2 баробар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,6 баробар, қурилиш материаллари 1,8 марта, машинасозлик ва кимё саноати 2,9 карра, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,7 баробар ортиши режалаштирилган.

Дастурда, жумладан, вилоятдаги енгил саноат корхоналарини ривожлантириш орқали экспорт-боп замонавий тайёр газлама ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 100 миллион доллардан иборат бўлган

82 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Бу эса 2016 йилга бориб, вилоятда етиштириладиган пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини ҳозирги 6 фоиздан 35 фоизга етказиш ва энг муҳими, 4 мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Қадрли дўстлар!

Мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Қашқадарё вилоятини, унинг маркази бўлмиш Қарши шаҳрини янада гўзал ва обод қилиш мақсадида катта ишлар олиб борилаётганига барчамиз гувоҳ бўлмоқдамиз.

Айниқса, шаҳарнинг 2700 йиллиги муносабати билан қандай кенг кўламли қурилиш ва ободончилик дастурлари амалга оширилганини ҳаммамиз яхши эслаймиз ва шундай ишларга ҳисса қўшганимиз билан доимо фахрланиб яшаймиз. Лекин, бошлаган ишларимизни давом эттириш, узоқни кўзлаб, ҳар қайси шаҳар, туман маркази, тураржойларнинг бош режаси лойиҳаларини тузиб, амалга ошириш билан боғлиқ йиғилиб қолган жуда кўп муаммоларни кечиктирмай ҳал қилишни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Айни шу мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида, авваламбор, Қарши шаҳрини янада гўзал, замонавий, барчанинг ҳавасини тортадиган марказга айлантириш учун унинг 2030 йилгача мўлжалланган бош режасини амалга ошириш, шаҳар инфратузилмасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш

бўйича мамлакатимиз ҳукуматининг қарори ва махсус дастури қабул қилинди.

Ана шу дастурга мувофиқ, биринчи навбатда, Қарши шаҳрининг ҳудудини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда унинг умумий майдо-ни 8 минг 500 гектардан иборат бўлса, келгусида бу рақам икки баробар ортиб, қарийб 17 минг 700 гектарни ташкил этади.

Йўл-транспорт инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида шаҳарни айланиб ўтадиган, узунлиги 56 километр бўлган ҳалқа йўл қурилиши бошлаб юборилди. Мазкур йўлнинг темир йўл ва автомобиль йўллари кесишадиган нуқталарида 6 та замонавий йўл ўтказгич қуриш белгиланган.

Бу лойиҳанинг аҳамиятини шунда кўриш мумкинки, ҳалқа йўл ишга тушиши билан оғир юк машиналари, кўпгина транспорт воситалари шаҳарни айланиб ўтадиган бўлади. Бу эса, ўз навбатида, ҳаракат хавфсизлигига, экологик муҳит тозаллигига ижобий таъсир кўрсатади.

Умумий узунлиги 30 километрдан зиёд бўлган 6 та радиал магистраль йўлни ҳамда шаҳардаги ички йўللарни кенгайтириш ҳисобидан автомобиль транспорти ва пиёдалар учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Шунингдек, Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд, Термиз йўналишларида янги 5 та автостанция ҳамда Қарши автовокзали қурилади. Бешкент

автостанцияси капитал таъмирланади. Шаҳар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш учун ўзимизда, Самарқандда ишлаб чиқарилган 150 та «Исузу» автобуси лизинг асосида харид қилинади.

Қарши шаҳри учун энг ўткир масалалардан бири бўлган ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида қарийб 55 километрлик сув тармоқларини янгитдан қуриш ва модернизация қилиш вазифаси ҳам дастурда ўз ифодасини топган.

Шаҳардаги канализация тизимининг техник ҳолатини яхшилаш учун хорижий сармоялар ҳисобидан тозалаш иншоотлари ва 100 километрдан ортиқ оқова сув тармоқлари қурилади ва реконструкция қилинади, юқори қувватга эга бўлган электр тармоғини қуриш, 100 километрдан ортиқ тармоқни реконструкция қилиш режалаштирилмоқда.

Воҳанинг иқлим ва табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда, Қарши магистраль канали, Қашқадарё ва бошқа каналлар ҳудудида янги инфратузилма объектлари, оилавий дам олиш масканлари барпо этилади.

Бундан ташқари, шаҳарда 9 та янги майдон, 8 та хиёбон қуриш, мавжудларини реконструкция қилиш, шу тариқа шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун қулай шарт-шароит яратиш вазифалари ҳам мазкур дастурдан ўрин олганини айтиш лозим.

Шаҳардаги эски, яроқсиз ҳолга келиб қолган бир қаватли айрим бинолар ўрнида 2–3 қаватли замонавий уй-жойлар қад ростлайди. Уларнинг биринчи қаватида аҳолига хизмат кўрсатиш объеклари жойлашади.

Бундай мисолларни яна кўплаб олиб келиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Қарши шаҳрида кенг кўламли мазкур дастурни амалга ошириш учун жами 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Азиз дўстлар, барчамиз яхши биламизки, Қашқа воҳасида бутун халқимизнинг фахри, ифтихори бўлган яна бир тарихий шаҳар бор. У ҳам бўлса, қадимий Кеш – Шаҳрисабздир. Бу гўзал шаҳарнинг мамлакатимиз тарихида, бугунги ҳаётимизда тутган ўрни ва нуфузини ҳисобга олиб, уни ривожлантириш бўйича ҳам махсус дастур асосида катта ишлар режалаштирилмоқда.

Ана шу дастур доирасида Шаҳрисабзнинг юртимиз ижтимоий ва маданий тараққиётидаги аҳамиятини янада ошириш, уни замонавий туризм марказига айлантириш учун мавжуд инфратузилма иншоотларини янгилаш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламдаги ишлар бажарилади.

Энг аввало, Амир Темур майдонини, унинг ён-атрофидаги ҳудудни янада кенгайтириш, Оқсарой комплекси билан Дорус-саодат, Дорут-тиловат,

Чорсу бозори, Кўк гумбаз каби тарихий обидаларни боғлаб турадиган янги, гўзал хиёбон барпо этиш орқали бу маскан яхлит тарихий-меъморий мажмуага айланади.

Шаҳрисабзнинг тарихий марказини туташтириб турадиган асосий йўлларни, яъни Ипак йўли кўчасини кенгайтириш, Тарағай Баҳодир ва Шерозий кўчаларини капитал таъмирлаш орқали шаҳарнинг ички ҳалқа йўлини барпо этиш таъминланади.

Шаҳарнинг туристик салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида, Осиё тараққиёт банкнинг кредити ҳисобидан Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларини боғлайдиган 129 километрлик магистраль йўлни қуриш бўйича тайёргарлик кўрилмоқда.

Белгиланган ана шу барча режа ва лойиҳаларни оқилона, самарали амалга ошириш учун ҳаммамиз бир ёқадан бош чиқариб иш олиб борсак, ўйлайманки, Қарши ва Шаҳрисабз наинки мамлакатимиз, балки минтақамиздаги энг гўзал ва обод шаҳарларга айланади, иншоолло.

Азиз дўстлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, юқорида тилга олинган қарорлар, дастур ва режалар ортида Қашқадарёда яшаётган минг-минглаб одамларнинг ҳаёти, эртанги куни, тақдири турибди.

Бундай улуғвор вазифаларни бажаришда кўп нарса Қашқадарё вилояти бошқарувида

рахбарлик вазифасида ўтирган шахсларга, энг аввало, вилоятда ишни ташкил этиб, узоқни кўзлаб, шу мақсадга интиланган фаолларни ўз ортидан эргаштира оладиган биринчи рахбарнинг масъулиятига боғлиқ.

Кейинги икки йил давомида Қашқадарё вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Туробжон Жўраевнинг авваламбор иш фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, кўзга ташланаётган салбий ҳолатлар тобора кўпайиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик мумкин эмас.

У ҳам бўлса, етакчи вазифасини зиммасига олган рахбар ва кўпчилик фаоллар ўртасида, аҳоли ўртасида узилиш пайдо бўлган ва бу ҳолни афсус билан таъкидлашимиз даркор.

Қашқадарёдек катта бир вилоятга рахбар бўлиш масъулиятини елкасига олган бу одамнинг авваламбор кенг миқёсда фикрлашга, ён-атрофидаги рахбарлар ва фаоллар билан тил топишиб ишлаш, керак бўлса, ўзини оддий инсонларнинг ўрнига қўйиб, ўзини улар каби тасаввур қилишга, лўнда қилиб айтганда, аҳоли ҳаёти билан яшаш, вилоятнинг кўпгина ўзига хос тамойилларини, сирларини ўрганишга, чуқур англаб олишга қурби етмади.

Т. Жўраевнинг қўл остидаги одамларга ҳурмат ва ишонч билдириб, улар билан баҳамжиҳат ишлаш, уларни умумий мақсадларга сафарбар қилиш, фаолларнинг фикрига, маслаҳатларига суяниш

ўрнига манманликка берилгани носоғлом вазиятга, нохуш ҳолатларга олиб келди.

Икки йил давомида вилоятнинг кўп қиррали иқтисодиётининг ўта мураккаб тармоқларидаги турли муаммоларнинг, жойларда мавжуд бўлган, одамларни қийнайдиган ғам-ташвишларнинг ичига чуқур кириш, ҳар томонлама ўйлаб иш тутиш ўрнига, буйруқбозлик услубидан кўпроқ фойдаланиб раҳбарлик қилишга бугунги замон чидамайди.

Ўзининг иш фаолиятида атрофдагиларга юқоридан қараш, уларни менсимаслик, одамларга нисбатан кўполлик, ўзини тутолмаслик раҳбарнинг обрўсига ҳеч қачон обрў қўшмайди. Шу борада Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган чуқур маъноли насихатларини, «Куч – адолатда» деган ўлмас фикрларини ҳеч эсимиздан чиқармасликни истардим.

Қашқадарё эли яхшиликнинг қадрига етадиган, ўзини ҳурмат қилган одамга албатта ҳурмат кўрсатадиган, керак бўлса, уни эъзозлаб, бошига кўтарадиган халқ. Буни тушунган – тушунади, тушунмаган – тушунмайди.

Қашқадарё халқи кўпни кўрган, оккўнгил, заҳматқаш, ишнинг негизини биладиган халқ сифатида ном қозонган. Ўзини раҳбар деган инсон одамлар назарида қандай обрў-эътиборга лойиқ эканини доимо сезиб, англаб юриши, у бошқарадиган халқ ҳаёти билан яшаши, ўзига

зеб кўймаслик билан бошқаларга ўртак бўлиши шарт. Ана шундагина бундай раҳбар нафақат ақлзаковати, қатъият ва талабчанлиги билан, балки ўзининг юриш-туриши билан эл-юрт ўртасида обрў қозонади.

Афсуски, вилоят ҳокими Т. Жўраев бу ерда яшаётган одамларга мансуб хусусиятларни, уларнинг фикру зикрини, дарду ташвишларини ҳар томонлама тушуниб, англаб етиш, вилоятнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиб, ишни тўғри ва самарали ташкил этишда заифлик қилди.

Ишда йўл кўйган хато ва камчиликларини Т. Жўраевнинг ўзи ҳам тан олиб, эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Шу муносабат билан сизлардан Т. Жўраевни Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилиш бўйича ўз фикрингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди ижозатингиз билан вилоятнинг янги ҳокимини сайлаб олиш масаласига ўтсак.

Биз вилоят ҳокими лавозимига номзод танлашда депутатлар ва фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар билан атрофлича маслаҳатлашдик. Ана шундай фикр алмашувлардан кейин ҳозирги вақтда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Зафар Рўзиев номзодини Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тавсия этишга қарор қилдик.

Ўйлайманки, бу номзодни барчангиз яхши танийсиз, яхши биласиз. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, у 1964 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилган. Мутахассислиги инженер-механик, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирган. Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг котибияти мудири, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, Яккабоғ тумани ҳокими, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг ўринбосари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасини бажарувчи каби масъул лавозимларда хизмат қилган. 2010 йилдан буён Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бу инсон етарлича ҳаёт ва иш тажрибасига эга, энг муҳими, у Қашқадарё вилоятининг пасту баландини, бу заминда яшаётган одамларнинг табиати, орзу-интилишларини яхши билади.

Сиз, ҳурматли депутатлардан ана шу номзод бўйича ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Қадрли дўстлар!

Қашқадарёнинг қутлуғ заминиде улуғ ишларга, катта мардлик ва матонат кўрсатишга қодир

бўлган халқ яшайди. Ўз юрти, ўз ғурурини доимо кадрлаб яшайдиган ана шундай бағрикенг, иродаси мустаҳкам элга бош бўлиш, етакчилик қилиш, айтиш керакки, ҳар қандай раҳбар учун улкан бахт, улкан шарафдир.

Мен ишонаман, ҳозиргина сизлар билан бирга сайлаб олган янги ҳоким, мана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, шу элнинг ҳурматини қозониш, унинг бунёдкорлик салоҳиятини юзага чиқариш учун ўзини аямасдан, бутун борлигини бериб меҳнат қилади.

Айни шу аснода олдимизда турган катта вази-фаларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, Қашқадарёни мамлакатимизнинг энг жадал ривожланаётган, бошқаларга ўрнак ва намуна бўладиган вилоятига айлантириш йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

2013 йил 27 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Муҳтарам устоз ва мураббийлар!

Қадрли дўстлар!

Ҳар қайси одамнинг ҳаётда соғлом ва комил инсон бўлиб вояга етишида ота-онаси билан бирга, муаллим ва ўқитувчининг ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган, кўп айтилган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонни инсон қилиб камол топтиришда, унга билим ва одамийлик, меҳроқибат, эзгу орзу-ниятлар билан яшаш туйғуларини сингдиришда, бир сўз билан айтганда, жамиятимизнинг муносиб фуқароси бўлиб ҳаётга кириши ва мустаҳкам ўрин олишида ўқитувчи ва мураббийлар, домлаларнинг, барча таълим соҳаси фидойиларининг ҳиссаси беқиёс эканини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ана шундай олижаноб вазифани ўз зиммасига олган, ёш авлодимизга илму фан ва ҳаёт сирларини ўргатишдек масъулиятли ишни адо этиб келаётган инсонларнинг ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайдиган меҳнатини инобатга олиб, бундан 17 йил олдин мамлакатимизда Ўқитувчи ва мураббийлар кунини таъсис этганимиз, авваламбор,

жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг хоҳиши ва интилишини ўзида мужассам этган, десам, ўйлайманки, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз юртдошлар!

Биз бугун дунёдаги тараққий топган демократик мамлакатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаётини обод ва фаровон қилиш, халқаро майдонда Ватанимизнинг ўзига муносиб ўрин эгаллаши, лўнда қилиб айтганда, «Ўзбекистон – келажаги буюк давлат» деган мақсадга эришиш каби ўта оғир, шу билан бирга, ўта шарафли вазифани амалга ошириш йўлида бор кучимиз, бутун борлигимизни сафарбар этиб меҳнат қилаётганимиз барчамизга аёндир.

Мана шундай эзгу ва юксак марраларга етишда миллий давлатчилигимизни қуриш, иқтисодиётимизни биз учун янги аснода – бозор муносабатлари негизида ташкил этиш, бутун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини ўзгартираётган кенг кўламли ислохотларни жорий қилиш, мухтасар айтганда, мамлакатимизнинг қиёфасини тубдан янгилаш мақсадида амалга оширган улкан ишларимизни бугун дунё ҳамжамияти тан олаётганини ғурур ва ифтихор билан таъкидлашга тўлиқ асосларимиз бор.

Биз қўлга киритган, барчанинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва натижаларимиз ҳақида сўз юритар эканмиз, уларга замин бўлган омил ва мезонлар

хусусида, халқимизнинг фидокорона меҳнати, онгу тафаккури, сиёсий-ижтимоий фаоллиги юксалиб бораётгани ҳақида, албатта, кўп гапириш мумкин.

Лекин, шулар қаторида авваламбор биз ўз вақтида бошлаган ва амалга оширган таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотлар, узоқни кўзлаган, чуқур ўйланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳал қилувчи ўрин тутганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада янгича фикрлайдиган, ўзлигини, кадр-қимматини чуқур англайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни, чет тилларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ёшларимиз, ҳақиқатан ҳам, бизнинг суянчимиз ва таянчимиз бўлиб, биз бошлаган ишларни давом эттиришга қодир эканини бугунги ҳаётимизда исботлаб бераётганининг ўзи барча эришган ютуқ ва марраларимизнинг асосий мезони ва шарти бўлди, десак, асло хато бўлмайди.

Шу муносабат билан бир фикрни таъкидлаб айтишни ўринли деб биламан: биз билим ва тарбия бериб вояга етказаётган навқирон ўғил-қизларимиздек, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиган, ўз Ватани, ўз халқига хизмат қилишга бел боғлаган, янгиликка интилиб яшайдиган, ғайрат-шижоатга тўла, кўзлари ёниб турган

ёш авлодимиздек авлод дунёда ўзи камдан-кам топилади.

Ана шундай соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш йўлидаги фидойи меҳнатингиз учун сиз, азизларга – ўқитувчи ва мураббийлар, устоз ва домлалар, олим ва олималарга ҳар қанча тасаннолар айтсак, таъзим этсак, арзийди, албатта.

Ҳурматли дўстлар!

Биз бугун қандай шиддат билан ўзгараётган, ўзаро рақобат ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган мураккаб бир даврда яшаётганимиз ҳаммага маълум.

Бундай кескин рақобат, айниқса, илм-фан, таълим-тарбия, илмий-техник тараққиёт соҳасида яққол намоён бўлаётганини кўриш, англаш қийин эмас.

Ҳозирги вақтда дунёдаги етакчи олимлар ва экспертлар орасида кенг тарқалаётган фикрни инобатга оладиган бўлсак, давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳақида гапирганда, улар, биринчи навбатда, инсон капиталини, таълим ва илм-фан соҳасини ҳозирги замон тараққиётининг ҳал қилувчи кучи сифатида кўраётган, уларнинг ривожини учун катта маблағ ажратаётган ва кенг имконият очиб бераётган давлатгина бу инқироздан янада кучли бўлиб чиқишини башорат қилаётгани бежиз эмас, албатта.

Бугун ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимизни холисона баҳолар эканмиз, таъ-

лим-тарбия соҳасида ҳали қиладиган кўпгина вазифаларимиз борлигини, ўз ечимини кутаётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш, энг муҳими, бу борада бошлаган ислохотларни мантиқий якунига етказиш, уларнинг ярим йўлда қолиб кетишига, ўзибўларчиликка йўл қўймаслик зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Авваламбор, барча таълим муассасалари, хусусан, умумтаълим мактаблари ва лицей-коллежларни давр талабларига мос ҳолда ривожлантириш, замонавий жиҳоз ва ускуналар, ўқув лабораториялари ва устахоналар билан таъминлашни давом эттириш, янги таълим стандартлари, дастур ва қўлланмаларни жорий этиш масаласини энг муҳим вазифамиз сифатида кўришимиз даркор.

Мамлакатимизда шаклланган узлуксиз таълим тизимининг юқори босқичи бўлмиш олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, юксак малакали мутахассис ва кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш эҳтиёжини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу борада кўзланган режаларни амалга ошириш ва уларни молиялаштириш учун Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш фонди ташкил этилгани, ҳар йили давлат бюджетидан айна шу йўналишларга катта ҳажмдаги маблағлар ажратилаётгани алоҳида эътиборга лойиқ.

Юртимиздаги эски, яъни икки босқичли аттестация тизимидан воз кечиб, иқтисодий ривожланган давлатларда қабул қилинган стандартларга мос равишда, тўғридан-тўғри фан доктори унвонини олиш бўйича диссертация ёқлаш тизимига ўтганимиз ва бу йўналишда туб ўзгаришлар амалга оширилаётгани олий таълим соҳасидаги кенг кўламли ислохотлар йўлида янги бир амалий қадам бўлди.

Энг асосийси, бундай ишларимиз, аввало, институт ва университетларимиздаги ўқув жараёнларини, уларнинг юксак талабларга жавоб берадиган малакали кадрлар тайёрлаш салоҳиятини дунёдаги илғор олий ўқув юртлари даражасига кўтариш, ушбу билим даргоҳларида фидокорона меҳнат қилаётган домлаларни нафақат моддий ва молиявий нуқтаи назардан рағбатлантириш, балки уларнинг нуфузи ва ҳурмат-эътиборини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Бугунги кунда юртимизда барпо этилган, ўзаро узвий боғланиб, бир-бирини тўлдирадиган, уч босқичдан иборат узлуксиз таълим тизимини, бу – умумтаълим ёки ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўладими, олий таълим соҳаси бўладими – буларнинг барчасини ягона бир гоё, умумий бир мақсад бирлаштириб турганини ҳаммамиз яхши англаймиз.

У ҳам бўлса, жондан азиз фарзандларимизни жаҳон илм-фани чўққиларини забт этган, чуқур

билим ва ўз мустақил фикрига эга бўлган етук инсон ва мутахассислар этиб тарбиялаш, барча куч ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этишдир, десак, олдимизда турган буюк вазифанинг маъномазмунини ифода этган бўламиз.

Биз сиз, азизлар – мактаб, лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида, умуман, таълим соҳасида меҳнат қилаётган юз минглаб ўқитувчи ва мураббийлар, домлалар тимсолида эл-юртимизнинг келажаги, ҳаёт-мамотини ҳал қилувчи таълим ва тарбия соҳасига бамисоли жон бағишлаётган қудратли кучни кўрамиз ва юксак баҳолаймиз.

Сизларнинг Ватанимиз равнақи ва тараққиёти йўлида қўшаётган юксак ҳиссангиз учун, ёш авлодни вояга етказиш, ҳаётга йўлланма бериш йўлидаги беқиёс хизматингиз, беғараз меҳнатингиз учун барча ота-оналар, миллионлаб ўқувчи ва талабалар, бутун халқимиз номидан яна ва яна бир бор чуқур миннатдорчилик билдириб, сизларга сиҳат-саломатлик, оилаларингизга бахту саодат ва файзу барака, ишларингизга янги омадлар тилашга рухсат бергайсиз.

Доимо омон бўлинг, азиз ва меҳрибон устозлар!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2013 йил 30 сентябрь*

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Бугун қишлоқ хўжалиги соҳасида, қолаверса, бутун юртимиз ҳаётида қувончли бир воқеа, яъни мамлакатимиз пахтакорлари 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Ватанимиз тараққиёти йўлида, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришда, халқимизнинг ҳаётини янада фаровон ва обод қилишда, ҳақиқатан ҳам, катта ҳисса бўлган бу улкан ютуқ билан авваламбор пахтакорларимизни, барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини чин қалбимдан самимий муборакбод этишдан хурсандман.

Бу юксак марра пахтачилик ишига ўз ҳаётини бағишлаган, ўз касбининг устаси ва фидойиси бўлган деҳқон ва фермерларимизнинг, ушбу соҳага дахлдор олим ва мутахассисларнинг ўта мураккаб ва машаққатли меҳнати натижаси, том маънода мардлик ва матонат намунаси эканини халқимиз яхши билади ва юксак баҳолайди.

Пахтани ўстириш, уни парвариш қилиш, мўл ҳосил етиштириш билан таниш бўлган ҳар қайси

одам бу иш нақадар оғир меҳнат талаб қилишини, бунинг учун йил давомида, биринчи навбатда, ер ва уруғ тайёрлаш, кунни – кун, тунни – тун демасдан, ҳар туп кўчат устида парвона бўлиш, шунингдек, об-ҳаво инжиқликлари, касаллик ва зараркунандалар етказадиган зиёнлар ва бошқа турли муаммоларни бартараф этиш – буларга фақат иродаси мустаҳкам, ўз касби ва меҳнатини севган инсонларгина қодир эканини англайди, тушунади.

Бу йилги мавсумни оладиган бўлсак, апрель ойида ҳаво ҳароратининг меъёрдан сезиларли даражада паст бўлгани, сурункали ёмғир ва жала туфайли чигит экиш 5–7 кунга кечикиб кетгани, май ойида 20–25 кун давомида тупрокда намлик микдори ортиб, чигитнинг униб чиқиши ва ғўза ривожини деярли тўхтатиб қўйганини ҳаммамиз яхши эслаймиз. Июль-август ойларида эса ҳарорат одатдагидан 8–10 даража юқори бўлгани, жанубий вилоятларимизда жазирама иссиқ 45–50 даражага етгани, кўзни очирмайдиган гармсел, кучли шамол ва бўронлар кузатилгани, турли зараркунанда ва касалликлар кўпайгани, табиийки, ғўза ривожига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосил тақдирини хавф остида қолдирди.

Шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, пахтакорларимизнинг бу йилги мавсумда, ана шундай кескин ва мураккаб вазиятда эришган юксак марра ва натижаларининг аҳамияти ва кадр-

қиммати янада ортади ва ҳар қанча таҳсин ва тасанноларга арзийди, албатта.

Шу борада беихтиёр одамнинг хаёлига келадиган бир фикрни айтиб ўтишни ўринли, деб биламан. Пахта азал-азалдан оқлик, оқ рангнинг тимсоли сифатида эътироф этилади. Оқ пахтани фақат оқкўнгил одамларгина етиштиради. Таъбир жоиз бўлса, пахта нафақат оқ рангнинг рамзи, балки фидокорона меҳнатнинг маҳсули десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Қадрли юртдошлар!

Ҳеч кимга сир эмас, деҳқончиликда, айниқса, бизнинг Ўзбекистон шароитида тупроғимиз, еримиз сифатини инобатга оладиган бўлсак, ҳар қандай ҳосилнинг энг катта, ҳал қилувчи омили — бу экин майдонларининг мелиоратив ҳолатидир. Кейинги беш йил мобайнида махсус давлат дастури асосида мамлакатимиз бўйича салкам 1 триллион сўм маблағ сарфланиб, 1 миллион 460 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилангани қишлоқ хўжалиги соҳасида мўл ҳосил етиштириш, жумладан, ўтган шу даврда пахтачиликда ҳосилдорликни 24 центнердан 26,4 центнерга етказиш учун замин яратиб берди.

Мустақиллик йилларида ҳар бир ҳудуднинг тупроқ ва иқлим шароитига мос, эртапишар ва серҳосил ғўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,

уларнинг меҳнاتини рағбатлантириш бўйича олиб бораётган кенг кўламли ишларимиз туфайли ўнлаб истиқболли янги навлар яратилиб, амалда жорий этилгани соҳа ривожига салмоқли қадам бўлганини қайд этиш зарур.

Бу йилги мавсумда вужудга келган мураккаб муаммо ва қийинчиликларни бартараф этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ куч ва имкониятларни сафарбар этишга тўғри келди. Бунинг тасдиғини, аввало, омилкор деҳқонларимизнинг интенсив агротехнологияларни самарали қўллагани, гўза қатор оралари ҳар йилгидан 3–4 марта кўп, ўртача 7 марта культивация қилингани, суғориш ишлари шарбат усулида олиб борилиб, гектарига 10 тоннадан, жами 10 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани мисолида кўриш мумкин.

Шулар қаторида кейинги йилларда шаклланган самарали тизим асосида фермер хўжаликлари имтиёзли кредитлар ва техника билан таъминлангани, зарур уруғлик, маҳаллий ва минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари бевосита даланинг ўзига етказиб берилгани, йиғим-терим жараёни уюшқоқлик билан ташкил этилгани етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан, унинг 90 фоиздан ортиғини юқори сортларга топшириш имконини берди.

Айниқса, дефолиация ишлари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани, кейинги йилларда бу

агротехник тадбирнинг нақадар муҳим эканини фермерларимиз чуқур англаб етгани ва бу борадаги ишлар тизимли равишда олиб борилаётгани гўза ривожда бирмунча кечикиш кузатилган жорий йилда ўзининг аниқ самарасини кўрсатди.

Энг муҳими, инсон омилига катта эътибор берилаётгани, қишлоқ аҳлининг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, ўз ерига эгалик ва масъулият ҳисси, эртанги кунга бўлган ишончи, дахлдорлик туйғуси тобора ортиб, онгу тафаккури юксалиб бораётгани бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ишни оқилона ва самарали ташкил этиб, ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Андижон, Фарғона, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмониغا муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.

Айниқса, Амударё, Элликқалъа, Шаҳрихон, Тошлоқ, Учкўприк, Ўзбекистон, Вобкент, Қарши, Навбахор, Уйчи, Поп, Нарпай, Шеробод, Қумқўрғон, Бўка, Гурлан туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани 20–25 иш кунда бажариб, кўпчиликка ўртак ва намуна бўлдилар.

Юртимиздаги минглаб илғор фермер хўжаликлари қаторида Қамаши туманидаги «Ашур

ота», Муборак туманидаги «Олам», Навбаҳор туманидаги «Мартабали», Наманган туманидаги «Олтин замин ифтихори», Каттакўрғон туманидаги «Ҳосил», Пахтачи туманидаги «Умида Шарипова», Сирдарё туманидаги «Адолат момо», Риштон туманидаги «Гулобод юрт», Амударё туманидаги «Улуғбек Ўрозбоев», Эллиққалъа туманидаги «Рўзимбой бобо», Олтинкўл туманидаги «Нур-зиё кўзи» сингари фермер хўжаликлари ҳосилдорликни гектаридан 45–60 центнерга етказиб, фермерлик ҳаракатининг катта имкониятларини, ўзбек деҳқони қандай буюк ишларга қодир эканини яна бир бор исботлаб бердилар.

Айни вақтда бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг тадрижий мантиқи, ҳаётнинг ўзи фермерлик ҳаракатини янги, юксак босқичга кўтаришни тақозо этаётганини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу борада соҳа ривожини учун янги имкониятлар туғдириб бериш, унинг самарадорлигини ошириш, ерни том маънода ҳақиқий эгасига топшириш, аграр соҳада ўзига хос мактаб яратган илғор фермерларнинг иш тажрибасини ёшларга ўргатиш, замонавий билим ва малакага эга бўлган янги фермерлар авлодини тарбиялаш каби ўта муҳим вазифалар эътиборимиз марказида туриши зарур.

Ҳурматли юрtdошлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамизки, кишлок хўжалиги соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг пировард натижаси деҳқонларимизнинг ўз меҳнатидан муносиб даромад олиши, аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини оширишдек эзгу мақсад билан чамбарчас боғлиқдир.

Шу маънода, мустақиллик йилларида мамлакатимизда пахта толасини юксак технологиялар асосида қайта ишлаш, уни кўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот сифатида экспорт қилиш ҳажми ортиб бораётгани диққатга сазовордир.

Агар 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланган бўлса, ўтган давр мобайнида бу рақам қарийб 6 баробар ортиб, ҳозирги вақтда салкам 40 фоизни ташкил этмоқда. Бу, ўз навбатида, олдимизда турган турли муаммоларни ечиш, минг-минглаб юрtdошларимиз, айниқса, ёшларимизни замонавий иш жойлари билан таъминлаш, аҳолининг даромад манбаларини кўпайтириш имконини бераётганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра бу йил пахтачиликдан олинадиган ялпи даромад ўртача 3 триллион 100 миллиард сўмдан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 23 фоиз кўп бўлиши кутилаётгани деҳқон ва фермерларимизнинг ўз меҳнатидан ман-

фаатдорлигини кучайтириш, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва бошқа умуммиллий дастурларимиз доирасида белгилаб олган вазифаларимизни амалга оширишга хизмат қилиши билан, айниқса, эътиборлидир.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугунги хурсандчилик кунда сиз, фидойи дехқон ва фермерларни, сувчи ва механизаторларни, агроном ва селекционерларни, мутахассис ва мутасаддиларни, Ўзбекистонимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча инсонларни бағримга босиб, яна бир бор табриклар эканман, сизларга қалбимда, юрагимда бўлган ҳурмат-эҳтиромим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Мана шундай шукуҳли дамларда биздан марҳаматини дариғ тутмасдан, ўз паноҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Эл-юртимиздан, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин! Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, ҳеч қачон кам бўлманг, азизларим, қадрдонларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2013 йил 25 октябрь*

**МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ
КЕНГАШИНИНГ ТОР ДОИРАДАГИ
МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ**

Муҳтарам раис,

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари саммити иштирокчиларини қутлаш ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Григорьевич Лукашенкога самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсиз.

Бугун дунёда юз бераётган мураккаб жараёнлар, кучларни глобал ва минтақавий жойлаштириш борасидаги мураккаб ўзгаришлар, жаҳон иқтисодиётида инқироздан кейин кечаётган оғир давр, Ҳамдўстликка яқин ва узоқ давлатлардаги вазият ва зиддиятларнинг кескин тус олаётгани ҳақида гапиришнинг алоҳида зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан, бизнинг назаримизда, МДҲнинг бу борадаги роли ва ўрнини белгилаш, Ҳамдўстлик доирасида қандай ишлар амалга оширилаётганини ва унинг имконият ҳамда салоҳиятини баҳолаш, ушбу ташкилотнинг истиқболи ва келажагини қандай тасаввур этишимиз хусусида фикр билдиришимиз муҳим аҳамиятга эга.

МДХнинг, ўтган йиллар мобайнида мазкур ташкилот томонидан яратилган ҳуқуқий майдон ва ҳамкорлик воситаларининг, механизмларининг аҳамиятини оширмасдан, айтиш мумкинки, Ҳамдўстлик унга аъзо бўлган ҳар бир давлат учун муҳим ўрин тутмоқда. Бундай дейиш учун барча асослар бор.

Ҳамдўстлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлигига раҳна солиши мумкин бўлган таҳдид ва хатарларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ Иттифоқ ҳудудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда.

МДХ давлатларининг серқирра ҳамкорлиги ҳақида сўз борганда, биз, **авваламбор, МДХ маконида зўравонлик ва муросасизлик ғояларини очик-ойдин тарғиб қилаётган турли экстремистик ташкилотлар фаоллиги кун сайин кучайиб бораётганини эътиборга олган ҳолда, экстремизм ва терроризмга қарши курашда Ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутамиз.**

Бугунги кунда тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафкура-

си нафақат бир мамлакат ёки муайян минтақа доирасида кенг тарқалаётгани, балки **ушбу жараён миллий чегара билмаслиги** ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Айнан шу сабабли МДХга аъзо давлатлар ҳудудида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига кўмаклашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур.

Бугунги саммитда жинойтчилик ва терроризм, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда содир этиладиган жинойтларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик концепциясининг қабул қилиниши Ҳамдўстликка аъзо барча давлатларнинг узоқ муддатли хавфсизлик манфаатларига мос келади.

Иккинчидан. Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг 2014 йилнинг охирига қадар чиқарилиши, шак-шубҳасиз, Афғонистон билан чегарадош давлатлар ва унга яқин ҳудудлар учун жиддий синов бўлади.

Дунёдаги аксарият мамлакатлар Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли – бу, ушбу муаммонинг сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида Бирлаш-

ган Миллатлар Ташкилоти шафелигида музокара-лар ўтказиш ва муроасага келиш, таркибига ўзаро қарама-қарши асосий кучлар ҳам кириши мумкин бўлган муваққат ҳукуматни шакллантириш зарур, деган хулосага келмоқда.

Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатига қатъий амал қилади.

Бундай шароитларда ҳар бир мамлакат ўзи қабул қиладиган чора-тадбирларни амалга ошириши, шунингдек, Афғонистондан қўшинларни чиқариш жараёни ён-атрофдаги мамлакатларга зиён етказмаслигидан манфаатдор томонларнинг ўзаро мувофиқлашган ва маслаҳатлашган ҳолда иш тутиши, энг муҳими, юзага келаётган шароитда аввало Афғонистоннинг ўзида тартибсизлик ва зўравонликка йўл қўймаслик мамлакатларимиз ва умуман, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш учун муҳим аҳамият касб этади. Бу борада манфаатдор бўлган қудратли давлатлар амалий ёрдам кўрсатиши мумкин ва даркор.

Яна бир масалага алоҳида тўхталмоқчиман. Бу МДҲ маконида мамлакатлар ўртасида амалдаги савдо режимида салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо

зонасини шакллантиришдир. Бу МДХ худудида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим шартларидандир.

Бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга.

Биз Ўзбекистон Республикасининг Эркин савдо зонасини ташкил этиш тўғрисидаги шартномага қўшилишини қўллаб-қувватлаган Россия Федерацияси ва Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан миннатдормиз. Ўзбекистоннинг изчил ривожланаётган бозори ва жадал ўсиб бораётган иқтисодиёти билан ушбу муҳим интеграция лойиҳасида иштирок этиши Шартноманинг барча қатнашчиларига ўзаро фойда ва манфаат келтиришига ишонаман.

Мухтарам ҳамкасблар!

МДХ истиқболи ва келажаги кўп жиҳатдан бизга, яъни Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларга ва албатта, ҳеч бир муболағасиз, биринчи навбатда, Россияга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Собиқ Иттифоқ худудидаги ҳар бир мамлакат учун Россиянинг улкан салоҳияти ва бозор имкониятлари эътиборга олинган ҳолда, бу давлат билан йўлга қўйилаётган муносабатлар ва муҳими – умумий тарихимиз, қадриятларимиз, интилишларимиз

ва керак бўлса, узоқ йиллар мобайнида биз биргалликда яшаган макон алоҳида аҳамият касб этиши бугун ҳеч кимга сир эмас.

Собиқ Иттифок ҳудудида Ҳамдўстлик билан бир қаторда бошқа интеграция жараёнларининг ҳам ривожланаётгани МДХ фаолияти учун тўсик бўлаётгани йўқ.

Шу билан бирга, давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири – МДХ, Божхона иттифоқи ва унинг асосида ташкил этилаётган Евроосиё иқтисодий иттифоқи **бир-бирини такрорламасдан ўз йўналиши бўйича** фаолиятини йўлга қўйиши ғоят муҳимдир. Бундай ҳолат эса келажакда юз бериши мумкин.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Беларусь Республикасининг МДХга раислиги, бизнинг фикримизча, фаол ва амалий хусусиятга эга бўлди ва Ташкилот доирасида унга аъзо мамлакатларнинг умумий мақсад ҳамда вазифаларини илгари суришга ёрдам берди.

Фурсатдан фойдаланиб, Украинани навбатдаги даврда МДХга раислик қилиши билан табриклар, Украина Президенти Виктор Федорович Януковичга ушбу масъулиятли миссияни амалга оширишда катта муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

2013 йил 28 октябрь

ОСИЁ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚ

Ҳурматли Форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, нуфузли халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, хорижий давлатлар ҳукуматлари раҳбарлари, йирик агентлик ва компаниялар, тадқиқот марказлари вакиллари, мутахассис ва экспертларни – Форумнинг мазкур йиғилишида қатнашаётган барча иштирокчиларни Тошкент шаҳрида қабул қилиш ва қутлаш, ҳаммангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимизни билдириш биз учун катта шарафдир.

Мен Осие таракқиёт банки президенти Такехико Накао жанобларига Форум йиғилишида шахсан иштирок этаётгани, «Қуёш энергияси бўйича Осие ташаббуси»ни ҳаётга татбиқ этишга қўшаётган улкан ҳиссаси, Осие таракқиёт банки ва унинг тузилмалари томонидан қуёш энергетикасидан фойдаланиш ва уни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш соҳасида кўрсатилаётган беқиёс ёрдам учун алоҳида миннатдорлик билдираман.

Форум мажлисида иштирок этаётган Халқаро энергетика агентлиги (ХЭА), Бирлашган Миллат-

лар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), Ислом тараққиёт банки ва бошқа халқаро марказлар ва тузилмалар вакилларига, мазкур анжуманга катта қизиқиш билдирган барча меҳмонларимизга самимий ташаккур изҳор этаман.

«Қуёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари» мавзусидаги мазкур йиғилиш учун таклиф этилган кун тартибини, биринчи навбатда, «Қуёш энергетикаси учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ва Осиё ускуналар бозорини кенгайтириш истиқболлари» каби масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш, ҳеч шубҳасиз, ғоят долзарб аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб давлатлар ва минтақаларда катта амалий қизиқиш уйғотади.

Маълумки, цивилизациялар тарихида энг самарали энергия манбаларини топиш доимо алоҳида аҳамиятга эга бўлиб келган. Биринчи навбатда, электр ва иссиқлик энергиясининг асосий хомашёси бўлган углеводород захираларини ўзлаштириш учун сўнгги ўн йилликда улкан миқдордаги инвестиция маблағлари йўналтирилди ва йўналтирилмоқда.

Бугунги кунда энергия ресурслари манбалари, нефть ва газ захираларига эга бўлиш чексиз даромад олиш ва халқаро майдонда ўзининг мавқеи ва

таъсирини оширишда алоҳида аҳамият касб этадиган энг муҳим омиллардан бири экани ҳеч кимга сир эмас.

Кейинги пайтда углеводород хомашёсини қазиб олиш борасида юз берган, «сланец инқилоби» деб аталаётган янги босқич эртага баъзи қитъалар, мамлакат ва ҳудудларнинг энергетика бозоридаги ҳамда жаҳон майдонидаги кучларнинг геосиёсий жойлашувидаги ўрни ва ролини ўзгартирадиган жиддий омилга айланиши мумкинлигига шубҳа қилмаса ҳам бўлади, деб ўйлайман.

Бироқ бундай ўзгаришлар қайта тикланадиган энергия манбаларига, биринчи навбатда, дунёдаги энг соф қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган, йилдан-йилга ортиб бораётган қизиқиш ва эҳтиёжни ҳеч қачон сусайтира олмайди.

Бу ҳақда гапирганда, қуйидаги фактга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Халқаро энергетика агентлиги маълумотларига кўра, дунёда электр энергияси ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари ўртача 3,4 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, қайта тикланадиган энергия манбаларининг энг истиқболли таркибий қисми бўлган қуёш энергияси кейинги беш йил давомида ҳар йили мисли кўрилмаган суръатларда, яъни 60 фоизга ошмоқда.

Ана шу 5 йил мобайнида қуёш энергетикаси соҳасига йўналтирилган ялпи инвестициялар ҳажми 520 миллиард долларни, жумладан, фақат

2012 йилнинг ўзида 143 миллиард долларни ташкил этди.

Қуёш станциялари томонидан 2012 йилда ишлаб чиқарилган жами электр энергияси 113 миллиард киловатт-соатни, жумладан, фотоэлектр станциялар бўйича 110 миллиард киловатт-соатни ташкил этди.

Халқаро экспертларнинг фикрига кўра, дунёда муқобил ва қайта тикланадиган энергия манбаларини излаб топиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, хусусан, электр ва иссиқлик энергияси олиш учун қуёш энергиясидан фойдаланишга бўлган қизиқишнинг жадал ўсиб боришига олиб келаётган сабаблар кўп.

Биринчи навбатда, бу жаҳон иқтисодиётида энергияга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бораётгани билан боғлиқ. Яна бир сабаби шундаки, анъанавий углеводород хомашёси бўлмиш нефть ва газнинг янги манбаларини ўзлаштириш тобора қийинлашиб бораётгани ва шу билан бирга, уларнинг захиралари камайиб кетаётгани халқаро ҳамжамиятда ташвиш уйғотмоқда.

Аммо шу борада ҳеч қачон эътиборсиз қолдириб бўлмайдиган шундай муҳим бир омил борки, у ҳам бўлса, қазиб олинаётган ёқилғидан фойдаланиш мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётгани атроф-муҳитга сезиларли даражада зарар етказаётгани, аҳолининг саломатлиги ва ҳаёт

сифатига салбий таъсир кўрсатаётгани ва келажакда глобал миқёсда барқарор ривожланишга хавф солаётгани билан боғлиқ.

Юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларида бири, бу, **аввало**, қайта тикланадиган энергиянинг энг самарали ва истиқболли манбаи сифатида қуёш энергетикасини ривожлантириш лойиҳаларига инвестиция йўналтиришни янада кўпайтиришдан иборат.

Иккинчидан, муаммони ҳал этишда илмий ва тажриба-конструкторлик ишланмаларини ҳар томонлама жадал ривожлантириш ва шунингдек, қуёш электр энергияси ишлаб чиқарувчилар ва унинг истеъмолчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш талаб этилади.

Учинчидан, бу борадаги яна бир имконият углеводород хомашёсидан фойдаланишга асосланган анъанавий энергетика тизимида нисбатан қуёш энергетикаси рақобатдошлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Агар 2008 йилда бир киловатт-соат қуёш электр энергиясини ишлаб чиқариш 35 цент даражасида бўлган бўлса, бугунги кунга келиб бу рақам, экспертларнинг маълумотларига кўра, ўртача 11–12 центни ташкил этаётгани, Хитой ва Ҳиндистон каби айрим мамлакатларда эса барпо этилаётган фотоэлектр станцияларда бир киловатт-соат электр энергияси таннархини 8–9 центга қадар

тушириш вазифаси кўйилаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, бу мақсадга эришиш мумкин экани аён бўлади.

Бошқача айтганда, баъзи мамлакатлардаги фотоэлектр станцияларда ишлаб чиқарилаётган электр энергияси, унга нисбатан анъанавий имтиёз ва преференциялар қўлланмаётган бўлса-да, углеводород хомашёсини ёқиш ҳисобидан олинадиган электр энергияси билан рақобатлаша олади.

Яна бир масала. Вақти-вақти билан такрорланаётган глобал иқтисодий инқирозлар сабабларини таҳлил қилиш асносида хулоса чиқарган айрим олимларнинг фикр-мулоҳазаларида муайян мантиқ мавжуд. Яъни, ҳалокатли инқироздан чиқиш йўлини топиш жаҳон ҳамжамиятини замонавий технологияларнинг принципиал жиҳатдан янги авлодини ўзлаштиришга, бошқача айтганда, ишлаб чиқаришнинг янада жадал ва тежамкор ўсиш суръатларини таъминлайдиган илмий-техник тараққиётнинг янги босқичига олиб келади.

Шу муносабат билан қуйидаги хулосага келиш қийин эмас. 2008 йилда бошланган ва ҳамон давом этаётган глобал инқироздан чиқиш кўп жиҳатдан бизнинг биринчи навбатда энергетика соҳасида технологик тараққиётнинг янги босқичига қанчалик тез ўтишимизга боғлиқ.

Бу ўринда сўз бугунги кунда ривожланаётган давлатлар иқтисодиётини қайта тиклашга

тўсқинлик қилаётган асосий сабаблардан бири – анъанавий энергия ресурслари, авваламбор, нефть нархининг асоссиз равишда юқори бўлиб қолаётгани ҳақида бормоқда. Иқтисодий жиҳатдан самарали фотоэлектр энергияси манбаларини оммавий равишда жорий этиш истиқболда нефть нархини оптималлаштириш имконини беради. Бу эса ўзининг чекланган валюта захираларини углеводород хомашёсини четдан сотиб олиш учун сарфлашга мажбур бўлаётган ривожланаётган мамлакатларни жадал тараққий эттириш борасида рағбатлантирувчи восита бўлади. **Шундай экан, қуёш энергетикаси инқироздан чиқишда локомотив вазифасини бажарадиган омиллардан бири бўлиши мумкин ва зарур.**

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Ўзбекистонда энергетика мақсадлари учун қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бу жараёнларнинг кўлами ва амалий йўналишларини кенгайтиришни тақозо этадиган омилларга қисқача тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз.

Бу, биринчи навбатда, мамлакатимизда барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланаётгани, шунингдек, амалга оширилаётган таркибий туб ўзгаришлар, иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, саноатнинг жадал ривожланиши, нефть-газ ва бошқа хомашё ресурсларини

чуқур қайта ишлаш бўйича энг илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий ҳамда қудратли газ-кимё комплексини шакллантириш билан боғлиқ.

Бу борада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистонда сўнгги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётганини таъкидлаш кифоя, деб ўйлайман.

2000–2013 йилларда бу кўрсаткич 3,8 баробар, ялпи маҳсулот эса аҳоли жон бошига 3,2 баробар ўсди.

Халқаро молия институтларининг баҳоларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг бундай юқори ўсиш суръатлари яқин истиқболда ҳам сақланиб қолади.

Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, саноатнинг юқори даражада жадал ривожланиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 2030 йилда жорий йилга нисбатан 2 баробар ошади ва 105 миллиарддан зиёд киловатт-соатни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг қуёш энергетикаси борасидаги салоҳияти ва мамлакатимизда ушбу соҳани ривожлантириш истиқболлари ҳақида гапирганда, қуйидаги фикрларни таъкидлашни истардим.

Биринчи навбатда, Ўзбекистон географик ўрни ва иқлим шароитларига кўра, бунинг учун гоят қулай имкониятларга эга.

Ўзбекистонда ҳаво бир йилда 320 кундан зиёд очиқ бўлиб, мамлакатимиз йил давомида қуёшли кунларнинг кўплиги бўйича дунёнинг аксарият минтақаларига нисбатан устунликка эга.

Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки хулосаларига кўра, Ўзбекистонда қуёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқдир.

Ана шу ресурслар ҳисобидан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда жорий йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин.

Мамлакатимизда қуёш энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар ўтган асрнинг 80-йилларида, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Осиё минтақасида ягона ва илмий ишланмалари юртимиздан ташқарида ҳам машҳур бўлган «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий-экспериментал маркази ташкил этилганидан кейин жадал ривожлана бошлади.

Бугунги йиғилиш иштирокчилари Форум дастури доирасида ушбу марказ фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

Мазкур илмий мажмуа таркибидаги 1 мегаватт кувватга эга бўлган гелиоконцентраторли улкан қуёш печи 3 минг даражали иссиқ ҳарорат ҳосил қилиш ва ўта соф материаллар ишлаб чиқаришни таъминлаш, ноёб илмий тадқиқотлар ва иссиқликка оид синовлар ўтказиш имкониятига эга.

Ўзбекистон бугунги кунда илмий-техник, эксперимент ўтказадиган кадрлар бўйича улкан салоҳиятга эга бўлиб, мамлакатимизда қуёш энергиясини лойиҳалаштириш ва ундан фойдаланиш бўйича катта ҳажмдаги конструкторлик ва технологик ишланмалар тўпланган.

«Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда жорий йилда Тошкентда ташкил қилинган Халқаро қуёш энергияси институти илмий ва илмий-экспериментал тадқиқотлар ўтказиладиган минтақавий марказга айланиши кўзда тутилмоқда. Мазкур тадқиқотлар натижалари қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича истиқболли технологиялар сифатида жорий этилиши мумкин.

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мегаватт кувватга эга бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш бўйича пилот лойиҳани амалга оширишга киришди. Қисқа муддатда унинг лойиҳа-техник ҳужжатлари тайёрланди, 400 гектардан ортиқ ер

майдони ажратилди, объект қурилишини бошлаш билан боғлиқ деярли барча масалалар ҳал этилди.

Биз келгусида юқори самара берадиган, янги технологияларга асосланган яна бир нечта йирик қуёш электр станциясини барпо этишга киришишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ҳозирги вақтда шу мақсадда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 6 та ҳудудида энг замонавий ўлчаш станциялари жойлаштирилди ва ҳар томонлама пухта ишланган лойиҳаларни тайёрлашда зарур бўладиган барча маълумотларни йиғиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон фотоэлектрик модуллар ва қуёш энергетикасида қўлланадиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун бой хомашё захираларига эга эканини алоҳида қайд этишни истардим.

Ўтган йили мамлакатимизда Жанубий Кореянинг «Неоплант» компанияси билан ҳамкорликда йиллик қуввати 12 минг тоннани ташкил этадиган техник кремний ишлаб чиқарадиган завод фойдаланишга топширилди. Бугунги кунда «Ангрен» махсус индустриал зонасида Кореянинг «Шиндонг Энерком» компанияси иштирокида йиллик қуввати 5 минг тонна бўлган кремний ишлаб чиқарувчи иккинчи завод қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Келгусида ушбу маҳсулот юқори самарали фотоэлектрик қуёш панеллари ишлаб чиқариш учун хомашё манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Хитой Халқ Республикасининг йирик компаниялари иштирокида 2014 йилда «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида дастлабки қуввати 50 мегаватт бўлган фотоэлектр панеллари ишлаб чиқарадиган, «Жиззах» махсус индустриал зонасида эса йилига 50 минг дона қуёш иссиқлик коллекторлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этилади.

Ўзбекистонда маиший ва уй-жой-коммунал соҳада, хусусий уйларда қуёш энергиясидан фойдаланишни кенг жорий этишга, бу борада зарур ишлаб чиқариш ва сервис имкониятларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, бундай технологияларни кенг миқёсда қўллаш яқин йилларда юртимиз энергия тизимига тушаётган энергия юқини 2 миллиард килловатт-соатга қисқартириш, локал тарзда қарийб 2 миллион гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини беради. Бу эса йилига жами 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги энергия ресурсини тежашни таъминлайди.

Мамлакатимизда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда амалга оширилаётган Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш дастури доирасида ҳар йили намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,5 миллион квадрат метрдан зиёд бўлган 10 мингдан ортиқ яқка тар-

тибдаги замонавий уй-жойлар барпо этилаётганига эътиборингизни қаратмоқчиман.

Мазкур дастур доирасида биз техник жиҳатдан илғор, қуёш энергетикаси технологиялари қўлланган, юқори энергия самарадорлигига эга бўлган уй-жойларни дунёдаги, жумладан, Европа ва Осиёдаги бу соҳада энг тараққий этган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда, оммавий равишда қуришни кўзда тутмоқдамиз.

Биз яқин йиллар мобайнида, асосан, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги 1300 та умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларини тажриба тариқасида қуёш коллекторлари билан таъминлашни режалаштирмоқдамиз. Қишлоқ жойлардаги 600 дан ортиқ врачлик пунктларида фотоэлектрик панеллар ўрнатилади.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, бир хулосани таъкидлаб айтишга барча асосларимиз бор. Яъни, бугунги босқичда қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммоси илмий тадқиқотлар ва тажриба-синов ишланмалари соҳасидан уларни амалиётда қўллаш соҳасига барқарор суръатда ўтиб бормоқда. Қуёш энергетикаси эса, қайта тикланадиган энергиянинг бошқа турлари каби, тўлиқ рақобатдош, энергиянинг, энергия олиш усул ва воситаларининг энг соф турларидан бирига айланмоқда.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, мана шу мухташам залда йиғилган сиз азизларга, сизларнинг тимсолингизда замонавий тараққиётнинг юксак ва олижаноб мақсадлари йўлида қуёш энергиясидан фойдаланиш ишига муносиб ҳисса қўшаётган барча инсонларга самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Азиз меҳмонлар!

Мамлакатимизда қисқа муддат меҳмон бўлишингизга қарамасдан, ўзбекона меҳмондўстликни, халқимизнинг сизга бўлган ҳурмат-эҳтиромини ҳис этасиз, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда улкан ютуқ ва омадлар, Осиё қуёш энергияси форуми йиғилиши ишига муваффақият тилайман.

2013 йил 22 ноябрь

**АМАЛГА ОШИРАЁТГАН
ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ
ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА
ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ –
ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ
АСОСИЙ ОМИЛИДИР**

Қадрли дўстлар!

Аввало, мана шу ҳашаматли ва бетакрор бинода сиз, азизларим билан кўришганимдан хурсанд бўлганимни, ўзимнинг чуқур ҳурматим ва меҳримни билдириш – мен учун катта бахт, десам, қалбимда, юрагимда бўлган гапни айтган бўламан.

Бугунги тантанали мажлисимизнинг мақсад-муддаоси – ҳаётимиз қомуси бўлмиш Конституцияимизнинг 21 йиллигини нишонлаш, Асосий Қонунимиз белгилаб берган юксак мақсадларни амалга оширишда, юртимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришда эришган ютуқларимиз ва олдимизда турган вазифаларни аниқлаб олишдан иборатдир.

Ҳақиқатан ҳам, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамоёйил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлди, деб таъкидлашга барча-барча асосларимиз бор.

Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳам-жамиятида «ўзбек модели» деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётимизнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделнинг мазмун-моҳияти машҳур беш тамойилда мужассам топгани барчамизга яхши маълум. Бу тамойиллар иқтисодиётни мафкурадан тўлиқ холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралиб туради.

Шулар ҳақида гапирганда, муҳим бир масалага эътиборингизни қаратишни истардим.

Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи барча мисолларда тасдиқлаб бераётгани бугун ҳаммамизга аён.

Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон

манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда.

Сиёсий ислохотларимиз негизида турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этганимиз алоҳида эътиборга сазовордир.

Иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб берганимиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принциплар аҳамиятга эга бўлди.

Шу борада жамиятимизни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилгани иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда,

аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Биз мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожини учун ғоят қулай ва устувор шароитларни яратиб берар эканмиз, шунга эътиборингизни алоҳида жалб этмоқчиман, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолимизнинг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислохотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи – ўрта синфни шакллантиришни кўзда тутамиз.

Ўз-ўзидан аёнки, тобора чуқурлашиб бораётган ислохотлар натижасида эришиладиган ўта муҳим ўзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, кимнингдир буйруғи ёки хоҳиши ҳисобидан бўлмайди. **Бунинг учун албатта вақт керак, энг асосийси – бу ислохотларнинг мазмуни ва мақсадларини жамиятимиз, халқимиз чуқур англаб олиши ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.**

Ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, агар биз шунча вақт куч-қувват сарфлаб амалга ошираётган ислохотларимизнинг мақсади ва мазмунини халқимиз тушунмаса, жамоатчилигимиз қўллаб-қувватламаса, бундай ислохотлар қуруқ гапга айланиб қолмайдими? Бундай ислохотлар билан бирон-бир амалий натижага эришиб бўладими?

Такрор айтишга тўғри келади – фақатгина халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳар қандай ислоҳотларга куч беради.

Жамиятимизни ислоҳ қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларимизнинг маъно-моҳиятини ана шундай тушунишдан келиб чиқиб баён этилган «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало, инсон учун», «Янги уйни қурмасдан туриб эскисини бузманг» деган машҳур шиорлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас, албатта.

Бир пайтлар, бу шиорлар ҳаётимиздан эндигина ўрин топаётган бир шароитда кимдир балки бу ислоҳотларнинг маъно-мазмунини тушунмаган бўлса, халқимиз бугун уларнинг мақсади ва моҳиятини, бу ўзгаришларнинг барчаси унинг ўзи, оиласи, келажаги учун амалга оширилаётганини тобора чуқур англаб олмоқда. Шунинг учун ҳам агар ҳозирги вақтда ҳаётимизнинг бирон-бир соҳасини ислоҳ қиладиган бўлсак, авваламбор бундан кўзланган мақсад нимадан иборат эканини, нима учун бу ўзгаришни эртага эмас, айнан бугун қилишимиз зарурлигини одамларимизга содда ва аниқ қилиб тушунтириб беришимиз лозим. Лўнда қилиб айтганда, барака топкур, бу ишлар сенинг манфаатинг учун, сенинг эртанги кунинг, болаларинг учун, уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшаши учун қилиняпти, агарки бу ишларни қилмасак,

биз эртага тараққиётдан чеккада қолиб кетишимиз мумкин, деган даъватлар билан одамлар онгига эзгу ғояларимизни сингдира олсаккина, бошлаган ислохотларимиз кутилган натижани беради.

Таъбир жоиз бўлса, халқимизнинг «Осилсанг, баланд дорга осил» деган мақоли бежиз айтилмаган. Биз ўз олдимизга катта-катта мақсадлар қўйиб, маррани баланд олиб яшашимиз ва шу йўлда эл-юртимизнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, янада қатъият билан ҳаракат қилишимиз керак.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда Конституциямиз муҳрлаб қўйган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг кўламли ислохотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришаётган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради.

Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айни

шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион 500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг йиллик ўсиши 2008–2013 йилларда 8 фоиздан ошди, 2014 йилда эса бу кўрсаткич 8,1 фоизни ташкил этади. Бундай ўсиш суръатларини камдан-кам давлатларда кузатиш мумкин.

Ўтган давр мобайнида макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблиги, давлат бюджетимизнинг профицит билан, яъни ошириб бажарилиши таъминланмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи халқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далолат беради.

Албатта, бу рақамлар жуда муҳим, лекин улар юртимиздаги ҳар қайси одамга нима беради, унинг кундалик ҳаётида, дастурхонида қандай акс этмоқда, деган савол ҳақида бош қотирадиган бўлсак, аҳоли ялпи даромадларининг жон бошига 8 баробардан зиёд ошгани, ўйлайманки, бу саволга аниқ жавоб бўлади.

Бу рақамга алоҳида урғу бериб гапираётганимнинг боиси шундаки, биз учун халқимиз, одамларимизнинг фаровонлиги, ҳаёт сифати ва даражасини ошириш энг олий мақсад бўлиб келмоқда. Юқорида зикр этилган рақам эса, айти шу мақсад йўлида қандай катта ишларни амалга оширганимизни яққол кўрсатиб турибди.

Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмаяпти, экспорт ва олтин-валюта захираларимиз ҳажми кўпайиб бормоқда.

Ташқи давлат қарзи ҳақида сўз юритадиган бўлсак, аввало бу масала бўйича бутун дунёда қандай муҳокамалар бўлаётгани, ким қандай муаммо олдида тургани ҳақида бугун кўп гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Истиклол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобида 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳажми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади.

Буларнинг барчаси аввало ниманинг исботи, ниманинг далили деб сўрайдиган бўлсак, булар иқтисодиётимиздаги ижобий таркибий ўзгариш-

лар натижаси, янгитдан ишга туширилган, жаҳон бозорида талаб катта бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган юзлаб, минглаб замонавий корхоналар демакдир.

Бу рақамлар, аввало, юзлаб, минглаб километр темир йўллар ва автомобиль йўллари, юз минглаб уй-жойлар қурилгани, инфратузилма объектлари бунёд этилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг далилидир.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган колоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди.

Шу борада бир ҳолатни эслатиб ўтмоқчиман. Илгарилари Ўзбекистон аграр ўлка, қишлоқ хўжалигига асосланган давлат, деб ўзимиз ҳам бу билан мақтаниб юрардик. Бир вақтлар Фарғона вилоятида бўлиб ўтган катта мажлисда бир туман ҳокими минбарга чиқиб, сиз биздан саноат ҳақида сўраяпсиз, ахир, биз аграр республика бўлсак, саноат нимага керак, деб менга жавоб бериб айтган сўзлари ҳали-бери ёдимдан чиқмайди. «Биз умрбод қишлоқ хўжалиги билан яшаганмиз ва шун-

дай яшаймиз» деган фикрга ёпишиб олиш, қани, айтинглар, бу болаларимизга, фарзандларимизга, келажак авлодимизга хиёнат эмасми?

Тарихдаги босқинчилик, юртимиз колония қилиб олингани ҳақида кўп гапирамиз. Колония аслида нима дегани? Ўзингиз биласиз, колония дегани маълум бир ҳудудни аҳолиси билан бирга қарам қилиб босиб олишни, унинг мустақил бўлиши учун ҳеч қачон йўл бермасликни билдиради.

Мустақилликка эришиш аввало нима билан белгиланади? Мустақил юрт биринчи навбатда ўз халқини боқишга, мустақил сиёсат олиб боришга қодир бўлиши шарт. Эртанги кунни ўйлаш, бугунги ҳаёт, иқтисодиёт таркибини мутлақо ўзгартириш, керак бўлса, турли-турли соҳалар – бу саноат бўладими, қишлоқ хўжалиги бўладими, ижтимоий жабҳалар бўладими – буларнинг барчасини ривожлантириш учун энг замонавий технологияларни олиб келишга аввало қурби-қудрати етиши зарур. Умуман, ўз халқи, фарзандлари, келгуси авлодларининг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан яшашини таъминлай олиш – айнан ана шундай устувор масалаларни ҳал қилишда ҳар қайси давлатнинг давлатлиги, мустақиллиги амалда яққол намоён бўлади.

Такрор ва такрор айтаман – номига мустақил бўлиш – бу фақатгина номига мустақил бўлишдир. Бу ўзини ўзи алдаб юришдан бошқа нарса эмас. Шу маънода, биз нима билан фахрланиши-

миз, гурурланишимиз керак? Аввало, юқорида зикр этилган ютуқларга ҳақиқий мустақил давлат, ўз ери, ўз юртига эга, озод ва эркин халқ бўлиб, фақат ўз кучимизга таяниб эришганимиз билан, бу марралар келгусида янада фаровон бўлиб яшашимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлаётгани билан ҳар қанча фахрлансак, ҳар қанча шукрона айтсак, арзийди, албатта.

Мана, мисол учун, 1990 йилда саноатимизнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳаммаси бўлиб 14,2 фоизни ташкил қилар эди. Бугунги кунда бу кўрсаткич 24,5 фоизга етди. Айни шу пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши 1990 йилда 34 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда 16 фоизни ташкил қилмоқда. Яъни, қишлоқ хўжалигининг ҳажми ўсиб, фақатгина улуши камаймоқда, саноатнинг улуши эса кўпаймоқда.

Мухтасар айтганда, иқтисодиётимизда улкан таркибий ўзгаришлар амалга оширилаётгани туфайли мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг барқарор суръатлар билан ўсиб бораётганини биз англаб, тушуниб, шундан нима фойда топаётганимизни ўзимизга аниқ тасаввур этишимиз зарур.

Такрор айтаман, биз жаҳондаги ривожланган демократик давлатлар қаторига киримиз, деб халқимизни, болаларимизни даъват этяпмиз. Қачон биз бу маррага етишимиз мумкин? Ўзингиз айтинг, фақат пахта, ғалла ўстириб, шунинг ҳисобидан

бунга эришиш мумкинми? Мен вилоятларга бориб, далаларда деҳқонларимиз, фермерларимиз билан гаплашганда, уларга шу саволни бераман.

Эй, барака топкур, бугунги кунда фақат шундай фикр билан яшаш – бу калтабинлик, узоқни кўролмаслик, ўзимизни ўзимиз алдаш бўлади. Халқимиз кўпаймоқда. Мана, мустақиллик даврида аҳолимизнинг сони қарийб 10 миллионга ошди. Бунча одамни боқиш, иш билан таъминлаш, улар учун керакли шарт-шароитларни яратиш керак. Бизнинг бошқалардан фарқ қиладиган алоҳида бир фазилатимиз борки, биз ҳеч қачон маънавий ҳаётни иккинчи ўринга қўймаймиз. Ўтган даврда халқимиз маънавиятини ривожлантириш бўйича ҳам кўп иш қилдик. Шу маънода, моддий нуқтаи назардан ғарбдан балки биров орқада бўлсак ҳам, маънавий жиҳатдан улардан ўзиб кетдик, десам, нима дейсизлар?

Мустақиллик йилларида юртимизда биз учун мутлақо янги бўлмиш автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва дунё бозорида рақобатдош

бўлган товарлар ишлаб чиқариш бошланди ва давом этмоқда.

Ўзининг аҳамияти ва моҳиятига кўра ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ҳаётимиздаги ўзгаришлар ҳақида гапирганда, аввало, одамларимизнинг дунёқараши ва кайфияти, фикру зикри, уларнинг ҳаётга, ўз меҳнати натижасига муносабати тубдан ўзгариб, юксалиб бораётгани ҳақида тўхталмасдан ўтолмаймиз.

Бугун инсоннинг ўзи ўзгармоқда, унинг гражданлик ва сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ўсмоқда. Биз коммунистик мафкура асоратларидан, боқимандалик кайфиятидан, турли сохта қолиплардан тўла халос бўлиб бормоқдамиз. Мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларга эга, ҳаётга янгича қарайдиган, собиқ мустабид тузумга хос тушунчалардан озод бўлиб вояга етаётган, ўз фикри ва қарашларига эга бўлган навқирон ёшларимиз ҳаётга ишонч билан кириб келмоқда, жамиятимизда мустаҳкам ўрин олмоқда ва мамлакатимизнинг тараққиёти йўлида ҳал қилувчи кучга айланмоқда. Бизнинг энг катта бойлигимиз айнан ана шунда десам, адашмаган бўламан.

Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар нимани англатади?

Биринчидан. Бу амалий ишлар, авваламбор, мамлакатимизда замонавий демократик жамият

қарор топаётгани ва изчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги она Ватанимиз – Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши учун бугунги кунда барча имкониятлар яратилди, деб айтишга тўла асос беради.

Ҳақиқатан ҳам, эски замонни кўмсаб юрганлар ҳозирги вақтда орамизда йўқ, десам, ишонинглар. Мен ўзим бу масалага доимо эътибор бераман. Энди, нима деймиз, ҳаёт ўзи шундай: кечаги тузумда яшаган одамнинг дунёқараши бирданига ўзгариб қолмайди. Лекин, бизнинг 22 йилда эришган энг катта ютуғимиз шуки, халқимиз, авваламбор ёшларимиз – менинг болаларим бугун мутлақо бошқача фикрлайди. Уларнинг эски замон иллатларидан бутунлай холи бўлиб яшаётганидан мен жуда хурсандман.

Иккинчидан. Биз қўлга киритган марралар мустақил ривожланишнинг ўтган даврида халқимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз Консти-

туциясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар сари тадрижий, босқичма-босқич ва изчил илгарилаб бориш нақадар тўғри бўлганини тасдиқламоқда.

Тадрижий ривожланиш – бу эволюцион йўл дегани. Биз буни босқичма-босқич, қадам-ба-қадам ривожланиш, деймиз. Менинг назаримда, бунинг маъноси халқимиз ўртасида мақолга айланиб кетган «Янги уйни қурмасдан туриб эскисини бузманг» деган шиоримизда ўз аксини топган. Бунинг маъноси шуки, барака топкур, янги ҳаётга қадам қўйдингми, аввало унинг пойдеворини, фундаментини тўғри қуриб ол. Унга-ча эски уйни бузиб, вайрона қилиб ташлаш – бу ақлдан эмас.

Учинчидан. Айни вақтда биз бир ҳақиқатни яхши англаймиз: албатта, замонавий Конституцияга, унда кўрсатиб берилган мақсад-муддаоларга эришиш учун ишлаб чиқилган ажойиб Стратегияга эга бўлиш мумкин. Аммо, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз бу йўлда тоғдек таянч бўлиб турмаса, ўзингиз айтинг, азиз дўстларим, кадрдонларим, биз мана шундай юксак марраларни қўлга кирита олармидик?

Фақат халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъияти, одамларимизнинг бекиёс меҳнати барчамизга ҳақли равишда фахру ифтихор бағишлайдиган улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини берди.

Бугун, мана шу юксак минбардан туриб, сиз, азизларнинг барчангизга, сизларнинг тимсолин- гизда азму шижоатли, фидойи халқимизга яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириб, таъзим қилишга ижозат бергайсиз.

Ҳурматли дўстлар!

Ўтган даврда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, аввало, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфи- ятига берилмаслигимиз, реал воқеликдан узи- либ қолмаслигимиз зарурлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Биз бугунги дунёда эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолашимиз, тобора ўсиб бораётган ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг тарз- да боришимиз, ўз истиқболимизга очиқ кўз би- лан қараган ҳолда қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси то- монидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамла- катимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривож- лантириш концепциясининг қабул қилиниши юр- тимизда амалга оширилаётган демократик янгила- ниш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Концепция, моҳият эътиборига кўра, узоқ муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб,

у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислохотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб берди.

Ўтган давр мобайнида бу йўналишларнинг ҳар бири бўйича анча ишлар бажарилди ва бажарилмоқда. Бундай ўзгаришларни барчамиз матбуотимизда ва телевидение орқали муҳокама қилинаётган лойиҳалар ва парламентимиз – Олий Мажлисимиз қабул қилаётган кўпгина қонунлар мисолида кўришимиз, кузатишимиз қийин эмас, албатта.

Шу борада ўтган давр мобайнида парламентимиз фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қатор тузатишлар қабул қилганимиз эътиборга сазовор, деб ўйлайман. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сиёсий фракцияларнинг роли кучайтирилгани ва бугунги кунда фракциялар (депутатлик гуруҳлари)нинг фикр ва таклифларини ҳисобга олмасдан туриб биронта ҳужжат қабул қилинмаслиги бу йўлда катта қадам бўлди, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бугун олдимизда турган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш вазифаси ҳақида гапирар эканмиз, энг аввало, давлат ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг яхлит тизимини ташкил қилиш, бунинг учун ҳуқуқий нормаларни мустаҳкамлаш, керак бўлганда, маҳсус қонунларни қабул қилиш лозим. Бу – замон талаби. Агар шу талабни бажармасак, ривожланган дунёдан орқада қолиб кетамиз. Давлат органлари аввало жамоатчиликнинг фикрига қараб, унинг хоҳиши, орзу-интилишларини инобатга олган ҳолда ишлаши зарур. Давлат органлари деганда, давлат идоралари, қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти тармоқларини тушуниш керак.

Давлатнинг устидан жамият назорати бўлса, одамлар турли идоралар фаолиятидан хабардор бўлса, уларнинг ишига розилик билдирса, ана шунда демократик ривожланиш бўлади. Айниқса, бирон-бир соҳада хато бўлиши, нотўғри қарор қабул қилиниши, кимдир, айтайлик, оёғи ердан узилиб, қандайдир номаъқул ишларга берилиши – буларнинг ҳаммасини ниманинг ҳисобидан барта-раф этиш, олдини олиш мумкин? Биринчи навбатда жамоатчилик назорати ҳисобидан.

Албатта, бу борада тегишли давлат органлари ишлаши керак. Маълумки, бизда турли-турли назорат ташкилотлари бор. Баъзи давлатларда уларнинг сони тобора ошиб бораётганини ўзингиз

кўриб турибсиз. Аслида, бундай текширувчи органларнинг сони қанча кўп бўлса, қонунбузарлик ҳам, афсуски, шунча кўп бўлади.

Мен эски замонни бошидан ўтказган инсон сифатида бу масала бўйича жуда кўп мисолларни олиб келишим мумкин. Собиқ совет даврида ишлаганда, ҳар қадамда назоратга дуч келар эдик. Эътибор берсангиз, Москвада Давлат контроли комитети бўлар эди. Бундан ташқари, халқ контроли деган идора бор эди. Яна партия контроли бор эди. Булардан ҳамма кўрқиб юрарди. Жойларда ҳам аҳвол шундай эди.

Бундан хулоса шуки, назорат идораларининг сони қанча кам бўлса, шунча яхши. Ва аксинча, ишлайдиган битта одамга иккита назоратчи тўғри келадиган бўлса, билиб қўйинглар, бундай шароитда ҳеч қачон тартиб-интизом бўлмайди. Бундай ҳолатга йўл қўймасликнинг фақатгина битта йўли бор. У ҳам бўлса, жамоатчилик назоратини кучайтиришдан иборат. Бунинг учун нима қилиш керак? Бунинг учун, авваламбор, жамоатчилигимизнинг ҳам сиёсий, ҳам фуқаролик савиясини оширишимиз лозим. Лекин яна бир томони борки, жамоатчилик назоратини фақат танқид қилишдан иборат, деб тушунмаслик керак. Агар бир нарсани танқид қилиб, нотўғри деса, хўп, унинг ўрнига нима таклиф қиласан, деган савол туғилади. Агар шу саволга аниқ жавоб бера олмаса, ўзининг мустақил

фикри, амалий таклифи бўлмаса, бундай назоратнинг кимга кераги бор ўзи?

Назорат – назорат учун эмас, назорат ишни яхшилаш учун, ҳалол ишлаш учун, ҳаром ишларга йўл қўймаслик учун зарур. Ота-боболаримизнинг ҳаром-харишдан узоқроқ бўл, деган нақли бежиз айтилмаган.

Шу нуқтаи назардан қараганда, «Ижтимоий шериклик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини чуқур муҳокама қилиш ва уларни қабул қилишни тезлаштириш энг муҳим вазифаларимиздан биридир. Шулар қаторида «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлайдиган, эркин ахборот майдонини ташкил қиладиган бошқа қонунларнинг муҳокамасини тезлаштириш ва қабул қилиш даркор.

Бу масала ҳақида гапирганда, бизнинг матбуотимиз, мана шу 22 йил давомида ахборот ва сўз эркинлиги йўлида жуда катта қадам қўйганини таъкидлаш лозим. Лекин, ҳали бу борада кўп иш қилишимиз керак. Авваламбор, ҳар қайси журналист ўз ичида бўлган қандайдир тортинишдан, бу гапни айтсам, ошкор қилсам, эртага ўзимга душ-

ман орттираман, деган кайфиятдан халос бўлиши лозим. Бундай қараш билан юрган оммавий ахборот воситалари ходимларига қарата мен, эй, барака топкур, бунақа ишлагандан кўра бошқа ишни топганингиз маъқул эмасми, деб айтган бўлардим. Агарки виждонингизга тўғри келмаса, қатъиятингиз, иродангиз етмаса, нима қиласиз ўзингизни ҳақиқатчи қилиб кўрсатиб, нима қиласиз бу ишларга бош қўшиб?

Ким ҳақиқатчи бўлади – агарки ўзи тоза бўлса, ҳар қандай номаъқул ишга қарши курашишга тайёр бўлса. Бундай журналистларни қўллаб-қувватлашга мен доимо тайёрман.

Концепцияга мувофиқ, суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, жамиятни ривожлантириш ва демократлаштиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида судларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш бўйича изчил ишлар амалга оширилди.

Аввало, прокуратура органларининг суд ҳокимияти устидан назорат функциялари тўлиқ бекор қилинди, прокуратура ваколатларидан суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи чиқарилди. Жиноят ишини юритишда суд назоратини мустаҳкамлаш, ҳимоя ва айблов тортишувини таъминлаш тизими ва механизмларини такомиллаштиришда «Хабеас корпус» инсти-

тути қўлланишини кенгайтириш бўйича қонун ҳужжатлари амалга оширилмоқда.

Жиноят-процессуал қонунчиликдан суднинг жиноят ишини қўзғатиш, жиноят иши бўйича айблов хулосаларини эълон қилиш ваколатлари соқит қилинди, судгача иш юритиш босқичида тергов устидан суд назорати кучайтирилди. Шахсни лавозимидан четлаштириш ва тиббиёт муассасасига жойлаштириш каби процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатлари судларга берилди.

Қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларига кўра, тезкор-қидирув ишларини олиб боришнинг аниқ асослари белгиланди, бу жараёнда қонунчиликка риоя қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, маъмурий ўзбошимчаликка йўл қўймаслик бўйича реал ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимоясини тубдан яхшилаш, шунингдек, туман ва шаҳар умумий юрисдикция судларининг фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисидаги фармонларининг қабул қилиниши суд ҳокимиятининг нуфузини мустаҳкамлаш, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизимини яратиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг июнь ойида қабул қилинган «Юридик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Тошкент давлат юридик институти Тошкент давлат юридик университетига айлантирилди, юридик таълим тизимининг фундаментал асосларини тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилашнинг пойдевори яратилди.

Ҳаммангизга маълум, юрист кадрларнинг савиясини ошириш бугунги кунда биз учун жуда катта аҳамиятга эга. Ҳуқуқшунослик соҳасидаги мураккаб масалаларнинг туб илдизигача етиб берадиган, уларнинг ечимини ҳар томонлама чуқур асослаб кўрсатиб берадиган юрист кадрлар деярли йўқ эканини тан олишимиз лозим. Бу масалада эски замон қолдиқлари, афсуски, ҳали-бери барҳам топгани йўқ. Масалан, бир вақтлар суд идораларида ишлайдиган ходимларнинг ойлик маоши билан қизиқиб кўрганимизда, биласизми, анча нохуш ҳолатнинг гувоҳи бўлган эдик. Яъни, одамларнинг устидан ҳукм чиқарадиган, уларнинг тақдирини ҳал этадиган, чигал муаммоларини ечиб берадиган судьяларнинг ойлиги талаб даражасида бўлмаса, қани, айтинглар, у қандай қилиб адолатли қарор чиқариши мумкин?

Ҳозирги вақтда бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам берилди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз суд-ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситалари соҳасининг мустақиллигини амалда таъминламоқчи бўлсак, аввало уларнинг моддий, молиявий манбаини мустақил қилишимиз, ходимларининг муносиб иш ҳақи олишини таъминлашимиз керак. Ким пул тўласа, муסיқани шу буюради, деган гап шунчаки ўйлаб топилган эмас, ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиққан гап.

Айни шу масалалар бўйича биз халқаро тажрибани атрофлича ўрганиямиз. Мана, масалан, Америка Қўшма Штатлари тажрибаси билан танишяпмиз. Уларда баъзи бир жиҳатлар, бизга маъқул принциплар борки, улардан кўп нарсани олишимиз керак. Биз суд тизими амалда мустақил бўлиши керак, деганда, аввало унинг давлатга, ҳокимият органларига, мансабдор шахсларга муҳтож ва қарам бўлмаслигини тушунамиз.

Масалага ана шундай кўз билан қараб, кўп нарсани чет мамлакатлар тажрибасидан ўрганиб, ташкилий-ҳуқуқий муаммоларни ечиб берсак, ундан кейингина суд идораларидан, судьялардан биз кутган натижаларни талаб қилиш мумкин. Шундагина, қани, сен мустақил иш юрита оласанми ёки юқоридан бўладиган телефонга қараб ҳукм чиқарасанми, деган гап-сўзларга мутлақо ўрин қолмайди.

Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик кадриятлар, одамларнинг ҳуқуқ

ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини оширишнинг муҳим омилига айланмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 6 мингдан ортди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан грантлар бўйича берилаётган маблағлар миқдори сўнгги уч йилда икки баробар кўпайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга, шунингдек, ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш жараёнига кенг жалб қилинмоқда. Концепция доирасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари, айти пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари бўйича жамоатчилик ўртасида муҳокамалар ўтказилмоқда.

Бунинг яққол тасдиғини фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фао-

лиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини синовдан ўтказиш бўйича Бухоро ва Самарқанд вилоятларида қарийб бир йилдан буён ўтказилаётган ҳуқуқий тажрибада кенг иштирок этаётганида кўриш мумкин.

Шулар ҳақида ва амалга ошираётган ишларимизнинг давоми ҳақида гапирар эканмиз, яна бир муҳим масалага эътибор қаратишимиз лозим.

Ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантиқий йўли халқимиз, жамоатчилигимизнинг намояндалари бўлмиш вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришни талаб этмоқда.

Айни шу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси – Сенат ҳамда қуйи – Қонунчилик палатасининг ролини янада кенгайтириш, фақатгина қабул қилинган қонунларнинг ижросини текшириш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш учун, ўйлайманки,

Конституциямизга тегишли кўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофик бўлади.

Айтмоқчиманки, албатта, ҳуқуққа эга бўлиш кийин эмас, лекин берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан фойдаланиш – бу осон эмас. Бу бизнинг буғунги кундаги энг заиф томонимиз, десак, тўғри бўлади.

Бизнинг депутатларимизга жуда кўп ҳуқуқ берилган. Лекин уларнинг бу ҳуқуқлардан фойдаланиши, афсуски, кўнгилдагидек эмас. Ўзига берилган ҳуқуқни англаб кимдир масъулиятни, жавобгарликни ўз зиммасига олиши, мавжуд муаммолар ҳақида бош қотириши, кечалари билан ухламасдан шу ҳақда ўйлаши керакми, йўқми?

«Бу ишларни ким қилса қилаверсин, биз фақат четдан туриб танқид қилишни биламиз, ёки, умуман айтганда, фақат қўллаб-қувватлашни хоҳлаймиз» деган қараш билан бундан буён яшаб бўлмайди. Вазифани қанча қаттиқроқ қўйсак, масъулиятни оширадиган бўлсак, биринчи навбатда нима керак? Албатта, малака керак, албатта, жавобгарлик керак, албатта, ўз депутатлик бурчига мутлақо янгича ёндашув керак. Депутат томошабин эмас, кузатувчи эмас, барака топкур, депутат – бу халқдан чиққан, халқнинг дарди билан яшайдиган инсон. Агар у эл-юртни деб ташвиш чекадиган бўлса, шу мақсадда фидойилик

кўрсатадиган бўлса, мана шундай одамларни мен депутат деб биламан.

Шулар қаторида Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳокимиятларининг масъулиятини ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш ва тегишли хулосалар чиқаришни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, пухта ўйланган бундай ислохотларни давом эттириш биз кўзлаган, яъни «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» тамойили – принципини амалга оширишда янги, қатъиятли бир қадам бўлади.

Муҳтарам ватандошлар!

Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур.

Бошқача қилиб айтганда, кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш – биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор.

Минг афсуски, баъзи вақтларда жойларда, қишлоқларда, маҳаллаларда яшаётган одамлар-

дан, мана бу партиянинг бошқа партиядан нима фарқи бор, деб сўрасак, улар аниқ жавоб бера олмайди. Балки бу гап кимгадир ёқмаслиги мумкин, лекин бу – ҳақиқат. Партия дегани бир-биридан фарқ қилиши керак. Ҳар қайси партия ўз тарафдорлари манфаатини ҳимоя қилиш, ўзини амалда кўрсатиш, обрў топиш учун, одамларни ортидан эргаштириш, уларни эзгу мақсадларга бошлаш учун қодир бўлиши лозим. Ва керак бўлса, тараққиёт йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни ҳал қилишда бошқа ечимни таклиф қиладиган партияларга қарши ўз фикрини оқилона йўллар билан билдириши даркор. Баъзан телевидениеда кўриб қоламиз, айрим чет давлатларнинг парламентларида турли олишувлар, муштлашувлар, бир-бирини ҳақорат қилишлар бўлади. Бизга бундай «ўйин»лар керак эмас, албатта. Биздаги ҳар қайси партия ўз платформаси, ўз дастурини амалга оширишга албатта қодир бўлиши керак. Бунинг учун уларда аввало етарли сиёсий савия бўлиши зарур.

Партияга ҳамма ҳам, айтайлик, етакчи бўла олмайди. Етакчи аввало ўзига, ўзининг салоҳиятига аниқ ишонган, принципал одам бўлиши керак. У ўзининг партияси, тарафдорлари нимани хоҳлашини аниқ тасаввур этиши ва бу мақсадларни амалга ошириш учун чуқур тайёргарликка, мустақил фикрга эга бўлиши зарур. Менга буюрса, ҳар қайси

партия раҳбари эртага президент бўламан, деб ҳаракат қилиши керак, деб айтган бўлардим.

Биз бу ўринда ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига эга бўлган сиёсий партияларни кўзда тутамиз. Сўз, аввало, ўз электоратига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий ҳимоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў қозонган партия ҳақида бормоқда.

Ушбу масалаларнинг барчаси 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган умумхалқ сайловлари нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

Юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларни яқунлаб, хулоса қилар эканмиз, Конституциямиз муқаддимасига бугун яна бир бор мурожаат қилиш ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Ушбу муқаддимада, жумладан, қуйидаги қоида баён қилинган: «Ўзбекистон халқи: инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъ-

улиятини англаган ҳолда, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади».

Мен бугун ушбу мухташам залда тўпланган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман. **Биз ўтган йиллар давомида амалга оширган барча эзгу ишларимизни давом эттириб, келгусида ҳам ўз танлаган йўлимиздан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз ва Конституциямизда белгилаб берилган барча олижаноб мақсад-муддаоларимизни сўзсиз амалга оширамиз.**

Азиз юртдошлар!

Ватанимизни ҳар томонлама тараққий эттириш ва обод қилиш борасидаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш мақсадида 2013 йилга мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб ном берганимиз эл-юртимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинди.

Йил давомида давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этиб, мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди ва айтиш мумкинки, бу кўпгина масала ва муаммоларни ечишга катта ҳисса қўшди.

Жорий йилда обод ҳаётнинг асосий шарти бўлган аҳолининг реал даромадларини ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, янги-янги иш ўринлари яратиш, социал масалаларни ечиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттирдик.

Ўйлайманки, сизлар яхши хабардорсиз, мамлакатимизда ҳар йили давлат бюджетини қабул қилишда айни ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилади. 2013 йилда бу соҳага ажратилган маблағлар бюджетимиз умумий харажатларининг 60 фоизини ташкил этди. Бу эса 2012 йилга нисбатан 1 триллион сўмга кўпроқдир.

Бугунги кунда одамларимизнинг ҳаёт даражаси қандай ўсиб бораётгани ҳақида гапирганда, кўзга яққол ташланадиган баъзи бир кўрсаткичларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда яшаётган ҳар учта оиланинг биттаси шахсий енгил автомобилга эга. Юртимиздаги ҳар 100 та оилга ўртача 80 та холодильник, 146 та телевизор тўғри келмоқда. Бу эса баъзи оилаларда икки-учтадан телевизор борлигини кўрсатади. Шунингдек, аҳолининг кир ювиш машиналари, пилесос, микротўлқинли печлар, шахсий компьютер ва бошқа зарур воситалар билан таъминланиш даражаси ортиб бормоқда.

Республикамизда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19 миллион нафарни ташкил этиб, ҳар бир оилага ўртача 3 та уяли телефон тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда Интернет абонентлари сони ўтган йилга нисбатан 19 фоизга ўсиб, ҳозирги пайтда 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этмоқда.

Бу мисоллар халқимизнинг нафақат ҳаёт даражаси, балки ҳаёт сифати ҳам изчил ошиб бораётганини кўрсатади.

2013 йилнинг ўзида қишлоқ аҳлига уй-рўзғор буюмлари сотиб олиш учун қарийб 68 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, ёш оилаларга уй-жой қуриш ва уларнинг шу борадаги интилишларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 346 миллиард сўмдан ортиқ, яъни ўтган йилга нисбатан 10 фоиз кўп ипотека кредитлари ажратилганини таъкидлаш зарур.

Биз учун долзарб аҳамиятга эга бўлган аҳоли бандлигини таъминлаш учун жорий йилда 970 мингдан ортиқ иш ўрни яратилиб, уларнинг 60 фоизи қишлоқ ҳудудларида ташкил этилгани, энг муҳими, касб-ҳунар коллежларини битирган 500 мингдан зиёд йигит-қизларимизни ишга жойлаштирганимизнинг ўзи энг катта ютуқларимиз қаторига киради.

Мен айна шу масалага алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман. Эндигина катта ҳаётга қадам

қўяётган ярим миллиондан ортиқ болаларимизни, ўзимизнинг фарзандларимизни ишга жойлаштириш дегани нимани англатади? Бу – фақат қурук рақам эмас. Бу рақамлар ортида қанча-қанча одамлар, ёшларимизнинг тақдири, уларнинг эртанги куни, бахту саодати, қувонч ва орзулари муржасам. Бу болалар ишга жойлашган бўлса, бир ойдан кейин ота-онасига, мана, сизларга биринчи маошимни олиб келдим, деб айтса, оилада бундан ортиқ хурсандчилик бўлиши мумкинми?

Мен буни тасаввур қилар эканман, худдики ўзимнинг ҳаётимда шундай ҳодиса юз бергандек қувониб кетаман. Бизнинг ҳар биримиз бу ҳаётда турли синовларни бошимиздан кечирганмиз. Лекин давлат нуқтаи назаридан, жамият нуқтаи назаридан, ота-оналик нуқтаи назаридан болаларимизга айна шундай шароитлар яратиб бериш бу – бизнинг муқаддас бурчимиздир. Биз бу бурчни албатта бажаришимиз керак.

Яна бир устувор вазифамиз – халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва самарасини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш бўйича бажарган ишларимиз ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Туғуруқ ёшидаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилди, 195 минг нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.

Йил мобайнида мамлакатимиз бўйича 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилди. Жумладан, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида янги даволаш корпуси ва диагностика бўлими, болалар касалликлари санаторийси барпо этилди. Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида тиббиёт бирлашмаси, Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт марказлари, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ва Қўштепа туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ўнлаб касалхоналар тубдан реконструкция қилинди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги Педиатрия тиббиёт институти клиникасида ҳамда Республика педиатрия ихтисослашган илмий-амалий тиббиёт марказида янги жарроҳлик корпуслари ишга туширилди.

Биргина 2013 йилнинг ўзида Республика ихтисослашган хирургия марказининг кардиохирургия мажмуаси ва бошқа шундай шифохоналарда юрак-қон томир касалликларига чалинган 4 мингдан зиёд бемор дардига даво топди.

Наманган ва Урганч шаҳарларида эса юрак клапанларини алмаштириш, туғма ва орттирилган юрак касалликларини операция қилиш, электр кардиостимулятор имплантацияси, эхокардиография каби даволашнинг янги усуллари йўлга

қўйилди. Нукус, Қарши, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Жиззах шаҳарларида эса юрак ҳолатини узлуксиз монитор қилиб бориш амалиёти кенг ўтказилмоқда.

Шунингдек, Урганч, Нукус, Андижон, Самарқанд шаҳарларида лазер нури ва ультратовуш ёрдамида турли кўз касалликларини компьютер технологиялари асосида диагностика қилиш ва даволаш ишлари амалга оширилмоқда.

Оддий одамнинг тили баъзан айтишга ҳам қийналадиган бундай диагностика, даволаш усуллари ҳақида гапирганда, шунга алоҳида тўхталиб, урғу бериб айтмоқчиманки, бундай операциялар илгари Ўзбекистонда қилинмас эди. Пули бор одамлар дардига даво излаб Германияга ёки бошқа хорижий давлатларга борарди. Бунда узок йўл босишнинг азоб-уқубатлари, чет элда юришнинг қийинчиликлари ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Лекин фақат ойлик ҳисобидан яшайдиган оддий одам бундай вазиятда қаёққа борарди? Дардини кимга айтарди?

Жондан азиз боласи оғир касалга дучор бўлиб, қаёққа боришини билмасдан юрган ота-оналарни ўзимизга бир тасаввур қилиб кўрайлик. Аввало, ҳаммамиз соғ-омон бўлайлик, ҳар хил бало-қазолардан ўзи асрасин. Лекин оғир аҳволга тушиб қолган юртдошларимизнинг тақдирини ўзимизга тасаввур қилишимиз бизнинг бурчимиздир. Чунки биз ягона халқимиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги кунда турли касалликларни даволаш бўйича барча тайёргарликларни кўриб, диагностика ва даволашнинг мутлақо янги усул ва услубларини, энг замонавий тиббий технология, техникани амалиётга жорий этаётган, беморларимизни даволашда юксак маҳорат ва малакаси билан жонбозлик кўрсатаётган шифокорларимизга барча-барчамизнинг номимиздан миннатдорлик билдиришни ҳам фарз, ҳам қарз, деб биламан.

Бундай шифокорларимизнинг сони қанча кўп бўлса, улар омон бўлса, қўли дард кўрмаса, биз шунча хурсанд бўламиз ва керак бўлса, эртанги кунга ишончимиз янада ортади. Чунки инсон саломатлигини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳаси бугун анча ўсиб, ривожланиб борапти. Биз бу соҳани янада ривожлантириш учун маблағни ҳам, хорижий валютани ҳам аямаймиз, барча имкониятларимизни сафарбар этамиз.

2013 йилда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш мақсадида анча тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда 756 та таълим маскани, муסיқа ва санъат мактаблари, болалар спорти объектлари янгитдан қурилди, реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Замонавий компьютер синф-

лари, ўқув лабораториялари, устахоналар ташкил этилиб, зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Маълумки, шу йилдан эътиборан мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш дастури доирасида умумтаълим мактабларининг 1-синфидан бошлаб хорижий тилларни чуқур ўрганиш йўлга қўйилди. Бу эса, албатта, фарзандларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданияти ютуқларини эгаллаши, етук ва малакали кадрлар бўлиб етишиши учун янги имкониятлар очиб бериши билан, айниқса, муҳимдир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу залда ўтирган сиз, азизларга, бутун халқимизга мурожаат қилиб сўрамоқчиман: болаларимизга чет тилини ўргатишга мана шундай жиддий киришганимиз, қани, айтинг, бизнинг келажагимизга, ўз олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга жавоб берадими, йўқми?

Ҳозирги вақтда эл-юртимиз, ҳатто узок ва чекка қишлоқларда яшайдиган кексаларимиз ҳам бу ишнинг аҳамиятини яхши тушуниб, эй, бизнинг болаларимиз ҳам, мана, янгитдан дунёга чиқмоқда, деб дуо қилиб юрибди. Мен айтмоқчиманки, бу йил бошлаган ишимизнинг таъсирини бугун эмас, эртага эмас, беш йил, ўн йилдан кейин кўрамиз. Насиб этса, ҳаммамиз соғ-саломат бўлсак, мана шу залда учрашиб, бошқача гаплашамиз, чет тилида гаплашамиз.

Жорий йилда 300 мингга яқин бола, жумладан, Оролбўйи худудидан 4 минг 500 нафар ўқувчи ҳамда кам таъминланган оилаларга мансуб 75 минг нафар боланинг ёзги оромгоҳларда имтиёзли дам олиши ташкил этилиб, уларнинг саломатлиги мустаҳкамланди.

Йилдан-йилга кучайиб бораётган бундай амалий ишларимизнинг табиий маҳсули ва натижасини юртдошларимиз, авваламбор, жондан азиз фарзандларимизнинг турли соҳаларда қўлга киритаётган ютуқларида кўришимиз мумкин.

Бу борада баъзи бир мисолларга тўхталадиган бўлсак, Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида юртимиз ўқувчилари биринчи ўринни эгаллагани ҳаммамизга мамнуният етказди.

Ақл-заковат мусобақаси бўлмиш шахмат бўйича жаҳон чемпиони унвонига эришган 8 яшар Нодирбек Абдусатторовни оласизми ёки 5 яшар – эътибор беринг, 5 яшар – жажжи ўғлонимиз Исломбек Синдоровнинг Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлганини оласизми, қани айтинг, азиз дўстлар, бундай ютуқлар билан фахрланмасдан, ғурурланмасдан бўладими?

Мана, яқинда Польшада ўтказилган жаҳон чемпионатида яна бир моҳир спортчимиз – Руслан Нурудинов спортнинг энг мураккаб тури бўлган оғир атлетика бўйича кескин беллашув-

ларда ғолибликни қўлга киритди. Хабарингиз бор, бу паҳлавон йигит «Ўзбекистон ифтихори» деган юксак унвон билан тақдирланди.

Ватанимизнинг шону шуҳратини бутун дунёга тараннум этаётган, сафлари тобора кенгайиб бораётган бундай фарзандларимизни ҳар қанча қўллаб-қувватласак, ҳар қанча эъзозласак, арзийди, албатта.

«Обод турмуш йили» деб ном олган йилда қилган катта ишларимиз қаторида янги уй-жойлар барпо этиш алоҳида ўрин тутади.

Бу ҳақда гапирганда, 147 та туманда 10 мингта намунавий уй-жой барпо этилгани ва бунинг учун аҳолига 1 триллион 400 миллиард сўмлик узоқ муддатли ва имтиёзли кредитлар ажратилганини таъкидлаш керак.

Бизнинг бу ишларимиз нафақат ён-атрофимизда, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йилнинг апрель ойида айна шу масала бўйича, шунингдек, ноябрь ойида қуёш энергиясидан фойдаланишга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этган дунёдаги етакчи мамлакатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари ана шундай уй-жойлар, инфратузилма объектлари билан танишиб, бу ишларга юқори баҳо берганидан хабарингиз бор, албатта.

Фурсатдан фойдаланиб, бундай гўзал ва шинам уй-жойларни бунёд этаётган қурувчиларимизга, бизни бу масалада қўллаб-қувватлаб келаётган

Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки каби халқаро молия институтларига халқимиз номидан ҳар қанча миннатдорлик билдирсак, айти муддао бўлур эди.

Қадрли дўстлар!

Ҳозирги вақтда бутун Ўзбекистонимиз, таъбир жоиз бўлса, улкан қурилиш майдонига айланган. Хусусан, вилоятлар марказларини бош режа асосида ривожлантириш мақсадида йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мисол тариқасида 2013 йилнинг ўзида биргина Урганч шаҳрида 344 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилганини айтиш ўринлидир. Ана шундай катта ҳажмдаги ишлар Қарши, Фарғона, Наманган, Нукус, Жиззах, Шаҳрисабз, Гулистон ва бошқа шаҳарларда, юртимизнинг барча вилоят ва туманларида ҳам давом эттирилмоқда.

Яна бир муҳим вазифамиз – аҳолини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш масаласини оладиган бўлсак, жорий йилда 213 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 минг 850 километрга яқин сув тармоғи тортилиб, 1 миллион 370 минг нафар аҳолининг сув таъминоти яхшиланди.

Эътибор беринг, бир йилнинг ўзида тоза сувга муҳтож бўлган тахминан 1,5 миллион аҳолимизнинг шу борадаги эҳтиёжи қондирилди.

Биз турли касалликлар ҳақида гапирамиз. Лекин бунинг асосий сабаби нима, деб сўраса, бунинг сабаби биринчи навбатда сув эмасми? Ичадиган сув тоза бўлса, одам бошқача яшайди. Шунинг учун ҳам бу масала биз учун ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда.

Шу билан бирга, Андижон, Бухоро, Навоий, Сурхондарё, Фарғона вилоятларида, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Қўқон шаҳарларида айна шу мақсадда 96 миллион доллар қийматидаги 8 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу эса 365 минг аҳоли учун ичимлик суви таъминотини, шунингдек, оқова сув тармоқларини яхшилаш имконини беради.

Йил давомида автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича улкан ишлар бажарилди.

Ўзбек миллий автомагистралининг 530 километрлик қисмида қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Бундан ташқари, қишлоқ аҳоли пунктларини боғлайдиган 890 километрдан зиёд ички йўллар ва 200 километрдан ортиқ шаҳар ва посёлка кўчалари таъмирланди.

Кейинги вақтда мамлакатимизда кенг ва равон йўллар қуриш билан бир қаторда йўловчиларга транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида ҳам кўп ишлар қилинмоқда.

Азим пойтахтимиз Тошкентда ва бошқа шаҳарларимизда ўзимизда ишлаб чиқарилган, кўзни қувонтирадиган автобуслар ва енгил машиналар билан бирга, энг замонавий «Мерседес» автобуслари қатнаётганини, кўча ва майдонларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган бундай манзарани кўриб, ҳар қандай одам таъсирланмасдан қолмайди, десам, муболаға бўлмайди.

Бизнинг одатимиз шундайки, яхшиликка, янгиликка тез ўрганиб қоламиз. Бундан 15–20 йил олдин мана шу Тошкент бўладими, бошқа шаҳарларимиз бўладими, бугунги замонавий «Мерседес»лар, енгил автомобиллар қатнашини фараз қилишнинг ўзи қийин эди. Биз энди бу манзарани худдики доимо шундай бўлиб келгандек тасаввур қиламиз. Майли, яхшиликка ўрганганимиз яхши. Лекин шу яхшиликни янада кўпайтириш, уни асраб-авайлаб, қўлдан бермаслик ҳақида ҳам ўйлашимиз лозим.

Шу ўринда бир рақамга алоҳида эътиборингизни қаратмоқчиман. Айни зикр этилган тадбирларнинг барчасини амалга ошириш учун ички инвестициялар билан бирга, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва Ислон тараққиёт банкнинг 3 миллиард доллардан ортиқ маблағини йўналтирганимизнинг ўзи, ўйлайманки, кўп нарсадан далолат беради.

Дастур доирасида жамиятимизнинг асосий бўгини бўлган маҳаллани обод қилиш вазифа-

сидан келиб чиққан ҳолда, ўзини ўзи бошқариш тизими янада такомиллаштирилди, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият берилди.

Аввало, ана шу мақсадда иккита муҳим Қонун қабул қилинди. Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда ушбу тузилма фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича унинг ваколат ва вазифалари янада кенгайтирилди.

Хабарингиз бор, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фуқаролар йиғини раси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда. Бу сайловнинг айнаи шу борада янги таҳрирда қабул қилинган қонун асосида ўтказилаётгани, айниқса, эътиборлидир.

Жорий йилда маҳаллалар ҳудудида янги гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, болалар ва спорт майдончалари барпо этиш, ички йўллар ва йўлакларни таъмирлаш, кўп қаватли уйларнинг атрофини ободонлаштириш бўйича катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамизга аёнки, обод турмушни ҳаётимизнинг файзу фариштаси бўлмиш муҳтарома аёлларимизнинг оила ва жамиятдаги фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Биз одатда опа-сингилларимизнинг турли соҳалар ривожига қўшаётган катта ҳиссасини тан олиш, уларнинг ҳаётимиздаги ўрни ва ролини ошириш, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий нуфузини кўтариш, оғирини енгил қилиш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин мен, шу фурсатдан фойдаланиб, бу масаланинг бошқа томонига эътибор қаратишни истардим.

Қачон оила бахтли бўлади? Қачонки, аёл бахтли бўлса.

Қачон аёл бахтли бўлади? Авваламбор, унинг болалари, оила аъзолари, турмуш ўртоғи соғомон бўлса.

Қачон аёл ҳаётдан рози бўлади? Қачонки, оиласи тинч, рўзғори фаровон бўлса, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлса.

Оилавий турмушда, бир қараганда, кўзга ташланмайдиган, лекин шундай муҳим юмушлар борки – бу кир ювиш ёки овқат пишириш бўладими, бола тарбияси бўладими, умуман, уйни саранжомсаришта тутиш бўладими – бундай рўзғор ташвишларини фақат аёл зоти бажара олади.

Ҳаммамиз яхши биламиз, ҳаёт ташвишсиз бўлмайди, албатта, лекин шу ташвишлар камроқ бўлса, енгилроқ бўлса, ана шунда аёлларимиз янада гўзал ва чиройли бўлади, биздан янада кўпроқ рози бўлади.

Мен агар қайси бир чиқишимда аёллар ҳақида гапирмасам, бамисоли бир нарсамни йўқотгандек

бўламан. Мен бу гапларни аввало униб-ўсиб, ҳаётга кираётган болаларимиз учун айтяпман. Бу шунчаки сўзлар эмас, чуқур ўйланган, теран маънога эга бўлган гаплардир.

Нима учун Президент аёлларни асраб-авайлаш, уларни ҳаётдан рози қилиш ҳақида кўп гапирарди? Нима учун бу ҳақда гапиришдан чарчамайди? Нега деганда, агар биз ҳаётимиз янада ёруғ, обод ва фаровон бўлишини истасак, авваламбор аёл зотини ардоқлашимиз, уни эъзозлаб бошимизга кўтаришимиз зарур. Опа-сингилларимиз билан доимо фахрланиб яшашимиз керак.

Биз иқтисодиётимиз бақувват бўлиб, имкониятларимиз кенгайиб бориши билан, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласига тобора катта эътибор бермоқдамиз. Жумладан, жорий йилда ҳам бу йўлда кўпгина ишларни амалга оширдик.

Мамлакатимиз корхоналари томонидан 310 мингга яқин ошхона ва уй-рўзғор ашёлари ишлаб чиқарилиб, 130 миллион сўмлик ана шундай буюмлар эҳтиёжманд оилаларга бепул тарқатилгани бунга мисол бўла олади.

Айни вақтда маҳаллалар, тураржой мавзеларида янги-янги хизмат кўрсатиш шохобчалари, нон ёпадиган, кондитер маҳсулотлари тайёрлайдиган цехлар, бозорчалар ва савдо дўконлари, болалар майдончалари, оилавий дам олиш масканлари, гўзаллик салонлари барпо этилди.

Эсимда, бир йили Фарғонада аҳоли билан, фаоллар билан учрашганимда, гўзаллик салонлари ҳақида маслаҳатлар берган эдим. Шундай бўлдики, Фарғона вилояти хотин-қизлар фаоллари бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, айти шундай салонларни қураимиз, аёлларимизнинг янада гўзал бўлишига ҳисса қўшамиз, деб амалий ҳаракатни бошлаб юборишди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, барча бўғиндаги катта-кичик раҳбарларга қарата айтмоқчиман: қишлоқларда, туман марказларида мана шундай салонларни кўпайтиринг. Бу катта маблағ талаб қилмайди-ку. Агар бу гапимни Президентнинг илтимоси, деб қабул қилсангиз, мен қарши эмасман.

Опа-сингилларимизга қулай шароит яратишга қаратилган ишларимизни келгусида албатта давом эттирамиз ва бунинг учун маблағ ҳам, имконият ҳам топамиз.

Бунинг яққол тасдиғи сифатида аёлларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда тижорат банклари томонидан 117 миллиард сўмдан зиёд кредит маблағи ажратилганини айтиш зарур. Бу эса, ўз навбатида, қанча-қанча хотин-қизларга ўз ишини очиб, оиласи, эл-юртимиз учун фойда келтириш, ҳаётдан ўз ўрнини топиш имконини бераётганини алоҳида таъкидлаш даркор.

Мухтарам дўстлар!

«Обод турмуш йили»да бажарган ишларимиз ҳақида албатта узоқ гапириш мумкин. Мен бу ўринда диққат-эътиборингизни фақатгина битта кўрсаткичга қаратишни лозим, деб ҳисоблайман.

Дастур доирасида барча манбалар ҳисобидан 6 триллион 930 миллиард сўм ҳамда 471 миллион доллардан ортиқ маблағ сарфланганининг ўзи амалга оширган ишларимизнинг ҳажми ва кўлами қанчалар кенг ва улкан эканидан яққол далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай олижаноб ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшган юртимиздаги давлат ва нодавлат ташкилотларига, фермерлик ва тадбиркорлик субъектларига, бизга кўмак берган хорижий ва халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет мамлакатларнинг элчилари ва дипломатик ваколатхоналар вакилларига, шу эзгу йўлда сидқидилдан хизмат қилган барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Энди сизлар билан кириб келаётган янги – 2014 йилга қандай ном бериш ҳақида маслаҳатлашиб, фикрлашиб олишимиз керак.

Азал-азалдан ҳар қайси ота-она ўз боласининг соғлом ва баркамол, ақл-заковатли, бахтли бўлишини истайди. Шундай фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига

эришиш, шу борада уларга кўмаклашиш – отананинг энг улуғ, энг муқаддас орзуси, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Биз соғлом деганда, нафақат жисмоний, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом болани ўзимизга тасаввур этамиз.

Мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб юртимизда соғлом она – соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг кўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган улкан ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олингани сизларга яхши маълум.

Айна вақтда бугунги шиддатли замон, ҳаётнинг ўзи ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янги-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифаларни кўймоқда.

Ана шуларнинг барчасини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш ва юксак босқичга кўтариш мақсадида мен қирғиб келаётган янги – 2014 йилни мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилишни таклиф этаман.

Қадрли ватандошлар!

Соғлом боланинг дунёга келиши, бақувват бўлиб ўсиб-улғайиши кўпгина талаб ва омилларга боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Лекин улар орасида шундай ўта муҳим, ҳал қилувчи мезонлар борки, бу ҳақда алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан.

Биринчидан, соғлом бола – аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир.

Биз оилани ҳаёт давомийлигини таъминлайдиган, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия маскани сифатида қабул қиламиз. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, одамийлик, меҳр-оқибат, ўз Ватанига, халқига садоқатли бўлиш каби олижаноб фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Табиийки, соғлом боланинг туғилиши, биринчи навбатда, онанинг соғлиғига боғлиқ. Бўлғуси она илоҳий неъмат бўлмиш дилбандини тўққиз ой мобайнида ўз бағрида асраб-авайлаб, ёруғ дунёга келтиради. Ана шу жараёнда аёл қандай кунларни, қандай руҳий ҳолатни бошидан кечирса, бу албатта она вужуди орқали ҳомилага таъсир ўтказади.

Аёлни қадрлаш, оғир ишлардан халос этиш, турли касалликлардан ҳимоя қилиш – эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчидир. Бу ҳақиқат қуруқ гапга айланиб қолмаслиги учун барчамиз жавобгарликни сезишимиз, уни амалий ишларимизда намоён қилишимиз даркор.

Бундан хулоса шуки, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқишда, биринчи навбатда, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътиборимиз марказига қўйилиши зарур.

Иккинчидан, соғлом болани вояга етказишда соғлиқни сақлаш тизимининг ўрни ва таъсири, шу билан бирга, масъулияти катта экани ҳаммамизга яхши аён.

Дастурда оналар ва болалар саломатлигини асрашга хизмат қиладиган тиббиёт муассасалари, бу – скрининг ва перинатал марказлари бўладими, аёллар тиббий консултациялари, туғуруқхона комплекслари бўладими, гинекология ва патронаж хизматлари, қишлоқ врачлик пунктлари бўладими – уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий асбоб-ускуналар, малакали кадрлар билан таъминлаш борасидаги ишларимизни кучайтириш ўз ифодасини топиши керак.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларини инобатга олган ҳолда, ҳомиладор аёллар ва гўдакларнинг ўз вақтида ва сифатли овқатланиши, улар учун махсус поливитаминологиялар, зарур микроэлементлар билан бойитилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, болаларни доимий тиббий кўрикдан ўтказиш, турли касалликлардан асраб-авайлаш каби тадбирларнинг самарасини янада ошириш лозим.

Барчамиз яхши тушунамизки, соғлом фарзандни тарбиялашда аҳоли, айниқса, ота-оналарнинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этади. Шу сабабли дастурни шакллантиришда тиббий маданиятни оширишга қаратилган кенг

кўламли тушунтириш ишларига алоҳида ўрин бериш айти муддао бўлади.

Маълумки, мамлакатимизда бўлғуси келин-куёвларни никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш тартиби жорий этилган бўлиб, бундан кўзланган асосий мақсад соғлом оила қуриш, соғлом болани дунёга келтириш билан боғлиқ. Лекин, афсуски, инсоннинг ҳаёти, туғилажак фарзанднинг тақдирига бевосита дахлдор бу масалага баъзан масъулиятсизлик билан қараш, сохта ва юзаки хулосалар чиқариш, тиббий маълумотномаларни сотиб олиш каби ҳолатлар учраб туриши барчамизни ташвишга солиши зарур. Айти шу масалалар учун, умуман, болаларнинг соғлом, бениқсон бўлиб туғилиши учун тиббиёт ходимларининг масъулиятини, керак бўлса, жавобгарлигини ошириш вақти келди, деб ўйлайман.

Ҳақиқатан ҳам, бир одамнинг ўз ишига юзаки муносабати туфайли қанча-қанча оилалар умрининг охиригача азоб чекади. Шу нуқтаи назардан, бу масалага ниҳоятда жиддий қарашимиз керак.

Учинчидан, соғлом болани вояга етказишда таълим-тарбия ва спортнинг ўрни ва таъсирини янада кучайтириш лозим.

Дастурда мактабгача таълим муассасалари тизимини кенгайтириш, уларни замонавий жиҳозлаш, юқори малакали педагог ва мураббийлар билан таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлаш-

нинг сифатини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Боланинг жисмоний ва психологик ривожланишидаги энг асосий давр – бу бошланғич синф давридир. Ҳаммамиз биламизки, собиқ тузум шароитида бу масалага, афсуски, етарлича аҳамият берилмас эди. Қуйи синфларда дарс бериш, асосан, ўрта махсус маълумотга эга бўлган муаллимларга топшириб қўйилган эди.

Бошланғич таълимнинг ёш авлод ҳаётидаги роли ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бундай номақбул ҳолатга бутунлай барҳам берилди ва бу вазифани бугунги кунда олий маълумотли, юксак профессионал маҳоратга эга бўлган педагог кадрлар бажармоқда.

Қабул қилинадиган дастурда бошланғич таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш масалалари ўз ифодасини топиши керак.

Айни пайтда, «Соғлом бола йили»нинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизда, айниқса, қиз болалар ўртасида жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аниқ тадбирларни белгилаб, амалга оширишимиз лозим.

Тўртинчидан, ҳаммамизга аёнки, фарзандларимизни, янги авлодни соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, бу мақсадга эришиш, ҳеч шубҳасиз, давлатимиз, жамиятимизнинг эътибор марказида туриши, олиб бораётган сиёсатимизнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши шарт.

Шу мақсадда бу масалага дахлдор ва мутасадди бўлган қайси соҳа, қайси жараённи олмайлик, уларнинг барчасини ривожлантириш, янги, замонавий босқичга кўтаришда давлатнинг роли катта экани ҳеч кимга сир эмас.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, «Соғлом бола йили» дастури таркибида, аввало, йиллик режаларни белгилаб олиб, турли соҳа ва тармоқлар, айниқса, ижтимоий соҳаларга тааллуқли масалаларни ечиш учун ажратиладиган маблағ бўладими, бугунги кунда замоннинг ўзи талаб қилаётган шароитларни туғдириб бериш бўладими – буларнинг барчасига эътиборни янада кучайтиришимиз зарурлиги ўз-ўзидан равшан, албатта.

Шу билан бирга, бу масала бўйича жаҳон миқёсидаги илғор, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва юртимизда жорий этиш алоҳида аҳамият касб этади.

Бешинчидан, соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириш-

нинг ҳожати йўқ. Халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган мақолида албатта чуқур маъно мужассам.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, ҳушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулияти янада ортади.

Айниқса, қиз болаларни тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг, оилавий низо-ларнинг олдини олиш, урф-одат ва маросимларни ихчам ва тартибли ўтказиш каби вазифаларни ҳал қилишда биз кўпни кўрган, тажрибали маҳалла фаолларига таянамиз.

Шахсан мен улардан кўп нарса кутаман. Нега деганда, менинг энг катта маслаҳатчим, таянчим ва суянчим – маҳалла, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўғил-қизларимизни турли тўғаракларга жалб этиш, кам таъминланган оилаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ўз ҳудудида тадбиркорликни ривожлантириш ва яна бошқа масалалар бўйича маҳалла фаолиятини кучайтириш, уларга янги ва-колат ва имкониятлар бериш лозим.

Ўз-ўзидан равшанки, юқорида баён этилган барча устувор вазифаларни амалга ошириш учун

мавжуд норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш талаб этилади.

Қадрли ва муҳтарам ватандошлар!

«Соғлом бола йили»нинг асосий мақсад ва вазифалари ҳақида гапирар эканмиз, халқимиз ўртасида кенг тарқалган **«Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли элнинг фарзандлари соғлом бўлур»** деган ҳикматли иборани яна бир бор эсга олишимиз ўринли бўлади, деб ўйлайман.

Бизнинг мана шу қисқа – йигирма икки йиллик янги тарихимизда мустақилликка эришиш, миллий давлатчилигимиз, эртанги кунимизни куришда, юртимизни турли бало-қазолардан асрашда, Ўзбекистонимизнинг ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши, жаҳон майдо-нида муносиб обрў топишида энг асосий омиллар нима деб сўраса, мен, бошқа мезонларни инкор этмаган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтган бўлардим: бу йўлдаги энг муҳим омил – бу ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга, халқимиз интилаётган келажаги буюк давлатни барпо этишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шу ҳақиқатни эл-юртимиз чуқур англаб, юрагидан, қалбидан ўтказиб, кенг қўллаб-

қувватлаётгани бугунги кунда ўз ҳосили ва натижасини бераётгани ва буни бутун дунё тан олаётгани, бизга ҳавас билан қараётгани ҳеч кимга сир эмас.

Биз таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажагимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодаси, деб биламиз.

Мен ишонаман – бугун сизлар билан бирга белгилаб олган, «Соғлом бола йили» дастури деган ном билан амалга оширадиган барча режа ва вазифаларимиз ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Сиз, азизларимни Конституция байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

*Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 21 йиллигига
бағишланган тантанали
маросимдаги маъруза.
2013 йил 7 декабрь*

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Шу йил 19 декабрь куни Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Бугунги учрашувимизнинг асосий мақсади – Сурхон воҳасининг ривожини, тараққиёти йўлида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш, қўлга киритилган ютуқ ва марралар билан бир қаторда, мавжуд муаммоларни ечиш бўйича қилинаётган амалий ишлар, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, барчамизни ташвишга солаётган масалалар бўйича айтилган шу залда тўпланиб ўтирган сиз ҳурматли депутат ва фаоллар билан атрофлича маслаҳатлашиб олиш, тегишли хулосалар чиқаришдан иборат, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида.

Албатта, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, ҳаёт дегани муаммосиз бўлмайди, тараққиёт йўлида турли масалалар, катта-кичик ташвишлар бўлиши табиий. Бу масалаларни ечиш, камчилик ва муаммоларни бартараф этиш, амалий ишларни кучайтириш – бизнинг асосий вазифамиздир.

Маълумки, бугунги кунда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Сурхон воҳасида ҳам эътиборга лойиқ катта-катта ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳаёт синовларида тобланган, заҳматкаш воҳа аҳлининг фидокорона меҳнати туфайли Сурхондарё вилояти ҳозирги вақтда дадил қадамлар билан ривожланиб борапти ва буни биз юксак кадрлаймиз, деб қайд этди Президентимиз.

Кейинги йилларда барпо этилган замонавий корхоналар, коммуникация тармоқлари, хизмат кўрсатиш инфратузилмалари, ижтимоий соҳа объектларини – бу янги-янги мактаблар, лицей ва коллежлар бўладими, мусиқа ва санъат мактаблари, соғлиқни сақлаш ва спорт масканлари бўладими, уларни кўрганда, бу кўҳна ва бетакрор замин янада гўзал ва обод бўлиб бораётганига ишонч ҳосил қиламиз. Бунинг тасдиғини, авваламбор, вилоятда 2013 йил якуни билан ялпи ҳудудий маҳсулот 9,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоизга, қурилиш ишлари қарийб 11 фоизга, пуллик хизматлар 18,5 фоизга ўсиши кутилаётгани мисолида кўриш мумкин.

Вилоятда иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларини янгилаш, модернизация қилиш мақсадида 2005–2013 йиллар мобайнида барча манбалар ҳисобидан 2 миллиард 877 миллион долларлик инвестициялар ўзлаштирилганини таъкидлаш лозим.

Охирги йилларда вилоятда нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақаси учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган улкан лойиҳалар амалга оширилди. Улар орасида умумий узунлиги 223 километр бўлган «Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон» темир йўлининг ишга туширилгани Ватанимиз тараққиёти йўлида алоҳида, айтиш мумкинки, тарихий ўрин тутади. Ана шу улкан ва мураккаб лойиҳани амалга ошириш натижасида вилоятда юк ташиш ҳажми 2007 йилга нисбатан 1,7 баробар кўпайди, маҳаллий хомашёларни қайта ишлаш асосида 90 дан зиёд янги корхона ишга туширилди, энг муҳими, 55 минг аҳоли иш билан таъминланиб, барқарор даромад манбаига эга бўлди.

Илгари тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай ишларимиз ҳақида фахрланиб, ғурурланиб гапирсак, арзийди. Авваллари чекка бир гарнизон бўлган Термизни замонавий шаҳарга айлантириш, вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманлари, барча қишлоқлари қиёфасини тубдан ўзгартириш йўлида қилаётган улкан ишларимиз шу ерда яшаётган аҳоли, аввало, ёшларимиз ҳаётида ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Уларнинг онгу тафаккурини, дунёқарашини ўзгартирмоқда. Энг муҳими, бундай ҳаракатларимиз ҳеч қачон орқага қайтмайдиган тус олмоқда, деди Ислом Каримов.

Маълумки, Сурхондарё вилояти нефть, табиий газ, рангли металллар, кўмир ҳамда 40 дан ортиқ

қурилиш материалларининг бой захирасига эга. Ҳозирги вақтда бу бойликларни эл-юртимиз манфаати йўлида оқилона ва самарали ишлатиш юзасидан бир қанча муҳим лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Масалан, Сарисийё туманида умумий қиймати 146 миллион доллар бўлган, Хонжиза қонидида полиметалл рудаларни, яъни, рух, қўрғошин, мис ва кумушнинг катта захирасини қайта ишлаш бўйича йирик лойиҳа амалга оширилди.

Собиқ Иттифоқ даврида Сурхондарё вилояти ҳудудидан қазиб олинган нефтнинг таркибида битум қоришмаси кўплиги сабабли у асосан йўл қурилишида ишлатилар эди. Бу хомашёдан юқори қўшимча қийматга эга бўлган маҳсулот олиш учун Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш заводи барпо этилди. Шунинг ҳисобидан йилига 80 минг тонна нефтни қайта ишлаб, бензин ва дизель ёқилғиси олинмоқда.

Сессияда вилоятда саноат соҳасини барқарор ва мутаносиб ривожлантиришда бир қанча муаммолар ҳали-бери сақланиб қолаётгани ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди.

Ёдингизда бўлса, сизлар билан ўтган учрашувимизда айни шу борада вилоят, туман ва шаҳар раҳбарларига, мутасаддиларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилган эди, деди давлатимиз раҳбари. Афсуски, ўтган давр мобайнида бу соҳада жиддий ўзгаришлар бўлмагани бугун кўп мисол-

ларда аён бўлмоқда. Жумладан, вилоят саноатида улуши паст бўлган Ангор, Термиз, Бойсун, Олтинсой туманларида аҳволни ижобий томонга ўзгартиришга қаратилган амалий ҳаракатлар сезилмаяпти.

Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишда оқсоқликка йўл қўйилаётгани туфайли Сурхондарёнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича мамлакатимиздаги улуши атиги 1,7 фоизни ташкил этмоқда. Айниқса, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича вилоятнинг энг қуйи ўринлардан бирига тушиб қолгани барчамизни, аввало, раҳбар ва депутатларни, фаолларни жиддий ўйлантриши керак, деди Юртбошимиз.

Сурхондарёда аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан 4,3 баробар, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса 4,2 баробар камлиги ҳам албатта талабга жавоб бермайди.

Бу ҳақда, аввало, мана шу залда ўтирган депутатлар, фаоллар ўйлаши, бундай ҳолат бизга ярашмайди, деб бундан хулоса чиқариши керак. Нега деганда, ҳаётдаги ҳамма ўзгаришлар, аввало, инсондан, унинг қалбидан, юрагидан бошланади. Кейинги йилларда юртдошларимиз ўртасида кенг тарқалган «Ободлик кўнгилдан бошланади» деган иборада чуқур маъно бор. Ҳақиқатан ҳам, барча эзгу ишлар инсоннинг кўнглидан, унинг по-

киза ниятларидан бошланади. Бизга бўлаверади, деган қараш ҳукм сурган жойда ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди, ҳамма нарса эскича қолаверади. Ислом Каримов ўз фикрини давом эттириб, бутун Ўзбекистон болалари – менинг болаларим деган гапни мен кўп такрорлайман, деди. Бугун мана шу минбарда туриб Сурхон воҳасининг паҳлавон йигитларига, ёшларига меҳримни яна бир бор ифода этиб айтмоқчиман: уларнинг орзу-интилишларини қўллаб-қувватламаслик, келажакка бўлган ишончини оқламаслик – бу уларга нисбатан хиёнатдир.

Яхши эслайман, бир пайтлар Сурхондарёнинг собиқ бир раҳбари бу вилоятнинг келажagini сиз нимада кўрасиз, деган саволга, карам етиштиришда, деб жавоб берган эди. Бу одам Москвага, собиқ Иттифоқ раҳбарларидан бири бўлмиш Лигачёвнинг олдига бориб, бизга плёнка беринг, Москва ва Ленинградни карамга тўлдириб ташлаймиз, деб айтгани ҳам бор гап.

Ўзининг савияси шундай паст экан, лекин бутун бошли бир вилоятга, унинг халқига, бу заминда униб-ўсиб келётган ёшларнинг тақдирига шундай тор даражада қараган раҳбарга нима деса бўлади, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Аслида, Сурхон воҳасида мавжуд бўлган бойлик ва ресурслар, қани айтинглари, яна қаерда бор? Бугунги кунда, илму фан, тараққиёт юксалиб бораётган бир пайтда саноатни ривожлантирмасдан,

янги замонавий технологияларни ўзлаштирмасдан туриб, фақат карам, сабзаёт етиштириш, қўй-эчки боқиш ҳисобидан келажакни қуриб бўладими?

Вилоятда саноат соҳасидаги қолоқлик сабаблари мана шундай эскича қарашлар билан боғлиқ, десак, хато бўлмайди.

Ҳозирги кунда ҳаёт ўзгаряпти, унинг талаби ўзгаряпти. Талаб иастдан, одамлар ўртасида юртинг эртанги кунни, тақдири учун куйинишдан бошланади. Агар раҳбар ҳаётнинг мана шундай кескин талабини тушунмаса, англамаса, унинг жавобини бериш лозим. Ўрнига ғайрат-шижоатли, замоннинг талаби билан ҳамоҳанг яшайдиган ёшларни қўйиш керак. Сурхондарё вилоятининг ёшлари, мард полвонлари ҳеч кимдан кам эмас, тоғни урса талқон қиладиган, шу юрт учун керак бўлса жонини беришга ҳам тайёр бўлган бундай азму шижоатли йигитларнинг қўлидан ҳамма иш келади.

Бизнинг юртимиз, Ватанимиз битта – Ўзбекистон ягона Ватанимиздир. Унинг бугунги ва эртанги кунини ўйлаб яшаш, шуҳратини дунёга тараннум этиш – ҳаммамизнинг муқаддас вазифамиздир.

Шундай экан, вилоятдаги мавжуд вазиятни ижобий томонга ўзгартириш учун, аввало, депутатлар, фаоллар намуна бўлиши лозим. Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз, ўз олдимизга қўйган катта-катта мақсадларга етишимиз учун биринчи

навбатда ўзимиз фидойилик кўрсатишимиз керак, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Вилоятда маҳаллий хомашёни қайта ишлаш даражасини ошириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Чунки бугунги кунда етиштирилаётган пахта толасининг 8 фоизигина шу ернинг ўзида қайта ишланаётганини албатта қониқарли, деб бўлмайди.

Саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёни суст бормоқда. Мазкур йўналишдаги дастур доирасида охириги уч йил давомида 3 миллиард 500 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланган. Бу рақам вилоятда ишлаб чиқарилган жами саноат маҳсулотининг бир фоизига ҳам етмайди. Мамлакатимиз бўйича эса бу кўрсаткич 17,5 фоизни ташкил этмоқда.

Вилоятда кейинги уч йилда хорижий сармоялар иштирокида 4 та корхона ишга туширилиб, уларнинг умумий сони 50 тага етганини ижобий баҳолаш лозим. Лекин Ангор, Музработ, Шўрчи, Термиз ва бошқа туманлардаги мавжуд аҳвол ҳеч кимни қониқтирмайди, албатта.

Айни шундай номақбул ҳолатни тубдан ўзгартириш мақсадида вилоятда янги йилдан бошлаб 500 дан зиёд лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Улар орасида биз учун катта аҳамиятга эга бўлган енгил саноат соҳасини жадал ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга алоҳида ўрин берилади.

Бу борадаги ишларни давом эттирган ҳолда, келгуси йили қиймати 15 миллион доллардан зиёд бўлган яна 14 та лойиҳани амалга ошириш бошланади. Жумладан, Жарқўрғон туманида Буюк британиялик ҳамкорларимиз иштирокида лойиҳа қиймати 10 миллион доллар бўлган текстиль корхонаси ташкил этилиб, энг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланади. Мазкур лойиҳа асосида йилга 22 миллион квадрат метр юқори сифатли газлама ишлаб чиқариш йўлга қўйилади ва 250 киши иш билан таъминланади.

Бундан ташқари, 2016 йилгача Қумқўрғон, Сариосиё, Денов ва Шўрчи туманларида янги, замонавий тўқимачилик комплекслари ташкил этилади. Мана шундай лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 2017 йилга бориб вилоят бўйича пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини 22 фоизга етказиш ва 6 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш имкони пайдо бўлади.

Шулар қаторида келгуси икки йилда 70 миллион доллардан зиёд инвестиция ҳисобидан Жарқўрғон нефть заводининг йиллик қайта ишлаш қувватини 250 минг тоннага етказиш мўлжалланмоқда.

Вилоятда кўмир қазиб олишни ривожлантириш учун 102 миллион долларга яқин инвестициялар эвазига Шарғун ва Бойсундаги «Тўда» конларида йиллик қуввати 900 минг тонна бўлган замонавий комплексни қуриш режалаштирилмоқда. Мазкур

лойиҳани амалга ошириш учун Хитойнинг Эксим-банки кредитларини жалб этиш белгиланган.

Айни вақтда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 48 турдаги деворбоп материаллар, 17 турдаги норуда материал ва бошқа кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Мухтасар айтганда, 2013–2015 йилларда ана шундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида вилоятда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5 баробарга ўсиши кутилмоқда.

Сессияда одамларни, аввало, ёшларни иш билан банд қилиш муаммосини ечишда, шунинг ҳисобидан даромад топишда, аҳолининг оғирини енгил қилишда муҳим аҳамият касб этадиган яна бир муҳим соҳа, яъни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасидаги ишларнинг аҳволи ҳақида ҳам сўз юритилди.

Жорий йил якуни билан вилоятда хизматлар соҳасида ўсиш суръати 117 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Бироқ, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, хизматлар ҳажми мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан 2,2 баробар пастдир.

Албатта, бундай аҳволни қониқарли деб баҳолаш қийин. Бу ҳолатни ўзгартириш учун вилоятда келгуси икки йилда хизматлар соҳасида қиймати 59 миллион доллардан ортиқ бўлган, жумладан,

2014 йилнинг ўзида қарийб 35 миллион долларга тенг бўлган кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилмоқда. Буларнинг аксарияти алоқа ва ахборот, компьютер хизматлари, банк, аудит, суғурта, молиявий лизинг ҳамда туризм каби замонавий сервис турларини қамраб олиши билан эътиборлидир.

Сурхондарё вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини учун қулай муҳит яратиш, уларнинг саноатни ривожлантириш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришдаги ўрнини янада кенгайтириш ва шу аснода аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда ҳудудий маҳсулотнинг қарийб 78 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётгани бу соҳанинг қандай улкан имкониятларга эга эканидан яққол далолат беради.

Ушбу муҳим тармоқни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 2013 йилда вилоят бўйича тижорат банклари томонидан 320 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу ўтган йилга нисбатан 1,3 марта кўп бўлиб, ана шу сармоялар ҳисобидан қишлоқ жойларда салкам 12 мингта иш ўрни яратилганини алоҳида қайд этиш зарур.

Ҳақиқатан ҳам, эътибор беринг, кичик бизнес ва унинг ривожини билан боғлиқ бўлган соҳаларнинг ҳудудий ялпи маҳсулотдаги улуши 78 фоизга ет-

гани, аввало, одамларнинг даромад топиши, бозорларимизни тўлдириш, юртимизни обод, ҳар қайси оила ҳаётини фаровон қилишда катта ўрин тутди. Албатта, бу соҳага банкларимиз зарур кредит маблағларини ажратиб бермаса, ҳокимликлар бу тармоқ вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламаса, бундай натижаларга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мана шундай муҳим масалага жиддий эътибор бераётганингиз учун миннатдорлик билдираман, деди Юртбошимиз.

Мажлисда замонавий транспорт-коммуникация тармоқларининг иқтисодиётимизни изчил ва барқарор тараққий эттиришдаги аҳамияти, Сурхон воҳасида бу соҳада қилинаётган ишлар таҳлил қилиниб, шу йўналишдаги энг йирик лойиҳалар хусусида фикр юритилди.

Аввало, «Тошкент–Термиз» халқаро автомобиль йўлининг 100 километрлик қисмида 167 миллион доллардан ортиқ инвестиция ҳисобидан, жумладан, Ислом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан олиб борилаётган реконструкция ишларини янги йилда якунига етказиш мўлжалланаётгани таъкидланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий автомагистралининг Сурхондарё вилоятидан ўтадиган 66 километрлик қисмида реконструкция ишлари давом эттирилиб, бунинг учун келгуси йили 30

миллиард 700 миллион сўм маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Вилоятда маҳаллий аҳамиятга молик бўлган автомобиль йўлларини таъмирлаш учун жорий йилда 4 миллиард 700 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган бўлса, келгуси йилда бу рақам қарийб етти баробар ортиб, 30 миллиард 800 миллион сўмни ташкил этиши мўлжалланмоқда.

Бу рақамларнинг негизида бугунги кунда шу борада узокни кўзлаб олиб бораётган сиёсатимиз турганини, ўйлайманки, тушуниш қийин эмас, деди давлатимиз раҳбари. Сурхондарё воҳасида аҳолини иш билан таъминлаш масаласида муаммолар кучайиб бораётганини инobatга олиб, йўл-коммуникация қурилишига улкан эътибор қаратилаётгани янги-янги иш ўринларини ташкил қилиш имконини бермоқда. Янги маҳаллалар, қишлоқлар пайдо бўляпти, уларни, туманларни ўзаро боғлайдиган йўлларни қуриш, инфратузилма тармоқларини ривожлантиришга 7 баробар кўп маблағ ажратганимизнинг маъносини айни шундай изоҳлаш мумкин.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистонда темир йўл тармоқларини электрлаштириш бўйича ҳам бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида мамлакатимиз миқёсида темир йўлларни электрлаштириш даражаси ҳозирги

вақтдаги 35 фоиздан 2017 йилга бориб 54 фоизга етиши белгиланган.

Бу ҳақда гапирганда, 597 миллион доллар қийматидаги, жумладан, Осиё тараққиёт банки ва Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган, умумий узунлиги 466 километр бўлган «Мароқанд–Қарши–Термиз» темир йўл тармоғини электрлаштириш лойиҳаси ҳақида алоҳида тўхталиш ўринлидир. Ушбу йирик лойиҳанинг амалга оширилиши йўловчи ва юк ташиш бўйича транспорт харажатларини 35 фоизга қисқартириш имконини беради. Айни вақтда мазкур йўналишда қатнайдиغان, юқори қувватга эга бўлган 11 та замонавий локомотив ҳаракатини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Табиийки, буларнинг барчаси жанубий минтақаларимизда, жумладан, Сурхон воҳасида транспорт инфратузилмасини янада такомиллаштириш, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини оширишга хизмат қилади.

Сурхон воҳаси азалдан ўз ишининг устаси ва фидойиси бўлган миришкор деҳқон ва боғбонлари билан маълум ва машҳурдир. Ўзбекистонимизда етиштириладиган пахта хомашёсининг 10 фоизи, ғалланинг қарийб 8 фоизи мана шу саховатли замин ҳиссасига тўғри келади. Вилоятда ҳозирги вақтда фаолият юритаётган

5 мингга яқин фермер хўжаликлари томонидан 2013 йилда 338 минг тоннадан зиёд пахта, 493 минг тонна ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди.

Вилоятда мева-сабзавот, узум, полиз, картошка етиштириш ва уларни сақлаш, қайта ишлаш бўйича самарали технологиялар кенг жорий этилаётгани, деҳқонларимиз учун ер майдонлари ва бошқа зарур ресурслар ажратиб берилаётгани бу борада юқори натижаларга эришишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда. Биргина жорий йилда вилоят бўйича 640 гектарга яқин мевали боғ, қарийб 245 гектар тоқзор, 155 гектар интенсив боғлар барпо этилиб, бу соҳани ривожлантиришга жами 33 миллиард сўм маблағ сарфланганини қайд этиш лозим.

Бу ҳақда гапирганда, бир фикрни такрорлаб айтмоқчиман – Сурхон заминига Яратганнинг ўзи ато этган иқлим, серҳосил ва унумдор ер, етарли сув манбалари ва бошқа қулай имкониятлардан самарали фойдаланиш барчамизнинг бурчимиз бўлиши керак. Бугунги кунда азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, бошқа шаҳарларда яшаётган аҳолининг дастурхонини тўкин қилишда Сурхондарё вилоятининг ҳиссаси катта эканини барчамиз яхши биламиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерларига, барча меҳнаткашларга фидокорона меҳнати учун чин қалбимдан самимий

миннатдорлик билдиришни ўз бурчим, деб биламан, деди Президентимиз.

Ўзбекистон шароитида тупроқ унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш маҳсулот етиштириш ва уни кўпайтиришнинг энг муҳим омилларидан бири экани барчамизга аён. Шу мақсадда охириги беш йил давомида Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида Сурхондарё вилоятига 75 миллиард сўм маблағ ажратилиб, 513 километр коллектор-дренаж тармоқлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Мана шундай тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан пахта ҳосилдорлиги ўртача 2–3 центнерга, ғалла ҳосилдорлиги 3–4 центнерга кўпайгани биз эришган муҳим натижалардан бири бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз, деди Ислом Каримов.

Мажлисида вилоятда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасидаги ютуқлар билан бирга, бир қатор камчилик ва муаммолар борлиги ҳам таъкидланди. Айниқса, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш учун қулай имконият туғдириб бериш, фермерларнинг малакаси ва савиясини ошириш, энг муҳими, ерни ҳақиқий эгасига топшириш бўйича ҳали кўп иш қилиш кераклигига эътибор қаратилди.

Жорий йилда агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли ўтказилмагани, давлат томонидан етказиб берилаётган моддий-техник ресурслар ва сувдан оқилона фойдаланилмагани натижасида айрим фермер хўжаликлари давлатга пахта ва ғалла сотиш бўйича шартнома мажбуриятларини бажара олмаган. Мисол учун, пахта етиштириш бўйича Қизирик туманида 24 та, Музработ туманида 34 та, Шўрчи туманида эса 18 та фермер хўжалиги шартнома мажбуриятини бажармаган.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, аҳолининг реал даромадларини кўпайтиришга қаратилган изчил ишларимиз Сурхондарё вилоятида ҳам ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Бунинг исботини жорий йилда ўртача ойлик иш ҳақи 2011 йилга нисбатан 35 фоизга, ўртача пенсия ҳажми 36,6 фоизга ошганида кўриш мумкин.

Мажлисда биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган ижтимоий соҳалар ривожини таҳлил қилиниб, охириги тўрт йилда вилоятда 116 та умумтаълим мактаби, 46 та касб-ҳунар коллежи, 40 та соғлиқни сақлаш мажмуаси, 58 та болалар спорт объектлари янгитдан қурилгани, реконструкция қилингани алоҳида қайд этилди.

Шу йилнинг ўзида таълим муассасаларини жиҳозлашга 63,5 миллиард сўм бюджет маблағи йўналтирилгани бу борадаги ишларимизнинг

яна бир амалий намоёни бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш мақсадида ўтган икки йил мобайнида жами 18 миллиард 600 миллион сўм маблағ ҳисобидан 17 та болалар спорти объекти, муסיқа ва санъат мактаблари бунёд этилиб, замонавий жиҳозланган ҳолда фарзандларимиз ихтиёрига берилди. Шунингдек, Термиз давлат университетининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 38 миллиард 500 миллион сўм маблағ ажратилиб, 3 минг 550 нафар талабага мўлжалланган янги ўқув бинолари, ахборот-ресурс маркази, ётоқхона ва спорт зали куриб фойдаланишга топширилди.

Биз болаларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши учун доимий эътибор қаратиб, қанча куч-қувватимиз ва имкониятларимизни шу йўлда сафарбар этаётганимиз, кириб келаётган 2014 йилга юртимизда «Соғлом бола йили» деб ном берганимиз замирида, ҳеч шубҳасиз, улуғ мақсадлар мужассам. Яъни, фарзандларимиз, дунёда қанча мамлакат, манаман деган давлатлар бўлса, уларда яшаётган тенгдошларидан асло кам бўлмасин, керак бўлса, уларга ибрат, намуна бўлсин, деган буюк орзу-ният ана шундай ишларимизга асос бўлмоқда, деб ўз фикрини давом эттирди Ислом Каримов. Ўзбек халқи боласини

жондан азиз кўради. Энг муқаддас орзуси, мақсади ҳақида сўрасангиз, ҳар бир юртдошимиз болаларимни доимо соғ-омон, бахтли-саодатли кўриш, деб жавоб беради. Ана шу улуғ ниятни амалга ошириш учун ҳаммамиз ўзимизни аямасдан, сидқидилдан ишлашимиз керак.

Мамлакатимиз, жумладан, Сурхондарё вилоятида бу борада амалга оширилаётган улкан ишларимиз айна шу мақсадга қаратилган.

Бизда таълим ва тарбия тушунчалари доимо ёнма-ён юриши бежиз эмас. Таълим фақат таълим учун эмас, аввало, тарбия учун, инсонни етук ва баркамол қилиб вояга етказиш учун хизмат қилиши керак. Шу боисдан ҳам мазкур тушунчалар биргаликда ишлатилмаса, амалий ишларимизда ўз ифодасини топмаса, уларнинг натижаси кўнгилдагидек бўлмайди.

Мана, бугунги кунда дунёнинг айрим минтақаларида маънавият соҳасида қандай муаммолар пайдо бўлаётганини кўряпмиз. Бу ниманинг оқибати? Бу аввало таълим ва тарбиянинг уйғун ҳолда олиб борилмагани оқибати, десак, хато бўлмайди.

Яқинда Конституция куни муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилишда баён этилган фикрларни яна бир бор айтмоқчиман – биз моддий нуқтаи назардан баъзи давлатлардан балки озгина орқададирмиз, лекин маънавий жиҳатдан

ўзиб кетдик, деб айтишга бугун барча асосларимиз бор.

Мен ўзимнинг ҳар бир чиқишимда аёллар ҳақида алоҳида ҳурмат-эътибор билан гапираман, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Оила қачон бахтли бўлади? Қачонки, аёл бахтли бўлса.

Аёл бор экан – бу ҳаёт бор, турмушимизда файзу барака бор.

Шунинг учун айтмоқчиман – аёлларга ҳурмат-эътибор кўрсатиш, уларни эъзозлаш – аввало биз, эркакларнинг, бутун жамиятимизнинг эзгу вази-фасидир.

Мана, ҳозирги кунда «Соғлом бола йили» Давлат дастурини тайёрлаш бўйича иш олиб боряпмиз. Соғлом бола – аввало соғлом, аҳил ва ҳамжиҳат оиланинг мевасидир.

Ҳеч шубҳасиз, оила бахтли бўлмасдан туриб, эл-юрт бахтли бўлиши мумкин эмас. Мен бу гапларни нафақат Президент, айти пайтда оддий инсон сифатида чин дилдан айтяпман.

Биз юртимизда ҳар бир инсон, ҳар қайси оиланинг ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун ҳеч нарса-ни аямаймиз, бу йўлда маблағ ҳам, имконият ҳам топамиз. Давлат бой-бадавлат, қудратли бўлиши мумкин, лекин шу давлатни давлат қиладиган инсон бахтли бўлмаса, бу бойликдан, куч-қудратдан нима фойда?

Ҳозирги вақтда дунё миқёсида «бахт индекси»ни ўрганадиган баъзи илмий марказлар бор. Айни шу борада ўтказилган тадқиқотларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳудудий жиҳатдан унча катта бўлмаган Бельгия, Люксембург, Швейцария, Сингапур каби ривожланган давлатлар инсоннинг тўлақонли ривожланиши, бахтли яшаши учун энг қулай, энг маъқул мамлакатлар сифатида тан олинаётганини кўрамиз. Бу рўйхатда дунёдаги баъзи қудратли давлатларнинг йўқлиги ҳам инсоннинг ҳар томонлама тўқис ва бахтли яшашида мамлакатнинг бойлиги ёки қудрати эмас, аввало, инсон ҳаётига, унинг манфаатларини таъминлашга қандай эътибор берилаётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатади.

Шу маънода, Ўзбекистонимиз нафақат кучли-қудратли давлат бўлиши, айни вақтда юртимиз заминида яшаётган ҳар қайси инсоннинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаши бизнинг амалга ошираётган барча-барча ҳаракатларимизнинг марказида турган энг буюк мақсадимиз, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан, деди Президентимиз.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлмиш халқимиз саломатлигини сақлаш мақсадида вилоятда кейинги уч йилда тиббиёт муассасаларига 77 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, 27 та шифонада қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди.

Шу билан бирга, тиббиёт масканларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга 4,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция маблағлари киритилганини қайд этиш лозим.

Маълумки, мамлакатимизда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қуриш борасида биз эришаётган ютуқлар дунё ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Қишлоқ аҳли учун ҳар томонлама муносиб турмуш шароитини яратишни кўзда тутадиган мазкур дастур доирасида Сурхондарё вилоятида жорий йилда 810 та шинам уйлар ва инфратузилма объектлари бунёд этилди.

Ана шундай ишлар қаторида вилоятнинг шаҳар ва туманларида кўплаб маиший хизмат кўрсатиш объектлари, 340 километрга яқин ичимлик сув тармоғи, 320 километр электр тармоғи, 740 километрдан зиёд табиий газ тармоғи барпо этилгани Сурхон аҳлининг ҳаётини янада обод ва фаровон этишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Барчамизга мамнуният етказадиган бундай ибратли ишлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин, албатта. Ана шундай ижобий ўзгаришларни эътироф этган ҳолда, бир фикрни алоҳида таъкидлашни истардим: агар биз ўз ишимизни тўғри ва оқилона ташкил этиб, ҳар биримиз ўз жойимизда бизга ишониб топширилган вазифани сидқидилдан адо этиб, қатъият ва ҳамжиҳатлик билан иш-

ласак, ҳеч шубҳасиз, бундай ютуқларимизнинг сони ҳам, салмоғи ҳам янада ортган бўларди, деди Юртбошимиз.

Шунинг учун ҳам мажлисда вилоят иқтисодиётини ривожлантиришда йўл қўйилаётган камчиликлар, ечилмай келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоятда 2013 йил якуни билан 66 мингдан зиёд янги иш ўрни ташкил этилиши кутилмоқда. Лекин 47 минг нафар одам доимий иш жойига эга бўлмаган шахс сифатида рўйхатга олингани бу муаммо жойларда ҳали-бери долзарб бўлиб қолаётганини кўрсатади. Мисол учун, жорий йилда вилоятдаги касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан 43 минг нафардан ортиқ йигит-қизнинг 32 минг 700 нафари ишга жойлаштирилгани, албатта, қониқарли эмас.

Бу масалага алоҳида урғу бериб, давлатимиз раҳбари шу йил Конституция кунига бағишланган йиғилишда айтган фикрларини яна бир бор эслатиб ўтди. Яъни, катта ҳаётга қадам қўяётган фарзандларимизни иш билан таъминлашдек муҳим вазифа замирида қанча-қанча ёшларимизнинг тақдири, уларнинг эртанги куни, орзу-интилишлари мужассам эканини таъкидлади.

Болаларимизга ўз билим ва қобилиятини рўёбга чиқариши, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин

топиши учун шароит яратиб бериш – давлат ва жамиятимизнинг, барчамизнинг муқаддас бурчимиздир. Бундай ўта муҳим масалага масъулиятсизлик билан қараш – ёш авлодимиз олдида, келажак олдида хиёнат қилиш демакдир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак. Мен буни нафақат истайман, балки талаб қиламан, деб уқтирди Ислом Каримов ва ўз фикрини давом эттириб қуйидагиларни баён этди.

Мен тушунаман – болаларга ёқадиган, уларнинг кўнглига мос тушадиган замонавий иш топиб бериш осон эмас, лекин бу йўлда айна шу масала учун мутасадди бўлган раҳбарлар бош қотириб ишлайдиган бўлса, кўп нарсага эришиш мумкин.

Бугунги кунда коллежларни битириб чиқаётган йигит-қизларимиз ўз касбини пухта эгалласа, ҳеч қачон кам бўлмайди. Қўлида замонавий касбхонари бўлган йигит, агар у ўзини эркак деб, мард деб, билса, ҳеч қачон бировга бош эгмайди.

Шу маънода, ёшларга иш топиб бериш – савобли иш. «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак» деган шиорда жуда катта маъно борлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Бир ёш йигит ёки қизга қачондир иш топиб берган бўлсангиз, сизнинг қилган яхшилигингизни улар ҳеч қачон унутмайди. Сиз ўтиб кетасиз, лекин қилган яхшилигингиз уларнинг қалбида, юрагида қолади.

Юртимиз обод бўлсин, деганда, аввало одамлар иш билан банд бўлсин, деган даъватни ҳам тушунамиз. Айни шундай ҳаётни бахтли ҳаёт деймиз. Биз ҳозирги пайтда шу йўлдан боряпмиз. Бизга 90-йилларда қандайдир менсимасдан қараганлар ҳам бугун амалга ошираётган ишларимиз, жумладан, ёшларимиз учун яратиб берилаётган имкониятларимизга, уларнинг амалий натижаларига тан бермоқда.

Президентимиз ўз нутқида Сурхондарё вилоятини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришнинг бугунги аҳволи, кўпгина соҳа ва тармоқлардаги оқсоқлик ҳолатларини таҳлил этар экан, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратди.

Вилоят бошқарувида тартиб-интизом сусайиб, ишни самарали ташкил қилиш эътибордан четда қолмоқда, юзага келаётган ўткир муаммо ва камчиликларни гўёки сезмагандек, кўрмагандек, беғам-бепарво бўлиб юриш ҳолатлари тобора кучайиб бормоқда. Ва бундай нохуш ҳолат барчамизни ташвишга солмаслиги мумкин эмас, деди Ислом Каримов.

Бугунги кунда одамларнинг замон билан мос равишда ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларига, уларнинг интилиш ва ҳаракатларига бепарво қараш ҳақида гапирганда, мен илгари ҳам айтган бир фикрни такрорламоқчиман: раҳбарлар борки, улар ўзининг билим ва тажрибаси, инсоний

фазилатлари, фидойилиги билан эл-юртнинг кучига – куч, ғайратига – ғайрат қўшади ва керак бўлса, инсонларга илҳом бағишлайди. Уларнинг руҳини кўтариб, қўллаб-қувватлаб, барча тўсик ва қийинчиликларни енгиб ўтадиган азим дарёдек қудратли оқимга айлантиради.

Шу билан бирга, раҳбарлар борки, уларнинг бепарволиги, ўз манфаатини, ҳузур-ҳаловатини кўзлаб, манманлик, бошқаларни менсимаслик, қўполликка берилиб, ахлоқий томондан, ўзининг юриш-туриши билан бошқаларга ўрناق бўлмаслиги, албатта, мутлақо тескари натижа ва оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Бу ҳақда гапирганда, айниқса, вилоятнинг биринчи раҳбари Нормўмин Чориев томонидан ўзига бино қўйиш, ўзини тутолмаслик, қўл остидаги ходимларга қўпол муносабатда бўлиш, айшишратга берилиш, шунинг оқибатида эл-юрт олдида обрўсини йўқотиш, унга билдирилган ишонч ва ҳурматни бутунлай унутиш – буларнинг барчаси одамнинг ақлига сиғдириб бўлмайдиган ҳолатдир.

Такрор айтаман: буларнинг барчаси хавфли бир оқибатга, яъни чин юракдан, чин қалбдан, виждонан меҳнат қилаётган одамларнинг қўли ишдан совишига, адолатга бўлган ишончни йўқотишга олиб келиши мумкин.

Бу балони ўз вақтида англаш, уни таг-томири билан йўқ қилиш – барчамизнинг вазифамиздир.

Н. Чориев, айниқса, Сурхондарё вилояти хокими этиб тайинланганидан кейин, ўз лавозимини суниестемол қилишга, турли ички майлларга, хоҳиш-истакларга берилиб кетгани, фақат ўз ҳузурини ўйлагани, шунинг ҳисобидан вилоятнинг қанча-қанча муаммолари ечилмасдан қолиб кетгани бугун тобора аён бўлмоқда. Ва буларнинг барчаси Сурхон воҳасининг ривожига, керак бўлса, обрў-эътиборига қандай катта салбий таъсир ўтказганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Эл-юрт ишончини оқламаган раҳбарларга қарата афсус-надомат билан айтишга мажбурмиз: эй, сен ким эдинг у ким бўлдинг? Сенга қанча ишонч, қанча ҳурмат билдирилди! Агарки ақлинг бўлса, ўйлаб кўр, одамларнинг ишончини оқламаслик, эл-юрт назаридан қолишдан ҳам кўра оғир қисмат борми ўзи?

Шундай экан, раҳбарликдек ўта оғир масъулиятни ўз зиммасига олган ҳар қайси одам ўзининг ҳар бир қадамини ўйлаб босиши, ҳар томонлама ўйлаб иш тутиши керак.

Албатта, барчамиз яхши тушунамиз, халқимиз ўртасида юзхотирчилик, одамнинг шаънига тегмаслик, уни аяб гапириш каби одатлар азалдан мавжуд. Бунинг номини андиша дейди. Лекин бугунги кунда раҳбар ёки унинг атрофидаги одамларнинг хато ва камчиликларини била туриб айтмаслик, уларни яшириб юришни ҳам андиша

деган сўз билан изоҳлашга уринишлар бўляпти. Бошқача айтганда, эскидан қолган иллатларни оқлайдиган ҳолатларга индамасдан қараб туриш ҳам андишага айланиб қоляпти. Биз андишани бундай тушунишлардан мутлақо халос бўлишимиз керак.

Н. Чориевнинг ён-атрофидаги одамларнинг унга бўлган муносабатини балки шундай тушуниш ҳам мумкин. Лекин эй барака топкур, гап фақат сенинг ўзинг ҳақингда эмас, балки эл-юрт манфаати ҳақида борганда ҳаддидан ошган раҳбарни, келинг, эй жаноб, бир гаплашиб олайлик, деб айтмаслик — бу ўзбекона андиша эмас. Бундай қарашларга бутунлай чек қўйиш шарт.

Ҳаммамиз бир ярим йил олдин бу одамга катта ишонч билдириб, уни Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасига сайлаган эдик, деб фикрини давом эттирди Юртбошимиз. Ўтган вақт давомида бу раҳбарнинг дунёқараши, маънавий савияси қандай экани яққол аён бўлди.

Биз раҳбарларга доҳий деб эмас, аввало, эл-юрт манфаатини ҳамма нарсадан улуғ қўйиб, унга хизмат қиладиган инсон, деб қараймиз.

Айтиш керакки, доҳийлик эски совет даврига хос иллат бўлиб, унинг қолдиқлари баъзи жойларда ҳозирги вақтда ҳам кўзга ташланиб туради.

Ўзини доҳий деб ҳис қилиш, доҳий сифатида кўрсатиш, шунга интилиш ва ишониш — бу ҳам бир

касаллик. Агар бу касаллик бўйича тегишли мутахассис шифокорнинг фикрини сўрайдиган бўлсангиз, у бундай одамга аниқ ташхис қўйиб беради.

Бундай кишилар ҳақида гапирганда, буюк мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Одам борки, одамларнинг нақшидур, Одам борки, ҳайвонундан яхшидур» деган сатрлари беихтиёр эсга тушади, деди Юртбошимиз.

Президент сифатида менинг зиммамда бўлган вазифалар ҳақида кўп ўйлайман. Лекин улар орасида энг оғири, энг мураккаби нима, деб сўраса, одамларни лавозимга тавсия қилиш, деб айтган бўлардим.

Бу ҳаётда инсонни синовдан ўтказадиган нарса – аввало, нафс балосидир. Биз бу ҳақда, ундан огоҳ бўлиш, ундан ўзимизни асраш ҳақида кўп гапирамиз. Лекин агар иймони суст бўлса, одам нафс йўлида ўзини тўхтатишга куч тополмайди.

Шу борада яна бир бало борки, у ҳам бўлса, раҳбарнинг ён-атрофида доимо парвона бўлиб юрадиган хушомадгўй лаганбардорлардир. Улар ўз ишини битиргунча «ака-ака» деб, «буюринг, хизматингиздамиз» деб, иродаси заиф бўлган раҳбарни бузади, йўлдан оздиради.

Янги лавозимга ўтирадиган одам бундай ишлардан доимо огоҳ бўлиб, уларга ҳеч қачон йўл қўймаслиги зарур, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз – ҳар қандай вазифа – бу аванс, ўзбекона айтганда, насия, десак, тўғри бўлади. Раҳбар аввало ўзини синовларда, ҳаётни ўзгартиришда кўрсатиши, намоён этиши керак. Юқори лавозимга сайланган одам ўзи бошқараётган ҳудудда шу юртнинг отаси, эгаси сифатида иш олиб бориб, бутун масъулиятни ўз зиммасига олиши зарур. Фақат ана шундай жонкуяр, ўзини аямасдан меҳнат қилган раҳбарни эл-юрт ҳам қадрлайди, ҳурмат қилади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Н.Чориев Сурхондарё вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи лавозимида ишлаб келаётган Эшдавлат Жўраев Сурхондарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Биз бугун Сурхондарё вилоятининг тараққиёт йўлида қўлга киритган ютуқлари ва марралари билан бир қаторда, айти шу босқичда мавжуд бўлган кўпгина камчилик ва оқсоқликка, тўсиқ ва ҳали-бери ечилмаган муаммоларга холисона танқидий баҳо бердик, тегишли хулосалар чиқардик, деди давлатимиз раҳбари.

Бир нарсага аминман: кўпни кўрган, бошидан қанча-қанча ҳаёт синовларини кечирган, мард ва

ориятли, қийинчиликларда тобланган, ўз кучига ишонган, меҳнаткаш Сурхон халқи, унинг фаоллари ва депутатлари ўз олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ҳеч қачон бўш келмаган ва бўш келмайди.

Бугунги кунда замон шундай шиддат билан ривожланиб боряптики, унинг ҳар қандай ўзгаришига тайёр туришимиз керак.

Айниқса, мана шундай мажлисларда юртимиздаги мусаффо осмон, тинч-осойишта ҳаётнинг кадрига етиш, бунинг асосий талаби бўлган фидоийлик ҳақида гапиришимиз ўринли бўлади. Бу борада барчамизга, аввало, бугун ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айланаётган ёшларимизга кўп нарса боғлиқ.

Шу йўлда кунни – кун, тунни – тун демасдан, астойдил меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак мақсадларимизга етиб боришда Яратганнинг ўзи доимо бизни асраб келаётгани учун шукроналар айтсак, арзийди.

Мана шу гўзал ва бетакрор юртда истиқомат қилаётган, эртанги кунимизга катта ишонч билан яшаётган сиз, азизларнинг барчангизга, сизларнинг тимсолингизда Сурхон элига сиҳат-саломатлик, бахт, янги-янги омадлар, барча-барча эзгу ниятларимизнинг ҳаётда ушалишини тилайман, деди пировардида Юртбошимиз.

2013 йил 19 декабрь

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошларим, қадрдонларим!

Мана шу унутилмас, шукуҳли дамларда сиз, мўътабар отахон ва онахонларни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ўғил-қизларимиз, жажжи болаларимизни – барча-барчангизни қутлуғ қадамлар билан юртимизга кириб келаётган янги йил билан чин қалбимдан табриклаб, самимий тилакларимни изҳор этишни ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман.

Байрамона дастурхон атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларни бағримга босиб, хонадонларингизга тинчлик, соғлик-омонлик ва хурсандчилик, тўкин-сочинлик ёр бўлишини, юртимиз янада обод бўлиб, янада чирой очиб раванк топишини, барча-барча эзгу ниятларимиз ушалишини тилайман.

Бугунги кунда олдимизда турган буюк мақсадларимизга эришиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, ҳаётимизни янги босқичга кўтариш йўлида мамлакатимиз кўяётган амалий қадамлар, Ўзбекистонимизнинг халқаро

майдонда обрў-эътибори юксалиб бораётгани барчамизга яхши маълум.

Яқунига етаётган 2013 йилнинг айнаи шу йўлда Ватанимиз таракқиётига, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланишига, эл-юртимиз ҳаёт даражасининг юксалишига салмоқли ҳисса қўшгани, хосиятли ва баракали бўлганини шукроналик билан таъкидлашимиз лозим.

Бунинг далили сифатида жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг жиддий таъсирига қарамасдан, кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг ўсиш суръатлари 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани ва бундай кўрсаткич дунёда камдан-кам давлатларда кузатилаётгани барчамизга чуқур мамнуният етказди.

Иқтисодиётимизга жалб қилинаётган кенг қўламли капитал маблағлар ва чет эл инвестицияларининг ҳажми тобора ошиб бораётгани, шунинг ҳисобидан энг замонавий технологияларга асосланган юзлаб корхоналар, транспорт коммуникациялари, минг-минглаб янги уй-жойлар, инфратузилма объектлари барпо этилгани шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартирмоқда, мамлакатимизнинг салоҳиятини янада ошириб, келажагимиз учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда, десак, айнаи ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтиб бораётган 2013 йилда аҳолимизнинг реал даромадлари 15,7 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипен-

дия ва ижтимоий нафақалар миқдори 20,8 фоизга ўсгани, инфляция даражаси 6 фоиздан ортмагани, бозор ва дўконларимиз расталари тўкин-сочин бўлиб, кўзни қувонтираётгани, нарх-наво меъёрдан ошмагани – буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганининг яққол далили ва исботи, десак, янглишмаган бўламиз.

Янги йилда ҳам айна шу сиёсатни изчил давом эттириш асосида аҳолимизнинг моддий аҳволи янада яхшиланиб, ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори бу рақамлардан кам бўлмайди, деб барчангизни ишонтириб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.

Қадрли юртдошлар!

Бугун биз катта орзу-умидлар билан кутиб олаётган янги – 2014 йил ҳақида, барчамизнинг эътиборимиз марказида туриши зарур бўлган вазифалар ҳақида гапирганда, энг аввало, қўлга киритган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, бепарволик кайфиятига берилмасдан, эришган натижаларимизни танқидий баҳолаб, ҳаёт талаблари билан ҳамоҳанг бўлиб, кўзлаган истиқболимизга қадам қўйишимиз ниҳоятда муҳимдир.

Шу маънода, биринчи навбатда, юртимизда тинчлик ва осойишталикни, меҳр-оқибат, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликни, қўшнилари билан дўстона муносабатларни янада

мустаҳкамлаш, ҳар қандай бало-қазоларни остона-мизга йўлатмаслик, сарҳадларимиз дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, бунинг учун Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини оширишга алоҳида аҳамият бериш – бугунги кунда нотинч замоннинг ўзи олдимизга кўяётган долзарб вазифалар қаторида сақланиши зарур.

Биз танлаган ва ўтган давр мобайнида ўзини тўлиқ оқлаган, чуқур ўйланган, жамиятимизни демократлаштириш ва ҳаётимизни эркинлаштиришга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш ва самарасини ошириш сиёсатимизни давом эттириш янги йилда барча дастурларимиз ва кундалик ҳаракатларимизнинг мақсадларига айланиши керак.

Шу борада замонавий корхоналарни ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатларини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш, соғлиқни сақлаш, биз учун муҳим ўрин тутадиган таълим-тарбия соҳасини янги босқичга кўтариш, кенг кўламли бунёдкорлик ишларимизни давом эттириш янги йилда ҳам энг устувор вазифаларимиз бўлиб қолади.

Кириб келаётган 2014 йилнинг юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинганини ҳалқимиз катта мамнуният билан кутиб олган-

ни ва кенг қўллаб-қувватлаётгани бу қарор эл-юртимизнинг олижаноб орзу-интилишларига нақадар ҳамоҳанг эканидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, болаларимизнинг соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши, уларнинг бахту иқболини кўриш – ҳар бир ота-она, ҳар қайси оиланинг энг улуғ ва муқаддас орзусидир.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, фақатгина жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, замонавий билимга, ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, Ватанимизнинг тақдири ва келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган янги авлодимизни камол топтириш – биз кўзлаган обод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг асосий гарови ва айтиш мумкинки, ҳал қилувчи шарти бўлиб майдонга чиқмоқда.

Айни шу ҳақиқатни чуқур англаб, «Соғлом бола йили» деб ном олган 2014 йилда ва келгусида ҳам бу масала, бу вазифа ҳам давлатимиз, ҳам жамиятимиз, барча-барчамизнинг доимо эътиборимиз марказида бўлиши лозим.

Азиз ва қадрли ватандошларим!

Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу орзу-мақсадларимизнинг рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-баракаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга,
барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад кел-
тирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз
ижобат бўлсин!

Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз
мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2013 йил 31 декабрь*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ
КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ
22 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН
ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ**

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз фахрийлари, кадрли юртдошлар!

Сизларни мамлакатимиз ҳаётидаги ғоят муҳим ва қутлуғ воқеа – Ватан ҳимоячилари куни ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 22 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистонда кейинги йилларда замонавий қурол-яроғ ва техника билан ҳар томонлама яхши таъминланган, ҳаракатчан, юксак талаб ва стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини самарали ва ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган миллий армияни шакллантириш бўйича кўлами ва миқёсига кўра улкан ишлар тизимли ва босқичма-босқич равишда амалга оширилди.

Бу борада ташкилий-штат тузилмаларини бутунлай қайта кўриб чиқишга, шунингдек, юз бериши мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар теа-

трининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, Қуролли Кучларни тезкор-стратегик бошқаришнинг замонавий ва самарали тизимини яратишга, қўшин турларининг ўзаро келишиб ҳаракат қилишини такомиллаштиришга, уларни замонавий техника ва қурол-яроғлар билан таъминлашга, жанговар ва ўқув тайёргарликнинг маъно-мазмунини ўзгартиришга, ҳарбий хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақадаги тез ўзгариб бораётган ва мураккаб ҳарбий-сиёсий аҳвол ва вазиятнинг янада кескинлашиш эҳтимолини инобатга олиб, Қуролли Кучларимиз таркибидаги қисм ва бўлинмаларнинг жанговар имкониятлари ва куч-қудрати, ҳаракатчанлиги ва уларни бошқариш самарадорлиги сезиларли равишда оширилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда дунёда ва ён-атрофимизда юз бераётган можаро ва тўқнашувлар, радикализмнинг кучайиши, Афғонистондаги урушнинг ҳамон давом этаётгани ва бу муаммони ҳал этиш борасида мавҳумлик сақланиб қолаётгани, терроризм ва диний экстремизмнинг фаоллашаётгани, тажовузкор наркотрафикнинг кенг тус олаётгани, чегараларимизга бевосита яқин ҳудудларда хавф-хатар кучайиб бораётгани – буларнинг барчаси бизда чуқур ташвиш ва хавотир уйғотмасдан қолмайди, албатта.

АЙСАФ деб аталмиш тинчликпарвар кучларнинг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши Марказий Осиё минтақасидаги барча мамлакатлар учун жиддий синовга айланиши, бизнинг жанубий сарҳадларимизда ва чегарадош ҳудудларда кескинликнинг янада кучайишига олиб келиши мумкин.

Бундай мураккаб ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган жараёнларнинг барчаси бугунги кунда ҳаммамиздан юксак даражадаги хушёрлик ва огоҳликни, чегараларимизда кескинликни келтириб чиқаришга қаратилган уринишларга йўл қўймаслик бўйича қатъий чораларни кўришни, мамлакатимизга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузкор хуружларга Қуролли Кучларимизнинг ўз вақтида ва муносиб зарба бериш қобилиятини таъминлашга доимо тайёр туришимизни талаб этмоқда.

Шу муносабат билан юзага келаётган мураккаб вазиятда армиямизни ислоҳ этишни ва унинг мудофаа қудратини, жанговар салоҳиятини, мамлакатимиз суверенитетини ҳимоя қилиш, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг тинч ҳаётини кўз қорачиғидек асраш бўйича тайёргарлигини янада мустаҳкамлашни давом эттириш зарур, деб ҳисоблайман.

Чегарадош ҳудудларда ва бутун минтақадаги тез ўзгариб бораётган аҳволни аниқ мақсад асосида тизимли равишда чуқур таҳлил ва прогноз қилиб бориш, сарҳадларимиздаги вазият-

ни жиддий тарзда мураккаблаштириши мумкин бўлган террорист ва экстремист кучлар хатти-ҳаракатларининг фаоллашув эҳтимоли билан боғлиқ бўлган хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлашни таъминлаш Қуролли Кучлар, Мудофаа вазирлиги, Бош штаб ва ҳарбий округлар штабларининг асосий вазифаси ҳисоблансин.

Ана шу асосда мамлакатимизнинг мудофаа соҳасидаги қурилиш тизимини такомиллаштириш жараёнини, ҳарбий операциялар амалга ошириладиган ҳар қайси йўналишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда давом эттириш фоят муҳимдир. Мамлакатимиз хавфсизлигига нисбатан, биринчи навбатда, чегара ҳудудларида вужудга келадиган хатарларнинг олдини олиш бўйича, ҳарбий округлар ва чегара қўшинлари бўлинмалари томонидан биргаликда олиб бориладиган ўзаро мувофиқлаштирилган жанговар операцияларни ўтказиш учун, доимий тайёргарликни таъминлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бундай шароитда Давлат чегараларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш учун жалб этиладиган бўлинмаларнинг бир-бирининг ўрнини босишга ҳар томонлама қодир бўлиши ва юксак даражада келишиб ҳаракат қилиши, шунингдек, уларнинг биргаликдаги жанговар тайёргарлиги ҳал қилувчи роль ўйнаши зарур.

Бу борада Қуролли Кучлар ва ҳарбий округлар қўмондонлиги томонидан қўшинларнинг амалдаги ўқув ва жанговар тайёргарлик тизимининг танқидий баҳоланиши ўта муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тизим яқин ва ўрта муддатга мўлжалланган истиқболда минтақада юзага келадиган реал ҳарбий-сиёсий вазият талабларига тўла жавоб бериши керак.

Шу муносабат билан хорижий мамлакатларда тўпланган тажрибани атрофлича ўрганиш асосида чегара қўшинлари ва Мудофаа вазирлиги қисмларининг, вертолёт-ҳужум ва махсус операцияларни амалга оширадиган бўлинмаларнинг, биргаликдаги ҳаракатларга жалб этиладиган бошқа қўшин турларининг ўзаро ҳамкорлиги бўйича, турли модель ва вариантларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қисм ва бўлинмаларни мазкур тузилмаларнинг жанговар қобилиятини сезиларли равишда ошириш имконини берадиган, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника турлари билан таъминлаш бўйича қабул қилинган режа ва дастурларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш асосий вазифамиз бўлиб қолиши даркор.

Жанговар тайёргарликни сақлаш учун, шунингдек, янги қурол-яроғ ва ҳарбий техника намуналарини ишлаб чиқарадиган ва уларни модернизация қиладиган қўшма корхоналарни ташкил этиш учун

мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ва таъмирлаш базасини ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни кучайтириш лозим.

Жанговар взвод ва гуруҳларни ҳар томонлама пухта тайёрлаш борасидаги ишларни, ушбу бўлинмалар командирларига ва бутун шахсий таркибнинг профессионал тайёргарлигига бўлган талабнинг тобора ортиб бораётганини назарда тутган ҳолда такомиллаштириш зарур.

Взвод ва гуруҳларни тайёрлашда командирлар таркибида мавжуд аҳволни ҳар томонлама баҳолаш ва таҳлил этиш, ностандарт қарорлар қабул қилиш, мустақил жанговар вазифаларни бажариш вақтида бўлинмаларни моҳирлик билан бошқариш бўйича қатъий малакани шакллантиришга, мутахассисларнинг бир-бирининг ўрнини боса олиши ва бўлинмаларнинг юксак даражада уйғун ҳаракат олиб боришини таъминлаш мақсадида, шахсий таркибнинг ўзаро яқин мутахассислик турларини, янги техника ва қурол-яроғларни эгаллашига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Шу муносабат билан кенг билим ва тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган, замонавий фикрлайдиган, интеллектуал жиҳатдан ривожланган, шиддатли тарзда амалга ошириладиган замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида, ўз олдида қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир бўлган

ҳарбий кадрларни самарали тайёрлаш масаласи ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сержантлар корпусини тайёрлашни мустаҳкамлаш бўйича бошлаган ишларимизни давом эттириш ва чуқурлаштириш ғоят муҳим вазифаларимиз қаторига киради.

Сержантлар тайёрлаш мактаблари фаолиятини янги, замонавий талабларга мувофиқ ҳолда ҳар томонлама янгилашни назарда тутадиган, кичик командирларни тайёрлашнинг кўп бўғинли ягона тизимини янада ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш лозим. Профессинал жиҳатдан пухта тайёрланган сержантлар таркиби сўзда эмас, амалда армиямизнинг таянчи ва ўзагига айланиши зарур. Чунки ҳар қайси ҳарбий жамоадаги ахлоқий-руҳий ва маънавий муҳит кўп жиҳатдан айнан уларга боғлиқдир.

Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этиш, уларни ҳар томонлама қулай уй-жойлар, замонавий социал-маиший шарт-шароитлар, сифатли тиббий хизмат билан таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурларини тўлиқ рўёбга чиқариш ва ана шу мақсадлар учун ажратиладиган бюджет маблағларини янада кўпайтириш масалалари ҳам эътиборимиз марказида бўлиб қолиши даркор.

Қадрли дўстлар!

Армиямизнинг бўлғуси аскар ва офицерларини чақириққача бўлган даврда тайёрлашнинг ўрни ва аҳамиятини, уларнинг мазкур машаққатли касбни танлашга онгли ёндашиши нақадар муҳим эканини бугун алоҳида таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, албатта.

Шу муносабат билан таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда аҳолининг кенг қатламлари, жумладан, ҳарбий хизматчилар ва Қуролли Кучларимиз фахрийларини жалб этган ҳолда, ҳарбий-ватанпарварлик йўналишидаги тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишларни фаоллаштириш, бўлғуси аскарларнинг онгу тафаккурини, юртимиз тарихига оид билимларини ошириш, жисмоний чиниқтириш талаб этилади. Ҳарбий хизмат, ҳарбий кадрларни тайёрлаш ва армиямизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлардан мамлакатимиз фуқароларини хабардор этишда оммавий ахборот воситалари ва Интернетнинг миллий тармоғи имкониятларидан фаол фойдаланиш зарур. Бу борада расмиятчилик ва юзаки ёндашувларга йўл қўймаслик, ёшларимиз қалбида Ватанимизга чуқур меҳр-муҳаббат, унинг Қуролли Кучлари билан ғурурланиш ва ҳарбий хизматга ҳурмат туйғусини тарбиялаш лозим.

Бундай долзарб ва узоқ муддатга мўлжалланган вазифаларни амалга оширишда Мудофаа вазирли-

ги қошида ташкил этилган Жамоатчилик кенгаши, кенг жамоатчилик вакиллари, маданият, санъат ва спорт намояндалари алоҳида роль ўйнаши керак.

Ҳурматли ватандошлар!

Барчамиз учун алоҳида қадрли бўлган мана шу қутлуғ айёмда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 22 йиллигини байрам қилар эканмиз, ҳаммангизни, бутун халқимизни Ватан ҳимоячилари кунин билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Мана шу имкониятдан фойдаланиб, барча ҳарбий хизматчилар – аскар ва сержантлар, офицер ва генералларга, бугунги кунда миллий армиямиз сафларида мураккаб жанговар хизматни адо этаётган, ўзининг шарафли ва масъулиятли ҳарбий бурчини бажаришда жонбозлик кўрсатаётган барча юртдошларимизга самимий миннатдорлик билдираман.

Ҳаммангизга мустаҳкам соғлиқ, катта ютуқлар, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилиш йўлида куч-ғайрат тилайман.

Янги – 2014 йилда сизларга, оилаларингизга тинчлик-омонлик, бахт ва омад, қут-барака доимо ёр бўлсин!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони.
2014 йил 13 январь*

**2014 йил юқори ўсиш
суръатлари билан ривожлаиш,
барча мавжуд имкониятларни
сафарбар этиш, ўзини оқлаган
ислохотлар стратегиясини
изчил давом эттириш йили бўлади**

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Биз бугун 2013 йилнинг якунлари ҳақида гапирганда, аввало, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этамиз.

Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга, чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди. Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

Ўтган йил якунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни, экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди. Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга, жисмоний шахслар учун

даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилганига қарамасдан, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Юртимизда қабул қилинган 2011–2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга, қурилиш материаллари саноати 113,6 фоизга, енгил саноат 113 фоизга ва озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсгани мисолида буни яққол кўриш мумкин.

Телекоммуникация ускуналари, компьютер техникаси ва мобиль телефонлар, кенг турдаги маиший электроника маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган янги замонавий корхоналар ташкил этилмоқда. Иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқлари модернизация қилиниб, амалда технологик жиҳатдан янгиланмоқда.

Ана шундай ўзгаришлар натижасида ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди.

Мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни тубдан ошириш бўйича ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар ҳам амалий самарасини бермоқда.

Ўтган йили ана шундай товарлар ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 14,4 фоизни ташкил этди ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди. Бундай товарларнинг рақобатдошлиги нафақат ички бозорда, балки ташқи бозорда ҳам тобора ортиб бормоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бу борада саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кўламини кенгайтириш бўйича бажарган ишларимиз муҳим роль ўйнади.

Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми

қарийб икки баробар ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 455 та корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида 1 минг 140 та лойиҳа амалга оширилди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 баробар кўпайди ва импорт ўрнини босиш бўйича якуний самара 5 миллиард 300 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Айти пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, **кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожланти-**

**риш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммо-
сини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини
юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.**

**Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгариш-
лар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мус-
таҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор оши-
риш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга
эришишда энг муҳим омилга айланди.**

**Жаҳон бозоридаги конъюнктуранинг беқарор-
лигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг
ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди. Ташқи сав-
до фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард
300 миллион долларни ташкил этди. 2013 йилда
қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайга-
нига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта за-
хираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.**

**Сўнгги йилларда экспорт таркибида рақобат-
дош тайёр маҳсулотлар улуши барқарор суръатлар
билан ўсиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда.
2013 йилда умумий экспорт ҳажмининг 72 фоиз-
дан ортиғи тайёр товарлар ҳиссасига тўғри кел-
гани иқтисодиётимиз диверсификация қилинаёт-
ганининг яққол далолати, десам, хато бўлмайди.**

**Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни
қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларнинг амал-
га оширилгани экспорт фаолиятига 450 дан зиёд
янги корхонани жалб этиш имконини берди. Бу
борада Ташқи иқтисодий фаолият миллий бан-**

ки хузурида барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ташкил этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилишда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатишдан иборатдир. Жамғарманинг ўтган қисқа даврдаги фаолияти давомида 153 та тадбиркорлик субъектига умумий қиймати 56 миллион доллардан зиёд бўлган экспорт шартномаларини тузишда ёрдам кўрсатилди.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Рухсатингиз билан, мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ўзгаришларга алоҳида тўхталмоқчиман.

Аввало, қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

Айтиш керакки, изчил юқори ўсиш суръатлари билан бирга, ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улуши-

нинг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

Буни авваламбор иқтисодиётимизда амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришларнинг, мамлакатимиз бир пайтлардаги аграр республикадан босқичма-босқич равишда саноати ривожланган замонавий давлатга айланиб бораётганининг яққол тасдиғи сифатида қабул қилишимиз даркор.

Қишлоқ хўжалигининг ўзида кенг кўламли ўзгаришлар ва сифат жиҳатдан янгиланишлар юз бермоқда.

Юртимизда экин майдонларини оптималлаштириш ва қишлоқ хўжалиги экинларини районлаштириш борасида ҳар томонлама пухта ўйланган сиёсат олиб борилаётгани энг муҳим хомашё ва экспортбоп маҳсулот бўлмиш пахта етиштиришнинг нисбатан барқарор ҳажмини сақлаган ҳолда, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни бир неча баробар кўпайтириш имконини берди. Энг муҳими, халқимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлашга замин тугдирди, керак бўлса, уларни чет мамлакатларга экспорт қилишга имкон бермоқда. Хусусан, ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2

марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

Ўтган 2013 йилда миришкор деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – 7 миллион 800 минг тонна ғалла, 8 миллион 400 минг тонна сабзаёт етиштирилди. Мамлакатимизнинг улкан хирмонига 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етказиб берилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун мана шу юксак минбардан туриб, ўзининг пешона тери, қадок кўллари билан мамлакатимиз бойлигига бойлик кўшаётган, эл-юртимиз фаровонлигини таъминлаётган барча қишлоқ меҳнатчиларига ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик ва ҳурмат-эҳтиром билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.

Қишлоқларимиз ҳаётида юксак натижаларга эришишда, аввало, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг асосий шакли сифатида фермерликни йўлга қўйганимиз ва унинг ривожини учун кенг имкониятлар очиб берганимиз ҳал қилувчи роль ўйнади.

Бугунги фермер хўжаликлари самарали фаолият юритиш учун ўз ихтиёрида ижара асосидаги етарлича экин майдонларига эга бўлган, юксак самарали замонавий техника билан таъминланган, илғор технологияларни пухта эгаллаган йи-

рик хўжаликлардир. Мухтасар айтганда, улар қишлоқларимизнинг таянч устунидир.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда бундай фермер хўжалиқларининг сони 18 мингдан зиёдни ташкил этмоқда.

Юртимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг келажаги ҳақида гапирганда, ер ва сув ресурслари бўйича имкониятларимиз чекланганини ҳисобга олиб, бу борада ягона тўғри йўл – қишлоқ хўжалигини интенсив асосда ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, селекция ишларини чуқурлаштириш, юксак самарали замонавий агротехнологияларни жорий этиш ва сувдан оқилона фойдаланиш, энг муҳими – деҳқон ва фермерларнинг дарди билан яшаш, десам, ўйлайманки, барчангиз менинг фикримга қўшиласиз.

Фақат ерга меҳр, унинг унумдорлигини ошириш ва биринчи навбатда деҳқон ва фермерга доимий эътибор, уларнинг манфаати ҳақида ғамхўрлик қилиш – бу қишлоқни ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш бўйича биз танлаган йўлдир.

2008 йилдан бошлаб мамлакатимизда қарийб 1 миллион 500 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ер ости сувлари юқори бўлган майдонлар 415 минг гектарга ёки салкам 10 фоизга қисқарди, кучли ва ўртача шўрланган майдонлар 113 минг гектарга камайди.

Хабарингиз бор, ўтган йили 2013–2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастурини қабул қилдик. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, барча манфаатдор идоралар, Фермерлар кенгаши ва авваламбор, фермер хўжаликларининг ўзи ушбу дастурда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши даркор. Вазирлар Маҳкамаси мазкур дастур ижроси устидан тизимли назорат ўрнатсин.

Иқтисодиётимизни барқарор ривожлантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси тобора катта роль ўйнамоқда. Биз ўтган йилнинг бошида 2013–2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастурини тасдиқладик. 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маи-

ший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

Бу рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимиз хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда тараққий топган кўпгина давлатлар даражасига тобора яқинлашиб боряпти, деб айтишга асос беради.

Ўтган йили банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш масаласи ҳам эътиборимиз марказида бўлди. Банкларнинг ресурс базаси кенгайиб, мустаҳкамланмоқда, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшиланмоқда. 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди.

Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир.

Банк тизимининг ликвидлиги 65 фоиздан зиёд бўлиб, бу жаҳон амалиётида умумий тарзда қабул

қилинган, «юқори» деб аталадиган кўрсаткичдан 2,2 баробар ортиқдир. Кредит портфели жами маблағларининг 80 фоизга яқини ички манбалар улушига тўғри келмоқда.

Айниқса, банк хизматларидан фойдаланиш даражасини алоҳида эътироф этиш ўринлидир. Масалан, юртимизда ҳар юз минг катта ёшдаги аҳолига 49,7 та банк муассасаси тўғри келаётгани, ҳар минг киши номига 1 минг 28 та банк ҳисоб рақами очилгани халқаро нормалар бўйича «юқори» деган баҳо кўрсаткичига мос келади.

Шу ўринда мамлакатимиздаги деярли барча тижорат банклари етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан бериладиган «барқарор» рейтинг даражасини олишга эришганини мамнуният билан қайд этишни истардим. Ва шу фурсатдан фойдаланиб, бугунги мураккаб бир замонда айти шу ютуқларни қўлга киритишда хизмат қилган мутасаддиларга миннатдорлик билдираман.

Ҳурматли дўстлар!

Биз оддий бир ҳақиқатни доимо эсда тутишимиз даркор. Яъни, сармоясиз тараққиёт йўқ, ишлаб чиқаришни ва умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашни инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга

кўпдир. Ўзлаштирилган капитал қўйилмалар умумий ҳажмининг деярли ярмини, яъни 47 фоизини хусусий инвестициялар – корхоналар ва аҳолининг шахсий маблағлари ташкил этгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Жалб этилаётган инвестицияларнинг асосий қисми – 70 фоиздан ортиғи, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш объектларини қуришга йўналтирилди, энг янги замонавий ускуналар харид қилишга сарфланган инвестициялар улуши эса қарийб 40 фоизни ташкил этди.

Умуман олганда, мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

Ўзлаштирилган умумий капитал қўйилмалар ҳажмининг 3 миллиард доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди. Шунинг 72 фоиздан зиёди ёки 2 миллиард 200 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши англаб олганмиз: агар ўзимиз ҳаракат қилмасак, четдан сармоя ва инвестицияларнинг мамлакатимизга, ўлкамизга кириб келиши учун қулай шароит ва имтиёзлар ташкил этмасак, керак бўлса, айти шу йўналишда астойдил, бутун вужудимиз билан ишламасак, бундай рақамларни тушимизда ҳам кўрмасдик. Бу – аниқ гап.

Мамлакатимизда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ташкил этилгани чет эл инвести-

цияларини жалб этишда кўп жиҳатдан муҳим аҳамият касб этмоқда, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди. Жамғарманинг асосий вазифаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва йўл-коммуникация соҳасидаги стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини хорижий шериклар билан ҳамкорликда молиялашда фаол иштирок этишдан иборат экани, ўйлайманки, сизларга яхши маълум.

Жамғарма фаолият бошлаганидан буён ўтган қисқа вақт мобайнида 15 миллиард доллардан зиёд миқдордаги активларга эга бўлган қудратли молия институтига айланди.

Жамғарма ўз маблағлари билан умумий қиймати 29 миллиард доллардан зиёд 86 та стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳасини ҳамкорликда молиялаштиришда иштирок этмоқда. Фақат 2013 йилнинг ўзида Жамғарма маблағлари иштирокида қиймати 780 миллион доллардан ортиқ бўлган 33 та ўта муҳим лойиҳа амалга оширилди.

2013 йилда Инвестиция дастури доирасида молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий қиймати қарийб 2 миллиард 700 миллион доллардан иборат бўлган 150 та ишлаб чиқариш йўналишидаги лойиҳани амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. Булар қаторида Тошкент иссиқлик электр марказида когенерацион газ турбинали технологияни жорий этиш; Жанубий Ўртабулоқ – Муборак газни қайта ишлаш заводи

газ қувурини ва компрессор станциясини барпо этиш орқали Сомонтепа ва Жанубий Ўртабулоқ конларини тўлиқ жиҳозлаш; «Ангрен» конини модернизация қилиш орқали Янги Ангрен иссиқлик электр станциясининг 1–5-энергия блокларини йил давомида кўмир билан ишлашга ўтказиш; «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида «Оҳангарон» подстанциясини реконструкция қилиш, «Бекобод цемент» очик акциядорлик жамиятида янги линия қуриш ҳисобидан фаолият кўрсатаётган цемент ишлаб чиқариш жараёнини модернизация қилиш, «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонасида металл қуйишни реконструкция қилиш ва бошқа йирик лойиҳалар борлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Шу билан бирга, Тошкент ва Наманган вилоятларида замонавий тўқимачилик комплекслари, Жиззах ва Хоразм вилоятларида йигирув ва тўқув, Самарқанд вилоятида спорт пойабзаллари ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Озиқ-овқат саноати бўйича 21 та корхонада ишлаб чиқариш модернизация қилинди ва техник қайта жиҳозланди.

Маълумки, биз мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш ва янгилаш, замонавий инновацияларга асосланган ва юксак самарали технологияларни жорий этиш бўйича ўз олдимизга катта мақсадлар қўйганмиз. Уларни амалга оширишда керакли имтиёзларга эга

бўлган махсус индустриал зоналарни ташкил этиш йўлида охирги йилларда биз кўпгина тажрибаларга эга бўлмоқдамиз.

Бунинг амалий тасдиғини «Навоий» ва «Ангрен» махсус индустриал зоналари фаолияти миқсолида кўриш мумкин.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён унинг ҳудудида умумий қиймати 100 миллион доллардан зиёд бўлган 19 та инвестиция лойиҳаси бўйича ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди. Жумладан, юксак технологиялар асосида модем ва телевизорлар учун приставкалар, электр энергияни электрон ҳисоблагичлар, юқори кучланишга чидамли кабеллар, иссиқлик ва сув иситиш қозонлари, мобиль ва стационар телефон аппаратлари, тайёр дори воситалари ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2013 йилда махсус зонадаги корхоналар томонидан қиймати 100 миллиард сўмдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди ва бу борадаги ўсиш суръати 2012 йилга нисбатан 25,8 фоизни ташкил этди.

«Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қисқа муддатда умумий қиймати қарийб 44 миллион доллар бўлган 5 та лойиҳа асосида энергияни тежайдиган диодли ёруғлик лампалар, турли катталикдаги мис қувурлар, кўмир брикетлари каби юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, шакар

ишлаб чиқариш бўйича янги завод ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

Айни шу йўналишда тўпланган тажрибани ҳисобга олиб, ўтган йилнинг март ойида Жиззах вилоятида «Жиззах» махсус индустриал зонаси ташкил этилгани сизларга яхши маълум. Сирдарё вилоятида бу зонанинг филиали фаолият кўрсатиши кўзда тутилган.

Бугунги кунда «Жиззах» махсус индустриал зонаси ҳудудида транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш бўйича фаол ишлар олиб борилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида мазкур зона ҳудудида Хитой компаниялари иштирокида 100 минг дона мобиль телефон ишлаб чиқариш, шунингдек, чорва маҳсулотларини қайта ишлаш ва озуқа тайёрлаш бўйича умумий қиймати қарийб 6 миллион доллар бўлган дастлабки 3 та лойиҳа амалга оширилди.

2013 йилда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари юқори суръатлар билан олиб борилди.

Ўзбекистон Миллий автомагистрали таркибига кирадиган автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари изчил давом эттирилди. Масалан, умумий фойдаланишдаги 530 километрлик автомобиль йўли қурилиб, реконструкция қилинди. Тўрт қаторли «Ғузор – Бухоро – Нукус –

Бейнов» автомобиль йўлининг 141 километрлик тармоғини цемент-бетон билан қоплаш, тўрт қаторли «Тошкент – Ўш» автомобиль йўлининг Қамчиқ довони орқали ўтадиган 18 километрлик қисмида асфальт-бетон ётқизиш ишлари амалга оширилди, ана шу йўлнинг Қўқон шаҳрини айланиб ўтадиган 15 километрлик тармоғи, шунингдек, Тошкент айланма йўлининг янги йўналиши барпо этилди ҳамда Бухоро шаҳридаги ҳалқа йўлда йўл ўтказгич қурилиши якунига етказилди.

Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун ўтган йили Республика йўл жамғармаси ва халқаро молия институтларининг 565 миллион доллар қийматидаги маблағлари жалб этилди.

2013 йилда темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш бўйича ишлар жадал олиб борилди. Йил давомида ушбу мақсадлар учун 477 миллион доллар қийматидаги капитал қўйилмалар йўналтирилди. Бу, ўз навбатида, 240 километрлик темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, ўз кучимиз билан 550 та юк ва 30 та йўловчи ташийдиган вагон ишлаб чиқариш имконини берди.

Ўтган йили мамлакатимиз жанубий вилоятларининг иқтисодий салоҳиятини янада оширишда катта аҳамият касб этадиган «Мароқанд – Қарши» ва «Қарши – Термиз» темир йўл участкаларини электрлаштириш ишлари фаол олиб борилди.

2013 йилда хитойлик шерикларимиз билан ҳамкорликда транспорт коммуникацияси соҳасида мамлакатимиз учун улкан стратегик аҳамиятга эга бўладиган яна бир йирик лойиҳани амалга оширишни бошладик. Бу ўринда сўз «Ангрен – Поп» йўналишида электрлаштирилган янги темир йўлни ва 19 километрлик темир йўл тоннелини қуришни кўзда тутадиган лойиҳа ҳақида бормоқда.

Бу темир йўл Ўзбекистоннинг марказий қисмини Фарғона водийси вилоятлари билан ишончли боғлаш, мамлакатимиз ҳудудида ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш бўйича ишларни якунига етказишда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бирга, у Европа қитъасини Осиё билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Ўтган йили иқтисодиётнинг барча тармоқларига ва кундалик ҳаётимизга **ахборот-коммуникация технологияларини** кенг жорий этиш масаласига ўта муҳим эътибор қаратилди. Хусусан, «Шаҳарлараро коммутация марказларини янги авлод тармоқ технологиялари асосида модернизация қилиш ва кенгайтириш» (NGN), «FTTx технологияси бўйича кенг қамровли форматда фойдаланиш имконини берадиган оптик тармоқларни ривожлантириш», «Ўзбекистон Республикаси минтақаларида EVDO технологияларини жорий этиш орқали CDMA – 450 мобиль

тармоғини ривожлантириш» каби ва бошқа йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш эътиборимиз марказида бўлди.

Ушбу лойиҳаларнинг самарали ниҳоясига етказилиши дунёнинг замонавий алоқа ва ахборот воситалари юқори даражада ривожланган мамлакатлари қаторига қўшилиш, ишбилармонлик соҳасидаги алоқаларни кенгайтириш бўйича қўшимча имкониятлар яратади.

Мамлакатимиз аҳолисининг 45 фоиздан зиёдини рақамли телевидение билан қамраб олишни кўзда тутадиган 5 та рақамли телевизион узатгични Жиззах, Тошкент, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумот узатиш, статистика, молия ва солиқ ҳисоботларининг электрон шакли ва тармоқлари ҳаётимизга изчил ва тизимли асосда жорий этилмоқда. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг 89 фоиздан ортиғи солиқ ҳисоботларини, қарийб 86 фоизи статистик ҳисоботларни электрон шаклда топширмоқда.

2011 йилда биржада савдо иштирокчиларининг юқори даражадаги рақобатини ва тенг иштирокини таъминлайдиган, электрон савдо шаклида амалга ошириладиган замонавий давлат харидлари тизими жорий этилгани ҳар томонлама эътиборга ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

2013 йилда электрон савдолардаги давлат харидлари ҳажми 417 миллиард сўмни ташкил этди

ва савдо якунлари бўйича 83 миллиард сўмлик бюджет маблағлари тежаб қолинди. Бунда давлат харидлари доирасида сотувга қўйилган товар ва хизматларнинг 83 фоиздан зиёди кичик бизнес субъектлари томонидан амалга оширилганини алоҳида қайд этиш керак.

Бундан ташқари, товар ва хизматлар учун тўловларни, банкдаги ҳисоб рақамлари ва пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, Интернет тармоғи ва мобиль телефон орқали, аҳолидан қўшимча воситачилик ҳақини олмасдан амалга ошириш тизими жорий этилди.

Айни вақтда буларнинг барчаси замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бўйича келгуси йилларда амалга оширишимиз зарур бўлган кенг кўламли чора-тадбирлар тизимидаги дастлабки қадамлар бўлиб, бу ишларни изчил давом эттиришимиз лозим.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ўтган йили аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади.

Янги иш ўринлари ташкил этиш, бандликни таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари доимо эътиборимиз марказида бўлиб қолмоқда.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастур-

ларнинг амалга оширилиши натижасида 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди. Бу иш ўринларининг 60,3 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларда яратилди. Бу борада кичик корхоналар, микрофирмалар ва яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш эвазига 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Ўтган йили биз учун энг устувор вазифа бўлмиш касб-ҳунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди ва айтиш жоизки, бунинг аҳамиятини баҳолашнинг ўзи қийин. Ўз хусусий ишини очиб, бизнес билан шуғулланишга қарор қилган коллеж битирувчиларига 140 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда ижтимоий соҳани ислоҳ этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тизимида қишлоқ аҳоли пунктларининг қиёфасини тубдан ўзгартириш, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, қишлоқда моҳият эътибори билан янги инфратузилмани шакллантириш ҳисобидан қишлоқ аҳлининг ҳаётини янада яхшилашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этил-

ди, умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг 500 дан зиёд якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди. 732 километр асфальт қилинган автомобиль йўллари, мингдан ортиқ ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди.

2013 йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метрдан зиёд бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир. Ушбу мақсадлар учун қарийб 650 миллион доллар қийматидаги маблағ йўналтирилди. Бунинг 106 миллион доллари Осиё тараққиёт банкининг кредит маблағларидир.

Қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ аҳолисининг тураржой шароитларини яхшилаш бўйича бизнинг бундай тажрибамиз халқаро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўтган йил апрель ойида Тошкент шаҳрида замонавий уй-жой қурилиши мавзусида ўтказилган халқаро конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН), ЮНЕСКО ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатидан 300 дан ортиқ олим, мутахассис ва экспертлар иштирок этгани бунинг ёрқин исботидир.

Қадрли дўстлар!

2013 йилда таълим-тарбия соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш, мактаблар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор берилди.

Ўтган йили 28 та янги касб-хунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлири тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-хунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар музика ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

2013 йилда таълим-тарбия тизимини ислох этиш борасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳақида сўз борар экан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг хорижий тилларни ўзлаштириш даражасини оширишга қаратилган ишларни алоҳида қайд этмоқчиман. Жаҳонда интеграция жараёнлари кучайиб, кундалик ҳаётга компьютер технологиялари ва Интернет кенг жорий этилаётган бугунги шароитда чет тилларни пухта билмасдан ва эгалламасдан туриб келажакни қуриб бўлмаслигини барчамиз яхши англаб олмоқдамиз.

Шуларни инобатга олиб, биз ўтган ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактабларининг биринчи

синфидан чет тилларни ўргатишнинг узлуксиз тизимини жорий этдик.

Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларни ўргатиш бўйича 17 мингдан ортиқ ўқув хоналари ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича мультимедиа варианты илова қилинган, 538 мингдан зиёд рангли дарслик чоп этилди. 2 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг кишига етди.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет тилларни бир хил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларга юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида, тариф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда, уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди. Телевидениеда чет тилларни ўргатиш бўйича қизиқарли ўйинлар дастурига эга бўлган махсус болалар маърифий каналлари ташкил қилинди.

2013 йилда тиббиёт-санитария соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт принципи асосида ишлаш шаклига ўтказилди. Бу эса юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш бўйича жорий этилаётган чора-тадбирлар тизимида муҳим қадам бўлди. Бундай ўзгариш қишлоқ жойларда, айниқса, чекка туманларда яшаётган 14 миллион 600 минг нафар аҳолига малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконини берди.

Туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек, болалар ва ўсмирларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011–2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилди.

Бу 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди. Мухтасар айтганда, «Она ва бола скрининги» дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсони бор болаларнинг туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайди.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз эришган катта ютуқлардан биридир.

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг натижасида 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробар ортди ва 91,7 фоизга етди, жумладан, юқори технология-

ларга асосланган ускуналар билан жиҳозлаш даражаси 82,6 фоизни ташкил этмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда қишлоқ врачлик пунктларининг фаолияти, айниқса, касалликларни эрта аниқлаш ва уларнинг олдини олиш бўйича замонавий талабларга тўла жавоб бермаслигини қайд этиш даркор. Қишлоқ врачлик пунктларини ялпи текшириш натижалари буни яна бир бор кўрсатди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан ҳамкорликда қисқа муддатда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятида зарур тартиб ўрнатиш, тажриба тариқасида бир қатор туманларда патронаж ҳамшираларининг фаолият самарадорлигини кучайтириш бўйича тегишли рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириши зарур.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда амалга ошираётган ижтимоий сиёсатимизнинг аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришдаги таъсири ва натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан.

2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Россия-

да 25,7 фоиздан, Марказий Осиё мамлакатларида эса 23–28 фоиздан иборатдир. Жорий 2014 йилда мамлакатимизда бу кўрсаткични 41 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Оилалар даромадлари таркиби ўзгармоқда – тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан зиёдини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 20–25 фоиздан ошмайди.

Энг муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистонда энг паст ва энг юқори даромад оладиган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги тафовут даражаси сўнгги йилларда 8 баробарга тўғри келмоқда. Кўпгина, шу жумладан, кўшни давлатларда бу рақам мамлакатимиздаги кўрсаткичдан бир неча баробар юқори экани, яъни ўта камбағал ва ночор аҳоли гуруҳлари ва ўта бойлар гуруҳи орасидаги тафовут ошиб бораётганини таъкидлаш лозим.

2013 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолимизнинг истеъмол харажатлари 9,5 баробар ошганининг ўзи кўп нарсадан далолат беради.

Сўнгги йилларда жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда, айни вақтда ноозиқ-овқат маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-харажатлар миқдори ҳам сезиларли равишда кўпаймоқда. Мисол учун, мустақиллик йил-

ларида гўшт истеъмоли – 1,4 марта, сут – 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари – 2,6 марта, картошка – 2 баробар, мевалар истеъмоли – 6,4 карра ошди.

Юртимиздаги оилаларни узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминлаш борасидаги аҳвол ҳам тубдан ўзгарди. Хонадонларни холодильник, кондиционер, шахсий компьютер, телевизор, мобиль телефон ва бошқа замонавий маиший техника воситалари билан таъминлаш даражаси ошмоқда.

Айниқса, сўнгги йилларда аҳолининг ўзимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобиллар билан таъминланиш даражаси ўсгани эътиборлидир. Агар 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етди.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиздаги оилаларнинг 11 фоиздан ортиғи иккитадан енгил автомобилга эга. Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, нимадан далолат беради?

Бу кўрсаткичлар, энг аввало, бизнинг ўз олдимизга қўйган юксак мақсад – дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидан изчил ва босқичма-босқич илгарилаб бораётганимизнинг исботи бўлиб, ана шу мамлакатлар эришган марраларга биз ҳам албатта етамиз, деган ишончни туғдиради.

Хурматли юртдошлар!

Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари, аввало, бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга, саноатни 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, чакана савдо айланмасини 13,9 фоизга кўпайтириш, бозор хизматларини 16,2 фоизга оширган ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

Солиқ юқини янада камайтириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажмини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш иқтисодиётимиз ривожига албатта муҳим аҳамият касб этади.

Бундай солиқ енгилликлари 130 миллиард сўмдан ортиқ маблағни тежаш ва уни корхоналар ихтиёрида қолдириб, уларнинг ўз айланма маблағларини кўпайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш, шунингдек, аҳоли даромадларини 90 миллиард сўмдан кўпроқ ошириш имконини беради.

2014 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга туширилди.

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, 2014 йил саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш йили бўлади.

Молиялашнинг барча манбалари бўйича капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион долларни ташкил этади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши таъминланади, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2013 йилги 23 фоиз даражасида сақлаб қолинади.

Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади.

Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 29 фоизга ўсишини таъминлаш мўлжалланмоқда.

Хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри инвестициялар қарийб 69 фоизни ташкил этиши ва уларнинг ҳажми 2014

йилда 22,4 фоизга ортиши алоҳида эътиборга лойиқ.

Бу йил умумий қиймати 4 миллиард 400 миллион доллар бўлган 150 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Шулар қаторида «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг ишлаб чиқариш қувватини 200 минг тоннадан 600 минг тоннага ошириш», «Хоразм вилоятида «Дамас» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил этиш», «Жиззах вилоятида 760 минг тонна портландцемент ёки 350 минг тонна оқ цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш», «Ўзбекистон–Хитой газ қувурининг учинчи тармоғини қуришни ниҳоясига етказиш», «Шўртан ва Алан конларини ободонлаштириш ва компрессор станциясини барпо этиш» бўйича ва бошқа муҳим лойиҳаларни ниҳоясига етказиш мўлжалланмоқда.

Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплексини қуриш, Шўртан газ-кимё комплексида ишлаб чиқарилаётган тозаланган метан негизида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича қурилиш ишлари давом эттирилади.

Электр энергетикаси соҳасида Таллимаржон иссиқлик электр станциясида қуввати 450 мегаватт бўлган 2 та буғ-газ қурилмасини барпо этиш йўли билан кенгайтириш ишлари олиб борилади. Тошкент иссиқлик электр станциясида қуввати 370 ме-

гаватт бўлган буғ-газ қурилмаси ишга туширилади. Навоий иссиқлик электр станциясида қуввати 450 мегаватт бўлган иккинчи буғ-газ қурилмасини барпо этиш орқали кенгайтириш ишлари бажарилади.

Кимё саноатида Қўнғирот сода заводининг иккинчи навбати қурилади ва шунингдек, «Навоий-азот» очик акциядорлик жамиятида метанол, аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва бошқа лойиҳалар амалга оширилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

2014 йилга мўлжалланган кенг кўламли дастурий мақсад ва вазифалар ислохотларимизни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиши йўлида ғов бўлиб турган муаммоларни ечиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишни талаб қилиши ҳақида бугун гапириб ўтиришнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Бу ўринда сўз, биринчи навбатда, мамлакатимизда том маънодаги рақобат муҳитини шакллантириш ҳақида бормоқда. Маълумки, бундай муҳит ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш ва модернизация қилиш, жаҳон бозорларига чиқиш йўлида ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Бугун шунини тан олишимиз керакки, бу йўналишда амалга оширилаётган дастурий чора-тадбирлар замонавий талабларга ҳали-бери тўлиқ жавоб бермайди.

Биз ҳанузгача эскича фикрлаш қолипидан чиқа олмаяпмиз, ўз умрини ўтаб бўлган, эски ва яроқсиз планли-таксимот тизими қолдиқлари, афсуски, бутунлай барҳам топгани йўқ. Кескин рақобат шароитида солиқ имтиёзлари ва про-теక్షционистик чоралар ҳисобидан яшаш мум-кин, деган нотўғри қараш миямизга чуқур ўрнашиб қолган.

Бундай чоралар, аввало, корхоналар манфаа-тига зарар етказиб, уларнинг даромадини камай-тириш билан бирга, давлат бюджетига сезиларли равишда зиён етказиши ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Энг муҳими, ҳар қандай имтиёз ва преференциянинг умри узоқ эмаслигини эсимиз-дан чиқармаслигимиз зарур.

Фақат шундай имтиёз ва преференцияларга таяниб қолган корхоналар очик иқтисодиёт ша-роитида хорижий компаниялар билан нафақат таш-қи, балки ички бозорда ҳам рақобатлаша олмайди.

Ўйлайманки, бу масала бўйича тушунтириш ва изоҳ бериб ўтиришнинг даври ўтди, эскича бошқариш қолиплари ва усулларидан қутула олма-ётган раҳбарлардан қатъий воз кечадиган вақт кел-ди. Бугун ҳаётнинг ўзи корхона ва бирлашмалар-ни бошқаришда замонавий фикрлайдиган, пухта тайёргарликка эга бўлган менежерларга таянишни талаб этмоқда.

Ҳеч кимга сир эмаски, ишлаб чиқариш ха-ражатларининг юқори экани, тайёрланаётган

маҳсулотларнинг материал ва энергияни кўп талаб қилиши ва аввало, иқтисодиёт реал сектори тармоқларининг технологик жиҳатдан қолоқлиги бугунги кунда рақобатдошликни оширишда жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Юртимиздаги 500 дан ортиқ реал сектор корхонасида ишлатилаётган 160 мингдан зиёд ускуна бўйича ўтказилган техник аудит натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ана шу ускуналарнинг 30 фоиздан ортиғи эскириб кетган. Жумладан, электр техника саноатида ускуналарнинг 44 фоизи, машинасозлик тармоғида 37 фоизи, кимё саноатида 21 фоизи, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда 20 фоизи, озиқ-овқат саноатида 19 фоизи, енгил саноатда 8 фоизи эскирган.

2009–2013 йилларда самарасиз ишлаётган 172 та корхона тижорат банклари балансига ўтказилди. Уларнинг 112 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва янги мулкдорларга сотилди. Банклар балансида қолган корхоналарнинг 43 тасида эса ишлаб чиқариш фаолияти тикланди, яна 17 та корхонада бу борада иш олиб борилмоқда.

Ана шу корхоналарда модернизация ва ишлаб чиқариш фаолиятини тиклаш жараёнларини амалга ошириш учун 316 миллиард сўм ҳажмидаги инвестиция киритилди ва бунинг натижасида 9 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда 140 дан ортиқ корхона зарар кўриб ишламоқда. Уларнинг 67

таси йирик корхоналар бўлиб, 10 таси саноат соҳасига, жумладан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, кимё, электр техника ва фармацевтика саноати тармоқларига тегишлидир. Масалан, Тошкент трактор заводи, «Агрегат заводи», «Чирчиққишлоқмаш», «Ўзпахтамаш» очик акциядорлик жамиятлари оғир молиявий аҳволга тушиб қолган.

«Самарқанд кимё заводи», «Жиззах пластмасса» очик акциядорлик жамиятлари каби йирик кимё саноати корхоналари, шунингдек, мамлакатимизда турли ёритиш воситаларига эҳтиёж катта эканига қарамасдан, Тошкент шаҳридаги «Оникс» очик акциядорлик жамиятида ҳам аҳвол қониқарли эмас.

Коммунал соҳада 26 та зарар кўриб ишлаётган корхона, шу билан бирга, йўл қурилиши соҳасида 13 та иқтисодий ночор корхона мавжуд экани ҳам ташвиш уйғотади.

Вазирлар Маҳкамаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, манфаатдор тузилмаларни жалб этган ҳолда 3 ойлик муддатда юқорида кўрсатиб ўтилган корхоналар бўйича уларни молиявий инқироздан ва банкротликдан чиқариш бўйича «йўл харитаси» деб аталадиган дастурларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

Бундай чора-тадбирларни қўллаш фойдасиз бўлган корхоналарни эса ноль қиймати бўйича ху-

сусий жисмоний шахсларга сотиш масаласи кўриб чиқилсин.

Бугунги кунда хусусий мулк шаклидаги корхона давлат мулки бўлган корхонадан кўра анча самарали ишлашини исботлаб ўтиришнинг зарурати бўлмаса керак.

Тан олиш керакки, бу ҳақда гапирганда, баъзан хусусий мулк тушунчасини нодавлат мулкка асосланган корхоналар тушунчаси билан чалкаштирамиз. Мазкур таърифларга қатъий аниқлик киритиш ва энг муҳими, қонунларимизга мувофиқ равишда иқтисодиётда хусусий мулкнинг устуворлигини амалда таъминлаш, уни қўллаб-қувватлаш ва дахлсизлигини кафолатлаш даркор.

Ишбилармонлик – бизнес юритиш учун амалий қулай шароит туғдириб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг навбатдаги энг муҳим йўналишига айланмоғи зарур.

Сўнгги йилларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратиш борасида биз улкан ишларни амалга оширдик.

Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принцип жорий этилди. Фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид

80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилди, 22 турдаги интерфаол солиқ хизмати жорий этилиб, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилди.

Шуни қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилди, банкларда ҳисоб рақами очиш учун тўловлар бекор қилинди ва шу борада бошқа зарур тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди.

Айни пайтда шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимиздаги ишбилармонлик муҳити ва бизнес юритиш шароитининг бугунги ҳолати эркин бозор иқтисодиётининг талаб ва принциплари, умумий халқаро нормаларга тўлиқ жавоб беради, деб айта олмаймиз.

Тадбиркорларимиз қишлоқ жойларда энергия таъминотининг беқарорлигига, ишлаб чиқариш ва йўл инфратузилмасининг керакли даражада

ривожланмаганига, текширувларнинг кўплигига, шунингдек, жойларда ижро интизомининг нисбатан пастлигига ҳалигача дуч келмоқда.

Бу ўта муҳим масалага яна ва яна бир бор эътибор қаратиб, алоҳида таъкидлашни зарур деб биламан: тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш учун турли рухсатномалар бериш муддатларини янада қисқартириш, уларнинг тартиб-таомилларини соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорлик йўлидаги ортиқча бюрократик ғовларни бартараф этиш ва бундай ҳолатларга йўл қўймасликни жиддий назоратга олишимиз шарт.

Лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини электрон шаклда тақдим этиш, коммунал хизматлар, шунингдек, солиқ солиш ва божхона расмийлаштируви бўйича хизматларни интерфаол шаклда кўрсатишга ўтишни тезроқ амалга ошириш зарур.

Электрон тижоратни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни жорий этиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 10 миллиондан зиёд пластик карточка муомалага чиқарилган бўлиб, уларнинг қарийб 2 миллион 500 мингтаси онлайн карточкалардир. Бугунги кунда телекоммуникация ва коммунал хизматлар учун тўловларни Интернет орқали тўлаш мумкин. Энг қисқа муддатларда бу борадаги ғов ва тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳани янада ривожлантириш керак.

Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси бошқа манфаатдор тузилмалар билан биргаликда икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига электрон тижоратни кенгайтиришга доир таклифларни киритсин ва 2004 йилда қабул қилинган ва бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрирдаги лойиҳасини тайёрласин.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш жойларини шакллантириш ва аҳоли бандлиги, уй-жойлар қуриш ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, таълим-тарбия жараёнлари ва соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва такомиллаштириш доимо эътиборимиз марказида бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилади.

Мамлакатимиз парламенти томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ 2014 йилда салкам 1 миллион иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Жорий йилда меҳнат соҳасига қарийб 500 минг нафар ёш йигит-қизлар – 2–3 тадан мутахассисликни ва иш кўникмаларини эгаллаган, олган билим-

ларини иқтисодиётимизнинг турли соҳаларида, хизматлар ва бошқарув жабҳасида қўллашга тайёр бўлган касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари кириб келади.

Бу ўринда навқирон авлодимизни фаол меҳнат фаолиятига тўлақонли жалб этиш бўйича вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари, корхона ва коллежлар раҳбарларининг ўз зиммасига юкланган вазифаларни бажариш бўйича масъулияти ҳақида гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Вазирлар Маҳкамаси бу борадаги ишларни зарур даражада мувофиқлаштиришни таъминласин.

Бугунги кунда аҳолини ҳар томонлама шинам ва қулай уй-жойлар билан таъминлаш, уй-жой массивлари атрофидаги инфратузилмаларни обод қилиш юзасидан олиб борилаётган улкан ишлар одамларнинг кайфияти ва дунёқарашига, уларнинг ҳаёт сифатига қандай кучли таъсир кўрсатаётгани ҳақида ортикча сўз юритишнинг зарурати йўқ, деб ўйлайман.

Бу ўринда гап биринчи навбатда қишлоқларимиз аҳолиси ҳақида бормоқда. 2014 йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Давлат архитектура ва қурилиш кўми-

таси, Молия вазирлиги, «Қишлоқ қурилиш банк» ва «Қишлоқ қурилиш инвест» компанияси шу йилнинг февраль ойидан кечиктирмасдан жорий йил дастури бўйича молиялаштиришни бошлаши, март ойида эса уй-жойларни қуриш ишларини бошлашни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни кўришлари даркор.

Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимлари эътиборини бир масалага алоҳида қаратиб айтмоқчиман: қишлоқларимиз аҳолиси нафақат қулай уй-жойларда, айтилиши вақтда барча зарур муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларига – тиббиёт, спорт, банк, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва маданият муассасаларига эга бўлган обод посёлкаларда яшаши лозим.

Лўнда қилиб айтганда, янгитдан барпо этилган бундай посёлкалардаги уй-жойларнинг сифат даражаси ва яратилган маиший қулайликлар шаҳардаги шароитлардан асло кам бўлмаслиги керак.

2014 йилда таълим-тарбия соҳасида 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицейни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш мўлжалланмоқда.

Касб-ҳунар коллежларининг ўқув-ишлаб чиқариш устахоналарини юксак технологиялар асо-

сида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ва ўқув техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ўтган 2 йил давомида олий ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича кўп ишлар амалга оширилди. Хусусан, Қарши, Термиз, Урганч ва Бухоро университетлари, Тошкент давлат техника университети, Навоий давлат кончилик институти ва бошқа олий ўқув юртлирининг янги ўқув биноларини қуриш ва мавжуд корпусларини реконструкция қилиш, уларни замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди.

2014 йилда 34 та олий ўқув муассасасида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 173 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Жумладан, Андижон, Қарши давлат университетларида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа олий ўқув юртлирида янги ўқув бинолари ва ахборот-ресурс марказлари қуриш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 51 миллиард сўм маблағ ҳисобидан мамлакатимиздаги 17 та олий ўқув юртида капитал таъмирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислоҳ этиш ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалалари 2014 йилда ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади.

Жорий йилда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган маблағлар 407 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этади ёки уларнинг ҳажми қарийб 30 фоизга ортади.

Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун халқаро молия институтларининг 28 миллион доллардан ортиқ имтиёзли кредитларини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, биз 2014 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ўхшаши бўлмаган, халқаро стандартлар бўйича энг юқори, яъни тўртинчи даражали ҳисобланадиган кўп тармоқли махсус болалар шифохонасини Корея Республикаси ҳукуматининг 103 миллион доллар миқдоригаги маблағи ҳисобидан барпо этишни бошлаймиз. Айтиш керакки, ушбу шифохона 250 та даволаш ўрнига ва бир кеча-кундузда 200 нафар болани қабул қила оладиган поликлиникага эга бўлади.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2014 йилда 115 та болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни, асосан, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш учун 107 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилмоқда.

Қадрли ватандошлар!

Бизнинг ўз олдимизга қўйган асосий мақсадимиз – бошлаган ислохотларимиз, иқтисодиётимизни янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш ва чуқурлаштириш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини изчил ошириб боришни таъминлаш, тенглар ичида тенг бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашдан иборатдир.

Янги – 2014 йилнинг юртимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинган жамоатчилигимиз, халқимиз томонидан қандай кўтаринки кайфият ва мамнуният билан кутиб олинганига, кенг қўллаб-қувватланаётганига барчамиз гувоҳмиз.

Жорий йилга бундай ном берганимиз, авваламбор, болаларимизнинг соғлиғи ҳақида, уларнинг келажаги ҳақида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодасидир.

Бизнинг вазифамиз, керак бўлса, олий бурчимиз – фарзандларимизнинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан уйғун ривожланган, замонавий билим ва тажрибаларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши учун қўлимиздан келган барча-барча ишларни амалга оширишдан иборатдир.

Биз яқин кунларда «Соғлом бола йили» бўйича кенг қўламли давлат дастурини қабул қиламиз. Бу

дастур бизнинг ана шундай ҳақиқатан ҳам буюк мақсад-муддаоларимизни рўёбга чиқаришда, ҳеч шубҳасиз, янги ва улкан қадам бўлади.

Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белимизни маҳкам боғлаб, ҳар биримиз ўз жойимизда астойдил меҳнат қилсак, Ватанимиз равнақи ва тараққиётига муносиб ҳиссамизни қўшсак, мен ишонаман – олдимизда турган вазифалар қандай улкан ва мураккаб бўлмасин, биз ўз кўзлаган эзгу марраларимизга албатта эришамиз.

Шу йўлда барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат ва омад тилайман.

Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза.
2014 йил 17 январь

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар!

Қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчамиз орзиқиб кутган сўлим баҳор кириб келиши билан табиат очилиб, кўнгилларимиз ёруғ туйғуларга тўлиб бораётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларимни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон хотин-қизларини 8 март байрами билан чин қалбимдан муборакбод этишдан бахтиёрман.

Биз бугун Яратганнинг буюк мўъжизаси бўлган, ҳаёт давомийлиги ва абадийлигини ўзида мужассам этган аёл зотини, табаррук оналарни улуғлар эканмиз, беихтиёр мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир» деган мазмундаги ҳикматли сўзларини эслаймиз ва муқаддас Она сиймоси олдида таъзим қиламиз.

Ўзининг латофати ва нафосати, вафо ва садоқати, қалб саховати билан оилани оила қиладиган, хонадонларимиз бекаси ва чароғбони бўлмиш сиз, мунис аёлларимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, сизларни ҳар қанча эъзозлаб, бошимизга кўтарсак, арзийди, албатта.

Азизларим!

Ҳеч кимга сир эмас, мен давлат раҳбари сифатида доимо ўз чиқишларимда сиз, аёл зотига юксак ҳурмат ва эҳтиром билдириб, олдимизда турган улкан вазифаларни амалга оширишда, рўзгор ва оила тебратишда, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилишда, қайси соҳа бўлмасин, сизларнинг қўшаётган беқиёс ҳиссангизни ўзимга яққол тасаввур қилиб, сизларга яна ва яна бир бор чуқур миннатдорлик изҳор этишдан чарчамайман.

Ҳақиқатан ҳам, сиз, азизларнинг юртимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини кучайтиришдаги ўрнингиз ва таъсирингизни, чидам ва сабр-бардош, оқилалик ва шукроналик каби фазилатларингизни ҳеч нарса билан қиёслаб, баҳолаб бўлмайди. Ҳеч иккиланмасдан айтмоқчиман: ўзининг гўзаллиги ва фидойилиги, меҳнаткашлиги ва бағрикенглиги билан бизнинг юртимиз аёлларига тенг келадиган аёллар дунёда камдан-кам топилади.

Ҳурматли ватандошлар!

Биз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб хотин-қизларнинг жамиятимиздаги ўрни ва мавқеини, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги, иқтисодиётимизнинг турли соҳаларидаги нуфузини ошириш бўйича қандай катта қадамлар қўйганимиз ҳақида ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Бугун биз бошимиздан кечираётган, тез ўзгариб бораётган глобаллашув замонида сизларнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан, ҳаётимизнинг ҳал қилувчи устувор йўналишларида, замон талаблари билан ҳар томонлама уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, улкан ютуқларга эришаётганингизни биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Бугунги кунда юртимизда меҳнатга лаёқатли бўлган хотин-қизларимизнинг 62 фоиздан зиёди иқтисодиётимизнинг турли тармоқларида, ишлаб чиқариш ва бошқарув соҳасида фаол меҳнат қилмоқда.

Тан олиш керакки, аёллар бандлиги ҳақида сўз юритганда, биз одатда хотин-қизларнинг меҳнати, асосан, таълим соҳасида, аввало, боғча ва мактабларда, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида, енгил ва озиқ-овқат саноати, қайта ишлаш тармоқлари каби анъанавий йўналишларда, маданият ва санъат соҳасида кўпроқ талаб этилади, деб ҳисоблашга ўрганиб қолганмиз.

Шу муносабат билан бундай эскича қарашларни рад этадиган, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликда қизиқиш уйғотадиган баъзи бир аниқ рақам ва мисолларни келтиришни ўринли деб биламан.

Мисол учун, бугунги кунда фақатгина умумий ўрта таълим мактабларида хизмат қилаётган муаллим ва мураббийларнинг 70 фоизга яқинини аёллар ташкил қилади. Айни вақтда таълим-тар-

бия соҳасида энг замонавий босқич бўлмиш касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар тизимида меҳнат қилаётган опа-сингилларимизнинг улуши қарийб 50 фоизни, олий ўқув юртларида эса аёл профессор-ўқитувчилар 43 фоизни ташкил этиши алоҳида эътиборлидир.

Ёки соғлиқни сақлаш тизимини оладиган бўлсак, соҳадаги тиббий хизматчиларнинг 78 фоизи хотин-қизлар бўлиб, уларнинг салкам 53 фоизи врач аёллардир. Улар тиббиёт соҳасининг деярли барча тармоқларида, жумладан, энг мураккаб, юқори технологияларга асосланган, ихтисослашган йўналишларида фаол иш олиб бормоқда. Шифокор аёлларимизнинг 1 минг 100 нафардан ортиғи илмий даражага эга бўлиб, бу олий малакали врачлар умумий сонининг 37 фоизини ташкил қилади.

Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва технологик янгилаш бўйича амалга ошираётган кенг кўламли ислохотларимиз натижасида иқтисодиётнинг автомобилсозлик, микробиология, фармацевтика, электрон ва электротехника саноати, ахборот-коммуникация технологиялари, сервис ва бозор иқтисодиёти хизматлари каби юқори технологияларга асосланган замонавий тармоқларида ҳам хотин-қизларнинг ҳиссаси тобора ортиб бормоқда.

Бугунги кунда аёлларимизнинг нозик қўллари, интеллектуал салоҳияти, тиришқоқлиги ва ма-

ҳорати билан мазкур соҳалар юртимизда кенг ривож топмоқда, бошқача айтганда, аёл зоти ана шу ўта мураккаб жабҳада ҳам барчани қойил қолдирмоқда.

Мамлакатимиздаги мобиль алоқа ва интернет-провайдер операцияларини бажарадиган муассасаларда ишлаётган ходимларнинг қарийб 55 фоизини, молия ва кредитлаш соҳасида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг эса 43 фоиздан ортиғини опа-сингилларимиз ташкил этаётгани ҳам бу фикрнинг амалий тасдиғидир.

Бугунги ҳаётимизнинг яна бир муҳим, ўзига хос жиҳати сўнгги йилларда тадбиркорлик, хусусий ва оилавий бизнес соҳасида ҳам аёлларнинг иштироки кучайиб бораётганида намоён бўлмоқда. Буни охириги ўн йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига раҳбарлик қилаётган хотин-қизларнинг улуши 1,6 баробар ошгани, кичик бизнес субъектларининг 40 фоизини айнан улар бошқараётгани мисолида кўриш мумкин.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида банд бўлган меҳнатчиларнинг қарийб ярмини хотин-қизлар ташкил этмоқда. Бинобарин, юртимизда мўл-кўл пахта ва ғалла, пилла, сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари етиштиришга, бозор ва дўконларимиздаги тўкинчилик ва арзончиликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётган заҳматқаш

ва фидойи опа-сингилларимизга ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди, албатта.

Бугунги кунда хотин-қизларимиз мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётида, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Бу ҳақда гапирганда, аввало, минглаб аёллар сиёсий партиялар, маҳаллий ҳокимият ва вакиллик органларида, нодавлат ташкилотлар тизимида самарали иш олиб бораётганини айтиш ўринлидир. Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси таркибида 33 нафар, Сенат таркибида 16 нафар аёл депутат борлигини, дунёдаги санокли давлатлар қаторида мамлакатимиз парламентининг қуйи палатасининг раиси ҳамда юқори палатаси раҳбарининг ўринбосари сифатида аёллар фаолият кўрсатаётгани, шунингдек, Бош вазир муовини, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, барча вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарларидан бири аёл эканини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маҳаллаларимизда маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчиликдек энг нозик, энг мураккаб вазифани ўз масъулиятига олган, оилаларда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёш оилалар, айниқса, энди ҳаётга қадам қўяётган қизларимизга тўғри йўл кўрсатиш, уларнинг ташвиш ва муаммоларини ечишда энг яқин кўмакчи ва маслаҳатгўй

бўлиб келаётган айни шундай опа-сингилларимизга чин юракдан ташаккур изҳор этишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Мустақиллик йилларида юртимизда 13 нафар опа-сингилларимиз «Ўзбекистон Қаҳрамони» деган олий унвонга мушарраф бўлдилар. Лекин менга буюрса, ҳам давлат хизматини, ҳам жамоат ишини, ҳам оила ва рўзғор юмушларини, ҳам фарзанд тарбиясини қойил қилиб бажариб келаётган барча-барча аёлларни қаҳрамон деб айтган бўлардим.

Мана шундай мураккаб, керак бўлса, эркаклар ҳам кўтаролмайдиган оғир вазифаларни ўзининг нозик елкасида кўтариб келаётган, нолимасдан, доимо шукроналик билан яшайдиган аёллар билан барчамиз ҳақли равишда фахрланишимиз, улардан ўрнак олишимиз лозим.

Қадрли опа-сингиллар!

Юртимизда 2014 йилнинг «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши, аввало, аёлларимизнинг кўнглидаги иш бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз. Нега деганда, боланинг соғлом туғилиши, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга, чуқур билим ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол авлод бўлиб вояга етиши, ҳаётда ўз муносиб ўрнини эгаллаши қандай буюк ва бебаҳо бахт эканини биринчи навбатда она зоти теран англайди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида ўз ифодасини топган, хусусан, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизни обод қилиш бўйича кенг кўламли ишларимизни изчил давом эттириш, янги-янги корхоналар, мактаб, лицей ва коллежлар, тиббиёт, маданият ва спорт объектлари, жумладан, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта замонавий уй-жой барпо этиш каби кўплаб тадбирлар ҳам, аввало, ана шундай эзгу мақсадларга эришиш йўлида янги, амалий қадам бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан айтганда, мазкур дастур доирасида жами 4 триллион 509 миллиард сўмдан зиёд ва салкам 303 миллион доллар миқдоридаги маблағ сарфлаш белгиланган бўлиб, бу халқимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини ошириш, аёлларимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилади.

Айни вақтда ҳаммамиз яхши тушунамизки, хотин-қизларимиз учун янада қулай шароит яратиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ўз билим ва профессионал малакаси, истеъдод ва салоҳиятини амалда намоён этишига кенг йўл очиб бериш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Юртимизда ҳукм сураётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳилликни янада мустаҳкамлаш, ёшларнинг онгини четдан ёпирилиб келаётган турли хавф-хатарлар, «оммавий маданият» хуружларидан сақлаш, оилаларда, маҳаллаларда олиб бораётган тарбиявий ишларимизнинг самараси-

ни оширишни бугун тобора кескинлашиб, мурак-
каблашиб бораётган ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Шу борада мен жондан азиз фарзандларимиз,
айниқса, қиз болаларни ҳаётга тайёрлаш, улар-
ни болалиқдан бошлаб замонавий билим ва касб-
ҳунарларга, маданият ва спортга ошно этиш,
урф-одат ва маросимларни давр талаблари билан
уйғунлаштириш каби муҳим вазифаларни амалга
оширишда сиз, муҳтарама аёлларимизга, сизлар-
нинг ақл-заковатингиз, жонкуярлик фазилатларин-
гизга таянаман.

Азиз ва қадрли опа-сингиллар!

Сизларни баҳор элчиси бўлган, ўзингиздек
гўзал ва дилбар байрамингиз билан яна бир бор
табриклар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака
тилайман.

Умрингиз узок, иқболингиз зиёда бўлсин!

Барча эзгу орзу-ниятларингиз амалга ошсин!

Доимо оилангиз ва фарзандларингиз, эл-юр-
тимиз ардоғида бўлинг, азизларим, меҳрибон-
ларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2014 йил 7 март*

НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Азиз юртдошларим, қадрдонларим!

Муҳтарам меҳмонлар!

Биз Ватанимиз ва эл-юртимизнинг тарихий сана ва айёмларига бағишланган байрамларни катта тайёргарлик ва хурсандчилик билан ўтказамиз.

Лекин, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: айти шу кунларда қутлуғ қадамлари билан диёримизга кириб келаётган, баҳор, яшариш ва янгилашниш рамзи, шарқона янги йил деб очаси бўлмиш Наврўзи оламни кутиб олиш ва ўтказиш маросимлари ва хурсандчилигини ҳеч қайси байрам билан солиштириб, қийслаб бўлмайдими, албатта.

Бугун, шу фурсатдан фойдаланиб, мана шу гўзал майдонда байрамона кайфият билан жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азизларга, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизга ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни, меҳр-муҳаббатимни билдириб, Наврўз айёми билан табриклаш – мен учун катта бахт.

Азиз дўстларим!

Наврўз айёмини халқимиз нақадар орзиқиб ва интизор бўлиб кутиб олаётгани, бу байрамни энг

қадимий ва асл миллий байрам сифатида ана шундай ардоқлаб ўтказишимиз, ҳеч шубҳасиз, бежиз эмас ва **бунда чуқур маъно-мазмун бор.**

Бунинг сабабини, аввало, Наврўз ғояларида минг йиллар давомида, «Авесто» замонларидан буён халқимизнинг безавол сақланиб келаётган қадимий урф-одат ва удумлари мужассам топганида, ҳамоҳанг бўлганида кўришимиз даркор.

Бундай муносабат – аввало, кўҳна ва буюк тарихимизга, улуғ аждодларимиз қолдирган меросга, бой маданиятимизга ҳурмат-эҳтиром билан қараш деганидир. Шу билан бирга, бундай муносабат – узоқ ва яқин ўтмишимиз давомида, ўта мураккаб дамларда қандай қийин бўлмасин, қандай оғир синовлардан ўтишга тўғри келмасин, муқаддас қадриятларимизга хиёнат қилмасдан, уларга доимо садоқатли бўлиб яшаётганимиз, уларни эъзозлаб, авайлаб, янги авлодга етказиб келаётганимизнинг ёрқин ифодаси ва тасдиғидир, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Наврўзи олам ўлкамизга қадам қўйиши билан ҳар биримиз ён-атрофимиздаги мавжудотнинг уйғониши, куртаклар ва гул-чечаклар очилиши, еру кўк бағрида юз бераётган ўзгаришлардан, баҳор нафасидан баҳраманд бўламиз, она табиатимизнинг узвий ва ажралмас бир қисми эканимизни беихтиёр чуқур ҳис қиламиз.

Айни шу паллада худдики табиат олами билан уйғун ва муштарак бўлиб, бу осуда ҳаётни ҳар бир кунининг кадрига етиб, шукроналик ҳиссиёти билан яшаш кераклигини яна ва яна бир бор англаймиз.

Бундай ажойиб лаҳзаларда миллати, тили, диндан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсон, ҳар қайси оила шоду хуррамлик билан баҳор соғинчи ва орзу-ниятларини, ёруғ чехрасини намоён этишга интилади.

Шу файзли, шодиёна кунларда ҳар қандай гина ва аразлар, низо ва адоватлар унутилади, юртдошларимиз сумалак, ҳалим, кўксомса каби тансиқ таомлар тортилган дастурхонлар атрофида тўпланиб, қалбини дунёга кенг очиб, Наврўз неъматларини, байрам қувончини яқинлари, ёру биродарлари билан баҳам кўришни истайди.

Барча-барчага соғлик-омонлик, бахт-саодат тилайди, табаррук кексаларни зиёрат қилишга, уларнинг дуосини олишга ҳозир бўлади.

Шу мўътабар айёмда беморлар, етим-есирларнинг, муҳтож инсонларнинг кўнглини, руҳини кўтариш, барча савоб ишларни амалга ошириш – буларнинг ҳаммаси халқимизнинг қон-қони, онг-онгига сингиб кетганидан, яхшилик ва эзгуликни доимо юрагида сақлаб келаётганидан дарак беради.

Айни шундай пайтларда ўзимга ўзим бир савол бераман. Дунёда бизнинг меҳрибон, меҳмондўст

халқимизга ўхшаган халқни топиш мумкинми ўзи? Аминман – ҳеч қачон!

Азиз дўстларим, биродарларим, бизнинг халқимиз нимани истайди? Аввало, ўз юртида ва қўшни минтақаларда, бутун оламда тинчлик-осойишталик ҳукм суришини, турли-турли ҳудудларда давом этаётган можаро ва қарама-қаршиликлар куч ишлатмасдан, фақатгина тинчлик йўли билан, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилинишини хоҳлайди.

Ўз осмонининг мусаффо бўлишини, тинчлик барқарор бўлган ҳаётни истайдиган халқимиз ўзгаларга ҳам айна шундай тилакларни раво кўради.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиб, бугун мана шу даврада ўтирган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларини, халқаро ташкилотлар вакилларини, бутун дипломатик корпусни, олис ва яқиндаги мамлакатларнинг халқларини Наврўз байрами билан табриклаб, уларга равнақ ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.

Муҳтарам дўстларим!

Менинг истагим – мана шу шукуҳли, тароват сочилиб турган дамларда шу муаззам боғда бизга меҳр билан боқиб турган буюк Алишер Навоий бобомизнинг **«Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!»** – деган тилаклари худди янгитдан қулоғимизга чалингандек туюлсин, шундай хуш кайфият сиз, азизларимга, бутун эл-юртимизга доимо ёр бўлсин.

Бугун ҳаётга кириб келаётган, билаги кучкуватга тўлиб бораётган йигит-қизларимизнинг очиқ чехрасига боқиб, айтмоқчиман – барчамиз бир нарсани эсимиздан чиқармаслигимиз зарур: Ватанимизнинг тараққиёти ҳақида, дунёнинг ривожланган демократик давлатлари қаторига кўтарилишимизни аввало сиз, униб-ўсиб келаётган ёшларимизнинг салоҳияти, билимга чанқоқлиги ва илму фан чўққиларини ўзлаштиришингизга, етук ва баркамол авлод бўлиб вояга етишингизга қараб халқаро жамоатчилик бизнинг нималарга қодир эканимизга баҳо беради.

Шунинг учун ҳам биз ўзлигини, ўз қадрқимматини, Ватани олдидаги ўз бурчини чуқур англаган, ўз олдига баланд марралар қўйиб, дунёдаги барча тенгдошлари билан беллашувга тайёр фарзандларимни бизнинг ишончимиз ва таянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз, деб юксак қадрлаймиз ва сиз ёшларимизни эъзозлаб камол топтиришда ўзимизни ҳеч қачон аямаймиз.

Азиз ва навқирон, кўзни қувонтирадиган болаларим – Наврўзи олам барчангизга баҳордек очилиш, бахт ва омад, севги-муҳаббат олиб келсин, энг эзгу орзуларингизни рўёбга чиқариш сизга насиб этсин.

Азиз қадрдонларим!

Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака
аримасин!

Табаррук оталаримиз, мунис оналаримизнинг
умрлари узоқ бўлсин, ака-укаларимиз, опа-син-
гилларимизнинг кўнглидаги пок ниятлари ижобат
бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

2014 йил 19 март

БИЗ ДОИМ ТАРИХДАН САБОҚ ЧИҚАРИБ, ТИИЧЛИКНИ ҚАДРЛАБ, ҒУРУР ВА ИФТИХОР БИЛАН ЯШАЙДИҒАН ХАЛҚМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун интервью берди.

Авваламбор, шунини айтиш керакки, бугун халқимиз марказда ҳам, жойларда ҳам, қишлоқ ва шаҳарларда ҳам, ҳар қайси оила ва хонадонда Хотира ва қадрлаш куни деб ном олган 9 май кунини, улуғ бир айёмни, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 69 йиллигини кенг нишонламоқда.

Ўтган йилда ҳам мен шунга эътибор бергандим, бу йил ҳам эътибор беряпман, қаранглар, бугун осмонда кичик бир булут ҳам кўринмайди. Яъни, табиат ҳам, Оллоҳ таоло ҳам айни мана шу байрамда, ҳақиқатан ҳам, буюк бир айёмда худдики одамлар тилаган, халқимиз тилаган мана шундай табиатни, мана шундай иқлимни, мана шундай мусаффо осмонни нақадар бир катта неъмат, нақадар бир катта бойлик деб, яна ва яна эсимизга солмоқда.

Шунинг учун бундай дамларда барчамиз аввало ўз инсоний бурчимизни адо этиб, мана шундай

осмон учун, мана шундай тинч ва бахтли ҳаёт учун жон берганлар, урушдан қайтмаганларни эслаб, уларнинг арвоҳларини шод этиб, ўчмас хотираси олдида бош эгамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугун орамизда соғ-саломат ҳаёт кечираётган, ҳаммамиз учун азиз ва муҳтарам бўлган нуруний отахон ва онахонларимизга, урушда қатнашган мардларга, шу билан бирга, фронт ортида меҳнат қилиб, Ғалаба кунини яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизга чин қалбимдан ҳурматимни билдираман ва уларга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан бардамлик, узоқ умр, бахтли ҳаёт тилашимиз биз учун ҳам қарз, ҳам фарз, десам, тўғри бўлади.

Ҳаётимизга, хонадонларимизга файз ва барака берадиган фахрийларимизнинг кўнглини кўтариш, уларнинг ҳаётини узайтиришга, умрини мазмунли қилишга қўлимиздан келганча ҳисса қўшиш, уларга ғамхўрлик ва меҳрибонлик кўрсатиш бизнинг инсоний бурчимиз эканини унутмаслигимиз керак, десам, ўйлайманки, барчамизнинг фикримизни билдирган бўламан. Яъни, айтмоқчиманки, уларни ҳақиқатан ҳам қадрлаш, бу ҳаёт ғанимат деб, уларга энг зарур, ширин сўзларни айтиш, керак бўлса, уларнинг қилган меҳнати, Ватан учун, юрт учун қанча-қанча қийинчиликларни, мусибатларни бошидан кечирганини яна бир бор эслаб, айни ўша оғир кунларда халқимизнинг

мана шундай етакчи одамлари жон беришга тай-ёр бўлиб, урушга отланганини ёдга олиб, уларнинг олдида ҳам таъзим қиламиз.

Бундай табаррук инсонлар билан тез-тез учрашиб туриш, уларнинг ҳолидан хабардор бўлиш бу одамлар учун катта мадад бўлади. Бирон-бир ширинлик бўладими, иккита нон бўладими, уларни нима биландир йўқлаб бориш, худдики улар ҳозир ҳам бизнинг сафимизда бўлиб, биз билан бирга эл-юртга хизмат қилаётганини ҳар доим эсимиздан чиқармаслик, кимки бўлмасин, қаерда ишламасин, жуда каттакон вазифада ўтирган бўлса ҳам, бу – унинг бурчи. Нега деганда, кекса одамлар ҳаётдан қачон рози, қачон миннатдор бўлади? Қачонки, турли-турли сохта, баландпарвоз гапларни кўп гапирмасдан, авваламбор, энг керакли пайтда уларнинг ҳолидан хабар олиб турса. Эй отахон, эй онахон, қандай яшаяпсиз ўзи, деб уларга меҳр кўрсатса. Сизга нималар етишмаяпти, нимага муҳтожсиз, қандай ёрдам керак, деб сўраш, кексаларга мана шундай муносабатда бўлиш – бу ҳам бизнинг бурчимиз. Мен истардим – авваламбор раҳбарлар шу борада ибрат бўлсин.

Албатта, биз – ўзбек халқи шу масалада бошқаларга ҳар доим ўрнак бўлиб келганмиз. Ўйлайманки, бундай муносабатларда бошқалар биздан ибрат олиб, ўрганса арзийди. Нега деганда, эл-юртимиз шундай хусусиятлари, шундай фазилатлари, шундай муносабати билан бошқалардан

ажралиб туриши, қандай ажойиб, қандай ноёб халқ экани айти шундай пайтларда сезилади, айти шундай пайтларда одам буни юрак-юракдан ҳис қилади.

Мудҳиш уруш пайтида қандай мусибатларни, қандай фожиаларни бошимиздан кечирганимиз, қанча-қанча йўқотишларни кўрганимиз, албатта, шундай кунларда эсимизга келади. Бу ҳақда гапирганда, уруш йилларининг оғир қийинчиликларига мардона бардош бериб, фронт ортида меҳнат қилган, уруш туфайли Ўзбекистонга кўчирилган қанча-қанча одамларга, ота-онасидан айрилган минглаб етимларга бошпана берган, ҳатто охиригонини ҳам улар билан баҳам кўрган халқимизнинг фидойилиги, бағрикенглиги ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак, арзийди. Чунки эл-юртимизнинг маънавий қудрати, унинг одамийлик фазилатлари, меҳр-оқибати, мардлиги ва олижаноблиги айти мана шундай унутилмас воқеаларда, тарихий мисолларда яққол намоён бўлади.

Мана, мисол учун, уруш бошланганидан сўнг собиқ СССРнинг ғарбий ҳудудларидан тахминан бир миллион одам юртимизга кўчириб келтирилган. Кўпчилик қатори мен ҳам шунга шахсан гувоҳ бўлганман. Кўп ўлкаларда турли одамлар билан учрашганда, уруш пайтида менинг отам, менинг бобом Тошкентда бўлган, мисол учун, Фарғонада бўлган, жуда оғир пайтда бошпана топган, меҳр кўрган, раҳмат, ўзбек халқига, деб гапирганларни эшитганман. Айти шу гаплар-

ни эшитиб, ота-боболаримизга, аждодларимизга яна бир бор қандайдир меҳрибонлик, қандайдир миннатдорлик ҳиссиёти одамда беихтиёр пайдо бўлади. Эл-юртимиз қилган бундай эзгу ва савоб ишларни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Айни мана шундай муносабатлар, урф-одат ва анъаналар авлоддан-авлодга ўтиши керак. Шундан кейин бундай халқни улуғ халқ дейди, шундан кейин бундай халқ бошқаларга ибрат бўлади. Ва бу халқ билан дўстона алоқаларни боғлашга дунёда ҳамма интилади.

Охирги пайтларда Ўзбекистон билан дўст бўлишга ҳаракат қилаётганларнинг сонини ҳисобласангиз, улар йилдан-йилга, кундан-кунга кўпайиб боряпти. Мана, ҳозир юртимизда чет мамлакатларга бориб келаётганларнинг сони ортиб боряпти. Бу одамларнинг ҳаммаси чет элда Ўзбекистонга муносабат қандай эканини ўзи кўряпти. Бу ерда ортиқча ташвиқот керак эмас. Қандайдир гапларни кимгадир атайлаб етказиш керак эмас. Одамлар ўз кўзи билан кўряпти. Қолаверса, мана, телевидение бор. У ҳам одамларни кўп нарсалар билан таништиряпти.

Шунинг учун биз, агар буюк давлат қурмоқчи бўлсак, ўзимизнинг иқтисодий қудратимиз, ҳарбий қудратимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз ўз йўли билан. Шу билан бирга, авваламбор, одамларни ҳурмат қилиш керак, десам, ўйлайманки, ўринли бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқини дунёда ҳамма тан оладиган бўлса, биз худдики қаддимизни янада ростлагандек бўламиз. Қаддимиз ҳам, қадримиз ҳам ўсгандек бўлади. Ёш-ёш невараларимиз ҳали буни тушунмаса, эртага албатта тушунади. Биз шунинг ҳисобидан бошимизни жаҳонда янада баланд кўтариб юришимиз мумкин. Мана, биз кимнинг авлодимиз, биз ўз вақтида бошқаларга қандай яхшиликлар қилганмиз, керак бўлса, бундай фазилат қонимизда, суягимизда азал-азалдан мавжуд, деган гапларни бор овоз билан айтсак, ярашади. Нега деганда, халқаро майдонда эришилган обрў – бу бошқа ҳар қандай обрўдан кучлироқ, десам, ўйлайманки, бу ҳам ҳеч қандай янгилик бўлмайди.

Умуман, тарихнинг турли даврларида бошқаларни ҳурмат қилиш, бошқаларга ўз вақтида ёрдам кўлини узатишда ким биринчи сафларда бўлган, деган саволга ўзбеклар бўлган, деб жавоб берсак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу муносабат билан такрор ва такрор айтаман: айти мана шундай тарихий синов пайтларида одам ҳақиқий одамийлигини кўрсатади, халқ ҳақиқий халқ эканини албатта намойиш қилади.

Биз бу ҳақиқатни жуда чуқур тушунишимиз лозим. Керак бўлса, шунга доим эътибор бериб юришимиз зарур. Шунинг учун ҳам айти шундай машъум бир урушда – уни кишилик тарихидаги энг қонли, энг кўп қурбон берилган уруш десак,

ҳеч қандай хато бўлмайди – биз ўзимизнинг халқ, миллат сифатидаги энг буюк фазилатларимизни кўрсатиб, бошқаларга ўрнак, намуна бўлганмиз.

Эл-юртимиз ўртасида қанча-қанча мусибат ва офатлар, гам-аламларга, бева-бечоралар ва етимларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган бу бешафқат уруш якунига етганига қарийб 70 йил тўлмоқда. Лекин юртимизда бирорта хонадон йўқки, бу машъум урушни эсидан, хаёлидан чиқарган бўлса.

Мана, СССР таркибида яшаган халқларни олиб қарайдиган бўлсак, уларнинг орасидан қурбон бўлган одамлар 27 миллион кишини ташкил этган. Ўзингиз ўйланг, 27 миллион халқ бир урушда нобуд бўлса, буни ким тасаввур эта олади, буни тўла ҳис қилишга кимнинг кучи етади? Бу фақат айтишга осон. Бу машъум уруш шундай қонли уруш бўлганки, уни бошидан кечирган халқ, миллат ҳеч қачон унутмайди. Шу боис бу урушда Ўзбекистондан қанча одам қатнашгани, қанча одам ҳалок бўлгани, қанча одам бедарак кетгани, қанчаси майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани ҳақида ҳали-бери маълумотлар келяпти.

Қанча-қанча оналар ўзларининг мард ўғилларини кута-кута, айрилиқ азобига чидолмасдан ўтиб кетди. Мана, орадан шунча вақт ўтяптики, барибир оналар қалбида, болам бу дунёнинг бир чеккасида яшаяпти, ўз уйига, ўз ватанига бир куни албатта қайтади, деган ишонч яшаяпти. Мен ишо-

наман, токи халқимиз бор экан, бу ишонч ҳеч қачон ўчмайди.

Агарки урушдан олдин Ўзбекистонда яшаган халқнинг сони 6,5 миллион кишини ташкил этган бўлса, шундан 1,5 миллиони, авваламбор ёш йигитлар, ҳали уйланмаган, ўз ёрини бағрига босиб, ўпмаган йигитлар урушга отланиб, жангу жадалларда ҳалок бўлганини эсласак, одам худди бу фожиани яна бир бор ўз юрагидан ўтказгандек бўлади. Урушда ҳалок бўлганлар, бедарак кетганларнинг сони 500 минг кишидан иборат. Урушда халқимизнинг учдан бир қисми қатнашган бўлса, ҳалок бўлганлар 500 минг киши бўлса, ўз-ўзидан аён бўладики, бу ғалаба бизга қанчалик қимматга тушган.

Бу рақамлар халқимизнинг фашизм устидан ғалаба қозонишга қандай улкан, ҳеч унутилмас ҳисса қўшганини кўрсатади ва буни бирортасиз ҳам эсимиздан чиқармаслигимизни, уларни фақатгина такрорлаш эмас, уларни ёддан билишимизни истардим. Одамларимиз ўзининг болалари, авлодларига шуни етказиши керак. Нега деганда, бу савоб иш. Кимки савоб иш қилмоқчи бўлса, савоб ишни ҳар кун қилиши керак. Кимки агар бу дунёда савоб иш қилган бўлса, билиб қўйинглари, барибир, бир кун ўзига қайтади. Ўзига қайтмаса, боласига қайтади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳозир бу ерда келтирилган рақамлар фақатгина кимгадир кўз-кўз қилиш учун эмас, бундай рақамлар билан мақ-

таниб, уларни кўз-кўз қилиб бўлмайди. Бу умуман ғайритабиий ҳол.

Бугун энди кимдир айтиши мумкин, фашизмнинг бор азобини биз кўрганмиз, сизлар эса узоқда бўлгансизлар, деб. Бундай аҳмоқона гапларни йиғиштириб қўйишнинг вақти аллақачон келган эди, лекин бошқа гап тополмасдан шу гапларни айтиб юрадиганларнинг сони ҳозир, афсуски, кўпайиб боряпти. Кимдир ўз фазилатларини кўрсата олмаса, ўз меҳнатини кўрсата олмаса, шундай гапларни гапиради.

Бу урушда ҳаммамиз ғалаба қозондик. СССР таркибига кирган барча-барча халқлар ғалаба қозонди. Уруш ҳақида бугун ҳаммаси гапиради-ю, лекин ўзбек халқи ҳақида, бизнинг бу урушга қўшган ҳиссамиз ҳақида, айтайлик, камдан-кам эшитамиз. Бу – кимнидир ёмонлаш эмас, бу – ҳақиқат! Ҳақиқат учун одам, керак бўлса, жонини беради. Амир Темур бобомиз «Куч – адолатда» деб бекорга айтмаган. Қандай зўр гап бу! Одамлар адолат учун жон беради, адолат учун курашади, адолат учун ўзини ҳам аямайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ана шундай мардлар ўсиб, вояга етмоқда. Мен бугунги ёшларимизни кўрсам, хаёлимга шундай фикрлар келадики, эй, сизлар бошқача тарбия оляпсизлар! Мутлақо бошқача! Бизнинг ёшлигимизда бундай гаплар йўқ эди. Чунки биз бошқача даврда яшаганмиз, бошқача мафкураинг маҳсули бўлганмиз.

Яна такрор ва такрор айтаман, мана шу урушда Ўзбекистоннинг йўқотишларини фараз қилишнинг ўзи қийин.

Бу ҳаётда битта одамнинг қурбон бўлиши ҳам катта фожиа. Бир одам ҳаётдан кўз юмса, бутун оиласи, маҳалласи, керак бўлса, унинг таниш-билишлари, ишлаган жамоаси худдики ўз яқинини йўқотгандек оғир аҳволга тушиб қолади. Бу бизнинг қонимизда, табиатимизда бор ва бизни ўзгартириб бўлмайди.

Албатта, собиқ совет даврида бизни ўзгартиришга турли ҳаракатлар ҳам бўлган. Лекин халқ қачон халқ бўлади – агарки ўзининг тарихини билса. Халқ қачон халқ бўлади – агарки бир-бирига меҳрли, меҳр-оқибатли бўлса. Ана шунда бу эл ҳақиқий халқ бўлади. Энг муҳими, эртанги қураётган тизим, эртанги қураётган ҳаёт барчани қизиқтирадиган бўлса. Шу юртда яшайдиган барча инсонлар бир мушт бўлиб, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун ҳаммаси бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилса, буни халқ дейди. Ўз-ўзича тарқоқ бўлиб, бизга барибир, деб юрганлар ҳеч қачон халқни ифода қилолмайди.

Мен ўз чиқишларимда халқимиз кўпни кўрган, деб бежиз гапирмайман. Буни баъзи бир одамлар тушунмайди. Мана шундай ҳаётни, турли-турли синовларни бошидан кечирган, бир бурда нонга муҳтож бўлганларни, машаққатли

хаёт кечирганларни ва ўзининг кадр-қимматини йўқотмаганларни кўпни кўрган, дейди. Мана шундай одамларни биз ўз халқимизга мансуб деб биламиз ва шундай халқнинг авлоди, фарзанди бўлганимиз учун ғурурланиб, бошимизни баланд кўтариб яшаймиз.

Шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор айтмоқчиман: одам бу ҳаётда ғурур билан яшаши керак. «Биз киммиз, қандай буюк зотларнинг авлодимиз?» деган Амир Темури бобомизни ҳеч унутмасдан, унинг руҳига содиқ бўлиб яшаймиз керак. Шундан кейин биз ҳақиқий ўзбек халқи бўламиз.

Бу шунчаки ташвиқот эмас. Бундай гапларни ҳеч қачон ҳаёлимиздан чиқармаслигимиз зарур.

Бу дунёда одам фақат қорин тўйдириш учун яшамайди. Одам аввало одам эканини амалда намойиш қилиши керак. Шундай экан, биз ўз тарихимиз билан, буюк аجدодларимиз билан ғурурланишимиз лозим. Шунга таяниб, янги-янги уфқларга отланиш зарур. Белни маҳкам боғлаб – «мана, мен борман» деб майдонга чиқишга тайёр бўлиб туриш керак. Мана шундай ҳиссиёт билан яшайдиган болаларни мен ўзимнинг фарзандларим деб гапиришдан ҳеч қачон чарчамайман. Нега деганда, бундай авлодни тарбиялаш бир кунлик иш эмас. Биз, мана, мустақил бўлганимизга яқинда, насиб этса, 23 йил бўлади, шунча вақтдан буён бу ишни давом эттириб кел-

япмиз. Янги авлодни тарбиялаш – халқни тарбиялаш деганидир. Бугун ана шу авлоднинг биринчи қалдирғочларини биз тарбиялаб чиқаряпмиз. Фараз қилинг, мана шу 23 йилда туғилиб вояга етганлар эски замонни билмайди. Уларнинг ҳаммаси, айтайлик, ҳозирги кунда компьютерда ишлаш бўладими, инглиз тилини ўрганиш бўладими, чет мамлакатлардаги ўз тенгдошлари билан беллашиш бўладими, спорт, илм-фан, маданият соҳаларида ўзини шундай кўрсатяптики, буларнинг барчасини кўрганда, одам беихтиёр гурурланиб кетади. Шахсан менга шундай пайтда бамисоли қаддим анча ўсгандек туюлади. Керак бўлса, девор ёнига бориб, қанчалик ўсганимни ўлчаб кўришга ҳам тайёрман. Балки кимгадир кулгили кўринади, лекин биласизми, ҳақиқатан ҳам одам шуни ҳис қилади. Бундай ишларда менинг ҳам меҳнатим, ҳиссам бор, деган ҳиссиёт одамнинг кўнглини ҳам, қадини ҳам кўтаради.

Бугун Ўзбекистонда 31 миллион халқ яшайпти. Ёшларнинг, мисол учун 30 ёшга кирганларнинг улуши тахминан 60 фоизни ташкил этади. Бу авлодни, ўзингиз тасаввур қилинг, мана шундай хислатларга, мана шундай фазилатларга, хусусиятларга эга бўлган ва катта-катта марраларга интилаётган болаларни тўхтатиб бўладими? Кимдир ўйласин, кимдир шундан хулоса чиқариб, афсона гапларни йиғиштириб, бу халқни ҳурмат қилиш керак. Бу халқ билан доимо дўстона алоқа

боглаш керак, бу халқ билан дўст бўлсанг, ҳеч қачон йўқотмайсан, аксинча, фақат топасан, деган фикр билан яшайдиган одамлар кам бўлмайди, демокчиман.

Бугунги кунга, бугунги байрамга қайтадиган бўлсак, айтмоқчиманки, биз бундан 16 йил олдин 9 май – Ғалаба кунига Хотира ва кадрлаш куни деб ном берганимиз, урушда ҳалок бўлганларнинг, урушдан қайтмаганларнинг номларини азим пойтахтимизнинг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонларида олтин ҳарфлар билан муҳрлаб қўйганимиз тарихан нақадар тўғри бўлганини, мана, вақт ўтиши билан ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Вақт ўтади, замонлар ўтади, лекин узоқни кўзлаб, ҳаётнинг ўзи ўртага қўяётган талабларни инобатга олиб, одамийлик, инсонпарварлик фазилатларини улуғлаш, умуман, Ватан учун, юрт учун хизмат қилган инсонларнинг номларини сақлаш, инсон хотирасини эъзозлаш йўлида қилинган бундай савобли ишлар, ўйлайманки, ҳеч қачон унутилмайди.

Албатта, 9 май – Хотира ва кадрлаш кунини нишонлар эканмиз, шу айём билан боғлиқ хотиралар беихтиёр хаёлимиздан ўтиши табиийдир. Гап бошимиздан кечирган мудҳиш урушнинг ҳеч қачон қайтарилмаслиги, қандай қилиб бундай фожиаларнинг олдини олиш ва улардан одамзодни асраш ҳақида кетмоқда.

Агарки, халқимиз нимани истайди, айни шу кунларда эл-юртимизнинг кўнглидан, хаёлидан нималар ўтади, деган саволни ўзимизга берадиган бўлсак, авваламбор, дунёда яшаётган кўпчилик халқлар қатори бизнинг халқимиз ҳам уруш қайтарилмаслигини истайди. Уруш ҳеч қачон қайтмасин, деб барча-барча момоларимиз, боболаримиз ҳам, опаларимиз, акаларимиз, болаларимиз ҳам – ҳамма битта нарсани истайди: эй одамзод, бу машъум уруш бошқа қайтмасин, остонамизга бу бало яқин йўламасин, деб ҳар сафар дуойи фотиҳани шундан бошлайди. Шунинг учун бизнинг қилаётган барча-барча ҳаракатларимиз, давлатимиз, ҳукуматимиз, раҳбарият амалга ошираётган ишлар, албатта, нимага қаратилган, деб сўрасак, мана шу тинчликни сақлаш учун, деб жавоб бериш ҳар томонлама тўғри бўлади.

Ўтган йили мана шу майдонда туриб, айтган гапларим газеталаримизда «Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак» деган сарлавҳа билан берилгани менинг хаёлимда, керак бўлса, кўз олдимда турибди. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек халқига нима керак – тинчлик керак, ўзбек халқига нима керак – омонлик керак! Ва албатта, ҳаммамизнинг ниятимиз янада ёруғ кунларни кўриш, болаларимизнинг, невараларимизнинг бахтини кўриш. Бизга аввало ана шу оддий-оддий нарсалар керак.

Айни вақтда савол туғилади: урушнинг туганига, мана, қарийб 70 йил тўляпти. Лекин нима

учун кундан-кунга, йилдан-йилга мана бундай хавф-хатарлар кучайиб, одамларни тобора ташвишга соляпти? Буни, такрор айтаман, халқимиз, одамларимиз сезяпти, кўряпти. Мана, Интернет деган нарса чиққан, мана, телевидение, газеталар, турли-турли оммавий ахборот воситалари шундай ташвишли воқеаларни одамларнинг қулоғига етказиб беряпти, керак бўлса, суратларини ҳам кўрсатяпти. Нима учун бундай бўляпти? Бу саволга жавоб топиш жуда оғир.

Билмадим, бир қарашда ўзи уруш кимга керак? Биронта халққа керак эмас. Лекин, минг афсуски, мана шундай хавотирлик, тинчликка мана шундай таҳдидлар ҳар қадамда пайдо бўляпти. Бугунги кунда дунёнинг турли ҳудуд ва минтақаларида, олис ва яқин атрофимизда қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кучайиб бораётганини кўрмоқдамиз. Айрим жойларда қон тўкилаётгани, низо ва адоватлар авж олаётгани, фашизм деган бало яна бош кўтараётгани, миллатчилик, шовинизм каби офатлар майдонга чиқаётгани, бир сўз билан айтганда, вазият тобора кескинлашиб, хавф-хатарлар ортиб бораётгани барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди. Яна баъзи жойларда, менинг миллатим бошқалардан баланд, бошқалардан афзал, деб қолганларга зўравонлик сиёсатини ўтказиш ҳаракатлари кузатиляпти.

Аҳвол шу даражага боряптики, яқин атрофдаги воқеаларни кузатадиган бўлсак, мисол учун, кеча

бир-бирига дўст бўлиб, яқин бўлиб юрганлар бугун ашаддий душманга айланяпти. Буларни кўриб, астағфирулло, астағфирулло, деб одам ёқасини ушляпти. Бундай вазиятда оддий кишилар кимга бориб додини айтсин, кимдан сўрасин, эй, нима қияпсизлар, деб?

Шу муносабат билан мен халқимизга, бундай воқеаларни кузатаётган, хавотирга тушаётган одамларимизга, авваламбор ёшларимизга қарата айтмоқчиман: уруш бўлмайди, лекин бундай хавотирлик, бундай ҳаракатлар ҳали узоқ давом этади. Мен бу воқеаларнинг ҳали намоён бўлмаган сабабларини ҳам билатуриб айтмоқчиман: айрим сиёсий кучлар ва катта давлатларнинг баъзи бир раҳбарлари шундай ният билан юридики, қандай қилиб бўлса-да, ўзига обрў топиш, керак бўлса, қандай қилиб, кимларнинг ҳисобидан ўзига манфаат топиш ва янада кўпроқ куч-қудратга эга бўлиш. Бундай «мусобақа» кимга керак, билмадим, лекин шундай ҳаракатлар ҳали-бери давом этмокда.

Мана, Афғонистонни оладиган бўлсак, бу мамлакатда 35 йилдан зиёд вақт давомида уруш кетяпти. Агар халқнинг ўзига қўйиб берсангиз, ўйлайманки, уруш ҳеч қачон шунча давом этмасди. Афғон халқи – кўпни кўрган халқ. Биз бу халқ билан қўшнимиз. Улар ҳам тинчликни хоҳлайди. Оиласини тинчлик билан боқишга, болалари-

нинг бахтини кўришга ҳаракат қилади. Шундай экан, нима учун шунча вақтдан буён бу ерда уруш кетяпти? Нега деганда, Афғонистонда урушни давом эттириш кимгадир керак. Бу урушни давом эттиришга уринаётганлар, биринчи навбатда, афғон халқининг манфаатини эмас, балки ўз манфаатини кўзлайди. Минг афсуски, дунёда мана шундай «мусобақа» кетяпти.

Шу нуқтаи назардан қараганда, биз бу масалага чуқур қараб, тарихга эътибор бериб, ўтмишдан хулоса чиқариб, айти шу масаланинг негизи – томирига назар солишимиз керак.

Мана, яқинда Афғонистонда Президент сайловлари бўлди. Унинг натижалари ҳали-бери очиктаъсирини кўрсатмаган бўлса ҳам, бу сайловларнинг иккинчи босқичи бўлади, деган гаплар бор. Бу одамларда қандайдир бир ишонч туғилишига сабаб бўлди. Мен ишонаман, мана шундай сайловлардан кейин эртага бир-бирини тушуниш, бир гуруҳ иккинчи гуруҳ билан ярашиши зарурлиги ҳақида, энг муҳими, менинг фикрим шуки, Афғонистонда мана бундай қон тўкиш, ўз юртдоши, ватандошини ўлдириш – бу бемаънилик экани, нима учун бундай ишлар бўлаётгани ҳақида ҳозир одамлар ўйланиб қолди. Бундай нотинчлик қачонгача давом этади, уруш, қирғин жонга тегди, деган гаплар бугун Афғонистон заминида пайдо бўляпти. Мен бу ниманинг далили, деб ўзимдан сўраяпман. Агар одамларнинг жонига теккан бўлса, бу урушни

барибир тўхтатади. Бу – ҳаётнинг сабоғи, ҳаётнинг мантиғи.

Шу маънода, бизга энг яқин бўлган Афғонистон билан дўстона алоқаларни боғлаш, ўзаро ҳамкорликка ўтиш, афғон халқи билан бир вақтлар – қиз бериб, қиз олган эски даврлардаги, биз ҳавас қилган анъаналаримизга қайтамиз, деган ишонч менда тобора кучайиб бормоқда.

Шунинг учун бизнинг сиёсатимиз – Афғонистонга қарши бўлган ҳеч қандай блокка қўшилмаслик. Биз Афғонистон билан икки томонлама алоқа боғлаганмиз. Ҳали у ёқда, ҳали бу ёқда Афғонистонга ёрдам берамиз, деб пайдо бўлаётган гуруҳларга ишониш қийин. Мен Ўзбекистон учун, унинг сиёсати учун жавобгарман. Кимдир бизни ўз тўдасига олиб, етакчилик қилмоқчи бўлса, адашади. Биз у ёққа борамиз, бу ёққа борамиз, деган гапларни совет даврида кўп эшитганмиз. Лекин бу гапларнинг нималарга олиб келганига ҳаммамиз гувоҳмиз. Шундан хулоса қилиб, биз фақат ўз ақлимиз билан яшаймиз, бизга манфаат берадиган ишларни қиламиз. Биз атрофимиздаги давлатлар билан фақат дўстона алоқаларни боғлашга тайёрмиз.

Шу кўз билан қараганда, халқимизни қизиқтирадиган масалага – халқаро коалиция ҳарбий кучлари Афғонистондан чиқиб кетяпти, бу албатта 2014 йилда охиригача етказилади, деган масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Менинг фикримча, бу ишни 2014 йилда охирига етказиш қийин. У 2015 йилга ўтиши мумкин. Афғон халқи билан дўстона алоқаларни боғлаш барча халқимизни қизиқтиради. Қизиқтиргани учун, мана шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизга бу борадаги ахборотни Президентнинг ўзи гапирса, одамларда кўпроқ ишонч пайдо бўлади.

Шу масалаларга яна қайтиб айтмоқчиманки, нафақат Афғонистон, балки ён-атрофимизда жойлашган барча-барча давлатлар билан яқин бўлиш, турли-турли майда гап ва ишларга, кўпоровчи ҳаракатларга қўшилмаслик, фақатгина ўзимизнинг ҳаётимиз билан яшаш, ўзимизнинг кучимизга, қудратимизга ишониб, кимгадир ёрдам бериш, керак бўлса, қўл узатиб, мана шундай тинч ҳаёт кечириш – бу барчамизнинг мақсадимиз. Ўзбекистоннинг биринчи навбатдаги мақсади нима, деса, бу мақсад мана шундай.

Бизга узоқ ва яқин жойларда пайдо бўлаётган зиддият ва муаммоларни қандай ечиш керак, деган масалада ҳозирги вақтда кўп гапирилмоқда.

Бундай таҳликали вазиятда бизнинг ёндашувимиз ва қарашларимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомида, халқаро қонун ва нормаларда белгилаб, муҳрлаб қўйилган асосий принципларни сўзсиз бажаришдир, зўравонликка, куч ишлатишга йўл қўймасликдир.

Юзага келадиган қарама-қаршиликни, низоларни фақатгина сиёсий йўл, тинч воситалар билан ҳал этиш, давлатларнинг сиёсий суверенитети ва чегараларнинг дахлсизлигини бузишга йўл қўймасликдир.

Бу бизнинг қатъий сиёсатимиздир.

Ҳар қандай тўқнашув, ҳар қандай қарама-қаршилик, ҳар қандай зиддият, авваламбор тинчлик йўли билан, сиёсий музокаралар йўли билан ҳал этилиши керак. Мустақил давлатларнинг мустақиллигига зиён етказмаслик керак. Зўравонлик йўли билан, куч ишлатиб, бу масалаларни ҳал қилиб бўлмайди. Агар уруш-жанжал бошланадиган бўлса, унинг охири кўринмасдан қолади.

Халқимиз хотиржам бўлсин – Ўзбекистон бундай баҳслар, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қон тўкишга қаратилган уринишларга асло қўшилмайди ва бундай ҳаракатлар остонамизга етишига биз асло йўл қўймаймиз. Бунинг учун кучимиз ҳам етади, қудратимиз ҳам етади, керак бўлса, ақлимиз ҳам етади, десам, ўйлайманки, одамларимиз менинг гапларимни тўғри тушунади ва тўғри англайди.

Биз бошимиздан кечираётган замон барчамиздан, ҳар биримиздан огоҳ ва сезгир бўлиб яшашимизни, бугунги ва эртанги кунимизни, тинч ҳаётимизни ўзимиз асрашимизни талаб этади. Фақатгина тинчликни ният қилиш, орзу қилиш

эмас, балки тинчлик, осуда ҳаёт учун, мусаффо осмон учун албатта баҳоли қудрат курашишимиз даркор.

Бугун тобора мураккаблашиб, кескинлашиб бораётган, бошимиздан кечираётган давр биздан шуни талаб қилади.

Энг муҳими, бизнинг мана шундай оғир синовлардан ўтиб, кечган йўлимиз бугун ҳар томонлама ўзининг ҳосилини беряпти.

Мана шу ўтган қарийб 23 йиллик даврда, мустақил яшаётган йилларимизда, ўзингиз ўйланг, биз кечган йўлимиз, биз қўйган қадамларимиз, биз танлаган йўлимиз ҳар томонлама тан олиниб, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ўрни мустаҳкамланмоқда. Иқтисодиёт нуқтаи назаридан қараганда, унинг ўсиш суръатлари, айниқса кейинги 10 йилга яқин вақт мобайнида, дунёда турли-турли инқирозлар давом этаётган бир пайтда, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8 фоиздан паст бўлаётгани йўқ.

Агарки бошқа рақамларни олиб келмасдан, айти шу рақамни айтадиган бўлсам ҳам, кўп нарса аён бўлади. Мисол учун, бизнинг бугунги ҳаётимиз, бизнинг хонадонларимиздаги тинч-осуда турмуш, бозорларимиздаги нарх-навоининг меъёрида сақланиб келаётгани, болаларимизнинг чет мамлакатларда ва юртимизда ташкил этилган хорижий олий ўқув юртларида,

Ўзимизнинг университетларимиз, институт, лицей ва коллежларимизда, замонавий мактабларда бемалол ўқиётгани, айтилик, эртанги кунни англаб, ўзига аниқ тасаввур қилиб яшаётгани биз доимо шундай ҳаётга интилиб, ҳаракат қилиб келаётганимиз натижасидир.

Бизнинг барча-барча ишларимиз аввало битта нарсага – таълим-тарбия соҳасини замон талаблари асосида тубдан ислоҳ этиб, бу жараёни охирига етказишга қаратилган. Бу борада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури каби ўта ноёб, дунёда ўхшаши кам бўлган дастурларни қабул қилиб, улкан ишларни амалга оширганимиз бугун ҳосилини беряпти. Ҳосилини беряпти, деганим шуки, аввало одамларимиз ўзгаряпти. Бугунги халқимиз кечаги халқ эмас.

Шу ўринда яна бир бор орқамизга қараб, ҳолисона баҳо беришимиз зарур. Биз кечирган ҳаёт осон ўтгани йўқ. Биз олдин ўтмаган катта мактабни ўтдик. Одамларимиз, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккури, сиёсий ва ижтимоий фаоллиги, ҳаётнинг маъносига қараши ён-атрофимиздаги вазият ўзгариши билан яққол ўзгариб бораётгани бугун ҳар қадамда намоён бўлмоқда.

Халқимизда «Ер билан осмонча фарқ бор» деган гап бор. Ўйлайманки, бу ҳақда гапирганда ана шу иборани ишлатсак, айти ўринли бўлади. Яъни, бугунги фуқароларимиз, бугунги инсонларни

90-йилларга нисбатан қиёслайдиган бўлсак, улар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор, десак, бу ҳам айна ҳақиқат.

Шу ҳақда фикр юритганда, биз, авваламбор, ўтган давр мобайнида қандай қийин, қандай оғир бўлмасин, қандай машаққатли синовларни бошимиздан кечиришга тўғри келмасин, ўзимизнинг орийтли, ғурур ва ифтихор билан яшайдиган халқ эканимизни, ўз тарихимизни, кимнинг авлодлари эканимизни эсимиздан чиқармадик. Ва узоқни кўзлаб олдимизга қўйган мақсадларга эришиш учун ўзимизни аямадик, барча-барча таҳдид ва хавф-хатарлардан эл-юртимизни ҳимоя қилишга доимо тайёр бўлиб турдик.

Айнан шунинг ҳисобидан, ана шундай олижаноб, ўхшаши йўқ халқимиз борлиги учун Ўзбекистонимиз бугунги кунда жаҳондаги камдан-кам давлатлар қаторида юксак, барқарор суръатлар билан ўсиб, одамларнинг кундалик турмуши, ҳаёти ҳар томонлама обод ва фаровон бўлиб бормоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, биз барчани ҳайратда қолдирадиган марраларни қўлга киритмоқдамиз ва эртанги кунга катта ишонч билан яшамоқдамиз.

Халқимизнинг бугунги ҳаёт даражасини кўрсатиш учун турли рақамларни олиб келишнинг, ўйлайманки, ҳожати йўқ. Буни билиш учун одамларнинг уйига киринглар, уларнинг дастурхонига,

ҳовлисида турган машиналарига қаранглар – кўп нарса ўз-ўзидан аён бўлади.

Мен доим бир нарсага эътибор бераман: болаларимиз, қизларимизнинг кийинишига қаранглар, улар қандай кийинади? Қаранглар, ким бизнинг болаларимиздек чиройли кийинади? Бу бир қарашда майда нарса бўлиб туюлиши мумкин. Аслида бу майда гап эмас. Мана, коллежларга, лицейларга қатнайдиган болаларнинг кийинишига қаранглар, галстукни шундай боплаб боғлайдики, мен гоҳ-гоҳ ойнанинг олдига келиб, улар қандай боғлар экан, деб машқ қиламан. Коллежда ўқиётган, эндигина 16 ёшга кирган бола мана шундай бежирим кийинади.

Қизлар-чи? Бизнинг чиройли қизларимизни бошқалар билан солиштиришнинг ҳожати йўқ. Улар барибир биринчи ўринда туради, дунёда бизнинг қизларимизга тенг келадигани йўқ.

Мен охирги чиқишларимдан бирида, «Айтинглар, бундай олижаноб, бундай бағрикенг, бундай меҳр-оқибатли халқ яна қаерда бор?», деган саволга жавоб бериб, аминман, бундай халқни қидириб-қидириб ҳеч жойдан тополмайсиз, деганим эсимда. Шу фикрни ғурур билан такрорлашга доимо тайёрман. Бизнинг 23 йиллик мустақил ҳаётимиз шуни кўрсатдики, биз тўғри йўлни танлашда шошилмадик.

Мен шу ҳақда кўп ўйлайман, кечалари уйқу билмасдан, қаерда биз нимани ҳисобга олмадик,

қайси масалага етарли эътибор бермадик, деган саволлар доимо одамни қийнайди. Шуларни умумлаштириб, такрор айтмоқчиман, биз тўғри йўлни танлашда шошилмадик. Баъзилар, эй, мана, биз унга етиб бордик, биз бунга етиб бордик, деган бақир-чақирларни кўп гапиради. Биз ҳеч қачон шошилмадик. Энди бизга ҳавас қиладиган пайт келди. Ҳатто дунёдаги энг ривожланган, манаман деган давлатларнинг вакиллари ҳам келиб биздан нимани сўрайди? Бу болаларни қаердан топдинглар, деб сўрайди.

Мен шу ҳақда алоҳида айтмоқчиман, юртимиздаги бутун борлиғи билан ишга берилиб, эртанги кунга ишониб, астойдил меҳнат қиладиган одамларни, айниқса ёшларни кўриб, хорижлик ҳамкорларимиз бизга катта ишонч билан қарамоқда.

Ҳақиқатан ҳам, биз ёшларимиз, фарзандларимизнинг ёниб турган кўзлари, ғайрат-шижоати, билимга интилиши, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайман, деган ҳаракатини ёруғ келажагимизнинг, эзгу мақсадларимизга эришишнинг асосий омили ва гарови сифатида кўрамиз.

Жорий йилга юртимизда «Соғлом бола йили» деб ном берганимиз, ҳеч шубҳасиз, айна шу йўлда амалга ошираётган кенг кўламли ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариши ва улкан натижалар бериши муқаррар.

Мана шундай ниятларимиз бугун рўёбга чиқаётганига яқинда Қорақалпоғистонга борганимда бўлиб ўтган суҳбатда яна бир бор гувоҳ бўлдим.

У ерда, биласизлар, Сурғил кони негизида газ-кимё комплексини, яъни катта бир корхонани қуряпмиз. Унинг нархи, лойиҳа қийматининг ўзи кўп нарсадан далолат беради. Яъни, у 3 миллиард 900 миллион доллар туради. Шу ишни бошлаганимизга бу йил июнь ойида икки йил бўлади. Бу корхона келгуси йил, Худо хоҳласа, ишга тушади. Бундай катта иншоот, айтайлик, собиқ Иттифок ҳудудида йўқ, ҳали-бери бирон жойда қурилиши ҳам бошланмаган.

Бу қурилишда бўлиб одам ҳайратда қоладик, ҳеч ким фараз қилмайдиган теп-текис жойда катта комбинат қад ростлаяпти. Бу ерда қилинаётган ишларга қарасангиз, киши ҳақиқатан ҳам ҳайратга тушади. Бу иншоотларни Жанубий Кореянинг йирик қурилиш ташкилотлари қуряпти. Уларнинг мутахассислари билан учрашганда, очикчасига гаплашиб олдик, меҳнат ва яшаш шароитлари билан танишдик. Нега деганда, бу ерда – чўл шароитида ишлаш, яшаш осон эмас. Шундай кучли шамол эсадики, одамнинг тик оёқда туришининг ўзи қийин. Шунини кўриб ҳайратда қоласизки, одам зоти, авваламбор ўзбек болалари шундай шароитда ишлаб, мўъжизалар яратяпти. Улар бу ерда иш-

лаётган корейс мутахассисларини бизнинг ўқитувчиларимиз, дейди.

Кореялик бу мутахассислар дунёнинг кўп-кўп жойларида – Арабистон бўладими, Аргентина бўладими, Осиё давлатлари бўладими – бундай корхоналарнинг кўпчилигини қурган экан. Уларнинг Ўзбекистон ҳақида, ёшларимиз ҳақида ўз таассуротини яширмасдан, балки ғурурланиб гапирганини эшитиб, очиғини айтганда, ҳайратда қолдим.

Айниқса, корейлик иш бошқарувчи, яъни менежернинг айтган сўзлари эсимда қолди. Мен дунёнинг кўп давлатларида ишлаганман, деди у. Лекин сизларнинг юртингизда мени энг ҳайратга солган нарса – бу сизларнинг ёшларингиз. Ҳеч қаерда Ўзбекистондагидек ақл-заковатли, зехни ўткир, интилувчан ёшларни кўрганимиз йўқ. Ўзбек ёшларининг ҳар қандай мураккаб жараён ва технологияларни тез ўзлаштириб олиши бизни лол қолдирди, деган гаплари, ўйлайманки, барчамизга мамнуният етказмоқда. Ёшларимиз ҳақида гапирганида, дунё кўрган бу одам шундай сўзларни ишлатдики, мен яна бир бор ҳайратда қолдим. Яъники, ёшларимиз ҳақида аслида мен унга гапиришим керак эди, лекин у менга гапиряпти. У шундай ғурур билан гапирдики, худди мен меҳмон-у, у – мезбон.

Албатта, ёшларимизнинг нималарга қодир экани, қандай имкониятларга эга экани, ҳаётга қандай тайёр бўлаётгани, керак бўлса, қандай

босқичлардан ўтаётганини мен яхши биламан. Мана энди турли давлатларнинг мутахассислари билан, тенгдошлари билан баҳслашишга, беллашувга тайёр бўлган ёшларимиз дунёни кўряпти. Энди улар бошқалардан ўрناق олиб, кучига куч кўшиляпти. Энди уларни тўхтатадиган бирон тўсиқ деган нарсани топиш қийин. Фақатгина тўғри йўлни кўрсатсак, болаларимиз босади. Ўзбекча айтганда, маҳаллий шевада айтганда, босади. «Босади» деганим – янги-янги марраларни эгаллайди, деганим.

Авваламбор, билимга интилиш, иккинчидан, ҳеч тортинмасдан бошқалардан ўрганиш керак. Мен болаларимга айтмоқчиман: азиз фарзандларим, ҳеч қачон ўқиш-ўрганишдан, изланишдан уялманглар. Одамзод бор экан, умрининг охиригача ўрганади. Мен ҳамма нарсани биламан, деб бошқаларни писанд қилмасдан юрадиган одамнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди.

Мен болаларимизни шунинг учун ҳам яхши кўраманки, уларда ғўдайиш, осмонда парвоз қилиш деган нарсалар йўқ. Ва Худодан сўрайман, бундай ҳолатлар уларда бўлмасин ҳам. Биз доим ўрганишга, тинчликни кадрлаб, тарихдан сабоқ чиқариб яшашга тайёр бўлган халқмиз. Бугун биз айна шундай ёшларни, ҳаммани ҳайратда қолдирадиган ёш авлодни тарбияляймиз.

Такрор айтаман, бугун дунё глобаллашиб боряпти. Бу нима дегани? Бу – дунёда чегара йўқ, де-

гани. Хоҳлаган жойга бориш, хоҳлаган корхонада ишлаш, ўрганиш мумкин, агарки кимда интилиш бўлса.

Умуман айтганда, мен шу корейс вакиллари билан гаплашганда ишончим шундай бўлдики, агар бу комплексни қуриб, охирига етказсак, навбатда яна 4–5 та шундай катта иншоот бор. Масалан, Муборакда яна битта йирик саноат объекти бор, Қашқадарёда газни қайта ишлаб, бензин ишлаб чиқарадиган корхона ва яна 3–4 та жуда катта электростанциялар, турли коммуникациялар қурилиши шулар жумласидандир. Бу ҳақда гапирганда, Фарғона водийсини Тошкент шаҳри билан боғлайдиган темир йўл қурилишини алоҳида қайд этиш лозим.

Мухтасар айтганда, режаларимиз жуда кўп. Одам баъзи вақтларда қайсига кўпроқ эътибор бериш керак, қайси бирини аввал охирига етказиш керак, деб шошилиб қолади.

Мана шу азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрини оладиган бўлсак, Эски шаҳар ҳозир бизнинг эътиборимиз марказида турибди. Эски шаҳарни биз шошилмасдан, ҳар томонлама чуқур тайёргарлик қўриб – яна ўша сўзни ишлатмоқчиман – ундан кейин босамиз. Шундай босамизки, ҳаммасини кетма-кет охирига етказамиз.

Ҳозир биз Тошкент шаҳрининг коммуникацияларини охирига етказиш бўйича иш олиб

боряпмиз. Мана, Хадра майдони атрофини тартибга солдик. Энди Эски шаҳардан Тошкент шаҳрининг яна битта айланма йўлини ўтказяпмиз. Бу фақат йўл эмас, балки асосий коммуникация тармоқларини, жумладан, ичимлик суви, табиий газ, иссиқлик, электр тармоқларини ўз ичига олади.

Бир сўз билан айтганда, бир вақтлар йўл қўйган камчиликларга барҳам бериб, ҳамма инфратузилма тармоқларини комплекс ҳал этяпмиз. Илгари нима бўларди? Аввал битта уйни қуради, кейин 5 та уйни қуради, сўнг коммуникация ҳақида ўйларди. Ундан кейин қарайдики, шу атрофда бўш жой бор экан, яна 4–5 та уйни қуради, унга ҳам сув керак, газ керак, иссиқлик керак. Буни фақат кейин ўйлайди, кейин бош қотиради. Бизда ундай бўлмайди.

Биз Эски шаҳарнинг харитаси, яъни бош режасини туздик. Ана шу харитани тузганда аввало бизнинг иқлим шароитимизга мос уйлар, инфратузилма объектларини яратишга эътибор бердик.

Мана, биз Тошкентнинг ўзида қанча фавворалар курдик, ҳавони тозалайдиган, соя берадиган дарахтлар эжяпмиз, яшил майдонларни кўпайтиряпмиз. Мақсад – озгина бўлса ҳам табиатни ўзгартириш, офтобнинг тафтини пасайтириш.

Маълумки, офтоб Шарқдан кўтарилиб Ғарбга қараб ўтади. Тошкент табиатини инобатга олиб айтадиган бўлсак, бу ердаги иқлимга у қандай таъсир

кўрсатади? Офтоб нури – бу эрталаб ёки кечкурун бўладими – аксарият ҳолларда кўп қаватли биноларга кўпроқ тушади, уларни, айтайлик, чидаб бўлмайдиган даражада куйдириб юборади.

Биз шундай қилдикки, янги бош режа бўйича куриладиган уйларда офтобнинг кўтарилиши, тик келиши, қишда пастроқ юриши, ёзда эса баландроқ юриши, пастки қаватларга қандай таъсир қилиши – буларнинг ҳаммасини ҳисобга олган ҳолда, уйларнинг макетини ишлаб чиқдик.

Ёзда, тушунасизлар, 9 қаватли уйларда яшаш азоб. Бу – биринчидан. Иккинчидан, офтоб тепадан ёндириб турса, балкон тандирдек қизиб кетса, ётадиган жойда шабада бўлмаса, бу уйдаги бечоралар қаерга чиқади, қаерда дам олади? Кўчага чиқиб ерда ухлайдими? Оналар чақалоғини қандай ухлатади? Буним ким ўйлайди?

Шу нуқтаи назардан қараб, офтобни ҳам ҳисобга олиб – албатта, офтобнинг юришини ўзгартириб бўлмайди – унинг доимий юришини аниқлаб, биз Эски шаҳарда куриладиган уйларни куёшга нисбатан шундай жойлаштирдикки, токи офтоб бу биноларга камроқ таъсир қилсин.

Яна бир нарса. СССР даврида баъзи уйларни шундай қурганки, қилт этган шабада ўтмайди. Хадрани оладиган бўлсангиз, ҳаммаси аён бўлади. Эски Жўва бозорини олсангиз, унинг тепасида «смог», яъни ердан кўтариладиган буғлар шундай

тўпланиб, қотиб қолади. Июль, август ойларида қарасангиз, Эски шаҳарни шундай қурум булутли босади.

Уни йўқ қилиш учун нима керак – шабада керак. Шабада кириши учун Эски Жўвада очиқ жой борми ўзи? Ҳамма томон ўралиб қолган бўлса, айтинглари, шабада қаердан киради? Шабада бўлмаса агар яшаб бўладими ўзи Ўзбекистонда?

Эски шаҳарда қуриладиган янги уйларда шуларнинг барчасини ҳисобга олишга ҳаракат қиляпмиз. Иморат қурганда, бир йил, икки йил эмас, юз йил олдинни ўйлаш керак. Ҳеч кимнинг кейин армони қолмасин, демокчиман. Ҳаммаси ўз жойида бўлиши керак. Одамлар билан маслаҳат, маслаҳат яна бир бор маслаҳат қилиб, уй қуриш керак.

Хулоса қилиб айтганда, қиладиган ишларимиз, олдимизда турган марраларимиз жуда кўп, лекин уларнинг ҳаммаси одамларнинг эҳтиёжини ўрганиш ва уларнинг манфаатини таъминлашга қаратилган. Мақсадимиз – бу ишларни қадам-бақадам давом эттириш, нафақат Тошкент, балки бутун Ўзбекистоннинг гўзаллигини дунёга кўрсатиш.

2014 йил 9 май

**«ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ
ВА МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ
МЕРОСИ, УНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖИДАГИ РОЛИ ВА
АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО
КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ
МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

Ҳурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, конференция иштирокчиларини, аввало, муҳтарам меҳмонларимизни – нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, илмий тадқиқот марказлари, университет ва олий таълим муассасалари раҳбарлари ва вакилларини, таниқли олим ва мутахассисларни қутлаб, мазкур Форумда қатнашиш ҳақидаги таклифимизни қабул қилганингиз учун юксак ҳурмат-эҳтиромим ва миннатдорлигимни билдириш менга катта мамнуният бахш этади.

Бугунги конференциямиз ўзининг салкам уч минг йиллик тарихи мобайнида дунё цивилизацияси ва турли халқлар маданияти чорраҳаси бўлиб келган ва келаётган Самарқанд заминида ўтказилаётгани бу анжуманга алоҳида маъно-мазмун бағишлаб, унинг аҳамиятини янада оширади.

Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри бетакрор шарқона руҳи ва қиёфаси, бой тарихи, бу ерда сақланиб қолган ноёб, ҳар қандай одамни ҳайратга соладиган обидалари билан сайёра-

мизнинг турли ўлкаларида афсонавий шаҳар сифатида маълуми машҳурдир. Мовий гумбазлари миллионлаб сайёҳларни ўзига мафтун этадиган Самарқанднинг Рим билан бир қаторда «абдий шаҳар» деган ном билан бутун дунёда шуҳрат қозонгани бежиз эмас, албатта.

Мана шу шаҳарда туғилиб-ўсган, вояга етган инсон сифатида менга бу шаҳарда яшаётган барча-барча инсонлар номидан сизларга ўз самимий меҳмондўстлигимизни изҳор этиш ва «Азим Самарқандга хуш келибсиз!» деб қутлаш катта мамнуният бахш этади.

Қадрли дўстлар!

Бугунги конференциямизнинг мақсади – Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига баҳо беришдан иборат.

Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, Шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим деб ҳисоблайман.

Ўрта асрлар Шарқ тарихи шундан далолат берадики, маданият ва таълим-тарбия, тиббиёт, ада-

биёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги беқиёс юксалиш, илмий мактабларнинг вужудга келиши, янги-янги истеъдодли авлодлар тўлкинининг пайдо бўлиши ва вояга етиши – буларнинг барчаси, биринчи навбатда, иқтисодиёт, қишлоқ ва шаҳар хўжалигининг анча жадал ўсиши, ҳунармандлик ва савдо-сотиқнинг юксак даражада ривожланиши, йўллар қурилиши, янги карвон йўлларининг очилиши ва авваламбор, нисбий барқарорликнинг таъминланиши билан бевосита боғлиқ бўлган.

Мен бу фикрга алоҳида урғу бериб айтмоқчиман. Чунки тинчлик ва барқарорлик бўлмаса, илм-фан соҳасида ҳеч қандай ўсиш, тараққиёт бўлиши мумкин эмас. Қаерда тинчлик ва барқарорлик бўлсагина илм-фан марказлари, академиялар, олий ўқув юртлари пайдо бўлади. Энг асосийси, таълим-тарбия равнақ топиб, унга қизиқиш, эътибор кучаяди. Тинчлик-барқарорлик бўлган жойдагина одамлар ўқиб-ўрганишни, ҳар томонлама ривожланишни истайди. Одамлар кечаси уйқуга ётиб, эрталаб туришга кўрқмайдиган, эртага уларнинг бошига қандайдир муаммо ёки офатлар келмаслигини билган тақдирдагина шундай бўлади. Бу ҳақиқат кўп асрлар давомида ўз тасдигини топган ва ишончим комилки, бугун бу мавзуда гапиришнинг ўзи ортиқча.

Шарқ оламида, хусусан, Марказий Осиё халқлари ҳаётида ривожланган маданиятнинг мав-

жуд бўлгани ҳақида қадимги бақтрия, сўғд, ўрхун, хоразм ёзувларида битилган ёдгорликлар, деворий тасвирий санъат асарлари ва ҳайкалчалар, архитектура намуналари далолат беради.

XI–XIII асрларда асос солинган Хоразм давлати, Форс кўрфазигача бўлган ҳудудлардаги кўшни халқлар ерларини бирлаштирган ҳолда, Осиё қитъасининг катта қисмини қамраб олган.

Милодгача бўлган II асрдан милодий XV асрга қадар қадимий халқаро транспорт артерияси вазифасини бажариб, Хитой, Ҳиндистон ва Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ, Ўрта Ер денгизи минтақаси каби ҳудуд ва мамлакатларни боғлаб келган Буюк Ипак йўлининг улкан, беқиёс ролини баҳолашнинг ўзи қийин.

Мазкур йўл нафақат юқорида зикр этилган ҳудудлар ўртасида савдо-сотик алоқаларини, балки қитъалар ва давлатлар ўртасида ахборот алмашувини таъминлашга хизмат қилди, янги технология ва ишланмаларнинг (ипак, чинни буюмлар, порох, қоғоз ва бошқа кўплаб маҳсулотлар) тез тарқалишида, қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехнологияларнинг, шунингдек, маданий қадриятларнинг ривожланишида муҳим восита вазифасини бажарди ва шу тариқа цивилизациялараро мулоқот ва технологиялар алмашуви учун шарт-шароитлар яратди.

Бу даврларда турли мамлакатлар халқларининг илмий билим ва ютуқлар билан бир-бирини бойи-

тиб бориши алоҳида роль ўйнади. Буюк Ипак йўли орқали Европага, Европадан эса Осиёга Шарқ ва Ғарб оламидаги улуғ аллома ва мутафаккирлар фаолияти тўғрисидаги маълумотлар етказилди. Сократ, Платон, Аристотель, Птолемей ва антик даврга мансуб бошқа буюк алломаларнинг илмий асарлари, ғоя ва кашфиётларини ўрганиш учун амалий имконият вужудга келди.

Маълумки, ўша даврларнинг анъаналарига кўра, маърифатпарвар мутафаккир ва файласуфлар, олимлар ва шоирлар одатда ҳукмдорлар ва султонлар саройларида паноҳ топганлар. Улар орасида IX–XI асрларда Хивада ташкил этилган Маъмун академияси ва «Байт ул-ҳикма», яъни «Донишмандлик уйи» деган ном билан шуҳрат қозонган Бағдод академиясида, шунингдек, XV асрда Самарқандда шаклланган Мирзо Улугбекнинг илмий мактабида самарали меҳнат қилган бир гуруҳ олимлар бутун дунёга донг таратдилар.

Тадқиқотчи олимларнинг фикрича, Шарқ, хусусан, Марказий Осиё минтақаси IX–XII ва XIV–XV асрларда бамисоли пўртанадек отилиб чиққан икки қудратли илмий-маданий юксалишнинг манбаи ҳисобланиб, жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги Ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатган Шарқ Уйғониш даври – Шарқ Ренессанси сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган.

Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотчилар қайд этганидек, агар Европа Уйғониш даврининг натижалари сифатида адабиёт ва санъат асарлари, архитектура дурдоналари, тиббиёт ва инсонни англаш борасида янги кашфиётлар юзага келган бўлса, Шарқ Уйғониш даврининг ўзига хос хусусияти, аввало, математика, астрономия, физика, химия, геодезия, фармакология, тиббиёт каби аниқ ва табиий фанларнинг, шунингдек, тарих, фалсафа ва адабиётнинг ривожланишида намоён бўлди.

Ўрта асрларнинг илк даврида Шарқда амалга оширилган буюк илмий кашфиётлар ҳақида гапирар эканмиз, замонавий математика, тригонометрия ва география фанлари тараққиётига беқиёс ҳисса қўшган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий номини биринчилар қаторида тилга оламиз. У ўнлик позицион ҳисоблаш тизимини, ноль белгиси ва қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб берди ва амалиётга татбиқ этди. Бу эса математика ва астрономия фанлари ривожига кескин бурилиш ясади.

Ал-Хоразмий алгебра фанига асос солди, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиқди, у астрономия, география ва иқлим назарияси бўйича кўплаб илмий асарлар муаллифидир. Алломанинг дунё илм-фани ривожигаги хизматлари умумэътироф этилган бўлиб, Шарқ олимлари орасида унинг

номи ва асарлари «алгоритм» ва «алгебра» каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди.

Аҳмад Фарғоний томонидан IX асрда яратилган «Астрономия асослари» фундаментал асарида оламнинг тузилиши, Ернинг ўлчови ҳақидаги дастлабки маълумотлар, сайёрамизнинг шарсимон кўринишга эга экани хусусидаги далиллар мавжуд бўлиб, мазкур китоб XVII асрга қадар Европа университетларида астрономия бўйича асосий дарслик сифатида ўқитиб келинган ҳамда Буюк географик кашфиётлар даврида Колумб, Магеллан ва бошқа саёҳатчиларнинг кашфиётлари учун илмий асос бўлиб хизмат қилган. Аҳмад Фарғонийнинг амалий ютуқларидан бири, унинг Ўрта асрлардаги асосий астрономик асбоб – устурлоб назариясини ишлаб чиққани ва, шунингдек, Нил дарёсида «ниломер» деган, кўп асрлар давомида сув сатҳини ўлчайдиган асосий восита сифатида хизмат қилиб келган машҳур иншоотни яратгани бўлди.

Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти сифатида Миср Араб Республикаси пойтахти Қоҳира шаҳрида бўлганимда, ана шу ниломерни кўриб, бу улуғ аждодимизнинг илмий даҳоси олдида яна бир бор ҳайратга тушиш бахтига муяссар бўлдим.

Фазовий тригонометрия асосчиси деб тан олинган, ўзининг математика ва астрономия соҳасидаги кашфиётлари билан шуҳрат қозонган яна бир буюк

аллома Абу Наср ибн Ироқдир. Уни ҳақли равишда «Иккинчи Птолемей» деб атайдилар.

Улуғ комусий аллома Абу Райҳон Берунийнинг илмий даҳоси билан яратилган мислсиз кашфиётларга тўлиқ баҳо беришнинг ўзи қийин. Берунийнинг 150 дан зиёд илмий ишларидан бизгача фақат 31 таси етиб келганига қарамасдан, аллома қўлёзмаларининг қўлимиздаги ана шу тўлиқ бўлмаган намуналари ҳам унинг нақадар серқирра мерос қолдирганидан далолат беради.

Беруний дунё илм-фанида биринчилардан бўлиб денгизлар назарияси ва Ернинг шарсимон глобусини яратиш юзасидан ўзига хос янги ғояларни таклиф этди, Ер радиусини ҳисоблаб чиқди, вакуум, яъни бўшлиқ ҳолатини изоҳлаб берди, Колумб саёҳатидан 500 йил олдин Тинч ва Атлантика океанлари ортида қитъа мавжудлиги ҳақидаги қарашни илгари сурди, минераллар таснифи ва уларнинг пайдо бўлиш назариясини ишлаб чиқди, геодезия фанига асос солди. Шунинг учун ҳам XI аср бутун дунёдаги табиий фанлар тарихчилари томонидан «Беруний асри» деб аталиши бежиз эмас.

«Ислом оламининг энг машҳур файласуфи ва комусий алломаси ҳамда инсониятнинг энг буюк мутафаккирларидан бири» деган унвонга сазовор бўлган Абу Али ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти авлодларда алоҳида ғурур ва эҳтиром туйғула-

рини уйғотади. Илмий тадқиқот ишларини 16 ёшида бошлаган бу улуғ зот ўз умри давомида 450 дан ортиқ асар яратди. Уларнинг аксарияти, аввало, тиббиёт ва фалсафа, шунингдек, мантиқ, кимё, физика, астрономия, математика, мусиқа, адабиёт ва тилшунослик соҳаларига бағишланган. Леонардо да Винчи, Микеланжело, Фрэнсис Бэкон ва бошқа кўплаб олимлар авлоди унинг асарларини ўқиб, ҳайратга тушганлар.

Биз доим ғурур ва ифтихор билан эътироф этамизки, тиббиёт тарихида энг машҳур бўлган, «Тиб қонунлари» деб аталган ўзининг бебаҳо фундаментал асари билан Ибн Сино кейинги бир неча юз йиллар учун тиббиёт фанлари тараққиётининг асосий йўналишларини олдиндан белгилаб берди, ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган амалий тиббиёт ва фармакология соҳаларининг энг муҳим усулларига асос солди. Бежиз эмаски, бу китоб Европада XV асрда чоп этилган дастлабки китоблардан бири бўлган ва Европанинг етакчи университетларида қарийб 500 йил давомида тиббиёт илми айна шу асар асосида ўқитиб келинган.

Ибн Сино ва Берунийнинг бизгача етиб келган Аристотелнинг «Қоинот ҳақида китоб» асарига тааллуқли ёзишмалари буюк алломаларимизнинг илмий мулоқот олиб бориш, антик давр фалсафий қарашларини чуқур англаш ва уларни ри-

вожлантириш борасида нақадар юксак даражага кўтарилганининг мумтоз намунасидир.

X–XI асрларда Хоразм заминида ижод қилган Беруний, Ибн Сино ва бошқа буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг хизматлари уларнинг илмий ишлари ва асарлари доираси билангина чегараланиб қолмайди, балки инсониятнинг интеллектуал тарихида чуқур из қолдирган илмий мактаб – Хоразм Маъмун академиясини шакллантиришдек муҳим масалани ҳам камраб олади.

X асрнинг қомусий алломаси Абу Наср Форобийни замондошлари, универсал билимларга эга бўлгани боис, «Шарқ Аристотели» деб атаганлар. У кўплаб фанларни илмий кашфиётлар билан бойитди, турли мамлакатлар олимларининг фалсафий қарашларини ривожлантирди ва 160 дан ортиқ асар ёзди. Улардан энг машҳурлари «Моҳият хусусида сўз», «Фанларнинг пайдо бўлиши ҳақида китоб», «Тафаккур моҳияти» ва бошқа асарлар ҳисобланади. Форобий асарларининг асосий қисми кўплаб Европа ва Шарқ тилларига таржима қилинган ва ҳозирги кунга қадар чуқур тадқиқотлар мавзуси бўлиб келмоқда.

Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг бутун бир авлоди ҳақида сўз юритар эканмиз, Амир Темур ва Темурийлар даври деб ном олган давр ҳақида, номи илм-маърифат осмонида бамисоли ёрқин юлдуз бўлиб порлаб келаёт-

ган Мирзо Улуғбек ва унинг Қозизода Румий, Али Қушчи сингари кўплаб сафдошлари ва шогирдлари хусусида эсламасдан ўтолмаймиз.

Барчамизга яхши маълумки, Амир Темурнинг набираси бўлган, 40 йил Самарқандда ҳукмдорлик қилган Мирзо Улуғбек астрономия соҳасидаги буюк аллома сифатида шуҳрат қозонган ва унинг номи ҳақли равишда Коперник, Жордано Бруно, Галилей ва бошқа улуғ илм-фан даҳолари қаторида тилга олинади.

Мирзо Улуғбекнинг XV асрда тузган астрономия жадвалида 1018 та юлдузнинг ҳолати ва жойлашуви баён қилинган бўлиб, бу асар астрономик ўлчовлар бўйича 16 аср давомида яратилган биринчи янги каталог эди.

Мирзо Улуғбекнинг сафдоши Ал-Коший биринчи бўлиб ўнлик касрларни илмий истеъмолга жорий этди, эркин даражалар илдизларининг изчил яқинлашиб бориши ва уларни топиш методларини ишлаб чиқди.

Мирзо Улуғбек обсерваторияси билан Самарқандни ўраб турадиган энг баланд тепаликлардан бирида жойлашган, буюк аллома номи билан аталадиган музейга ташриф чоғида янада батафсил танишиш мумкин.

Абу Абдуллоҳ Рудакий, Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий, Ҳофиз Шерозий, Жомий, Алишер Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб буюк файла-

суфлар, шоир ва маърифатпарварларнинг ижодий меросида донишмандлик ва борлиқ олами гуманистик англашнинг жуда улкан, битмас-туганмас хазинаси сақланиб келмоқда. Бу мерос ҳақиқатан ҳам жаҳон аҳамиятига молик бебаҳо бойлик ҳисобланади.

Дунё тарихидаги биринчи туркий тиллар лугати бўлмиш «Девони луғатит-турк» китоби муаллифи Маҳмуд Кошғарий бўлиб, у ўз асарида юксак маҳорат билан тўплашга эришган сўз бойлигининг том маънодаги олтин зарраларини – туркий мақол ва шеърларни ҳам келтириб ўтган. Кошғарий туркий халқларнинг тили, маданияти, этнографияси ва фольклорининг биринчи тадқиқотчиси ҳисобланади.

Араб тили грамматикасининг асосчиси сифатида тан олинган буюк тилшунос, адабиётшунос, географ ва файласуф аллома – Маҳмуд Замахшарий ҳаётлик давридаёқ кенг шуҳрат қозонган. У, шунингдек, тарихдаги биринчи кўп тилли луғат – арабча-форсча-туркий луғатнинг асосчиси бўлган.

Албатта, биз барчамиз Ўрта асрларда Шарқда яшаб ижод қилган, ўша давр воқеаларидан гувоҳлик берадиган бебаҳо асарлар яратган буюк тарихчилар авлодига, энг аввало, Аҳмад ибн Арабшоҳ, Низомиддин Шомий, Шарафиддин Али Яздий, Ҳофизи Абрў, Хондамир, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқа алломаларга ўзимизнинг

чексиз ҳурмат-эҳтиромимизни билдиришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Бугун, орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам, биз Ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз. Афсуски, инсоният бошидан кечирган ҳар хил фожиалар, урушлар, табиий офатлар натижасида улар қолдирган буюк мероснинг, айтиш мумкинки, мингдан бир қисмигина бизгача етиб келган, холос. Тарихнинг зулмат ва жаҳолат ҳукмронлик қилган муайян даврларида олимларнинг қувғин ва таъқибга учраб, кўпчилигининг ҳаёти фожиали яқун топганини ҳозирги кунда тасаввур қилишнинг ўзи қийин.

Шу билан бирга, далиллар шуни кўрсатмоқдаки, одамлар ўртасидаги ўзаро қарама-қаршиликлар, тўқнашув ва низоларнинг биринчи қурбони билимлар манбаи ҳисобланган бебаҳо қўлёзма ва китоблар бўлган. Сизларнинг барчангиз яхши биласиз, қадимги дунёдаги энг улкан ҳисобланган Александрия кутубхонаси, Мирзо Улуғбекнинг ноёб кутубхонаси йўқ қилиб юборилган. Афсуски, бундай ачинарли рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Бироқ, барча қийинчилик ва аёвсиз синовларга қарамасдан, аллома ва мутафаккирлар ўзларининг илму фан ривожини йўлидаги бурчига, гуманизм ва маърифат ғояларига содиқ қолдилар.

Бу улуғ зотларнинг илм-фан соҳасига бахшида этган ҳаёти, улар эришган ва бугунги кунда бутун маърифатли инсониятни ҳайратга солиб келаётган ютуқлари – бу, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқий маънавий жасорат намунаси, деб айтишга барча асосларимиз бор ва биз бундай жасорат олдида бош эгиб, таъзим қиламиз.

Бугун ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин ва буни мен алоҳида қайд этмоқчиман, Ўрта асрлар Шарқ даҳоларининг буюк кашфиётларидан иборат илмий мероснинг чуқур қатламлари ҳали тўлиқ ўрганилмаган ва ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Ахир фақатгина Ўзбекистоннинг ўзида китоб фондларида юз мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Уларнинг асосий қисми ЮНЕСКО-нинг Маданий мерос рўйхатига киритилган. Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг қўлёзмалари Европа ва Осиёнинг Буюк Британия, Германия, Испания, Россия, Франция, Миср, Ҳиндистон, Эрон ва бошқа кўплаб мамлакатларидаги кутубхоналарнинг «олтин фонд»ини ташкил этади. Бу фактлар нимадан далолат беради? Бу, энг аввало, Ўрта асрларда яшаб, ижод этган буюк

Шарқ аллома ва мутафаккирларининг тенгсиз асарлари ва илмий мероси фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки эканини яна бир бор тасдиқлайди. Бу – бебаҳо бойлик, янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, керак бўлса, янги кашфиётлар учун ажойиб материалдир.

Бизнинг давримизгача етиб келган бу бой меросдан бутун башарият равнақи йўлида оқилона ва самарали фойдаланиш – сиз билан бизнинг вазифамиз, сиз билан бизнинг бурчимиздир.

Бу борада фидойи олимларнинг роли алоҳида диққат-эътиборга муносиб бўлиб, айнан уларнинг меҳнати туфайли биз ўтмишнинг бебаҳо илмий меросини қайтадан кашф этмоқдамиз.

Биласизми, мен баъзан ўйлаб қоламан, дунёда фанлар кўп, илм-фаннинг ажойиб ютуқларини барча соҳаларда кўриш мумкин. Мен бундай машаққатли меҳнатдан доимо ҳайратга тушаман. Бизнинг халқимизда «Илм билан шуғулланиш – игна билан қудуқ қазиш билан баробар» деган мақол бор. Ана шу игна билан қудуқ қазийётганлар бор бўлсин! Улар қўлёмалар устида 10–20 йиллаб ва ҳатто умрбод ишлаётган инсонлардир. Бундай сабр-тоқат билан меҳнат қилаётган инсонлар қалбида буюк даҳолар меросини бутун дунёга намён этиш истаги шунчалик кучлики, ҳеч шубҳасиз, бундай даҳоларсиз инсоният равнақ топа олмайди.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларга, сизларнинг тимсолингизда эса сизларнинг ҳам-касбларингизга – олимлар, тарихчи шарқшунослар, археологлар, антропологлар, сарғайиб кетган қадимги қўлёзма ва саҳифалар устида кўз нурини тўкиб машаққатли меҳнат қилаётган бошқа кўплаб соҳаларнинг мутахассисларига самимий миннатдорлик билан мурожаат қилиб айтмоқчиман: сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз туфайли ўтмишда яратилган инсоният тафаккури хазинаси бугунги авлодлар ва замондошларимиз учун хизмат қилмоқда, олис-олис даврлар ва цивилизацияларнинг ажойиб ва сирли олами ўзини намоён этмоқда.

Конференциямизнинг энг нуфузли қатнашчиларидан бири, илмий фаолияти Марказий Осиё тарихи, этнографияси, археологияси ва санъатининг биз учун номаълум бўлган саҳифаларини очишга ёрдам берган япон профессори жаноб Като минтақамизнинг йирик тадқиқотчиси ҳисобланади. Унинг Буюк Ипак йўлини, Бактрия давлатини ўрганишга бағишланган ишлари, шунингдек, 1989 йилдан буён Сурхондарё вилоятининг кўҳна Далварзинтепа ва Қоратепа шаҳарлари ўрнида олиб бораётган археологик тадқиқотлари, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ва Марказий Осиёнинг бошқа улуғ мутафаккирлари асарларини япон тилига қилган таржималари бизнинг улкан

минтақамиз тарихи ва маданияти ҳақидаги билимларни жаҳон мулкига айлантириш имконини берди.

Шахсан мен бу инсоннинг айнан бизнинг халқимиз олдида қилган эзгу ва олижаноб ишларини мамнуният билан эътироф этиб, айтмоқчиман: бу заҳматкаш олим Ўзбекистоннинг «Дўстлик» ордени билан мукофотланган. Бу юксак нишон ушбу атоқли олимнинг ҳаётий қарашларини, эътиқодини, бутун фаолиятини яққол ифода этади, десам, ўйлайманки, янглишмаган бўламан. Чунки бундай инсонлар халқлар ва давлатлар ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлайди, бундай ришталарсиз инсон, халқ, жамият яшолмайди. Одамзод табиати шундайки, у уруш-жанжалларга эмас, балки дўстликка, бошқа халқлар билан ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлишга интилиб яшайди. Шунинг учун ҳам мен бу ажойиб инсонга миннатдорлик билдирмоқчиман.

Бугунги анжуманимизнинг яна бир қатнашчиси – таниқли америкалик тарихчи, археолог, антрополог, Жон Хопкинс университети қошидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, 22 та китоб ва 200 дан ортиқ илмий мақола муаллифи – профессор Фредерик Старр жанобларидир. Унинг 2009 йилда «Марказий Осиёнинг янгитдан кашф этилиши» деб ном олган эссеси АҚШда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган йилнинг энг яхши материали сифатида эътироф этилган.

Шарқ Ренессанси даври Ҳиндистоннинг академик ва маданий доиралари томонидан ҳам чуқур ўрганилмоқда. Бугун ушбу анжуманда Индира Ганди номидаги Миллий маданият марказининг илмий раҳбари, IV–XV асрлардаги Ўрта Осиё ёзма манбаларини қиёсий ўрганиш бўйича узоқ йиллардан буён самарали иш юритиб келаётган профессор Мансура Ҳайдар хоним ҳам иштирок этаётганини айтиб ўтмоқчиман.

Олиманинг «Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома» асарининг тарихий аҳамияти» деб номланган илмий монографияси халқаро миқёсда кенг эътироф этилган бўлиб, у Амир Темурнинг ҳаётлиги даврида унинг давлатчилик фаолиятига бағишлаб ёзилган ягона китобни батафсил тадқиқ этишга қаратилган.

Бизнинг Корея Республикасидан ташриф буюрган яна бир меҳмонимиз, Корея ва Осиё минтақасидаги етакчи олий ўқув юртларидан бири — Инҳа университети президенти, олий таълим тизимининг тан олинган ташкилотчиси, аэрокосмик муҳандислиги соҳасидаги йирик мутахассис Пак Чун-Бэ Корея Республикасида аэроавтика ва коинот соҳасидаги тадқиқотларга кўп йиллар давомида раҳбарлик қилиб келган. Унинг бевосита ва шахсан иштирокида жорий йилда Тошкент шаҳрида ахборот технологиялари соҳасида юқори малакали бакалавр ва магистрларни тайёрлашга

ихтисослашган Кореянинг машҳур Инҳа университети филиали очилади.

Қоҳира университети профессори, турк филологияси ва адабиёти бўйича таниқли олима Магида Маҳлуф хоним ўтган йили «Бобурнома»ни араб тилига таржима қилиш бўйича узоқ йиллик ишини якунига етказди ва унда ўзининг чуқур шарҳлари ва аввалги тадқиқотларга доир танқидий таҳлилларини баён этди. Энг муҳими, бизнинг буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари билан инглиз, форс ва бошқа кўплаб тиллар қатори эндиликда араб тилида ҳам танишиш имкони пайдо бўлди.

Шарқ тарихи ва фалсафасининг турли йўналишлари бўйича 60 дан ортиқ нашр қилинган ишлар муаллифи, Бельгиядаги Лувен католик университети профессори Юль Янссеннинг илмий фаолиятини ҳам биз юксак баҳолаймиз. Олимнинг «Ибн Сино ва унинг араб ва лотин дунёсига таъсири» китоби, «Абу Али ибн Сино ва унинг мероси» тўплами фақат мутахассислар эмас, балки бутун дунё китобхонлари орасида ҳам юқори баҳоланди ва кенг эътироф этилди.

Мен бу инсон билан танишишни кўпдан буён орзу қилганимни айтишни истардим. Бугунги имкониятдан фойдаланган ҳолда, унга мурожаат қилиб, айтмоқчиман: сизни Ибн Синодек даҳо шахснинг айнан қайси жиҳатлари ўзига мафтун

этади? Балки сиз бу борада бизнинг телевидениемизда чиқиш қилиб, тарихимиз, маданиятимиз, буюк алломаларимиз, айниқса, Ибн Синога бўлган муҳаббатингиз ҳақида жамоатчилигимизга, ёшларимизга атрофлича сўзлаб берарсиз? Мен буни жуда-жуда истардим.

Хитой Фан ва технологиялар университетининг тарих ва археология факультети раҳбари, профессор Ши Юнлининг номини алоҳида таъкидлашни истардим. У астрономия тарихи соҳасида дунёга таниқли мутахассисдир. Унинг Ўрта асрларда Марказий Осиё, Хитой, Корея ва Европада астрономия тараққиётини қиёсий-таҳлилий ўрганиш бўйича олиб борган тадқиқотлари катта шуҳрат қозонди. У астрономиянинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихини оммалаштириш бўйича жаҳонга машҳур олим, айти пайтда Хитой ва Жануби-шарқий Осиёдаги қатор етакчи илмий-оммабоп нашрларнинг таҳрир ҳайъати аъзоси ҳамдир.

Европада таниқли врач, соғлиқни сақлашнинг замонавий тизимини ташкил этиш соҳасида тан олинган эксперт, доктор Марк Боннелнинг фидо-корона фаолияти катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовордир. У раҳбарлик қилаётган «Абу Али ибн Сино – Франция» уюшмаси Франция ва Европада Ибн Синонинг маданият, фалсафа ва тиббиёт соҳасидаги илмий асарларини оммалаштиришга беқиёс ҳисса қўшмоқда.

Бизнинг конференциямизда, шунингдек, Утрехтдаги Фан тарихи институтидан машҳур голланд олими Роберт ван Гент ҳам иштирок этмоқда. Ушбу тадқиқотчининг нашр этилган ўндан ортиқ китоби, 60 та мақоласи фақат астрономия, картография ва геодезиянинг бугунги долзарб муаммоларини эмас, айти пайтда уларнинг тараққиёт тарихини, жумладан, Ўрта асрлар Шарқига мансуб даврни ҳам қамраб олади.

Ўрта асрларда Шарқда яшаб ўтган аллома ва мутафаккирларнинг боқий меросини тадқиқ ва тарғиб этишга, кенг оммага етказишга муносиб ҳисса қўшаётган кўплаб фидойи олим ва мутахассислар ҳам шундай эътироф ва ҳурматга сазовордир. Сизларнинг барчангизга меҳнатингиз, илмфан ва маърифат ривожига қўшган ҳиссангиз учун чуқур миннатдорлик билдираман.

Қадрли дўстлар!

Ўз тарихига, тўпланган тажрибага, дунёда энг катта бойлик саналган интеллектуал салоҳиятга чуқур ҳурмат билан ёндашиш ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий тараққиёти асосини ташкил этади, десам, ишонаманки, бу фикрга сизлар ҳам қўшиласиз.

Шу муносабат билан улуғ испан адиби Сервантеснинг, «Тарих – фаолиятимиз хазинаси, ўтмиш гувоҳи, бугунги кун учун ибрат ва ўғит, келажак учун эса огоҳлантиришдир», деган сўзларини

такрорлаш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Менга айниқса «келажак учун огоҳлантириш» деган фикр жуда маъқул бўлди. Нима учун? Нега деганда, ҳақиқатан ҳам, тарихни билмаган киши ҳар қадамда хатога йўл қўяди, ўз тарихи билан фахрланмайдиган халқ эса ўз келажagini тасаввур қилолмайди.

Барчамиз яхши тушунамизки, эришилган билимларни, ўтмишда, жумладан, Ўрта асрлар Шарқида амалга оширилган оламшумул кашфиётларни чуқур ўзлаштирмасдан туриб на илм-фанда, на бошқа соҳаларда янги, янада юксак марраларни забт этиб бўлмайди. Биз келгуси фаолиятимизда ҳам айни шу тамойилга қатъий амал қиламиз.

Бугунги кунда инсоният олдида янги, глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Улар қаторида мен иқлим ўзгаришлари, экотизим ва биохилмахилликни сақлаш ва асраб-авайлаш, табиий захираларнинг тугаб бориши ва бошқа шу каби жуда ўткир муаммоларни қайд этишни истардим. Уларнинг оқилона ечими давримизнинг энг кескин муаммосига айланмоқда.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш интеллектуал салоҳиятнинг ҳар томонлама ўсишини, кўп асрлар мобайнида вужудга келган қонунларни қайта идрок этиш ва янгича баҳолашни, бизни қуршаб турган борлиқни кенг миқёсда ўрганиш бўйича чуқур илмий тадқиқот ва тажрибалар олиб боришни тақозо этиши мумкин.

Ўзингиз айтинг, бугун бу залда номлари зикр этилган буюк алломалар, улуғ инсонлар ўз кашфиётларини, илмий асарларини ғоят оғир шароитларда яратган эмасми? Улар замонавий лабораторияларга, бугунги кундаги каби илмий асбоб ва жиҳозларга эга бўлмаган. Демокриманки, ҳозирги вақтда илм-фан юксак технологиялар, улкан маблағларни жалб этиш ҳисобидан ривожланади. Илм-фан ва маданиятни катта сармоялар киритмасдан, ҳар томонлама қўллаб-қувватламасдан раванк топтириб бўлмайди. Бу соҳадаги доимий юксак эътибор, катта маблағ ва сармоялар, ҳеч шубҳасиз, катта-катта ғоялар ва кашфиётларга сабаб бўлади.

Табиийки, улкан ҳажмдаги маблағ ва харажатлар билан бирга, ўз навбатида, ўтмишда амалга оширилган беқиёс илмий ютуқлардан оқилона фойдаланиш талаб қилинишини ҳам ҳаммамиз яхши тушунамиз. Шуларни эътиборга олганда, «XXI аср – билим ва интеллектуал тафаккур асри» деган фикр бежиз айтилмагани ўз-ўзидан аён бўлади. Бугунги кунда «Энг кўп талаб қилинадиган ва ўзини энг кўп оклайдиган сармоя – бу инсон капиталига йўналтирилган сармоядир» деган ҳақиқатнинг ҳаётда тобора мустаҳкам қарор топиб бораётгани тасодиф эмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бу ўринда нима назарда тутилмоқда?

Ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва

кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайдиган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ва тараққиёт йўлидан четда қолиб кетишга маҳкум эканини биз яхши тасаввур қилиб келганмиз ва яхши тасаввур этамиз.

Биз ўз мустақиллигимиз ва суверенитетимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўтмишда шаклланган таълим тизимини тубдан ислоҳ қилмасдан туриб, эски коммунистик мафкура-нинг қолип ва ақидаларидан бутунлай воз кечмасдан, ёшларнинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамламасдан туриб янги жамиятни барпо этиб бўлмайди, деган қатъий хулосага келган эдик.

Агар Ўзбекистонда бугун яшаётган 31 миллион аҳолининг 60 фоизидан ортиғини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, ушбу ислохотларнинг зарурати ва роли ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.

Мамлакатимизда қабул қилинган миллий дастурга кўра, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Бу, авваламбор, 12 йиллик тўлиқ бепул, мажбурий таъ-

лим қонуний асосда йўлга қўйилганини англатади. Агар инсон ўз мамлакати Конституцияси, халқи ва Ватани олдидаги фарзандлик бурчини бажаришни истаса, у биринчи навбатда, ўз фарзандининг 12 йиллик таълим олишини таъминлаши, бунинг учун барча-барча шароитларни яратиб бериши керак.

Бу моделнинг принципиал хусусияти авваламбор шундаки, умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда таҳсил олиб, уларнинг ҳар бири умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорида талаб қилинадиган 2–3 та мутахассислик бўйича касб-ҳунарларни ҳам эгаллайдилар.

Мен сизларнинг ана шу лицей ва коллежларни – бу Самарқандда бўладими, Тошкентда бўладими, олис шаҳар ва туманларда бўладими – ана шу ўқув юртларини албатта бориб кўришингизни истардим. Бу коллежлар энг юксак замонавий талаблар асосида бунёд этилган ва барча жиҳозлар билан таъминланган. Биз энг замонавий меъморчилик лойиҳалари асосида 1500 та ана шундай коллеж ва лицейлар барпо этдик. Илгари хорижлик меҳмонларга экзотика намуналарини кўрсатардик. Бугун эса уларга болаларимиз қандай ўқиётгани, уларга қандай замонавий шароитларда билим бераётганимизни, қандай авлод вояга етаётганини

кўринг, деймиз. Яна шуни таъкидламоқчиманки, ушбу коллежларда таҳсил олаётган ёшларимиз икки-уч мутахассисликка эга бўлиш билан бирга, хорижий тилларни, аксарият ҳолларда инглиз тилини ўрганмоқда.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, ана шу мажбурий таълимдан сўнг ёш йигит-қизларимиз, ўз хоҳишларига кўра, бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш учун олий ўқув юртларида таҳсил олишни давом эттиришлари мумкин.

Таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш дастури ҳаётимизга муваффақиятли жорий этилиши натижасида узлуксиз таълимнинг замонавий талабларга жавоб берадиган яхлит тизими яратилди. Бу тизим таълим жараёнларининг барча босқичларини – мактабгача ва мактаб таълимидан тортиб ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим бўғинини, шунингдек, халқаро меъёрларга мос ҳолда бевосита фан доктори даражасини олиш учун диссертация ҳимоясини назарда тутадиган олий таълимдан кейинги бир босқичли таълимни ўзига қамраб олади.

Мамлакатимизда кенг кўламли ислоҳотлар бошланганидан буён олий ўқув юртлари сони 2 марта ошди, бугунги кунда 60 та университет ва институтда 230 минг нафардан зиёд талаба таҳсил олмоқда. Ўзбекистонда Европа ва Осиёнинг бир қатор етакчи олий ўқув юртларининг филиаллари, жумладан, Вестминстер университети, Сингапур

менежментни ривожлантириш институти, Турин политехника университети, Россия нефть ва газ университети, Москва давлат университети, Россия иқтисодиёт университети филиаллари фаолият юритмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Миллий университети, Фанлар академияси ва Буюк Британиянинг етакчи олий ўқув юрти – Кембриж университети билан биргаликда Юксак технологиялар ўқув-тажриба маркази ташкил этилмоқда.

2014 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб юртимизда, юқорида зикр этилганидек, Жанубий Кореянинг Инҳа университети филиали фаолият кўрсатади, унинг асосий йўналишини ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер муҳандислиги соҳасидаги таълим ташкил этади.

Ёшларимизнинг минглаб иқтидорли вакиллари Япония, Германия, Жанубий Корея, Хитой, Буюк Британия, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларнинг етакчи университетларида таълим олмоқда, бу эса уларнинг билим ва малакасини оширишда кенг имкониятлар очиб бермоқда.

Бугунги кунда, БМТ маълумотларига кўра, мамлакатимизда таълимга йўналтирилаётган харажатлар давлат бюджетининг 35 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда. Бошқача айтганда, Ўзбекистон давлат бюджетидан ҳар йили 35 фоиз маблағ айнан таълим-тарбия соҳасига йўналтирилмоқда.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва етакчи халқаро бизнес-мактаблардан бири – ИНСЕАД томонидан 2012 йилда инсон капиталининг тараққиёт даражаси бўйича ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, Ўзбекистон 141 мамлакат орасида 53-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси, жумладан, таълим мақсадлари учун ажратиладиган маблағлар бўйича эса дунёда бешинчи ўринни эгаллагани бежиз эмас, албатта.

Холис инсонлар бизнинг таълим-тарбия соҳасидаги кенг кўламли ишларимиз ҳақида холисона хулоса чиқаргани учун миннатдормиз. Биз бундай ҳар томонлама асосланган тадқиқотлар олиб бориб, умумий хулосалар чиқариш билан шуғулланадиган илмий-таҳлилий марказ мавжудлигидан беҳабар эдик. Бундай марказлар фаолияти жуда фойдали деб ўйлайман ва биз ана шундай юксак эътирофдан руҳланиб, янада юқори ўринларга кўтарилиш учун янада қаттиқ бел боғлаб ҳаракат қиламиз. Биринчи ўринга даъвогарлик қилишдан чўчиб турган бўлсак-да, биз шунга интилиб яшашга ҳақлимиз, деб ўйлайман.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Ўрта асрлар Шарқи буюк алломаларининг илмий меросини, уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо ҳиссасини ўрганиш ва амалда омалаштиришга бағишланган ушбу конференцияни ўтказиш ўта муҳимлиги ва мақсадга мувофиқ

эканига бизнинг ишончимиз комил, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Форум қатнашчиларининг таркибини эътиборга олган ҳолда айтадиган бўлсам, мен сизлар билан олдиндан танишман.

Сизларнинг ялпи мажлис ва секциялар бўйича ўтадиган йиғилишларда билдирадиган таклиф-мулоҳазаларингиз муҳокама этилаётган мавзуга оид долзарб масалаларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этиши, ушбу конференция ишини мазмунан бойитишга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки бундай мавзудаги конференция дунёда камдан-кам бўладиган анжумандир. Ўйлайманки, унинг натижасига кўра жуда бой материалларга эга бўламиз. Бизнинг истагимиз шуки, Шарқ кўлёмаларида сақланаётган улкан меросдан барча-барча инсонлар баҳраманд бўлсин. Уларни одамларга, авваламбор, ёшларимизга етказиш айна муддао бўлур эди.

Мен ёшларимизга мурожаат қилар эканман, уларга доимо: «Биз буюк аجدодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак», деб айтаман. Айна вақтда «Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!» деб такрорлайман.

Биз келгусида юртимиз ва хориждаги тегишли етакчи университетлар, илмий ва тадқиқот

марказлари ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик мустаҳкамланиб боришидан манфаатдормиз ва бугунги конференциядан кўзланган асосий мақсадлардан бири ҳам шундан иборат эканини алоҳида таъкидлашни истардим.

Шуниси муҳимки, олим ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги униб-ўсиб келаётган ёш авлод, талаба ва ёшларнинг ўзаро алоқалари учун ҳам, улар дунёнинг қайси жойида яшаши, ўқиши ёки меҳнат қилишидан қатъи назар, кенг йўл очиб беради.

Айни шу жиҳатдан ҳам биз мазкур анжуманнинг аҳамиятини чуқур англаб турибмиз. Конференция ушбу мавзу доирасида бизни бир-биримизга янада яқинлаштиради. Анжуман мавзуси эса, уни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, мазкур йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш ва шу мақсадда ажратилаётган маблағларни янада кўпайтиришга қодир эканимизни бутун дунёга намоён этади.

Шунинг учун ҳам биз бундай форумларнинг мунтазам ўтказиб турилиши тарафдоримиз. Ўзбекистон халқи ғоят меҳмондўст, сиз, муҳтарам меҳмонларимиз бунга ҳар бирингиз ўз мисолингизда ишонч ҳосил қилишингизни хоҳлаймиз. Шу боис сизларни фақат Самарқанд ва Тошкентда эмас, мозий гавҳари бўлган Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бизнинг буюк тарихимизни, қадимий цивилизация ютуқларини асраб-авайлаб келаёт-

ган бошқа шаҳарларимизда ҳам кўришдан мамнун бўламиз.

Ушбу юксак минбардан туриб, шу мухташам залда тўпланганларга яна бир бор самимий ҳурматимни изҳор этаман, ишингиз самарали бўлишини, Ўзбекистонга сафарингиз сизларда ўчмас таассуротлар қолдиришини истайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, олижаноб фаолиятингизда янги-янги ютуқ ва омадлар тилайман. Эътиборингиз учун раҳмат.

2014 йил 15 май

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ҶЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Қадрли фарзандларим!

Авваламбор, сиз, азиз болаларимни, сизларни қутлаб турган муҳтарам устоз-мураббийлар, оналар, ёру дўстларингизни Ўзбекистон ҳаётидаги улкан воқеа – ёшлик, камолот ва спорт байрами – «Баркамол авлод» ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман, барча-барчангизга соғлик-саломатлик, бахт-саодат, янги-янги омадлар тилашдан бахтиёрман.

Айни шу кунларда янада чирой очиб бораётган Наманган заминига, ушбу мусобақаларга чуқур тайёргарлик кўриб, сизларни бағрини кенг очиб кутиб олаётган, меҳр-оқибат, одамийлик каби фазилатларнинг ўрнини, қадрини биладиган, меҳнаткаш ва меҳмондўст Наманган аҳлига, мана шу муаззам стадионда тўпланиб турган сизларнинг барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматимни изҳор этишдан хурсандман.

Азиз болаларим, фарзандларим!

Биз бугун мамлакатимизда янги давлат, янги жамият барпо этмоқдамиз. Лўнда қилиб айтганда,

биз ўз олдимизга қўйган буюк мақсадлар, яъни, дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш, ўз эркинлигимизни, ўз мустақиллигимизни ҳимоя қилишга қодир бўлиш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш – бундай улуғвор вазифалар бугунги кунда, **ҳеч шубҳасиз, барчамизга яхши аёндир.**

Албатта, бундай олий мақсадларга эришиш барчамиздан оғир ва машаққатли меҳнатни, катта синовлардан ўтиш, бошлаган йўлимизни давом эттиришни, фидойиликни, бир ёқадан бош чиқариб, бирдамлик билан ҳаракат қилишни, курашишни талаб этади.

Яна бир фикрни чуқур англаб олишни истардим. Биз кўзлаган юксак марраларга эришишнинг энг катта, энг муҳим шарти ва омили – бу авваламбор ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом, ҳеч кимдан кам бўлмасдан, бошини баланд кўтариб яшайдиган, Ватанимизнинг тақдири ва истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодимиз, мана шу муҳташам стадионда тўпланган сизлар каби минг-минглаб ёшларимиз, ўз фарзандларимиздир.

Биз орзу қилган, биз интилаётган буюк келажакимизни қуришда, барпо этишда биз сиз, азизларни энг катта ишончимиз, энг катта таянчимиз, деб биламиз.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкин – бугунги кунда она юртимизда дунёдаги бошқа мамлакатларнинг ҳавасини тортаётган замонавий таълим ва тарбия тизими, ўқув масканлари барпо этилган. Болаларимиз тўққиз йиллик умумтаълим мактабларини битириб, қишлоқ ва шаҳарларимизда янгитдан қурилган 1500 дан зиёд энг замонавий лицей ва коллежларда 3 йил давомида таҳсил олади. Бу ўқув юртлири энг илғор илм-фан ва тараққиёт сирларини ўзлаштиришга, 2–3 та касб-ҳунарни, хорижий тилларни, Интернет ва ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашга имкон яратади ва бугунги замон талабига жавоб берадиган етук мутахассисларни тайёрлайди.

Энг муҳими, йигит ва қизларимиз ана шу лицей ва коллежларни битириб, ўз она юртига, ўз Ватанига садоқатли бўлиш мактабини ўтайди, ҳаётга онгли қадам қўйишга, жамиятда ўзига муносиб ўрин топишга тайёр бўлади.

Менинг ишончим комил – ҳам билим, ҳам касб-ҳунар берадиган бундай ўқув юрти, билим ўчоғини битириб чиққан сиз, азиз болаларимизнинг ҳар бири, мана, мен ҳеч кимдан кам бўлмай, озод Ватанда вояга етдим, энди менинг келажагим ўз қўлимда, ота-онам, эл-юртимнинг ишончини оқлайман, деган фикр билан яшаши муқаррар. Бундай авлоднинг қадди ҳам, қадри ҳам баланд, эртанги куни албатта ёруғ бўлади.

Хурматли мусобақа иштирокчилари!

Бугунги кунда униб-ўсиб келаётган, баркамол авлод бўлиб вояга етаётган ёшларимизнинг барчаси ўз ҳаёти, ўз келажагини спортсиз тасаввур этолмайди, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Сизларнинг билим ва касб-ҳунар чўққиларини эгаллаш билан бирга, спортга меҳр қўйиб, халқаро олимпиада ўйинларининг барча белги-аломатларини ўзида мужассам этган ушбу «кичик Олимпиада»нинг финал босқичига етиб келиш учун қандай тинимсиз машқ қилганингиз, ирода ва маҳорат кўрсатиб, қандай синов ва қийинчиликларни енгиб ўтганингизни мен ўзимга яхши тасаввур қиламан. Сизларнинг мана шундай марраларни қўлга киритганингизнинг ўзи, ҳеч шубҳасиз, катта ғалаба.

Агар 2011 йилда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» мусобақаларининг саралаш босқичида 700 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этган бўлса, 2014 йилда бу рақам 810 минг нафарни ташкил этаётгани ҳам мазкур беллашувларнинг қамрови кенгайиб, кураш майдонларидаги баҳслар нақадар қизгин ва муросасиз кечганидан далолат беради.

Барчамиз яхши биламизки, ҳаётдаги ҳар қандай ютуқ, айниқса, спорт оламидаги ғалаба ўз-ўзидан келмайди. Спорт майдонларида эришиладиган ютуқ – бу аввало бутун борлигини сафарбар этиб, ўз олдига қўйган мақсад йўлида ўзини енгиб,

ўзини аямасдан, курашиб яшайдиган инсоннинг ютуғи, ана шу инсонни тарбиялаб вояга етказган таълим-тарбия масканининг, бутун жамиятимизнинг ютуғидир.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин: катта спортга интилган, бу йўлда эндигина ўзининг илк қадамини кўяётган ҳар қайси ёш спортчимиз бугун жаҳон майдонларида Ватанимиз байроғини баланд кўтариб келаётган, номлари бутун Ўзбекистонда машҳур бўлган ўнлаб-юзлаб спортчилардан ўрناق ва ибрат олади.

Шулар қаторида бокс бўйича жаҳон чемпиони Бектемир Мелиқўзиев, стол тенниси бўйича халқаро турнир ғолиби Тоҳир Салимов, дзюдо бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Сарвар Шомуродов, шахмат бўйича жаҳон чемпионати совриндори Моҳинур Қаҳрамонова, бокс, теннис, оғир атлетика, стол тенниси бўйича халқаро турнирлар ғолиблари Суннатилла Баҳодиров, Хумоюн Султонов, Отахон Имомов ҳамда Саидахон Казакова, юнон-рум кураши, таэквондо ва дзюдо бўйича Осиё чемпионати совриндорлари Қамариддин Зайниддинов, Темур Ҳакимов, Ғафур Актамов сингари истеъдодли ёшларимизнинг номларини бугун ҳурмат билан тилга оламиз.

Азиз ва суюкли фарзандларим!

Барчангизнинг ҳаётингизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган, қизғин ва ҳалол курашлар руҳида,

ўзаро ҳурмат, бағрикенглик муҳитида ўтадиган мусобақаларда сизларга муваффақият тилар эканман, бир фикрни такрор ва такрор айтмоқчиман.

Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунё тан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Менинг тилагим, даъватим шуки, Ватанимизнинг, олижаноб халқимизнинг ана шундай меҳри ва ишончига доимо муносиб бўлинг, маррани ҳамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!

Фурсатдан фойдаланиб, «Баркамол авлод» ўйинларини юксак савияда ўтказиш учун замонавий спорт мажмуалари ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этган моҳир қурувчиларга, меъмор ва муҳандисларга, ана шундай эзгу ишларга катта ҳисса қўшган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бутун Наманган аҳлига ўз номим-

дан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Сизларни бугунги спорт байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга келгуси ҳаётингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2014 йил 29 май*

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ
ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ
МУҲИМ ЗАХИРАЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ
МАРОСИМИДАГИ НУТҚ**

Ҳурматли конференция иштирокчилари, хонимлар ва жаноблар!

Сиз, азиз меҳмонларимизни, халқаро конференция иштирокчиларини – нуфузли халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар ҳукуматлари вакиллари, олимлар ва мутахассис-амалиётчилар, иқтисодиётнинг аграр секторида фаолият кўрсатаётган компаниялар, банклар ва бошқа моллия институтлари раҳбарларини қутлаш ва мазкур форумда қатнашаётганингиз учун юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий миннатдорлик билдириш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) бош директори Жозе Грациану да Силва, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа минтақавий бюроси директори Жужанна Якоб, Осиё тараққиёт банки вице-президенти Вен Сай Чжанг, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Януш Херман, Ислом ҳамкорлик ташкилоти бош котибининг ўринбосари Ҳамид Опелоер, Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилоти бош

директори Жан-Мари Оран, Жаҳон банкининг Марказий Осиёда барқарор ривожланиш масалалари бўйича бўлими раҳбари Лоран Дебр, Ислон тараққиёт банкининг Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш департаменти директори Демба Ба, Бельгия Парламенти Сенатининг аъзоси Доминик Тильманс, Болгария қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазири Димитар Греков ва форумдаги иштироки билан бугунги анжуманимизнинг аҳамиятини янада ошираётган бошқа қадрли меҳмонларимизга алоҳида миннатдорлик билдираман.

Конференцияда 40 та мамлакат ва 20 та халқаро ташкилотдан 200 нафардан зиёд меҳмон иштирок этмоқда.

Муҳтарам анжуман қатнашчилари!

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ўтказилаётган халқаро эксперт тадқиқотлари жаҳонда ва унинг айрим минтақаларида ушбу муаммо билан боғлиқ мураккаб вазият юзага келаётгани жиддий ташвиш ва хавотир уйғотаётганини кўрсатмоқда. Бугунги кунда мазкур муаммо жаҳон ҳамжамияти учун ўта долзарб ва жиддий таҳдидлар қаторига киритилмоқда.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳамда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли ҳар саккиз одамнинг бири тўйиб овқатланмаяпти, сайёрамиз

аҳолисининг 30 фоизидан зиёди тўлақонли равишда овқатланмаслик, энг асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Ана шундай сабаблар туфайли 160 миллиондан ортиқ бола бўйининг ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланишига доир камчиликлардан азият чекмоқда.

2008 йилда бошланган инқироз билан боғлиқ воқеалар барчамизнинг эсимизда, ўшанда жаҳон миқёсида нарх-наво кўтарилиб, озиқ-овқат таъминотида узилишлар юзага келгани Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўплаб давлатларида норозилик ва оммавий тартибсизликларга сабаб бўлган, бутун дунёда барқарорликка нисбатан жиддий хавф-хатарга айланган эди.

Ер юзи аҳолисининг тез кўпайиб бораётгани билан озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш имкониятлари чеклангани ўртасидаги тафовут Озиқ-овқат дастурини ҳал этиш масаласи йилдан-йилга кескинлашиб бораётганининг асосий сабаби экани ҳақида бугун ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Содда қилиб айтганда, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши аҳоли сони ва эҳтиёжларининг ўсишидан ортида қолмоқда.

Бу тафовут, аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини жадал ишлаб чиқариш учун тегишли шароит-

лар мавжуд бўлмаган мамлакат ва ҳудудларда чуқурлашиб бормоқда.

Бу ўринда гап, биринчи навбатда, атроф-муҳитнинг экологик жиҳатдан бузилиши ҳамон давом этаётгани, иқлим ўзгаришларининг олдидан айтиб бўлмайдиган оқибатлари, тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик ва сув ресурслари тақчиллиги, жумладан, суғориш учун ерости сувларининг тугаб бораётгани, ирригация, мелиорация ва ерларнинг унумдорлигини қайта тиклашга йўналтириладиган инвестицияларнинг етарли эмаслиги ҳақида бормоқда.

Ерларнинг экологик жиҳатдан бузилиши кимёвий моддалар, минерал ўғит ва пестицидларни тинимсиз ишлатиш оқибатида янада кучаймоқда. Буларнинг қаторига урбанизация, яъни шаҳарлашув жараёнлари, аҳолининг қишлоқлардан шаҳарларга кўчиши билан боғлиқ муаммолар ҳам кўшилмоқда. Натижада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонлари сезиларли даражада қисқариб кетмоқда.

Шунингдек, Хитой, Ҳиндистон каби Осиёнинг бир қатор мамлакатларида аҳоли даромадларининг жадал суръатлар билан кўпайиб, шунга мос равишда озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳажми ортиб бораётганини ҳам эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини «даладан дастурхонга» схемаси бўйича истеъ-

молчига етказиб беришда улкан йўқотишларга йўл қўйилмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича қарийб 1,3 миллиард тонна миқдоридаги салкам 1 триллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари шу тариқа бой берилади.

Объектив реал ҳолат ана шундай бўлиб, айниқса, бу муаммо ғоят кескин бўлиб турган минтақа ва ҳудудларда озиқ-овқат хавфсизлиги прогнози ва муаммолари ҳақида сўз борганда, бу ҳақиқатни ҳисобга олиш керак.

Эътиборингизни яна бир муҳим масалага қаратмоқчиман: бу принципиал муҳим масала бўлиб, уни инобатга олмасдан туриб, аҳолини озиқ-овқат билан тўлақонли таъминлаш муаммосини муҳокама қилишнинг ўзи мантиқсиз бўлур эди.

Озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган меъёрдаги эҳтиёжни аниқлашда мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш вазифаси фақат меъёрдаги калорияга эга бўлган ва ҳар куни истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат эмаслигини эътиборга олиш ўта муҳимдир.

Тўлақонли овқатланиш кўп жиҳатдан унинг таркибига, истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг инсоннинг нормал ривожланиши ва фаолият юритиши, унинг организмида тўғри модда алмашинуви, саломатликни

мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш, кексайиш жараёнини секинлаштириш ва умрни узайтириш учун зарур бўладиган тўйимли ва сифатли моддалар билан керакли даражада таъминланишига боғлиқ.

Бу борада овқат билан бирга ўрнини ҳеч нарса босолмайдиган аминокислоталар, витаминлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва организмда ўз-ўзидан ҳосил бўлмайдиган бошқа моддаларнинг ҳам истеъмол қилиниши инсон ҳаёти учун энг муҳим аҳамиятга эгадир.

Ана шу фойдали моддалар, витамин ва микроэлементлар катта миқдорда фақатгина сабзавотлар, мева ва узум таркибида бўлади ва уларнинг ўрнини бошқа ҳеч қандай маҳсулот боса олмайди.

Бошқача айтганда, инсон саломатлиги, унинг узоқ ва баракали умр кўриши тўғри ва мутаносиб рацион асосида овқатланишни таъминлаш билан чамбарчас боғлиқ экани, мева ва сабзавотлар унинг энг муҳим таркибий қисми бўлиши лозимлиги ҳеч кимга сир эмас.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотлари шундан далолат берадики, бугунги кунда ривожланаётган мамлакатларда бир киши учун тавсия этилган кундалик 400 грамм ўрнига жуда кам миқдорда – бор-йўғи 150–200 грамм мева ва сабзавот истеъмол қилинмоқда.

Халқаро диетологларнинг тавсиясига кўра, инсон истеъмол қиладиган озиқ-овқатнинг камида 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши зарур.

Ҳурматли конференция иштирокчилари!

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, биз мазкур форумнинг мақсад ва вазифаларини сиз, айжуман қатнашчиларини Ўзбекистонда сабзавот, мева ва узум етиштириш бўйича тўпланган катта тажриба ва салоҳият билан, уларнинг дунё селекциясида ўхшаши бўлмаган жуда бой, хилма-хил навлари, бетакрор сифати билан таништириш, озиқ-овқат соҳасидаги мавжуд муаммоларни ечишда ва глобал Озиқ-овқат дастурини ҳаётга татбиқ этишда Ўзбекистоннинг қўшаётган ҳиссасини ошириш имкониятларини муҳокама этишдан иборат деб биламиз.

Барчамизга яхши маълумки, мамлакатда етиштириладиган озиқ-овқат экинларининг аҳволи, истикболи ва турлари, улардан олинадиган ҳосилнинг мазали таъми ва фойдали хусусиятлари, уларнинг миллий иқтисодиёт ва экспортда тутадиган ўрни, биринчи навбатда, шу давлатнинг географик жойлашуви, унинг тупроқ-иқлим шароитига ва албатта шаклланган деҳқончилик маданияти ва савиясига, керак бўлса, муайян маҳсулотни етиштириш маҳоратига, бундай маҳсулотларнинг

маҳаллий ва хорижий бозорларда нечоғлик харидоргир бўлишига боғлиқ.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистоннинг ноёб тупроқ-иқлим шароити, мамлакатимизда қуёшли кунлар бир йилда ўртача 320 кун бўлиши, барча тўрт фаслнинг изчил алмашинуви кенг турдаги юқори сифатли мева ва сабзавотларнинг асосий навларини етиштириш учун қулай имкониятлар яратади.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги мавсумининг ўзига хос хусусияти шундаки, бу мавсум янги кўкатлар табиий шароитда етиладиган март ойининг дастлабки кунларидан бошланиб, бутун йил мобайнида, бозорларга узум, қовун, хурмо ва беҳининг кечки навлари етказиб бериладиган декабрь ойининг бошига қадар давом этади. Бу эса Ўзбекистонни мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан деярли йил давомида барқарор таъминлайдиган ишончли базага эга бўлган мамлакатга айлантиради.

Сиз, муҳтарам меҳмонларга яна бир сирни айтмоқчиман. **Жаҳонда камдан-кам учрайдиган табиий ва тупроқ-иқлим шароитларининг уйғурилиги туфайли дунёдаги энг мазали ва энг фойдали мева-сабзавотлар фақат бизнинг минтақамизда етиштирилиши мумкин.**

Чиндан ҳам, бизнинг меваларимиздан татиб кўрган ҳар қандай одам, ўйлайманки, менинг фикримга қўшилади. Барчамиз ҳам ўз юртимиз-

да етиштириладиган мева-сабзавотларни хуш кўрамиз, албатта. Бироқ, дунёнинг ҳар бир гўша-сида ҳам шундай қулай об-ҳаво, иқлим, тупроқ шароитлари мавжуд эмас. Бундан ташқари, бу борада олимлар ҳозиргача аниқ таърифлаб бера олмайдиган кўпгина бошқа бир-бирига боғлиқ омиллар ҳам борки, уларнинг ҳар қайсиси ўзгача таъсирга эга. Бу маҳсулотлар фойдали микроэлементларга жуда бой ва қадимда Ибн Сино турли касалликларни даволаш учун айнан мева ва сабзавотлардан фойдаланган, чунки у замонларда кимёвий дори-дармонлар мавжуд бўлмаган, беморлар табиий воситалар ёрдамида даво-ланган. Бу эса, энг аввало, сабзавот, мева, тур-ли гиёҳ ва ўсимликлардир. Бугунги кунда ҳам қишлоқларимиздаги халқ табиблари бундай во-ситалардан қандай фойдаланиш, баъзи бир хаста-ликларни қай усулда даволашни яхши биладилар. Мен сизларни бизнинг мева-сабзавотларимизни татиб кўришга таклиф қилар эканман, авваламбор, уларнинг ана шу хусусиятларини назарда тутаман.

Экспертларнинг маълумотларига кўра, бизнинг шароитимизда етиштирилган мева-сабзавотлар бе-баҳо истеъмол хусусиятлари, яъни таркибида та-биий шакар, амина ва органик кислоталар, сало-матлик учун энг муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационада ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойли-

ги билан бошқа минтақаларда етиштирилган ана шундай маҳсулотлардан сезиларли равишда юқори туради.

Ўзбекистонда етиштириладиган мева ва сабзавотларнинг фақат уларга хос бўлган хусусиятлари ва тўйимлилик даражаси ҳақида гапирганда, шуни қайд этиш керакки, мамлакатимиз селекционерлари сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг 170 дан ортиқ навини, мева ва резавор экинлар ва узумнинг 175 та янги навини яратдилар.

Ўзбекистон қадимдан ўзининг ўрик, шафтоли, олхўри, нок, гилос, анжир, анор, беҳи, узум, помидор, бодринг, пиёз, саримсоқ пиёз ва бошқа кўплаб мева ва сабзавотлари, беқиёс мазаси ва хушбўй ҳиди билан ажралиб турадиган қовунлари билан маълуму машҳурдир.

Ўзбекистонда шаклланган кўп асрлик анъанавий сабзавотчилик ва боғдорчилик маданияти азалдан маҳаллий ўғитлардан фойдаланишни кўзда тутадиган биологик деҳқончилик принципларига асосланган. Бу генларни модификация қилиш технологияларини қўлламасдан, жуда мазали таъмга ва истеъмол хусусиятларига эга бўлган экологик тоза мева ва сабзавотлар етиштириш имконини беради.

Айни масалага алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин, лекин бу мавзу дунёда анчагина долзарб бўлиб, шу ҳақда турли, баъзан ҳатто қарама-қарши фикрлар

ҳам мавжуд. Менинг назаримда, генларни модификация қилиш технологиялари, умуман олганда, яхши ниятда юзага келган, яъни ҳосилдорлик ҳажмини оширишга қаратилган. Лекин бундай технологиялар инсон саломатлигига зиён етказмаётгани, ўн ёки йигирма йилдан кейин салбий оқибатларни келтириб чиқармаслиги аниқ исботланмагунга қадар, мен бу масала билан ҳозир фаол шуғулланаётганларга бу ишларга жуда берилиб кетмасликни тавсия қилган бўлардим. Бунда, ўйлашимча, энг аввало тижорат, ҳатто эгоистик мақсадлар кўпинча устунлик қилади. Менинг шахсий фикрим шуки, бу масала устида ҳар томонлама чуқур ўйлаб кўриш лозим.

Биз минерал ўғитлар, пестицидлар ва шу каби воситаларнинг ўрнига доимо қўллаб келаётган ва биз учун устувор бўлган органик ўғитлардан фойдаланишни афзал деб биламиз. Бошқа кимёвий воситалар қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашишда ишлатилиши мумкин. Лекин улардан стимулятор, яъни экинни тез ривожлантирадиган восита сифатида фойдаланиш умуман мумкин эмас, чунки бу борада энг яхши, синалган восита – бу органик ўғитлардир.

Шунинг учун ҳам саховатли ўзбек заминида етиштириладиган мева ва сабзавотлар юқори нуфузга эга бўлган ҳақиқий брендга – товар белгисига айланиб, бу маҳсулотларни сотиб оладиган

мамлакатларда улар юксак рақобатдошлиги билан ажралиб туради.

Мустақил тараққиётимизнинг ўтган қисқа даврида Ўзбекистонда амалга оширилган улкан ислохотлар қишлоқ хўжалигини тубдан диверсификация қилиш ва аҳолимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш, уларни катта миқдорда экспорт қилишни йўлга қўйиш имконини берди.

Ўтган асрнинг 90-йиллари бошида собиқ Совет Иттифоқи таркибида бўлган мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги фақат битта экин – бутунлай пахта толаси етиштиришга йўналтирилгани ва биз ушбу маҳсулот билан бутун социалистик лагерни деярли тўла таъминлаганимиз эътиборга олинди-ган бўлса, юқорида қайд этилган муваффақиятлар нақадар муҳим экани яққол аён бўлади.

1990-йилларда экин майдонларимизнинг қарийб 90 фоизига қадар пахта экилгани ҳеч кимга сир эмас. Шу боис деярли ҳеч қандай алмашлаб экиш деган нарса бўлган эмас. Тупроқ кучсизланиб бораверган, фақат битта мақсадда бешафқат ишлатилган.

Ўшанда собиқ марказда «меҳнат тақсимооти» деган принцип ҳукмрон эди. Яъни собиқ республикалардан қай бири гўшт, яна бири буғдой, яна кимдир бошқа товарларни иқтисодий оғир шароитда энг қимматли, ноёб молга айланиб қола-

диган маҳсулотларни ишлаб чиқарарди. Бизнинг чекимизга эса, пахта етиштириш тушган бўлиб, унинг ҳажми йилдан-йилга ортиб борарди. Лекин, афсуски, бизга ваъда қилинган озиқ-овқат маҳсулотлари белгиланган миқдор ва муддатда етиб келмасди.

Ўша пайтларда биз Ўзбекистонда етиштири-лаётган қарийб 6 миллион тонна пахтанинг атиги 8–10 фоизини ўзимизда қайта ишлардик, қолган қисми эса бошқа давлатларда қайта ишланарди. Натижада асосий фойда пахта хомашёсини қайта ишлаган мамлакатларга келиб тушарди.

Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, ўша даврда Ўзбекистонни озиқ-овқат билан тўла таъминлаш тўғрисида ҳеч қандай гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Шу сабабли биз асосий озиқ-овқат товарлари, жумладан, бугдой, ёрма, гўшт ва сут маҳсулотлари, тухум ва шакарнинг асосий қисмини четдан олиб келишга мажбур эдик.

Совет даврида пахта яккаҳоқимлиги ва қишлоқ хўжалигини бирёқлама ривожлантириш натижасида унумдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистонда аҳоли жон бошига гўшт ва сут маҳсулотлари, ғалла ва ҳатто мева-сабзавот ва картошка истеъмол қилиш собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига қараганда икки баробар камайиб кетган эди.

Бу борада кўрилган чора-тадбирлар туфайли биз ғўза экиладиган майдонларни икки баробар

қисқартирдик ва пахта етиштиришни 6 миллион тоннадан 3 миллион тоннадан сал кўпроқ бўлган даражагача камайтирдик. Пахтадан бўшаган ерларни озиқ-овқат экинлари учун ажратиб бердик.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилишнинг асосий негизини кенг кўламли институционал ўзгаришлар ташкил этди, уларнинг мазмун-моҳияти маъмурий ва режали-таксимот тизимидан воз кечиш ва бозор муносабатларига ўтишдан иборат эди.

Қишлоқ хўжалиги ерлари янгитдан ташкил этилган хусусий фермер хўжаликларига ижара асосида ер участкалари ажратиш орқали, давлат томонидан зарур имтиёз ва преференциялар яратиш йўли билан берилди. Хусусан, фермерлар соддалаштирилган солиқ солиш тизимидан фойдаланмоқда – улар фақат битта солиқ, яъни ягона ер солиғини тўлашмоқда. Фермерлар учун ажратиладиган кредитлар ставкаси 5 фоиздан ошмайди.

Фермер хўжаликларига барча турдаги зарур хизматлар кўрсатадиган ишончли бозор инфратузилмасининг ташкил этилгани қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда муҳим роль ўйнамоқда. Айни пайтда қишлоқ жойларда 1,5 мингдан зиёд минибанк, қарийб 2 мингта машина-трактор парки, ёқилғи ва минерал ўғит сотиш бўйича 2,5 мингта яқин пункт хизмат кўрсатмоқда. Бундан

ташқари, 1,5 мингта сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, 350 дан ортиқ консалтинг марказлари ташкил этилди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини замонавий техника билан таъминлаш учун Германиянинг «Клаас» ва «Лемкен» компаниялари билан ҳамкорликда мамлакатимизда энг замонавий тракторлар, ғалла ўрадиган комбайнлар, плуг ва бошқа тиркама ускуналар ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистоннинг кўплаб минтақалари қисқа муддатда жаҳон бозорида харидоргир бўлган мева ва сабзаёт маҳсулотлари етиштирадиган ва экспорт қиладиган ҳудудларга айланди. Юртимизда юқори ҳосил берадиган интенсив боғлар ташкил қилинди, томчилатиб суғориш тизими жорий этилди. Фақатгина ўтган йили узумчиликни янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурда токзорларни 1,3 баробар кўпайтириш кўзда тутилган.

Истиқлол йилларида, яъни ўтган 22 йил давомида қишлоқ хўжалигида амалга оширилган туб ислохотлар натижасида ғалла етиштириш ҳажми 1 миллион тоннадан 7,8 миллион тоннага етди ва Ўзбекистон ғалла экспорт қиладиган мамлакатлар қаторидан жой эгаллади.

Авваллари биз аҳолимизни боқиш учун 5 миллион тонна буғдойни четдан сотиб олишга мажбур эдик. Эндиликда эса биз ғалла мустақиллигига эришибгина қолмасдан, жуда сифатли буғдойни

қўшни давлатларга экспорт қилишга ҳам муваффақ бўлмоқдамиз.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди. Бу мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 10 миллион кишига ёки 30 фоиздан ортиқ кўпайишига қарамасдан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмолини 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотларини 1,6 карра, картошкани 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошириш имконини берди.

Мамлакатимизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига қарийб 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу оптимал, яъни мақбул деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўпдир.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Озиқ-овқат дастури аҳолининг тўлақонли ва мутаносиб рацион асосида овқатланишини таъминлашдек муҳим вазифани ҳал этиш имконини берди.

Истеъмол қилинадиган овқатнинг таркиби ва рационини яхшилаш бошқа омиллар билан бирга аҳоли, аввало, болалар саломатлигини тубдан яхшилашга ижобий таъсир кўрсатди.

Масалан, сўнгги 10 йилда вазни тиббиётда кўзда тутилган меъёрдан кам бўлган болалар сони икки

баробардан зиёд (4 фоиздан 1,8 фоизга) қисқарди, уларнинг бўйи ўртача 3 сантиметрга ўсди, бизнинг минтақамизга хос бўлган жиддий касаллик, яъни хотин-қизларда камқонлик даражаси 2,5 марта пасайди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг ўртача умр кўриши 7,5 йилга (66 ёшдан 73,5 ёшга), хотин-қизларнинг ўртача умр кўриши эса 75 ёшга узайганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда дунёда камдан-кам давлатлар бундай кўрсаткичларга эришган.

Биз бундай ютуқларга ниманинг ҳисобидан эришдик?

Биз, аввало, шу йўлда ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз сари интилдик ва муайян натижаларни қўлга киритдик.

Бу борада энг асосий омил нима бўлди, деган саволга мен, энг асосий, ҳал қилувчи омил – бу бизнинг меҳнаткаш, мард ва олижаноб халқимиз, деб жавоб берган бўлардим. Ўзбек халқининг нақадар меҳнаткашлиги, меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги барчага, узоқ-узоқ ўлкаларда ҳам яхши маълум.

Биз мустақилликка эришганимиздан кейин собиқ Иттифоқ таркибида бўлган кўпгина республикалар бошқа давлатлар ўн йиллар, балки юз йиллар давомида эришган ютуқ ва марраларга бир зумда эришмоқчи бўлишди. Биз бунинг уддасидан

чиқиш учун барча имкониятларимизни ишга сола-
ламиз, ҳаммадан ўзиб кетамиз, деган баландпар-
воз гаплар айтилди, турли режалар, ҳисоботлар
тузилди, улар ҳақида дунёга жар солинди. Кейин
маълум бўлдики, шошмашошарлик билан узоққа
бориб бўлмас экан.

Бу ҳақда гапиришдан мақсад шуки, биз осон-
лик билан эришиб бўлмайдиган марраларга шоша-
пиша югурмадик, пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб иш
олиб бордик, шунинг учун ҳам бизнинг тараққиёт
йўлимиз дунёда ислохотларнинг «ўзбек модели»
деб тан олинди.

Одатда бир иқтисодий тизимдан бошқасига
ўтилар экан, йиллар давомида ҳал этишга тўғри
келадиган муаммолар пайдо бўлади. Бир сиёсий
тузумдан бошқасига ўтиш учун энг муҳими одам-
ларнинг онгини, тафаккурини ўзгартириш лозим.
Бу ишни амалга оширмасдан туриб маъмурий
буйруқбозлик, субъектив, волюнтаристик сиёсат-
га асосланган режали-тақсимот тизимидан бозор
иқтисодиётига асло ўтиб бўлмайди.

Мен собиқ мустабид тузум даврида Ўзбекистон
Давлат план қўмитасида ишлаганман, кейин молия
вазири бўлганман, шунинг учун режали-тақсимот
тизимини ич-ичидан биладиган инсонман.

Шунинг учун ҳам ўша замонларга қайтишни
хоҳлаб, ўтмишни қўмсаш кайфияти билан юрган
ҳар қандай одам билан баҳслашишга тайёрман.

Такрор айтаман, мен бу жараёнларни ичидан биламан, шунинг учун режали-таксимот тизими нима сабабдан ўзини оқламаслиги менга жуда яхши аён.

Масаланинг маъно-моҳияти шундаки, биз мустақил тараққиёт йўлида ўзимиз учун мақбул бўлган моделни жорий этдик. Бу модель 5 та тамойилга асосланади.

Биринчиси – иқтисодиётни мафкурадан тўлиқ холи қилиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш. Биз энди илгаригидек мафкуравий тизимда яшай олмас эдик, яъни биронта давлатга қандайдир мафкуравий ёрликлар босилгани сабабли у билан иқтисодий ҳамкорлик қилмаслик йўлидан боролмас эдик.

Иқтисодиётни ҳеч қандай мафкура билан бўғиш, жиловлаш мумкин эмас. Бизнинг халқимизда, оч одам мусиқани қорни билан тинглайди, деган гап бор. Яъни турмуш даражаси паст, оддий эҳтиёжларини ҳам қондира олмайдиган одамни ҳеч қандай мафкура билан тўйдириб бўлмайди.

Иккинчи тамойил – давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши.

Учинчи тамойил – қонун олдида ҳамманинг тенглиги, яъни бу қонун устуворлиги принциpidир.

Тўртинчи тамойил – бу кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизини ёшлар ташкил қилишини инобатга оладиган

бўлсак, кучли ижтимоий сиёсатни таъминламасликка бизнинг ҳаққимиз йўқ.

Ва ниҳоят, бешинчи тамойил, биз ислохотларни босқичма-босқич ва изчил равишда амалга ошириш йўлини танладик. Бу нимани англатади? Бу шуни англатадики, ўз олдимизга қўйган мақсадга, худди отчопардаги пойгада бўлгани каби, бирданига эмас, энг аввало, тегишли ҳуқуқий пойдевор яратиб, малакали ва етук кадрларни тайёрлаб, тинимсиз интилиб, машаққатли меҳнат орқалигина эришиш мумкин. Биз айна шундай йўлни танлаганмиз.

Бизнинг одамларимиз, ёшларимизга бир қаранг, уларнинг кўзлари қандай ёниб, порлаб турибди. Улар бугун бошқалар эплай олмайдиган вазифаларни амалга оширишга қодир. Чунки улар ўзида мавжуд бўлган катта салоҳиятни рўёбга чиқариш, намоён қилиш истаги билан яшамоқда.

Мен бунга ёшлар тарбиясидаги энг муҳим масала деб биламан. Ёшларга ўз имконияти, қобилияти, куч-қувватини рўёбга чиқариш учун имкон берилган тақдирдагина жамият, албатта, ўзининг барча мақсад-муддаоларига эришади.

Бу ҳақда гапирганда, халқимиз ўртасида кенг тарқалиб, машҳур бўлиб кетган иккита шиорни эслаш ўринлидир.

Биринчи шиор – «Янги уй қурмасдан туриб, эскисини бузманг» деган муҳим ҳаётий принцип-

ни ифода этади. Яъни, янги ҳаёт, янги жамият қуришда аввалги ҳаёт тажрибасидан ҳам фойдали жиҳатларни албатта олиш керак бўлади.

Иккинчи шиор эса «Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун» деган сўзларда мужассам топган.

Чиндан ҳам, ислоҳот инсон манфаатларига хизмат қилсагина, одамлар бу ислоҳотларнинг барчаси нима учун зарурлиги, ўзини оқламаган эски мафкуравий тизимдан эркин бозор иқтисодиётига асосланган демократик тизимга ўтишнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат эканини тушуниб этади.

Биз кенг кўламли ислоҳотлар йўлида бугун нималарга эришганимиз ҳақида яққол тасаввур берадиган иккитагина рақамни келтираман ва ўйлайманки, шунинг ўзи сизларга етарли бўлади.

Жаҳон миқёсида 2008 йилдан бошлаб бугунги кунга қадар давом этаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан, Ўзбекистонда кейинги 9 йилда дунёдаги санокли давлатлар қаторида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари камида 8 фоизни ташкил этиб келмоқда.

Шуни ҳам таъкидламоқчиманки, давлатимизнинг қарзи ялпи ички маҳсулотимизга нисбатан 11 фоиздан ошмайди, олтин-валюта захираларимиз йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Масалан, бизда бюджет дефицити йўқ, ак-

синча, унинг профицит билан бажарилаётгани кузатилмоқда ва биз ҳар йили ижтимоий соҳа ривожини учун йўналтирилаётган маблағлар улушини жиддий равишда ошириб бораёмиз. Аниқроқ айтганда, бу соҳага давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини, жумладан, таълим тизимига – 34 фоиз, соғлиқни сақлаш соҳасига – 15 фоиз бюджет маблағларини йўналтиряёмиз. Ана шу рақамларнинг ўзиёқ бугунги Ўзбекистоннинг тараққиёт суръатларини яққол ифода этади.

Бугун биз Озиқ-овқат дастури тўғрисида сўз юритяёмиз, лекин миллий тараққиёт ҳақида сўз борганда, фақат шу дастур билан чекланиб қолиш мумкин эмас. Чунки Озиқ-овқат дастури бутун мамлакат иқтисодиёти доирасидан ташқарида ривожлана олмайди. Шундай экан, биз ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида яна кўп-кўп масалаларни комплекс ҳал қилишимиз, энг аввало, бу борада кучли иқтисодий салоҳият яратишимиз, ундан ҳам муҳими, юқорида айтганимдек, одамлар онгини, тафаккурини ўзгартиришимиз шарт.

Ҳозирги вақтда биз умумий қиймати қарийб 5 миллиард доллар бўлган озиқ-овқат, биринчи навбатда, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилмоқдамиз. Сўнгги уч йилда экспорт қилинаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 3 баробардан зиёд ошди.

Мамлакатимизнинг маҳсулот етказиб берадиган корхоналари халқаро кўргазма ва ихтисослаштирилган ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Биз дунёнинг 80 та давлатига 180 турдан ортиқ сархил мева-сабзавот ва уларни қайта ишлаш асосида тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилмоқдамиз. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ, карам ва бошқа кўплаб мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми бўйича дунёда шундай маҳсулотларни етказиб берадиган ўн та етакчи давлат қаторига киради.

Сиз, ҳурматли меҳмонларимиз, кеча ва бугун мамлакатимизда етиштирилаётган хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларини ўз кўзингиз билан кўриб, улардан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлдингиз.

Агар мева ва сабзавот маҳсулотларимизнинг нақадар бой, тўкин-сочин ва хилма-хил эканини бутун гўзаллиги ва жозибаси билан кўрмоқчи бўлсангиз, албатта, бизнинг бозорларимизга кириб кўришингиз керак. У ерда нафақат ноз-неъматларимизнинг бетакрор чиройи ва нафосатини, балки сизнинг таассуротларингизни янада бойтадиган бизнинг одамларимизга хос очиқлик, самимият ва меҳмондўстликни ҳам кўрасиз.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари юқори суръатлар билан ишлаб чиқарилаётганидан кўнглимиз тўқ бўлиши учун бугун бизнинг барча

асосларимиз бор. Ўтган 10 йил давомида юртимизда мева ва сабзавот, полиз маҳсулотлари ва узум етиштириш бўйича эришилган ўсиш суръатлари айнан шундан далолат беради.

Мисол учун, 2004–2013 йилларда сабзавот етиштириш доллар ҳисобида 7,7 баробар, мева етиштириш 5,1 карра, полиз маҳсулотлари 7,8 марта, узум 8,7 баробар ўсди. Бизнинг ҳисоб-китобларимиз бўйича, 2020 йилда мева ва сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари етиштиришни 2014 йилга нисбатан камида 2,3 марта кўпайтиришни мўлжаллаяпмиз.

Ўз-ўзидан равшанки, мева ва сабзавот маҳсулотлари, узум етиштириш бўйича ана шундай истикбол режаларини ўз олдимизга кўяр эканмиз, бундай кўрсаткичларга эришиш учун, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини ва ирригация тизимини яхшилаш, тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли ишларни давом эттириш ва чуқурлаштириш зарур. Бу борада хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва албатта, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридаги талабни ошириш, уларни сақлаш, логистика ва истеъмолчиларга етказиб беришнинг замонавий тизимини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз даркор.

Озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, сабзаёт, мева ва узумни даладан истеъмолчига етказиб беришда нобудгарчиликларнинг олдини олиш бўйича жиддий ишларни давом эттиришимиз зарур. Авваламбор, мева ва сабзаётларни сақлайдиган омбор ва музлаткичлар тизими етарли даражада ривожланмагани, логистика ва йўл харажатлари билан боғлиқ кўпгина муаммоларни ечиш талаб этилади.

Шуни афсус билан айтиш керакки, юртимизда етиштирилаётган мева-сабзаёт маҳсулотларининг аксарият қисми янги узилган ҳолда эмас, балки консервация қилинган, қайта ишланган ёки қуритилган ҳолда истеъмол қилинмоқда. Бундай ҳолатда маҳсулотлар ўзининг сифати, таъми ва тиббиёт нуқтаи назаридан истеъмол хусусиятларини маълум даражада йўқотади.

Мазкур соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлаётганига қарамасдан, маҳсулотни асл ҳолида сақлаш, нарх-наво барқарорлигини таъминлаш, унинг кескин ошиб кетишининг олдини олиш, нарх-навога мавсумий омилларнинг таъсирини камайтириш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган барча инфратузилма, ресурс ва имкониятларга эга эмасмиз, бу борада музлатиш, нейтрал газли муҳитда сақлаш каби замонавий технологияларни янада кўпайтириш талаб қилинади.

Айни пайтда Ўзбекистонда бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги

кунда жами 190 минг тоннадан зиёд мева ва сабзавотлар сақланадиган 274 та замонавий совиткичли камера ва омборларни қуриш ва тўлиқ реконструкция қилиш ишлари ниҳоясига етказилди.

2010 йилда «Навоий» эркин индустриал-иктисодий зонаси ҳудудида 3 минг тоннадан ортик сархил мева-сабзавотни нейтрал газли муҳитда сақлаш бўйича замонавий қувватлар фойдаланишга топширилди. Ушбу маҳсулотлар халқаро авиатранспорт ёрдамида Европа ва Осиё мамлакатлари бозорларига етказиб берилмоқда.

Бунинг учун биз мамлакатимизда ташкил этилган, Навоий шаҳри халқаро аэропортини ўз ичига олган, дунёдаги йирик юк ташиш компанияларидан бири – «Кореан Эйр» компанияси бошқарувида фаолият кўрсатаётган интермодаль логистика маркази қувватларидан кенг фойдаланмоқдамиз.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жами 630 минг тонна маҳсулотни сақлаш қувватига эга бўлган 1300 дан зиёд омбор мавжуд. Уларда ҳар йили мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари сақланмоқда. Бу эса ички бозорда нарх-навони барқарор ушлаб туриш ва кузги-қишки мавсумда ушбу маҳсулотларни экспорт қилишни кафолатли таъминлаш имконини бермоқда.

Яқин вақт ичида Ўзбекистон компаниялари Болтиқ денгизи бўйидаги Лиепай портида бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна маҳсулотни сақлаш

қувватига эга бўлган транспорт-логистика марказини ташкил этади. Ушбу марказ орқали мева-сабзавот маҳсулотлари Шимолий ва Ғарбий Европа мамлакатларига тўғридан-тўғри етказиб берилади.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, уларнинг турини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича олдимизга қўйган мақсадларимизга хорижий инвестицияларни жалб этмасдан, халқаро молия институтлари ва банк тузилмаларининг ёрдами ва қўллаб-қувватлашига таянмасдан туриб эришиб бўлмаслигини биз яхши англаймиз.

Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Глобал экологик фонд, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти каби бошқа кўплаб институтлар, шунингдек, хорижий мамлакатлар ҳукуматлари агентликларининг шу борада кўрсатаётган ёрдамини биз юксак қадрлаймиз. Уларнинг иштирокида юздан ортиқ инвестиция ва грант лойиҳаларини амалга ошириш учун 1,1 миллиард доллардан ортиқ маблағ жалб этилди.

Ажратилган молиявий маблағлар билан бирга, **биринчи навбатда, илғор агросаноат технологияларини жалб этиш, қишлоқ хўжалиги**

инфратузилмаси, ирригация ва мелиорация тизимларини ривожлантириш ва реконструкция қилиш, маркетинг ва жаҳон бозорларига чиқиш бўйича янги технологияларни жорий қилиш борасида кўрсатилган амалий ёрдам ва ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчиман. Ўйлайманки, кимки шундай қўллаб-қувватлашдан баҳраманд бўлган бўлса, бундай ёрдамнинг аҳамиятини яхши тушунади.

Жаноб Жозе да Силванинг ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикаси ва БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим имзолаётганимиз, Тошкент шаҳрида ушбу ташкилот ваколатхонасини очаетганимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон билан БМТнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги асосий молиявий институти бўлмиш Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш фонди ўртасида конструктив ҳамкорлик ўрнатилганидан мамнун эканимизни билдирмоқчиман. Бу фонднинг асосий вазифаларидан бири, юқори самарадорликка эга бўлган қишлоқ хўжалиги тизимини шакллантириш бўйича ўзини оқлаган ёндашувларни амалга оширишдан иборатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Осиё тараққиёт банкининг мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларини ҳал этишдаги муҳим ўрнини таъкидламоқчиман.

Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида жадал ривожланиб бораётган, қишлоқ хўжалиги соҳасининг ўзида умумий қиймати 400 миллион доллардан зиёд олтита лойиҳани амалга ошириш имконини берган ҳамкорликни биз юксак қадрлаймиз.

Ҳамкорлигимизнинг энг муҳим устувор йўналишларидан бири ирригация тизимларини модернизация қилишга қаратилган лойиҳалардир.

Ўтган йили Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорликда «Аму–Бухоро» машина каналини қайта тиклаш лойиҳасини амалга оширишни бошлаганимиз бежиз эмас. Унинг доирасида 1,8 миллиондан зиёд одам истиқомат қилаётган 315 минг гектар майдонни сув билан таъминлайдиган ирригация инфратузилмаси реконструкция ва модернизация қилинади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришда Жаҳон банкининг иштироқи тобора кенгайиб бормоқда. Умумий қиймати 380 миллион доллар бўлган 8 та лойиҳа амалга оширилди, жорий йилда яна умумий қиймати 450 миллион долларлик иккита лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилмоқда.

Жанубий Қорақалпоғистонда узок муддатли имтиёзли кредитлар ҳисобидан сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш бўйича 260 миллион

долларлик йирик лойиҳани амалга оширишга киришмоқдамиз.

Мазкур лойиҳа доирасида яроқсиз ҳолга келиб қолган 30 минг гектар ерни қайта тиклаш режалаштирилмоқда. Келгусида бу майдонларда диверсификациялашган ва юқори даражада механизациялашган озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш мўлжалланмоқда.

Жаҳон банки билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг етти та вилоятида амалга оширилаётган, боғдорчилик ва сабзавотчиликни комплекс модернизация қилишга қаратилган, умумий қиймати 200 миллион доллар бўлган лойиҳа катта истиқболга эга бўлиб, унинг доирасида уруғчилик, ўсимликлар селекцияси ва муҳофазаси соҳасидаги илмий тадқиқот салоҳиятимизни модернизация қилиш ва ошириш, шунингдек, замонавий агротехнологиялар йўналишида сармоялар киритиш мақсадида фермер хўжаликлари ва кичик бизнес субъектлари учун кредит линияларини очиш кўзда тутилмоқда.

Мазкур лойиҳанинг истиқболли ва янгилиги БМТ қошидаги Глобал экологик фонднинг эътиборини тортгани, фонд томонидан фермер хўжаликларида илғор технологияларни жорий этиш ва янги замонавий ускуналарни харид қилишга қаратилган 13 миллион долларлик грант тақдим этилгани қувонарлидир.

Ислом тараққиёт банки билан ҳамкорликда Хоразм, Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ирригация тизимларини қайта тиклаш бўйича умумий қиймати 143 миллион доллар бўлган иккита лойиҳа амалга оширилмоқда, шунингдек, Сурхондарё вилоятида сув ресурсларини бошқаришни яхшилашга қаратилган лойиҳани тайёрлашга киришилди.

Хорижий шериклар билан биргаликда ташкил этилган, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш билан шуғулланадиган агросаноат корхоналари иқтисодиётимизда тобора катта ўрин эгаллаб бормоқда.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида бугунги кунгача Германия, Голландия, Австрия, АҚШ, Швейцария, Хитой, Жанубий Корея, Италия, Испания каби 50 та мамлакатдан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда, 400 га яқин корхона ташкил этилди. Бу корхоналар янги маҳсулот етиштиришдан тортиб, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида тайёр озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришгача бўлган йўналишларда фаолият олиб бормоқда.

Ана шу корхоналарда ўта юқори ҳароратда ишлов бериш, асептик усулда консервалаш, музлатиш ва сунъий қуритиш усуллари тўлиқ ўзлаштирилган. 2013 йилнинг ўзида бу корхоналар томонидан қиймати 800 миллион доллардан ортиқ бўлган

маҳсулот ишлаб чиқарилди, жумладан, 200 миллион доллардан зиёд маҳсулот экспорт қилинди.

Яқин йилларда мева-сабзавот хомашёсини қайта ишлаш ва унга ишлов бериш бўйича умумий қиймати 150 миллион долларга яқин бўлган 265 та инвестиция лойиҳасини қўшимча равишда амалга ошириш кўзда тутилган. Бу соҳага киритилган сармоялар кўп харажатни талаб этмаслиги, шу билан бирга, 1,5–4 йил ичида ўзини қоплаши билан эътиборли эканини қайд этмоқчиман.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар, ҳеч шубҳасиз, шу борадаги саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорликни, келажакка қаратилган ёндашув ва хулосаларни биргалликда ишлаб чиқишни тақозо этади. Ва ўз-ўзидан тушунарлики, жаҳоннинг турли мамлакатларида тўпланган тажриба ва амалиёт билан тизимли ва доимий равишда алмашиб туришни талаб қилади.

Бугунги анжуман доирасида амалга ошириладиган мулоқотлар, ушбу масала бўйича фикр, билим ва тажриба алмашувлар, таҳлиллар, ишлаб чиқилган амалий тавсиялар конференциянинг барча иштирокчилари – халқаро ташкилотлар, ҳукуматлар, илмий муассаса ва

компаниялар вакиллари учун ғоят фойдали бўлишига ишончим комил.

Биз Ўзбекистонда барча халқаро ташкилотлар, хорижий инвесторлар, тадбиркорлар, банклар, олим ва мутахассислар билан биргаликда кўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканимизни, **мазкур анжуманнинг асосий вазифаларидан бири айти шундан иборат деб билишимизни алоҳида таъкидламоқчиман.**

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор ушбу мухташам залда йиғилган сиз, азизларга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман. Меҳмондўст Ўзбекистон заминига ташрифингиз мазмунли, самарали бўлсин. Барчангизга сиҳат-саломатлик, илмий-ижодий фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.

Эътиборингиз учун раҳмат.

2014 йил 6 июнь

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлигини юксалтириш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида жонкуярлик ва жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган сиз, азиз журналистлар, радио ва телевидение, нашриёт ва матбаа соҳаси ходимларига ўзимнинг чуқур хурматимни билдириб, сизларни бугунги касб байрамингиз билан миллионлаб мухлисларингиз, бутун эл-юртимиз қатори чин қалбимдан табриклашга ижозат бергайсиз.

Шу хурсандчилик кунда барча-барчангизни самимий қутлар эканман, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг: «Адолат ва озодлик дастурингиз ва раҳбарингиз бўлсин. Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир», деб айтган чуқур маъноли даъвати халқимизнинг фидойи фарзандларига, авваламбор, ҳамиша эл-юрт ташвиши ва манфаати билан ёниб яшайдиган сиз, матбуот аҳлига қаратилган, десам, ўйлайманки, кўпчилик жамоатчилигимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Муҳтарам дўстлар!

Ҳаммамизга маълум, бугунги кунда жаҳон миқёсидаги глобаллашув, ахборот-коммуникация технологиялари замони, қолаверса, бошимиздан кечираётган ҳаётнинг ўзи олдимизга кўяётган, тобора кучайиб бораётган талабларни ҳисобга олмасак, шиддатли давр билан ҳамқадам бўлиб яшамасак, ўз-ўзидан аёнки, стратегик мақсад ва вазифаларимизни амалга оширишимиз, тараққий топган замонавий демократик давлатлар қаторига киришимиз гумон бўлиб қолади.

Бу юксак талабни барчамиз, биринчи навбатда, доимо жамиятнинг олдинги сафларида бўлиб келаётган сиз, матбуот аҳли яхши тушунасиз, англайсиз, деб биламан.

Айни шу талабни инобатга олган ҳолда, кейинги йилларда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини, уларнинг фаолияти самарадорлигини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш, техник ва технологик модернизация қилиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини кўтариш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш йўлида, айтиш мумкинки, катта ишлар амалга оширилди.

Айниқса, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жа-

миятини ривожлантириш концепцияси доирасида қандай муҳим дастур ва тадбирлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум, албатта. Хусусан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқароларимизнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, давлат ва жамоатчилик ўртасида очиқ ва самарали мулоқот олиб бориш бўйича оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини оширишда янги, юксак босқич бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.

Бу борада айрим мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, жамият ҳаётининг кўзгуси бўлган ушбу соҳани ривожлантириш бўйича сўнгги йилларда катта амалий қадамлар қўйганимиз яққол аён бўлади.

Бугунги кунда юртимизда 1400 га яқин оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг орасида анъанавий ахборот воситалари бўлмиш газета-журналлар, теле ва радиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илғор медиа тармоқлари – рақамли ва мобиль телевидение, интернет-телевидение, интернет-радио, умуман, интернет журналистикаси миллий ахборот майдонида тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон телеканалларининг дастурлари глобал тармоқ орқали реал вақт режи-

мида дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида кейинги пайтда ташкил этилган «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари қаторида «Диёр», «Оилавий», «Кинотеатр», «Наво» каби янги телеканаллар халқимизнинг илмий-маърифий, маънавий-маданий савиясини юксалтириш, мазмунли ҳордиқ чиқаришга бўлган эҳтиёжини қондириш йўлида ўз фаолиятини такомиллаштириб бораётгани эътиборга лойиқ.

Оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналари, матбуот тарқатувчи ташкилотларни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган Президент қарорига биноан улар учун яратилган имтиёз ва преференциялар мазкур тўзилмаларнинг мустақиллигини сўзда эмас, амалда таъминлашда қулай молиявий шароит туғдириб, ушбу соҳада меҳнат қилаётган минг-минглаб ишчи ва ходимларнинг даромадини, моддий фаровонлигини ошириш билан бирга, бошқа бир қатор тармоқлар ривожига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз ахборот майдонида соғлом рақобат муҳитини яратиш, фикрлар хилма-хиллигига эришиш, матбуот минбари орқали барча ижтимоий қатламларнинг фикр ва қарашларини ифода этиш, фуқаролик жа-

миятини ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларининг фидойилари бўлган, турли долзарб масалаларни қалбидан, юрагидан ўтказиб, бу соҳанинг бошқа тармоқлардан кам бўлмаслиги учун доимо интилиб яшайдиган сиз, муҳтарам журналистлар бир ҳақиқатни албатта яхши англайсиз, деб ишонаман: бугунги кунда, айти шу мураккаб ва қалтис замонда дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни чуқур идрок этиш, уларнинг туб моҳиятига етиб бориш учун, аввало, одамларда мустақил фикрлаш ва яна бир бор мустақил фикрлашни шакллантириш талаб қилинади.

Турли ғоя ва манфаатлар кураши тобора кучайиб бораётган бугунги вазиятда ёлғонни рост, ростни ёлғон, деб кўрсатишга уриниш, ахборот-коммуникация воситаларини ўзининг узоқни кўзлайдиган манфаатларига хизмат қилишга мажбур этиш, ғаразли мақсадлар йўлида одамларни, миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларни ҳаётдан норози қилиш, турли сохта маълумотларни тарқатиш, ўзгаларни писанд қилмасдан, кучи етадиган давлатларга пўписа ва зўравонлик кўрсатиш, ҳеч ким билан ҳисоблашмай куч ишлатиш ҳолатлари авваламбор оммавий ахборот воситаларининг бугунги ўқувчи, тингловчи ва

томошабинларидан оқни қорадан, ҳақиқатни уйдирма гаплардан ажратиш учун ўзининг мустақил дунёқараши ва фикрига эга бўлишини тақозо этади.

Ҳозирги вақтда ён-атрофимизда ўзини оқламаган ва умрини ўтаб бўлган эски тизим ва мафкураларни қўмсашга бўлган уринишлар тобора тарқалиб ва кучайиб бораётган бир пайтда бундай кучларнинг қармогига тушиб қолмаслик учун ахборот соҳасида етти ўлчаб бир кесиш, халқимиз, айниқса, ёшларимизнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни иродаси мустаҳкам, иймони бақувват инсонлар этиб тарбиялашда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти тобора ортиб бормоқда ва бу ўта муҳим вазифани адо этишда биз аввало сизларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, профессионал маҳоратингиз, гражданлик позициянгизга таянамиз.

Ёшларимизни айнан ана шу руҳда – миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаб, ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтирадиган бўлсак, ҳеч шубҳасиз, эртанги ҳаётимизнинг энг мустаҳкам пойдеворини қурган бўламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, юксак касб маҳоратига эга бўлган етук журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳамон долзарб бўлиб ту-

рибди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчамиз яхши тушунамиз, бу вазифани амалга ошириш учун мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли медиакомпаниялар, чет эллардаги ҳамкасблари билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ҳақиқатан ҳам, биз ўз олдимизга ривожланган демократик давлатлар даражасига кўтарилишдек юксак мақсадни қўйган эканмиз, бошқа соҳалар қатори ахборот оламида ҳам илгарилаб кетган давлатлардан ўрганиш, айти шу асосда оммавий ахборот воситалари ходимларининг билим ва тажрибаси, касб маҳоратини оширишга жиддий эътибор қаратишимиз зарур.

Шу ўринда илгари ҳам айтган бир фикрни такрорлашни жоиз деб биламан.

Бугунги глобаллашув асрида ҳар қайси инсон, ҳар қайси касб эгасининг ўз малакаси ва савиясини ошириши учун қандайдир мафкуравий тўсиқ ва чеклашлар қолмаганини барчамиз яхши биламиз. Гап фақат ўқиб-ўрганишдан, изланишдан тортинмаслик, ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, бу йўлдан қатъият билан илгарилаб боришга боғлиқ.

Бундай долзарб вазифалар, авваламбор, олий ўқув юртларида шу соҳа бўйича дарс берадиган,

замонавий билим ва технологияларни ёшларга ўргатадиган ўқитувчи ва домлаларга тегишли, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу маънода, кейинги йилларда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан 600 нафардан зиёди хорижий давлатларда малака ошириб, тажриба алмашиб қайтгани, албатта, эътиборга сазовордир. Айти вақтда катта аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттириш ва янада кучайтиришни бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларининг жаҳон журналистикасининг илғор иш услублари ва ютуқларини, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, хорижий тилларни пухта эгаллаши учун зарур кўмак ва ёрдам бериш, шу билан бирга, сиз, ҳурматли журналистларнинг олдида пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечиш учун давлатимиз томонидан барча чора ва тадбирлар албатта кўрилади.

Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, янги омадлар тилайман.

Азиз бошингиз доимо омон бўлишини иштайман.

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2014 йил 27 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Она Ўзбекистонимизнинг равнақига улкан ҳисса қўшадиган, ҳар қайси оиланинг, эл-юртимизнинг ризқ-рўзини, дастурхонини тўкин қиладиган, одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, миришкор деҳқонларимиз фидокорона меҳнатининг натижаси бўлмиш ғалла хирмонининг йилдан-йилга ошиб бораётгани барчамизни қувонтиради ва ғурур-ифтихор бағишлайди, десам, сиз, азизларнинг, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Бугун деҳқон ва фермерларимиз, барча дала меҳнаткашларининг пешона тери, оғир ва машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнати эвазига қўлга киритилган ғалаба билан – мамлакатимиз кишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этганингиз билан сизларни чин қалбимдан самимий муборакбод этиш – мен учун катта бахт.

Мана шу қувончли айёмда бу мисли кўрилмаган ютуқнинг моҳияти ва кадр-қимматини ҳар томонлама чуқур англаш учун бир вақтлар, яъни эндигина мустақилликка эришган биринчи кунларда давлатимиз омборларида халқимизни боқиш

учун фақатгина бир ҳафта-ўн кунга етадиган ун қолганини, айтиш мумкинки, юртимиз очарчилик остонасида, жар ёқасида турганини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, биз қандай таҳликали ва хатарли замонни бошимиздан кечирганимиз ва бугунги қўлга киритган, ҳақиқатан ҳам, буюк марраларнинг баҳоси ва аҳамияти яққол аён бўлади.

Бу ҳақда гапирганда, аввало, мана шундай ёруғ кунларга етказгани учун Яратганимизга минг бора шукроналар айтишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Шу ўринда бу тарихий ютуқнинг туб моҳиятини очиб берадиган баъзи бир рақамларни эсга олишимиз табиийдир.

Бундан 23 йил олдин биз 21 миллиондан зиёд аҳолимизнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган 5 миллион тонна ғаллани четдан, катта-катта маблағлар эвазига, кимларгадир муҳтож бўлиб, ялиниб-ёлвориб олиб келишга мажбур эдик.

Бугунги кунда эса биз 31 миллиондан ортиқ аҳолимизни ўз донимиз, ўз беминнат нонимиз билан тўла таъминлабгина қолмасдан, балки чет элга ғалла экспорт қиладиган мамлакатга айландик. Ўтган давр мобайнида ўлкамизда ғалла етиштиришнинг умумий ҳажми 940 минг тоннадан 8 миллион тоннага етгани, ўртача ҳосилдорлик гектарига 17 центнердан 55 центнерга ўсгани бизнинг бу соҳада илгари фараз қилиш ҳам қийин

бўлган, қандай улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Айнан мана шу ҳолатларни қиёслаганда, юрагимиздан ўтказганда, ўйлайманки, ҳар қайси одам «Ким эдигу ким бўлдик?» деган ҳаётий ҳақиқатнинг чуқур маъносини такрор ва такрор англайди, мустақил тараққиётнинг тўғри йўлини танлаб олганимиз, халқимизнинг фидокорона меҳнати Ўзбекистонимизни бугунги кунда ўзгалар ҳавас қиладиган босқичга кўтариш учун ҳар томонлама асос бўлаётганига ишонч ҳосил қилади.

Муҳтарам юртдошлар!

Бу йилги мавсум ҳақида гапирганда, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислоҳот ва ўзгаришлар, биринчи навбатда, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб, унинг ривожини учун барча шароитларни яратиб берганимиз, бу ҳаракатнинг қишлоқда чиндан ҳам асосий куч бўлиб майдонга чиқаётгани, фермерлар, таъбир жоиз бўлса, жамиятимизнинг таянч устунига айланиб, деҳқонларимиз ўзини ернинг, мулкнинг ҳақиқий эгаси деб ҳис қилаётгани, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини ортиб бораётгани биз қўлга киритган улкан ютуқнинг ҳал қилувчи омили бўлганини таъкидлаш лозим.

Ҳаммамиз шунга гувоҳимиз – жорий мавсум ўтган йилларга нисбатан осон бўлмади. Табиат ва иқлим қийинчиликлари ғаллакорларимизнинг

иродасини яна бир бор синовдан ўтказди. Қиш фаслида совуқ ва аёзли кунлар меъёридан ортиқ бўлгани, март-апрель ойларининг биринчи ярмида ҳароратнинг одатдагидан кўра пасайиб кетгани, айрим ҳудудларда кучли жала ва дўл ёққани, сув тақчиллиги, шамол ва бўронларнинг салбий оқибатлари, турли касаллик ва ҳашаротларга қарши курашишга тўғри келгани – буларнинг барчаси деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирмасдан қолмади.

Ана шундай мураккаб шароитда дала меҳнаткашлари аввало ишни тўғри ташкил этиш, замонавий агротехнологиялардан самарали фойдаланиш, ота-боболаримизнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ғаллазорларни маҳаллий ўғит билан озиклантиришга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобидан ҳосилни сақлаб қолишга ва белгиланган марраларни эгаллашга муваффақ бўлгани ҳар қандай таҳсинга сазовордир.

Мавсум давомида ғаллазорларга жами 12 миллион 700 минг тонна, ҳар гектар майдонга ўртача 11 тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани, деҳқонларимизнинг ҳар туп кўчат устида парвона бўлиб, ўзини аямасдан меҳнат қилгани, ҳеч шубҳасиз, сара дон етиштиришда муҳим роль ўйнади.

Сўнгги йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, селекция ишларини тўғри йўлга қўйиш, ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг иқлим

ва тупроқ шароитини, сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий техника, янги комбайнлар, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материалларини ўз вақтида етказиб бериш, фермер хўжаликларини молиявий ресурслар, авваламбор, имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши курашиш бўйича шаклланган аниқ тизим асосида самарали олиб борилган ишлар бугунги муваффақиятга пухта замин бўлганини алоҳида қайд этиш ўринлидир.

Ана шундай муҳим чора-тадбирлар туфайли барча вилоятлар, жумладан, нисбатан оғир иқлим шароитида бўлган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқонлари ҳам ғалла тайёрлаш бўйича шартнома мажбуриятини муваффақиятли бажаришга эришдилар. Фарғона ва Андижон вилоятларида ўртача ҳосилдорлик 62 центнерни, Самарқанд вилоятида 61 центнер, Бухоро ва Наманган вилоятларида 60 центнер, Қашқадарё вилоятида 58 центнер, Тошкент вилоятида 57 центнер, Навоий вилоятида 55 центнер, Сурхондарё вилоятида 51 центнерни ташкил этганини бу йилги мавсумнинг энг муҳим натижаси сифатида баҳолаш лозим.

Бу борада бошқаларга ўрнак ва намуна бўлган Тошлоқ, Олтиариқ, Учкўприк, Вобкент, Поп, Учкўрғон, Иштихон, Ёждувон, Уйчи, Пешку,

Нарпай, Пастдаргом, Пахтаобод, Қўрғонтепа, Шаҳрисабз, Хатирчи, Олтинкўл, Дўстлик, Кармана, Мирзачўл, Яккабоғ, Пахтакор, Навбаҳор, Юқори Чирчиқ, Китоб, Ўрта Чирчиқ, Чиноз, Боёвут, Сирдарё, Денов туманларида ҳосилдорлик 60–70 центнердан ошганини таъкидлаш жоиз.

Юртимиздаги ўнлаб фермер хўжаликларида гектаридан 90–100 центнердан ҳосил олингани деҳқонларимизнинг қандай улкан ишларга қодир эканини кўрсатади. Шулар қаторида биз бугун Каттакўрғон туманидаги «Ҳосил», Фурқат туманидаги «Ортиқали Ғаниев», Учкўприк туманидаги «Фаровон ҳаёт сари», Олтиариқ туманидаги «Хайрулла Баҳром Бойматов», Иштихон туманидаги «Асалчи Элдор», Қува туманидаги «Олтин диёр», Бувайда туманидаги «Ёқубжон ота», «Ўзбекистон», Навбаҳор туманидаги «Очилова Инобат», Пахтаобод туманидаги «Абдулазиз», Кармана туманидаги «Амир Ғолиб келажак», «Саволтепа равнақи», Янгийўл туманидаги «Ситорахон», Олтинкўл туманидаги «Гулгун диёр имкони», Жондор туманидаги «Мурод Рустам», Қўштепа туманидаги «Абдулҳофиз Халилов», Ғиждувон туманидаги «Файз» каби фермер хўжаликларининг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин, мана шундай жонбозлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрганда, эшитганда, илгари ҳам айтган бир

фикримни яна такрорлашни жоиз деб биламан: дунёда меҳнаткаш инсонлар жуда кўп, лекин оғир синовларда тобланган, ўз фидойилиги ва матонати, чидамлиги ва олижаноблиги билан ажралиб турадиган ўзбек деҳқонларига етадиган, уларга тенг келадиган одамлар кам, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай инсонлар меҳнاتини ҳар қанча қадрлаб, уларнинг дарду ташвишлари ва эҳтиёжларига яқин бўлиб, уларни доимо рағбатлантириб, хурсанд қилиб, рози қилиб юрсак, очиқ айтаман, шахсан мен ўзимни беармон, бахтли одам деб ҳис қиламан, десам, бу ҳам ҳақиқат бўлади.

Шулар ҳақида гапирганда, бу йил етиштирилган мўл ғалла ҳосилининг 5 миллион 117 минг тоннаси, яъни 60 фоизи деҳқон ва фермерларимиз, аҳолимиз ихтиёрида қолдирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хонадонларимизга қут-барака, фаровонлик олиб кирадиган бундай қувончли ҳолатни барчамиз дала меҳнатчиларининг ўз ишидан манфаатдорлиги ортиб, машаққатли меҳнати муносиб кадр топаётганининг яна бир тасдиғи сифатида қабул қиламиз.

Азиз дўстлар!

Бугунги кунда дунё миқёсида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш масаласи тобора ўткир муаммога айланиб бораётгани, маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Ер юзида 840 миллиондан

ортиқ киши тўйиб овқатланмаётгани ташвиш уйғотмасдан қолмайди. Мана шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган, чуқур ўйланган ислохотлар ҳамда сиз, ҳурматли деҳқон ва фермерларимизнинг самарали меҳнати ҳисобидан биз халқимизни асосий озиқ-овқат, аввало, дон маҳсулотлари билан тўла ва ишончли тарзда таъминлашга эришганимиз халқаро ҳамжамият томонидан кенг эътироф этилаётгани, айниқса эътиборлидир.

Бу ҳақиқатнинг амалий ифодасини яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, энг ривожланган давлатлардан келган кўзга кўринган олим ва мутахассислар, нуфузли халқаро ташкилотларнинг вакиллари жойларда бўлиб, сизларнинг фаолиятингиз билан яқиндан танишиб билдирган фикрлари мисолида яққол кўриш мумкин. Конференция иштирокчиларининг фермер хўжалиklarини жадал ривожлантириш учун уларга давлат томонидан имтиёз ва преференциялар бериш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибасини кенг ўрганишга тавсия этгани албатта ҳаммамизга катта мамнуният етказди.

Айни вақтда барчамиз яхши тушунамизки, замон талаби тобора ўсиб бораётган ҳозирги шароитда фақатгина эришган ютуқлар билан чекланиб, кифояланиб қолишимиз мумкин эмас. Юртимизда ғаллачилик билан бирга бутун қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ва изчил ривожлантириш, бу борадаги ишларимизни янги, юксак босқичга кўтариш бўйича ҳаётнинг ўзи олдимизга янги-янги вазифалар қўймоқда. Шулар қаторида аграр соҳа самарадорлигини янада ошириш, бугунги фермерларимиз бошлаган ижобий ишларни муносиб давом эттира оладиган янги фермерлар авлодини, фермер хўжаликларини замонавий асосда бошқаришга қодир бўлган фермер-менежерларни шакллантириш каби долзарб масалалар доимий эътиборимиз марказида туриши даркор.

Қадрли ва муҳтарам дўстларим!

Бугунги шодиёна кунда сиз, азиз ғаллакорларимиз, деҳқон ва фермерларимизни чин юракдан қутлар эканмиз, улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг олам аҳлининг тўқлиги ҳам, хурсандчилиги ҳам аввало ерга уруғ сочиб, бебаҳо ноз-неъмат етиштирадиган фидойи инсонларнинг меҳнатидандир, деган ҳикматли сўзларини яна бир бор эслаймиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, сиз, лафзи ҳалол бободеҳқонлар бунёд этган юксак ғалла хир-

мони – бу аввало тинч ҳаётимиз, мусаффо осмонимиз, эзгу орзу-интилишларимизнинг мустаҳкам пойдевори, десак, янглишмаган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, омилкор деҳқон ва фермерларни, механизатор ва комбайнчиларни, кишлоқ хўжалиги мутахассисларини, бугунги улкан ҳосилга муносиб ҳисса қўшган барча юртдошларимизни бағримга босиб, яна бир бор самимий табриклайман.

Сизларга ўз номидан, бутун халқимиз номидан раҳматлар айтиб, барча-барчангизга таъзим қиламан.

Эл-юртимизни, оила ва хонадонларимизни турли бало-қазолардан Яратганимизнинг ўзи асрасин!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо нондек азиз бўлинг, кадрдонларим!

*Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
2014 йил 16 июль*

МУНДАРИЖА

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ТЎҚҚИЗИНЧИ ХАЛҚАРО МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ. <i>2013 йил 27 август</i>	3
МУСТАҚИЛЛИК – БАРЧА ЭЗГУ РЕЖА ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ МЕЗОНИДИР. <i>Ўзбекистон Республикаси мустақил- лигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи.</i> <i>2013 йил 31 август</i>	8
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚ. <i>2013 йил 27 сентябрь</i>	16
ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА. <i>2013 йил 30 сентябрь</i>	45
ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА. <i>2013 йил 25 октябрь</i>	52
МДҲ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ ТОР ДОИРАДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАНГАН НУТҚ. <i>2013 йил 28 октябрь</i>	60
ОСИЁ ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИ ФОРУМИНИНГ ОЛТИНЧИ ЙИФИЛИШИДАГИ НУТҚ. <i>2013 йил 22 ноябрь</i>	66

АМАЛГА ОШИРАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШ – ЁРУҒ КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИДИР. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза, 2013 йил 7 декабрь	80
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ. 2013 йил 19 декабрь	137
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ. 2013 йил 31 декабрь	168
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 22 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2014 йил 13 январь	174
2014 ЙИЛ ЮҚОРИ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ БИЛАН РИВОЖЛАНИШ, БАРЧА МАВЖУД ИМКОНИАТЛАРНИ САФАРБАР ЭТИШ, ЎЗИНИ ОҚЛАГАН ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИШ ЙИЛИ БЎЛАДИ. Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, 2014 йил 17 январь	183
ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ. 2014 йил 7 март	229

<p>НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ. <i>2014 йил 19 март</i></p>	238
<p>БИЗ ДОИМ ТАРИХДАН САБОҚ ЧИҚАРИБ, ТИНЧЛИКНИ ҚАДРЛАБ, ҒУРУР ВА ИФТИХОР БИЛАН ЯШАЙДИГАН ХАЛҚМИЗ. <i>Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари учун берилган интервью, 2014 йил 9 май</i></p>	244
<p>«ЎРТА АСРЛАР ШАРҚ АЛЛОМАЛАРИ ВА МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИ, УНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ РИВОЖИДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ. <i>2014 йил 15 май</i></p>	276
<p>«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА. <i>2014 йил 29 май</i></p>	307
<p>«ЎЗБЕКИСТОНДА ОЗИҚ-ОВҚАТ ДАСТУРИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ЗАХИРАЛАРИ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚ. <i>2014 йил 6 июнь</i></p>	314
<p>МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА. <i>2014 йил 27 июнь</i></p>	347
<p>ЎЗБЕКИСТОН ҒАЛЛАКОРЛАРИГА. <i>2014 йил 16 июль</i></p>	355

Каримов, Ислом Абдуганиевич.
К 25 Ўзбекистон эришган ютуқ ва марралар – биз танлаган
ислохотлар йўлининг тасдиғидир. 22-жилд/И.А. Каримов.
– Т.: «Ўзбекистон», 2014. – 368 б.
ISBN 978-9943-28-145-5

УЎК: 323(575.1)
КБК 66.3(5Ў)

Ислом Абдуганиевич Каримов

**ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН
ЮТУҚ ВА МАРРАЛАР –
БИЗ ТАНЛАГАН ИСЛОХОТЛАР
ЙЎЛИНИНГ ТАСДИҒИДИР**

22-жилд

Нашр учун масъул *Г. Азизова*
Бадий муҳаррир *Х. Қутлуков*
Техник муҳаррир *Т. Харитоновна*
Кичик муҳаррир *Д. Холматова*
Мусахҳих *М. Якубджанова*
Компьютерда тайёрловчи *К. Голдобина, Д. Габдрахманова*

Нашриёт лицензияси АІ № 158. 14.08.2009.
Босишга 2014 йил 8 сентябрда рухсат этилди. Қоғоз бичими 84x108^{1/32}.
Офсет қоғози. «Times» гарнитурасида.
Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 19,32. Нашр табоғи 14,48.
Адади 5000 нусха (1-завод). Буюртма № 14-396.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-84-20
Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10
e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz